

М. Ҳ. САИДОВ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИҚТИСОДИЁТИ, ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ВА МАРКЕТИНГИ

"МОЛИЯ"

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

М. Ҳ. САИДОВ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИҚТИСОДИЁТИ, ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ВА МАРКЕТИНГИ

Академик С. С. Ғуломов умумий таҳрири остида

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилди

Тошкент — «Молия» — 2003

65.9(2)
С 149

М. Ҳ. Саидов. «Олий таълим иқтисодиёти, инвестициялари ва маркетинги» - Т.: «Молия», 2003. 324 б.

Иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг олий ва касбий таълим истиқболини белгиловчи ва унинг сифатини оширувчи омилдир. Маркетинг ва инвестициянинг ўзига хослиги таълим муассасасининг салоҳиятини белгилаб, Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифаларини амалга ошириш учун имконият яратади.

Қўлланма олий таълимнинг муҳим бўлими ҳисобланган иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг тизими ривожланишини ўрганишга бағишланган бўлиб, олий таълимнинг раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар таркиби ва магистрлар ва бакалаврлар учун мўлжалланган.

Economy, investments and marketing are the defining factors of the higher and professional education perspectives that increase its quality. The peculiarities of the marketing and investments defining the educational institutions make it possible to implement the objectives of the National Program for training the specialists of the Republic of Uzbekistan.

The book is aimed at studying the development of the economy, investments and marketing system which are important for the higher education and it is written for top managers, professors and teachers, for bachelors and magisters.

Экономика, инвестиции и маркетинг является определяющими факторами перспектив высшего и профессионального образования, повышающими ее качество. Особенности маркетинга и инвестиции, определяя потенциал образовательного учреждения, создают возможность претворить в жизнь задачи Национальной программы по подготовке кадров Республики Узбекистан.

Книга посвящена изучению развития системы экономики, инвестиций и маркетинга, которые являются важным элементом высшего образования и предназначено для руководителей, профессорско-преподавательского состава, магистров и бакалавров.

Тақризчилар: Академик — ***М. Ш. Шарифхўжаев***
Академик — ***Ш. А. Аюпов***

SamKI KUTUBXONASI

© Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Молия» нашриёти, 2003 й.

КИРИШ

Бозор муносабатлари иқтисодиёт ривожини жадаллаштиришда катта имкониятларга эга. Бу бозорнинг хўжалик юритувчи субъектларга, жумладан, таълим муассасаларига тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар яратиб бериши билан боғлиқ. Бу ҳам тизим ботинида ва ҳам ундан зоҳирда мавжуд туб ислоҳий ўзгаришлар, такомиллашув билан боғлиқ мураккаб тақдириломон янгиланишларни кечинаётган Ўзбекистон олий таълим тизими учун жуда муҳимдир.

Аҳолининг сезиларли даражада тор ихтисослик таълимидан жадал ўзгараётган технологияларга енгил мослашиш имконини берувчи кенг, фундаменталь таълим томон ўтаётганлиги шу куннинг ўзига хос муҳим хусусияти ҳисобланади. Бу эса таълим муассасалари олдига қўйиладиган талабни, шубҳасиз, кучайтиради. Айни пайтда, олий ўқув юртлари олдида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш билан боғлиқ яна бир ўта муҳим вазифа — баркамол авлодни тарбиялаш, уларга миллий ўзликни англаш, замонавий жаҳоний тафаккурни шакллантиришдек, муҳим тақдириломон мақсаддир.

Давлатимизнинг моддий имкониятлари чеклангани боис касбий таълимни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча имкониятларини излаб топиш бир қадар мураккаб бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, олий таълим муассасалари ўз олдига қўйган вазифаларни бажариш, молиявий барқарорлигини таъминлашнинг тўлиқ имконини берувчи самарали воситаларни излаб топиш бўйича ОТМ (Олий таълим муассасалари) раҳбарияти ҳар томонлама пухта ўйланган қарорлар қабул қилишини табиий тақозо этади. Гап, биринчи навбатда, бюджет маблағларини оқилона тақсимлаш, улардан самарали фойдаланиш, турли инвестицияларни омилона жалб қила билиш ҳақида бормоқда. Ушбу муаммо Ўзбекистон учун янгилик бўлмиш олий маълумотли етук мутахассис кадрлар — магистрлар тайёрлашни маблағ билан тўлиқ таъминлашда, айниқса, кескин бўлиб турибди. Чунки якка тартибда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, педагогик ва ишлаб чиқариш амалиётига, уларга индивидуал раҳбарлик қилувчи мутахассисларга ҳақ тўлаш, ташкилотлар, корхоналар, муассасалар билан тузилган тегишли шартномаларни бажариш, моддий жиҳатдан тўлиқ қоплаш ва бошқа қўшимча сарф-харажатларни талаб этади. Боз устига, битирувчиларнинг рақобатбардош мутахассислар бўлиб етишлари учун ОТМ ўқув дастурлари, таълим усуллари

ва воситалари, уларнинг замонавий технологик жиҳозланганлиги алоҳида эътиборни тақозо қилади.

Бир томондан, абитуриентларни ўқишга жалб қилиш, иккинчи томондан, ёш мутахассисларни талаб ва таклиф асосида ишга жойлашишига кўмаклашиш — ҳозирда барча ОТМ ҳал қилаётган ягона муаммонинг бир-бири билан узвий боғлиқ яхлит муаммосидир. Нафақат, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни оқилона тўғри баҳолаш, айни пайтда, шу воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ жараёнларга фаол аралашиш имконини берувчи тўлақонли, ҳаётий ва объектив ахборотлар — самарали маркетинг асослари ҳисобланади.

Хўжалик бошқарувининг қотиб қолган тоталитар меъёрлари кузатган, бировларнинг суюкчилиги, лоқайдлиги бошқалар учун бесамар, ҳатто, ҳалокатли бўлган шароитда тегишли ахборотга тўла эга бўлиш ҳозирги кунда муваффақият гаровига айланди. Шунисн шубҳадан холики, фақат ахборотга эгаликкина, аниқроғи, хабарлорлик (информация сўзи лотинчада айнан шу маънони ифода этади) вазиятни тўғри баҳолашга, кўзланган мақсадга эришишнинг барча йўлларини мулоҳаза қилиб кўришга, бутун куч-гайратни сафарбар этиб, самарали ва олдиндан кўра билиш мумкин бўлган натижа бўйича масъулиятни зиммага олиш имконини беради.

Ўз вақтидаги аниқ ахборот, муайян объект тўғрисидаги билимлар кўлами, бозор талабини ўрганиш, асосли мулоҳаза ва мантиқий хулосалар иқтисодиётни эркинлаштириш шароитларида мамлакат олдида турган асосий мақсадли вазифаларни ҳал этишнинг зарурий калитидир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Вазирлар Маҳкамасидаги республиканинг 2002 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожи якунларига бағишланган йиғилишдаги сўзлаган маърузасида, ҳар бир муассаса, ҳар бир корхона учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш ана шундай мақсадли вазифа, леб кўрсатиб ўтди[1].

Бу муаммони ҳал этиш тўғридан тўғри кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ. Чунки «келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги бизларни ким алмаштириши, биз қандай кадрлар тарбиялашимизга тўлалигича боғлиқ»[2]. Янги билимларсиз янги кадрларни тарбиялаш мумкин эмас. Бу жараён узоқ вақт давом этади ва у мураккаб, барча давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, биринчи навбатда узлуксиз таълим тизимидаги илора ва муассасалар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилди.

---

[1] *Қаранг:* «Халқ сўзи», 2003 йил 28 февраль.

[2] *Қаранг:* К а р и м о в И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. —Т.: «Ўзбекистон», 7-ж., 1999, 381-бет.

Демократлаштириш, бозорни ривожлантириш, ижтимоий адолатни қўллаб-қувватлашнинг янги шаклларини қарор топтириш асосида жамиятни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий қайта қуриш билан боғлиқ муаммолар мажмуи мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожида шахс-давлат жамият учлиги таркибий қисмларининг ролини, ҳар бирининг ўрнини белгилашни таъминлашга қодир яхлит, аниқ механизмни тақозо этди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ана шундай механизм бўлди. Дастур фуқаро шахси, юқори малакали мутахассис шаклланишини таъминловчи таълим соҳасини барпо этишга йўналтирилган. Зеро, барча ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва уларнинг натижалари оқибатда, кадрлар билим даражаси, касбий малакаси замон талабларига ва мамлакатда амалга оширилаётган туб ўзгаришларга қанчалик мос келишига боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда умумтаълим, касб-ҳунар ва олий таълимнинг барча босқичларида ижодий тафаккур ва ташаббусни ривожлантиришга йўналтирилган шахс тарбияси устувор аҳамият касб этмоқда. Билимларни мунтазам ошириб бориш, янги ихтисосликларни ўзлаштириш зарурати меҳнат фаолиятининг асосий тамойилига айланмоқда. Айни пайтда, жамият эҳтиёжи билан, касбий таълим имкониятларини мувозийлаштириш зарур. Эндиликда ОТМ кафедралари фан, техника ва технологиядаги янгиликларни кузатибгина бормасдан, уларни таълим жараёнига ижодий тадбиқ этибгина қолмасдан, айни вақтда ўз хизмати ҳамда тайёрлаган мутахассисларини яхшигина «сотиш»нинг ҳам удласидан чиқиши лозим. Бошқача айтганда, касб-ҳунар ва олий таълимни кузатиш, баҳолаш ва бошқаришда бўйича маркетинг талқинини амалга ошириши керак, маркетинг хизмати қуйидаги масалаларни аниқлашни назарда тутади:

— ҳозирги вақтда бозорнинг таълим, ишлаб чиқариш, товарларга бўлган эҳтиёжлари қандай;

— таълим ва бошқа хизматларнинг аниқ йўналишларига талаб қандай;

— ОТМ ишлаб чиқариши мумкин бўлган товарлар, кўрсатиладиган хизматлар қиймати, даромадни баҳолаш қандай;

— хизмат кўрсатиш соҳасини ким молиялайди (маъмурият, талабаларнинг ўзи, ота-оналар, давлат, ҳомийлар) ва унинг имконияти қандай.

Маркетинг бўйича тадқиқот бозор ҳудуди аҳолисининг тоифасини, улар эҳтиёжини аниқлашдан иборат. Ихтисосланган китоблар, журналлар, телекурсатувлар, каталоглар, бўлак таълим муассасаларининг тажрибаларини ўрганишга (қиёсий таҳлил учун) бўлган кенг

қўлмдаги муммоларни таҳлил этишни кўзда тутади. Бу, умуман, иқтисодиёт, унинг айрим тармоқларининг иқтисодий мавжуд аҳволини, ривожланиш истиқболини ҳисобга олиш асосида мутахассисларга бўлган талабни шакллантириш мақсадида амалга оширилади. Иқтисодий ўзгаришлар туфайли содир бўлаётган ўзгаришларга тезда мослашувчан бошқарилишнинг бундай механизмини барпо этиш мутахассислар тайёрлаш, ишга жойлаш ва банлик жараёнини давлат томонидан бошқарилишини таъминлайди.

Бугун республикада мавжуд 63та олий таълим муассасаларида 216 минглаб ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш нуқтаи назаридан университетлар ва жамият ўртасидаги муносабатлар тизимини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятига муваффақиятли уйғунлашувга эришиш долзарб вазифадир.

Долзарблик, таълим муассасаларига етишмаган маблағ, ишлаб чиқариш, товарлар сотиш, хизмат кўрсатиш, иш бажаришдан келадиган даромадлар ва юридик ҳамда жисмоний шахслар кўрсатадиган бегараз ҳомийлик ёрдами иш ривожланиш фондини шакллантириш чуқур бевосита муносабати билан янада ошади.

Қўшлаги яна бир вазиятни назарда тутиш лозим: мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш бошланишидан кейинги йиллар мобайнида мутахассисларга бўлган талаб фақатгина ишлаб чиқариш эҳтиёжларига кўра ўрганилган. Ижтимоий талаб эса, афсуски, амалда илмий-асосли даражада ўрганилган эмас. Иқтисодиётнинг бирор соҳаси, тармоғи, ижтимоий инфратузилма ва таълим ва касб (ихтисосликнинг) йўналишлари миқёсида, ва малака (бакалавр, магистр) ва таълим (олий, ОТМ) бўйича амалга оширилмаган. Вахоланки, жаҳон иқтисодиётига чуқур кириб бориш ва унда ўзига хос ўринни эгаллаш фақат ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан етук бўлган мутахассислар тайёрлашнигина эмас, айни пайтда, ижтимоий талабларга тўла жавоб бера оладиган комил инсон, етук малакали мутахассисларни етиштиришни тақозо этади.

Олий маълумотли, рақобатбардош мутахассислар тайёрлашда асосий нисбатни белгилаш ва бошқариш билан боғлиқ маркетинг тадқиқотларини ўтказишда имкон доирасида ёрдам бериш мақсадида ёзилган ушбу китоб олий ўқув юртлари ректорларига, профессор-ўқитувчиларга, аҳолининг кенг қатламига ўзлари фаолият доираларида тегишли манфаатларини амалга оширишларида тўғри йўналиш беради, деган умиддамиз.

1-БОБ
ГЛОБАЛЛАШУВ ТЕНДЕНЦИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ГЛОБАЛ ТИЗИМИГА КИРИШИ

Инсоннинг комилликка эришувисиз жамият тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Аммо айрим вазиятларда инсонлар жамиятнинг таназзулига сабаб бўлиши мумкин. Жамиятдаги ўзгариш билан инсон қадрияти ҳам ўзгаради. Тарихдан маълумки, инқилобий ўзгаришлар кўпинча аҳоли безовталиги, ижтимоий низолар, маънавиятнинг губанланиши, инсоннинг ахлоқан тушкунлашуви билан бирга кечади. Собиқ иттифоқ парчаланиб кетганлан сўнг барча турлаги жиноятларнинг кескин ошиб кетганлиги, турли хил келишмовчилик ва низоларнинг келиб чиққанлиги, таълим даражасининг пасайганлиги тасодифий ҳол эмас. Кўп асрлик инсоният тарихи шундан далолат беради, бир тизимдан бошқасига ўтиш даврида жамият барқарор ривожланишини, кенг маънода, мамлакат миллий иқтисодий хавфсизлигини таъмин этадиган ягона куч — давлат ҳисобланади. Давлат инсоният ривожланишини таъминлаш учун уйғунлаштирувчи куч, жамиятни жипслаштирувчи, унинг бутун инсониятнинг олдига қўйилган мақсадларини амалга оширувга йўналтиришда кўмаклашувчи бўлиши мумкин.

Иқтисодий (молиявий) глобаллашув аник бўлиб қолган ҳозирги вақтда бу — жуда муҳим. Чунки у ишлаб чиқариш ва экспортдан даромадлар жуда сусг ўсаётган ҳамда хомашё товарларга нарх конюктураси, жаҳон иқтисоди барқарорлиги билан биргаликда ривожланаётган мамлакатларнинг барқарор иқтисодий тараққиёти йўлида асосий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда.

Иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви даврини кўтара олмайдиган мамлакатлар узоқ вақт жаҳон сабақасининг қуйи қаватларига қолиб кетади, жиддий иқтисодий ва фуқаровий хавфга дуч келади. Бунга Африкадаги фуқаролар уруши, давлат тўнтаришлари, бир қатор Осиё мамлакатларидаги беқарорлик,

хусусан, Ироқ теварагидаги можаролар, Лотин Америкасидаги тинчсизликлар яққол мисол бўлади.

Бундай хавф-хатар ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакатлар учун ҳам эҳтимолдан холи эмас. Югославия, Кавказ орти ва Тожикистондаги ҳодисалар айни шундан далолат беради. Шу билан бирга «илм аҳлининг чиқиб кетиши» натижасида малакали мутахассислар тайёрлаётган ривожланиш йўлидаги мамлакатлар чиқимдор бўлгани ҳолда, ривожланган мамлакатлар фойдага эга бўлмоқда.

Алюқанинг замонавий воситалари туфайли улкан молиявий чайқов бозорига айланган глобал молия бозори катта хавф туғдирмоқда. Миллатлараро жиноий, шу жумладан, мафия тузилмалари юзага келиши билан боғлиқ глобал жараёнларнинг чуқурлашуви кўпаймоқда, булар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даромад келтирувчи ҳар қандай «товар» — қурол яроғ, наркотик моддалардан тортиб, то инсон аъзоларигача барча-барчасини пуллаш пайида бўлмоқдалар. Буларнинг ҳаммасини фақат ривожланиш йўлига ўтган мамлакатлардагина эмас, балки ривожланган мамлакатлардаги кўплаб кишиларнинг глобаллашувдан хавотирга тушаётганлари билан тушунтириш мумкин, аммо глобаллашувни четлаб ҳам ўтиб бўлмайди, бу — жамият ривожидаги объектив тарихий жараён ҳисобланади.

Афсуски, жаҳон янги аср бошида на барқарорлик, на ижтимоий уйғунликка эга эмас. Биргина мана шу ҳолатни англашнинг ўзиёқ жаҳон афкор оммаси инсон ривожланишининг фақат фалсафий диалектикасинигина эмас, балки уни амалда юзага чиқаришни ҳам намойиш этадиган жамият тараққиёти парадигмасини излашни ва буни ҳар бир инсон шахсига, ҳар бир, хатто, у энг кичик хўжалик субъекти бўлса-да, алоҳида эътибор билан амалга оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон ёш мустақил давлат сифатида иқтисодий ва сиёсий муносабатлар, инсон ривожи жаҳон глобал тизимига кирар экан бу тизимда ресурс-хомашё етказиб берувчи сифатида мавжуд бўлмаслик учун · бор имкониятни қўлдан чиқармаслиги лозим. Жаҳон глобал бозорида тенг ҳуқуқли шерик бўлишга эришиш Ўзбекистоннинг стратегик вазифасидир. Бу вазифани ҳал этиш учун қуйидагиларга имкон берадиган сиёсат олиб бориш зарур:

— юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулот экспорт қилиш учун имкониятни ривожлантириш мақсадида хо-

машё товарларни экспорт қилиш тенденциясини бартараф этиш;

— энг транспортбоп, аммо қиммат турувчи товарлар — технологиялар, дастур воситалари ва ҳ.кларни экспорт қилиш учун шарт-шароит яратиш;

— ахборот технологияларини ривожлантириш соҳасидаги қолоқликни бартараф этиш.

Республикада техника, ахборот технологияси, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан глобал бозорга йўналтирилган ривожланиш моделини барпо қилиш учун иқтисодни тузилмавий ўзгартиришни амалга ошириш зарур. Амалда, бу — республика қуйидагиларга эришилиши керак деганн:

— ишлаб чиқариш замонавий технологиясини жорий қилиш, маҳсулотларни сотиш ва менежмент;

— фақат ички бозордагина эмас, балки ташқи бозорда ҳам жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчилар билан рақобатга қобил ишлаб чиқариш тузилмасини барпо қилиш.

Ички молия бозорини шакллантириш сиёсати ҳамда уни жаҳон молия тизимига интеграциясига эришиши лозим. Бу:

— ички бозордаги хўжалик субъектларининг капиталнинг иқтисодни тузилмавий қайта қуриш соҳасидан четга чиқишига ва молиявий танглик юзага келиши учун шароит яратишга олиб келиши мумкин бўлган молиявий чайқовчиликларнинг олдини олади. Глобаллашув шароитларида капиталнинг қисқа муддатли ҳаракати устидан назоратни сақлаб туриш ўтиш иқтисодиёти давридаги мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади.

— халқаро молиявий капитални мамлакатдаги хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнига жалб этиш, оқибатда, жаҳон бозорида амалда рақобатбардош бўлган мамлакат ишлаб чиқаришини жаҳон бозорида банкрот бўлишига, ёпилиш ва четга чиқариб қўйилишига олиб келмаслиги лозим;

— ташқи қарз миқдори мақбул ҳажмда бўлишини назорат қилишни таъминлайди. Ташқи қарзни юқори суръатлар билан ўсиб бориши экспортни ривожланиш суръати паст бўлган шароитда тангликка, яъни у туфайли келиб чиқадиган барча салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу маънода глобал иқтисодий жиноятчилик — наркобизнес, жиноий йўл билан топилган маблағни «ювиш», халқаро коррупциянинг барча кўринишлари билан кескин курош олиб бориш зарур, аҳолининг маълумоти, маданияти ва касб мала-

каси юқори даражаси билан нисбатан паст даражадаги даромади ўртасидаги сезиларли фарқни бартараф этишга имкон берувчи фаровонлиги барқарор ўсишини таъминлаш керак.

Ўзбекистон ривожланишининг стратегик фундаментал мақсадлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, икки вазифани бир фақтла ҳал этади: бир томондан, сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий соҳаларда суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, иккинчи томондан, жаҳон глобал ижтимоий ривожи парадигмасига тенг ҳуқуқли тарзда кириб бориши учун зарур ва етарли шарт-шароитни яратиш.

Бу стратегияга, мамлакатни ҳозирги ривожланиш босқичига марказлаштирилган иқтисоддан бозор иқтисодига, бошқарувни тоталитар тизимидан фуқаролик жамиятига, миллий анъана ва маданиятни унутишдан, уни ҳақиқий қайта тикланишига ўтишнинг ўзига хос бўлган хусусияти таъсир этмай қолмайди.

Асосий масалани — инсонни камолга етишгиришни Ўзбекистон мақсадли сиёсати асосига қўйибгина қолмай, балки бунга ҳаётда амал ҳам қила олишини ҳал этиш кўп жиҳатдан мамлакат замонавий ривожланиш технологиясини тадбиқ эта оладими, йўқми, глобал дунёга тенг ҳуқуқли бўлиб кира оладими, унинг остонасида қолиб кетмайдими, шуларга боғлиқ.

Ҳар иккала мақсадга эришиш учун, яъни жаҳон ҳамжамиятига уйғунлашиши ва Ўзбекистон мустақиллигини сақлаб қолиш учун асосий стратегиялардан бири бўлиб, кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш ҳисобланади. Бу кишиларни иш ўрни, даромад билан таъминлайди, жойлардаги ташаббусларнинг ривожланишига имкон беради, аҳоли ўртасида тадбиркорлик малакасини кенг ёяди, миллий-маданий қадриятларни ифода этади, кейинги, яъни мамлакат мустақиллиги эълон қилинган кейин ўтган ўн йилдаги мамлакат иқтисоди ва фуқароларида юз бераётган ўзгаришривожланишлар сезиларли даражада иқтисоднинг глобаллашишидан далолат беради. Мамлакат бозор томон улкан қадам ташлади. Инсон омилининг ривожи индекси кўрсаткичи бўйича Ўзбекистоннинг рейтинги ошди.

Бу кўрсаткичнинг ўзгаришига қандай омиллар ижобий шарт-шароитни вужудга келтирди? Бу, биринчидан иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги тадрижийлик бўлиб, у кескин иқтисодий пасайишларни четлаб ўтишига имкон беради. Бу ҳол «фалаж терапия» йўлини танлаган давлатларда намоён бўлди. Фаол инвестиция сиёсати, бу — иқтисодни, биринчи

галда, саноат, инфратузилмаларни тузилмавий қайта қуришга имкон яратади. 1996 йилдаёқ Ўзбекистон иқтисодидаги пасайиш тўхтатилди ва унинг ўсиши кузатила бошланди.

Иккинчидан, бу — давлат сиёсатини ижтимоий йўналганлиги: иқтисодий эҳтиёжлар учун бутун ислоҳотлар даврида бюджет маблағининг 40% дан 50% гача миқдори сарфланди.

Учинчидан, бу — 1997 йилдаги Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш билан боғлиқ таълим даражасидаги жиддий ўзгаришлар, мажбурий тўққиз йиллик таълимдан сўнг касб-ҳунар ассоциацияларида таълимни давом эттирувчи болалар миқдорининг ошиши, шунингдек ОТМларга қабул қилинувчи талабалар сони кўпайганлиги. Бундан ташқари соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижобий натижалари кўрина бошлади. Мамлакатда босқичма-босқич иқтисодиёт, сиёсат, маънавият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш жамиятни янада тараққий эттириш ва фаровонлаштириш йўлидаги мавжуд имкониятларни фаоллаштиришга имкон берди.

Янги аср бошида Ўзбекистон танглиққача 1990 йиллар бошларигача бўлган ишлаб чиқариш хажмини амалда тиклашга муваффақ бўлди, шунингдек инсон тараққиёти индекси бўйича БМТ рейтингидаги мавқеини тиклади. МДҲ мамлакатларидан биронтаси ҳали бунга эришиа олган эмас.

Иқтисодий ўсиш, гарчи аҳоли даромадидаги фарқ даражаси катта бўлса-да, аҳоли даромади ўсиши учун табиий база бўлди ва жамиятдаги ижтимоий турли-туманлик сезиларли эканлигидан далолат беради. Бунинг сабабларидан бири — иқтисоднинг турли секторлари ва мамлакатнинг турли минтақаларида даромад олиш имкони тенг эмаслигида. Даромадлар дифференциациясига ҳамон қишлоқ жойлардаги ошкора бўлмаган ишсизлик салбий таъсир кўрсатмоқда, ваҳоланки, бу жойларда аҳолининг 63% дан ортиғи истиқомат қилади ва кичик ҳамда ўрта бизнес ривожланиш даражаси етарли эмас.

Гарчи оилалар пул даромадининг 50% га яқини тадбиркорликнинг турли шаклари ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятидан келадиган даромадлар ташкил этса-да, шунга кўра мамлакатда тадбиркорлик кенг ёйилганлиги ҳақида гапириш ўринли бўлмайди. 1999 йилда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ЯИМдаги улуши 34,6% га ошди, агар якка тартибда тадбир-

корлик, шунингдек, аграр сектор ҳам ҳисобга олинса, 39,1% га етади.

Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий ҳимоялашнинг нодир тизими барпо этилган. У ҳақиқатдан ҳам ижтимоий ёрдамга эҳтиёжманд оилаларни аҳолининг барча табақалари тан олган ва ҳурмат қиладиган фуқаролар ўз-ўзини бошқариш институти — маҳалла орқали белгилайди. Хукуматимиз томонидан 2003 йил «обод маҳалла йили» деб эълон қилинди. Бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ана шу восита орқали ҳозирда ёш болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Тизим кўп ёқлама афзалликларга эга: биринчидан, мавжуд ва аҳоли ўртасида обрўга эга тузилмага таянади; иккинчидан, ҳақиқатдан ҳам моддий ёрдамни манзилли тақсимлаш очиқ-ошкоралигини таъминлайди; учинчидан, ҳам қарор қабул қилувчи идоралар учун, ҳам ёрдам сўраб мурожаат қилувчи оилалар учун кам машаққатли ва қулай.

Тўловларнинг манзилли тавсифи бюджет маблағидан анча самарали фойдаланишга имкон берди, шу билан бирга, кам таъминланган оилаларга бериладиган нафақа(моддий ёрдам ҳамда болаларга нафақа) 1996 йилги ўртача иш ҳақи 41% идан 1999 йилда деярли 60% ига ўсди.

Ишсизлик муммоси Ўзбекистон учун энг долзарб муаммолардан бири. Мамлакатда аҳолини меҳнат билан бандлиги минтақавий дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Ҳар йили 350 минг янги иш ўрни, асосан қишлоқ жойларда, бунёд этилмоқда, бу жойларда аҳолини кўпайиш суръати юқори ва ошкор бўлмаган ишсизлик мавжуд. Ишсизлик бўйича статистика кўрсаткичи унча катта эмас 0,4-0,5%, лекин, бу, биринчидан, ишсиз сифатида меҳнат биржасида расмий рўйхатга олинган иш билан банд бўлмаганлар тоифасини акс эттиради. иккинчидан, бу кўрсаткич тўққиз йил мобайнида икки баробар ошди. Бандлик муаммосини ҳал этиш кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни истиқболли ривожлантириш билан жипс боғлиқ.

Аҳоли соғломлигининг асосий мезони — умр кўриш давомийлиги — Ўзбекистонда барқарор ҳолда бўлиб, 70,3 ёшни ташкил этади. Кейинги 10 йил ичида шаҳарда яшаётган эркаклар ҳаётининг кутилаётган давомийлиги сезиларли ошди, МДҲдаги кўпчилик давлатларда шу муддатда бу кўрсаткич камайиш томон кетмоқда.

Республикада аёллар ва болаларга алоҳида ғамхўрлик қилинади. 1998 йилги Ўзбекистон Президенти ташабусси билан «Оила йили», 1999 йилни «Аёллар йили» ва 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши бунинг ёрқин далилидир. Фарзанд кўриш ёшидаги аёллар ва болаларни соғломлаштириш бўйича мужассама дастурни жорий этиш, касалхона ва поликлиникаларда оналар ҳамда болалар учун махсус соғломлаштириш ва даволаш марказларининг очилганлиги, бошқа тадбирлар оналар ва болалар соғлиғини яхшилаш имконини берди. Сўнгги йилларда туғилиш, чала туғилиш ва чақалоқлар ўлими анча камайди, шунингдек вазни (2500 грамм ва ундан) кам туғилувчилар ҳам озайди.

Ўзбекистон УСТ 50 йиллиги муносабати билан аёллар ва болалар соғлиғини сақлаш соҳасидаги улкан ҳиссаси учун мукофотга сазовор бўлди.

Шу билан бирга сўнгги вақтлардаги, нисбатан Ўзбекистон учун янги бўлган аҳоли соғломлиги борасидаги ҳам табиий, ҳам ижтимоий бўлган салбий вазият ташвиш туғдиради. Туберкулёз билан ҳасталаниш, соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилаётган молиявий ресурслардан ҳамиша ҳам етарли даражада фойдаланмаслик, аҳоли даромад даражаси пастлиги ана шулар жумласига киради.

Таълим соҳасига келсак, мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолисининг саводхонлиги 1991 йилдаги 97,7% дан 1999 йилда 99,2% га кўтарилли ва дунёдаги энг юқори кўрсаткич бўлиб қолмоқда.

Бу биринчи галла, ўтган аср бошларида туғилган кексаларнинг табиий тарзда камайиши билан боғлиқ, чунки улар ўртасида саводсизлик даражаси анча юқори бўлган. Шу билан бирга бу кўрсаткич саводхон ва маълумотли аҳолига қаратилган давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналтирилганлиги билан тавсифланади. Давлат бюджетини шакллантириш билан боғлиқ вазиятни мураккаблигига қарамай унинг таълимга бўлган сарфи барқарор тарзда юқорилигича қолмоқда. 1990-1991 йилларда бу кўрсаткич бир қадар (20% дан 17% га) камайгани ҳолда 1992 йилдан унинг тобора ошиб бориш ҳолати кузатилмоқда, бу ҳол кейинги йиллар мобайнида сақланиб колмоқда.

Маълумотлилар сони 1999 йилда 6,8 млн нафардан ортиқни ташкил этади. 1991 йилда улар 6,3 млн. нафар бўлган.

Таълим тизими барча даражасида ўқийдиганларнинг миқдори 10 минг аҳоли сонига олганда 1995 йилдаги кескин пасайишдан (2563 нафаргача) сўнг оша бошлади ва 1998 йилда 1991 йилдаги даражадан кўтарилади (2002 йилда 2824 нафарга етади).

Аҳоли саводхонлик даражасининг ошиши таълим кўрсаткичи даражасининг ошиши билан бирга борди. Агар 90-йилларнинг бошларида аҳоли ҳар бир 1000 нафарига тўлиқ ва тўлиқмас олий маълумотлилар 142 нафарни ташкил этган бўлса, ўрта махсус маълумотлилар 199 нафарни, умумий ўрта маълумотлилар 480 нафарни ва тўлиқсиз ўрта маълумотлилар 127 нафарни ташкил этган. Ҳозир эса бу кўрсаткичлар мувофиқ тарзда 143, 200, 485 ва 150 нафарга тенг.

Республикада хаста ва ногирон болаларни ўқитишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда ақлий ва жисмоний ривожланишда орқада қолган болалар учун 86 мактаб, турлича хасталикка эга болалар учун 5 санаторий-мактаб, 17 санаторий-мактаб-интернат ишлаб гурибди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон барча болалар учун мажбурий таълимни зарур даражасини таъминлашга интилмоқда.

Келажак авлодни тарбиялашнинг муҳим бўғини бўлиб, болалар ва ўсмирлар учун қўшимча таълим ҳисобланади, шунинг учун у давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. 2002 йилда Ўзбекистонда 586 та мактабдан ташқари муассаса бўлиб, булардан 497,9 минг нафар бола таълим олган.

Ўзбекистонда иқтидорли болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ мақсадга қаратилган давлат сиёсати олиб борилмоқда. Қобилиятли ўғил ва қиз болаларни аниқлаш бўйича махсус жамғармалар — «Умид», «Улуғбек», «Камолот», «Устоз» — ташкил этилган, иқтидорли ёшларни хориждаги етакчи олий ва илмий марказларда ўқишлари ва малака ҳосил қилишлари уюштирилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бир қатор халқаро ва чет эл ташкилотлари (Умумжаҳон банки, Осий банки, OECF, GTZ, TACIS, USAID ва бошқалар) томонидан қўллаб-қувватланди. Булар Ўзбекистонга кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, дарсликлар нашр этиш, ўқув-методика қўлланмалари яратиш, таълим тизими моддий техника негизини янада яхшилаш, бошқариш самарасини ошириш,

таълимнинг тажрибавий методларини амалга оширишда кўмак бермоқдалар.

Энди Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналиши қандай эканлигини кўриб чиқамиз.

1991-1995 йиллардаги ЯИМ ҳажмининг сезиларли пасайишидан сўнг 1996 йилда мамлакат иқтисодининг барча соҳалари — саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо соҳаси ва аҳолига пулли хизмат кўрсатишда ишлаб чиқариш хажмини ошириш ҳисобига иқтисодий ўсишни таъминлашга эришади. Йиллик инфляция суръатини уч рақамли миқдордан (ислоҳ бошларидаги) 1999 йилда 26% гача қисқартиришга эришилди. 1994 йилда миллий валютани жорий этиш пул сиёсатидаги асосий ютуқ бўлди, бу мамлакат иқтисодини ташқи иқтисодий беқарорликларга анча кам таъсирчан қилди.

Ижтимоий аҳамиятга молик сарфларни молиялаш ва иқтисодни барқарорлаштириш учун меъёрий бюджет тақчиллигининг таъминлангани молиявий сиёсатнинг асосий натижаси бўлди. Бюджет тақчиллиги хажми 2002 йилда ЯИМга нисбатан 0,8% дан ошади. Давлат бюджетининг ЯИМга нисбати 1991 йилдаги 51% дан 1999 йилда 30% га пасайди. Сўнгги йилларда тўғридан тўғри солиқлардан тушумларнинг улуши камайди, бу бевосита солиқлар ҳисобига шундай бўлади, яъни солиқ залвори ишлаб чиқарувчилар зиммасидан истеъмолчилар зиммасига ўтади. Шу билан бирга, ўрта ва йирик корхоналардан олинадиган солиқ даражаси юқорилигига қарамай, ошкормас — айниқса кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги солиқ тўланидан бўйин товловчи шўъбанинг улуши ҳозирча сезиларли даражада.

Мамлакат хўжалик ҳаётида давлатнинг иштирокини жадал қисқартиришга қаратилган айрим МДҲ мамлакатларидаги институционал сиёсатдан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш йўли жонланди. Бу йўл иқтисодда, шу жумладан давлат инвестицияси, хусусий секторларга инвестцияларни рағбатлантириш, чет эл инвестициясини жалб этиш, шунингдек, муҳим тармоқ ва корхоналарни тузилмавий қайта тишкил этиш ҳисобига тузилмавий ўзгаришларни ҳам бир вақтда олиб боришни кўзда тутади. Бундай сиёсатни амалга ошириш давлатнинг фаол иштирокида мумкин бўлди. Бунинг натижаси сифатида кейинги беш йил ичида инвестициянинг ошганини кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга инфляция юқори бўлган даврда молиявий ресурсларнинг бир

қисмини йўқотган корхоналар молиявий имконидан ўсиш суръати юқори бўлди. Шунинг учун инвестиция таркибида кейинги беш йил мобайнида сезиларли улуш бюджет маблағи ва чет эл инвестицияси ҳамда кредитлари ҳиссасига тўғри келди.

1995-1996 йилларда республикада ЯИМ тўпланишининг *ўлуши ислоҳот бошлангич даври учун анча юқори эди* — 23-25%, лекин бу кўрсаткич 90-йиллар охирига келиб 15-16% га пасайди, бу бир томондан, хусусий сектор молиявий имкони, иккинчи томондан, ҳукумат ижтимоий нуфузи чеклангани билан тавсифланади.

Бозор ўзгариши ЯИМда савдо ва хизмат соҳасининг ошишига олиб келди. Экспортдан олинадиган соф солиқ ва даромад ошди. Бу омиллар, шунингдек, рақобатбардош бўлмаган ишлаб чиқаришга барҳам бериш, кооператив алоқалар бўйича *етказиб берилган маҳсулотларга шерикларнинг ҳақ тўлай ол*маслиги ва самарасиз ишлаётган корхоналарни қайта тузиш объектив тарзда саноат маҳсулотининг ЯИМдаги улуши 1992 йилга нисбатан деярли 2 марта пасайишига олиб келди.

Шу билан бирга саноатда Ўзбекистон учун янги автомобилсозлик тармоғи барпо этилди, нефт маҳсулоларини ишлаб чиқариш ўсди, электроника, кимё-фармацевтика ва бошқа юксак технологияли соҳалар ривож топди.

Саноатнинг қайта ишлаш тузилмаларида техникавий қайта қуролланиш ва қайта тузиш туфайли машина ва ускуналарнинг улуши ошмоқда. 1995-1998 йилларда у саноат-ишлаб чиқариш асосий фондлари ҳажмида 37,7% га ошди. Шу билан бир вақтда асосий фондларнинг путурдан кетиши қора металлургия корхоналарида (2002 йил бошида 41%), рангли металлургияда (60,6%), қурилиш материаллари саноатида (42,54%) юқорилигича қолмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги тузилмавий ўзгаришлар Ўзбекистонга дон мустақиллигини ва жаҳон пахта толаси бозорида барқарор ўринни сақлашни таъминлади. Ташқи иқтисодий алоқалар жаҳон хўжалигига уйғунлашиш нуқтаи назаридан иқтисодий тузилмавий қайта қуришнинг муҳим тузилмавий омили ҳисобланади. Ислоҳотлар даврида ташқи савдонинг анъанавий йўллар орқали ташқи иқтисодий фаолиятни — экспорт ва импортни, чет эл инвестициясини, мамлакат ишлаб чиқарувчилари халқаро кооперациясини ривожлантиришни амалга ошириш туфайли Ўзбекистон халқаро меҳнат тақсимоти

тизимида ўз иштирокини сезиларли даражада кенгайтирди. Ташқи савдо айланиш таркибида узоқ хориж билан экспорт-импорт операцияларининг салмоғи 70% дан ортиқроқни ташкил этади. Импорт таркибидаги озиқ-овқат улуши қисқарди, машина ва ускуналар салмоғи ошди, бу корхоналарнинг техника билан қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга имкон яратди. Пахта толасининг улуши тайёр маҳсулот сотиш ҳисобига пасаймоқда. Сўнгги икки йилда ташқи савдо айланишида ижобий ўзгариш таъминланмоқда.

Кичик ва ўрта бизнеснинг аввалги вақтларга нисбатан анча жадал ўсиши Ўзбекистон учун хос муҳим иқтисодий хислат бўлиб қолмоқда. Бу жиҳатдан Ўзбекистон умумжаҳон йўналишида кетмоқда, чунки бу йўл жаҳоннинг кўпгина ривожланган мамлакатларида кузатилмоқда. 1999 йилда кичик ва ўрта бизнесда банд республика аҳолисининг солиштирма миқдори 7% ни ташкил этди. Бунда кичик ва ўрта корхоналарнинг ЯИМдаги салмоғи 34,6% га етди.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг 1999-2000 йиллардаги иқтисодий ривожланиши асосий жиҳатларига инсоннинг ривожи нуқтаи назаридан қуйидагиларни келтириш мумкин:

— ЯИМ ўсиши аҳоли ўсишидан олдинда бормоқда, бу мамлакатда турмуш тарзининг ошишига олиб келмоқда;

— асосий капиталга инвестициялар қўйиш суръати юқори (олис истиқболда иқтисоднинг ўсиш омили);

— иқтисодий ўсиш ижобий суръатда инфляция тизимини барқарорлаштиради, бунинг натижасида аҳолининг чинакам даромади ва турмуш даражаси ошади.

Шу билан бирга мамлакатдаги иқтисодий ўсишнинг барқарор тавсифи ҳақида гапиришга ҳали эрта, чунки:

— Ўзбекистон иқтисодий тузилиши ҳамон агаро-саноат тавсифини сақлаб қолмоқда;

— жамғарманинг солиштирма салмоғи ЯИМ таркибидаги саноат маҳсулоти 20% дан кам бўлган ва маънавий эскирган, пўрдан кетган ускуна ҳамда технологиялар солиштирма салмоғи юқори бўлган мамлакат учун жуда оз;

— ишсизлик даражаси, сезиларли даражада ошмаса-да, анча юқори ва иқтисоднинг фойдаланилмаган сезиларли имкониятини акс эттиради. Бу мамлакатдаги ижтимоий вазиятгина эмас, балки иқтисодий вазиятга ҳам салбий таъсир этади.;

— таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларидаги тузилмавий ўзгаришлар якунига етмаган.

SamKI
KUTUBXONASI

Тузилмавий ўзгаришларда ижобий натижаларга эришиш учун «ўсиш» тармоғини, яъни иқтисодиёт бўғинларини, аниқ белгилаш зарур, чунки булар бозор талабларига тадрижий суръатда мослашади, экспортга ишлаб чиқариш асосида улкан имкониятга эга бўлади.

Жамият куч-гайратини ҳаётий муҳим ижтимоий муаммоларга қаратиш фақат ўтиш даври қийинчиликларинигина бартараф этишга (буниг аҳамияти кам эмас) имкон бериб қолмай, балки фуқароларнинг миллати, диний этиқоди, жинси ва ёшидан қатъий назар, уларнинг яхши яшаш учун табиий интилишларида жипслаштиради ҳам. «Яхши» дегани нимани англатади? XXI асрда Ўзбекистоннинг қиёфаси қандай бўлади? Мамлакат Президенти И. А. Каримов халқни, қисқа ва лўнда шиор: «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» остида жипслашишга даъват этади. Янги асрдаги мамлакат улуғворлиги нималарда кўринади? Шуни тўғридан-тўғри айтиш лозимки, Ўзбекистон ўз улуғворлигига бошқа давлатлар манфаати ҳисобидан эришмоқчи эмас. Буюк келажакка интилиш қуйидагиларни англатади:

— узоқ ўтмиш ва яқин ўтган даврда юртимизда истиқомат қилган ва қилаётган барча миллат маданияти, маънавий ва илмий меросини тиклаш;

— ўз турмушига таъсир кўрсатувчи у ёки бу қарорларни қабул қилишда шахснинг тўлақонли иштирокини таъминловчи демократик анъаналарни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

— камбағаллик ва тенгсизликни бартараф этиш учун, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, фан учун ресурслар етказиб бурувчи, шу йўл билан аҳоли узоқ умр кўриши ва турмуш фаровонлигини таъминловчи иқтисод самарали тузилмасини барпо этиш;

— янгилик, илғор бўлган жароённи тезда қабул қилишга кўмаклашувчи шароитни шакллантириш ва уни амалда тадбиқ этиш;

— дунё глобал иқтисоди ва сиёсатида ўзига муносиб ўринни эгаллаш.

Мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар ҳар бир ўзбекистонлик учун муқаддас бўлган ана шу мақсадларга эришишга йўналтирилган. Бугунги Ўзбекистон – ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакат. У бозор иқтисодига асосланган иқтисодий тизимни бунёд этмоқда.

Шу маънода иқтисодий ислоҳотлар инсон ривожида давомли барқарор тараққиётга эришиш учун таянч имкониятга айланмоқда, булар, ўз навбатида, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга кўмаклашиши лозим. Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни бир қадар шарҳлаб ўтамиз.

Ўзбекистон пахта толаси ишлаб чиқариш, олтин, айрим рангли ва нодир металлар заҳираси бўйича дунёда етакчи ўринларнинг бирини эгаллайди. Тўқимачилик, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек қишлоқ хўжалик техникаси, тўқимачилик машиналари ва ускуналари тайёрлашни кенгайтириш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон, энг янги ташкилий ва ишлаб чиқриш технологиялардан фойдаланса, бу соҳалардаги нисбатан устунликларини анча ошириши мумкин бўлади. Буларни жадал тадбиқ этишни молиявий ресурслар тақчиллиги ва мулк ислоҳоти ҳали тугалланмаганлиги секинлаштирмоқда.

Ўзбекистонда мулкни ислоҳ қилиш иқтисодиниг барча тармоқ ва секторларини қамраб олган. Бу шунга боғлиқки, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг кутилаётган тарихий ва сиёсий натижаларига ҳар бир алоҳида олинган корхона фаолияти самараси учун ўз мулки ва муваффақият билан масъул бўлган мулкдорлар табақаси юзага келмаса, эришиб бўлмайди. Мулкий муносабатларни ислоҳ қилишнинг асосий механизми — давлат корхоналарини хусусийлаштириш, мустақил ривожланган янги хусусий секторни рағбатлантириш, чет эл хусусий инвестицияларни жалб этиш. 2002 йилда давлат тасарруфида бўлмаган секторнинг Ўзбекистон ЯИМдаги улуши — 73,3% ни ташкил этди.

Сўнги йилларда ислоҳот жараёнига йирик корхоналар, жумладан, иқтисодиниг таянч тармоқлари тортилмоқда. Мазкур жараёнга чет эллик инвесторларни жалб этиш кўлжалланмоқда, бу бозор муносабатларининг шаклланишини жадаллаштиришга, корхонани техникавий қайта қуроллантириш, иқтисодга қўшимча валюта ресурсларини, менежментнинг янги усулларини тадбиқ этишга кўмаклашади.

Ўтган давр мобайнида хусусийлаштириш жараёни «эшша» ва майда иқтисодиётни турли соҳаларидан кенгроқ янги ва янги корхоналарни қамраб олиб бормоқда. Аммо тажриба шуни кўрсатдики, қишлоқ хўжалиги соҳаси учун самарали механизм кўрсатиш, унга самара корхоналарни ягона мулкдорлик ва бошқариш ҳолда, [illegible] фаолиятини

жуда кам нарсани ўзгартирди. Акциялаштиришнинг ўтказилишига қарамай, кўпгина корхоналар собиқ, бозорга хос бўлмаган тизимдаги тарзда фаолият кўрсатишда давом этаверди. Бунинг асосий сабаби шундаки, корхоналарнинг реал янги мулкдорлари юзага келмади. Кўпгина ҳолларда корхона директори ва меҳнат жамоаси, корхона акцияларининг сезиларли қисмига эга бўлганлари ҳолда ислоҳотларни ўтказишга тўсқинлик қиладилар, бу ўз навбатида қўшимча иш ўринларини йўқотиш, корхонанинг яхши иш олиб бормаётган директори ва менежерларини лавозимдан четлатишга тўсқинлик қилади. Бу хусусийлаштириш сиёсатида кескин бурилиш ясашни талаб этади:

— асосий масъулиятни ёппасига хусусийлаштиришдан мулкчилик муносабатларини такомиллаштиришга, тайинли мулкдорларни шакллантириш учун қулай шарт-шароит яратишга, меҳнат жамоаси бўлмаган чет эл инвесторларига, хусусий шахсларга, хусусийлаштириш жамғармаларига қаратиш;

— монополияга қарши қонунчиликни кескинлаштириш бўйича, монопол тузилмалар сонини қисқартириш ва уларни тугатиш бўйича мужассама чораларни амалга ошириш;

— хусусийлаштириш жараёнларида иштирок этувчи институтлар тизими ва усулларини такомиллаштириш;

— фонд бозорини мустаҳкамлаш, шу жумладан, қимматбаҳо қоғозлар бозори, суғурта компанияларини фаоллаштиришга кўмаклашувчи тузилмаларни барпо этиш;

— истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизмини тузиш, шу жумладан жамоатчилик бирлашмалари орқали ҳимояни амалга ошириш;

— ҳар бир давлат корхонасини алоҳида хусусийлаштириш режасини ишлаб чиқишга киришиш ва хусусийлаштирилгандан сўнгги бизнес — сиёсат режасини тузиш;

— танлаш асосида давлат улиши бўлмиш мулкни ишончли бошқарувчиларни танлаш.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ўзига хос хусусиятга эга. Ер Ўзбекистон қонунчилигига кўра давлат мулки объекти ҳисобланади. Шунинг учун мамлакат қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ерни хусусий мулк қилиб бермаслик асосида мулкдорлар табақасини шакллантиришга қаратилган. Бунга қуйидагича эришилади:

— собиқ колхозларни пайли, йил учун хўжалик ишлари якуни бўйича унинг ҳар бир аъзоси дивиденд олиши мумкин

бўлган пайчилик ширкатларига айлантириш. Фақат 2002 йилдагина 1888 қишлоқ корхонаси қишлоқ хўжалик ширкатларига айлантирилди, улар умумий миқдори 963 тага етди, бу барча жамоа хўжаликларнинг 71% ини ташкил этди;

— қишлоқ хўжалик корхоналари учун муддатсиз фойдаланиш учун давлат томонидан бериб қўйилган, пудратчиларга бириктирилган ижара пудратинг турли шакллари (ширкат, оила пудрати)ни кооператив қишлоқ хўжалик корхоналари орасида жорий этиш. Агар 1998 йилда ер пудрати жамоаларга бир йилга бириктирилган бўлса, 1999 йилда уч йилдан кам бўлмаган муддатга бириктирилади;

— кўплаб фермер хўжаликларни тузиш, яъни ер 50 йилгача, аммо 10 йилдан кам бўлмаган узоқ муддатли ижарага бериладиганларни тузиш;

— умрбод фойдаланиладиган ерга эга деҳқонлар товар хўжалигини юритиш учун шароит яратиш.

Ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари қарор топиши учун қишлоқ ишлаб чиқариши ва бозор инфратузилмасини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади, бу уларга моддий-техникавий ва молиявий ресурслар олишга, маҳсулот сотиш бозорига киришни таъминлайди, шунингдек, тупроқ ҳосилдорлигини оширади, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга кўмаклашади.

Банк секторидаги ислоҳотлар жорий ва узоқ истиқболда ривожланиши учун пул маблағининг ўсиши анча сифатли даражада қаноатлантиришни таъминлайди. У қуйидагиларга қаратилган:

— икки босқичли банк тизимини янада ривожлантириш, мустақил пул-кредит сиёсатини юритиш, амалдаги қонунчиликка тижорат банклари томонидан амал қилиниши устидан назоратни амалга оширишни мустаҳкамлаш;

— тижорат банкларнинг қонунчиликда белгиланган банк фаолияти кўрсатиши меъёри ва доирасида мустақиллигини ошириш;

— банк соҳасидаги хусусийлаштиришни чуқурлаштириш ва хусусий банклар ривожини рағбатлантириш, банкларни бошқаришда акциядорлар аҳамиятини ошириш;

— банкларнинг устав капитали ошиши ва чет эл инвесторларининг маблағлари ҳисобига барқарорлиги ошиши;

— банклар фаолияти тезкорлиги ва ишончлилигининг ошиши (демак, банк тизимига мижозлар ишонч даражасининг

ҳам ошиши), шу негизда аҳолидан жалб этиладиган депозитларнинг кескин ўсиши;

— банк хизмати тизимининг кенгайиши, банк тузилмасининг юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамланиши.

Иқтисодни қайта ўзгартиришдан иқтисодий, ижтимоий, молиявий ва ишлаб чиқариш бўйича мамлакат хавфсизлигини, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишни унинг табиий-иқтисодий имкониятларидан фойдаланишни таъминловчи юқори технологиявий рақобатбардош тузилмани яратиш кўзда тутилади.

Тузилмавий ўзгаришларнинг биринчи босқичида экспортга хомашё чиқариш ўрнига импортни ўрнини босадиган ишлаб чиқариш тузилмасини шакллантиришга устуворлик берилди. Бироқ XXI асрда, узоқ муддатли истиқболни назарда тутиб, фақат импортни алмаштириш стратегиясида, хатто 4-5% даражада ҳам ЯИМ барқарор ўсиш суръатига эришиш мумкин бўлмайди. Шунга кўра иқтисод ривожланишининг ҳозирги босқичида тузилмавий ўзгаришлар қайта ишловчи саноатга етакчи ўринли экспортнинг ўрнини босувчи иқтисодни шакллантиришга қаратилмоғи лозим.

Экспортга йўналтирилган иқтисодни шакллантиришдан мақсад максимум фойда олиш ва жаҳон иқтисодиётига уйғунлашиш ва глобаллашиш жараёнидаги рискни минимумга келтиришдан иборатдир. Бу рақобатбардош ишлаб чиқаришни ва фаолият турларини, яъни ҳам ташқи, ҳам ички бозорлардаги талаб тузилмасига мосланган, экспортдаги хомашёнинг устунлигидан тўла қайта ишланган маҳсулотларни кўпайтиришни ривожлантириш талаб этилади.

Ўртача муддатли истиқболда (2000-2005 й.) тахминий ҳисоб-китоб ва мўлжалларга кўра саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати Ўзбекистонда йилига 8-9%ни, қишлоқ хўжалигида 7-8%ни, хизмат кўрсатишда 7-9%ни ташкил этиши керак. Бунга енгил, озиқ-овқат, кимё саноати, тўқимачилик ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини аниқ мақсадли жадал ривожлантириш ҳисобига эришиш мумкин. Экспорт таркибида пахта толасининг улуши қўшилган қиймат салмоғи юқори бўлган тайёр саноат маҳсулоти экспортини жадаллаштириш ҳисобига қисқартириш лозим. ЯИМ дефлятори бўйича ҳисобланган инфляция даражаси ўртача ойлик ҳисобига кўра 0.5-1% дан ошмаслиги керак. Бу миллий жамғарма ва инвестициялардан самарали фойдаланишга имкон берди. Тузил-

мавий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, аввало мавжуд секторда ва банк соҳасида, инвестициялардан самарали фойдаланишни 1,5-2 марта оширишга имкон берди.

Бундан ташқари, таълим ва соғлиқни сақлашнинг анча юқори сифатига эришишга қаратилган инвестицияларни ошириш тажрибадан маълум бўлишича, глобал иқтисод шароитларида муваффақиятли ривожланиш учун жуда муҳимдир. Бозор иқтисоди — ташаббус асосан аҳоли зиммасига тушадиган иқтисод ҳисобланади. Мана шунинг учун ҳам глобал бозор тақдим этадиган иқтисодий муқобилликни танлаш ва фойдаланиш учун маблағ ва қобилиятга эга бўлмоғи керак. Шунинг учун ислоҳотнинг асосий мақсади инсонларга ривожланиш учун иложи борича юқори даражада имкон бериши лозим. Бу фақат сифатли таълим ва соғлиқни сақлаш тизими хизматини эмас, айни пайтда, тўлиқ маълумотни ҳам (масалан, Интернет орқали), шунингдек,гояларни муҳокама қилиш учун очиқ анжуманни (жумладан, эркин ва рақобатбардош ахборот воситалари орқали) таъминлашни ҳам ўз ичига олади.

2-БОБ
ИҚТИСОДНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ШАРОИТЛАРИДА ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2.1 Янгича шароитлардаги таълим стратегияси

Шарқда анъанага кўра ҳамиша билим олишга, маориф ва таълимга ижобий муносабатда бўлинган. Халқда шундай нақл бор: «Илм — зиё, илмсизлик — зулмат». Бугунги, мамлакатимизнинг янги тарихи, мустақиллик тарихи бошланган кунда, аждодлар ўгити асосида ўз давлатимизни қуриш бошланган даврда, миллий анъаналарга, миллий қадриятларга содиқликни сақлаган ҳолда, айниқса таълимнинг муҳим таркибий қисми бўлмиш маънавий-маданиятни тиклаш ва янада ривожлантириш зарурдир.

Ҳар қандай таълимнинг негизини ташкил этувчи фан инсоннинг маънавий ва ахлоқий қадриятлари негизини шакллантирувчи маданиятнинг ажралмас қисмидир. Бугун у тобора кучлироқ тарзда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучига айланмоқда, шунингдек, ҳар қандай давлатнинг қудрати ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ресурси бўлиб қолмоқда, чунки, фақат энг янги технологияни ривожлантирибгина, кўп илм талаб маҳсулот яратибгина иқтисодни юксалтиришга эришиш мумкин.

Мутахассислар шуни алоҳида таъкидлайдиларки, замонавий иқтисодчилар билимлар иқтисодиётига ихтисослашмоқдалар, бунинг асосий тавсифи бойлик (ёки ишлаб чиқариш) тобора кўпроқ мутахассислар янги билимларни ривожлантириш ва қўллашга боғлиқ деган ишонч билан изоҳланади. Иқтисодий ўсиш суръатлари энди ёлғиз жисмоний капитал ёки инсонлар малакаси (инсон омили) билангина эмас, балки, билимни билимга тадбиқ эта олиш қобилияти билан белгиланади. Иқтисод тобора кўпроқ ахборот асосига, таълим ва мослашувга таянмоқда, замонавий ахборот ва технологиялар қудрати эса кўп илмларни амалга ошириш имконини беради, глобал иқтисодни янги технологиялар негизи билан таъминлайди.

Глобаллашув — бошқача айтганда — бизнес ва саноатда халқаро миқёсдаги рақобатнинг кучайуви, баъзи мутахассислар уни «бозоршунослик илми»га эҳтиёж ва талабнинг ошиш манбаи деб белгилайдилар. Глобал иқтисодиётда рақобатлашишни хоҳловчи фирмалар ташкиллаштириш қобилияти (билими)га эга бўлишлари керак, бу жадал ривожланаётган бозор шароитларида ўз рақобатбардошлигини сақлаб қолиш ёки ўз устунликларини оширишга имкон беради. Бундай рақобатга бардош беришнинг ягона йўли — ҳамкорлик (бу, аввало, компанияларни турли хил уюшмаларга қўшилиши), шу жумладан билим етказиб берувчилар билан олиб бориладиган ҳамкорлик.

Олий таълимга бўлган талаб ана шундан. Фирмалар гарчи мослашувчан ва ҳар томонлама ишчи кучга эга бўлади ва (ёки тайёрлайди) буни курсларга бўлган талабни ошиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин, унда фирма ходимлари қайта тайёрловдан ўтишлари мумкин. Умр бўйи таълим олиш мутлақо заруратга айланмоқда.

Энди таълимнинг ўзига келсак, янги иқтисодиётнинг муҳим оқибати шундаки, талабалар ўз меҳнати мобайнида ишжойини бир неча марта алмаштиришига тўғри келадиган бозор иқтисодиёти шароитларида ишлашга тайёрланган бўлишлари керак. Бунинг учун мазмуни ўқув режаларида акс эттирилган тегишли малакаларни эгаллашга тўғри келади. Дастурда аввал бошданоқ тавсия этилган турли фанларни ўрганиш жараёнида ҳосил қилинадиган моделлар, концепциялар ва жараёнларни билишни акс эттирадиган, масалан, мультидисциплинар тамойил асосида қурилган ўқув режаларига ўтиш мумкин. Ҳозирги пайтда талабаларни шунчаки мутахассис сифатида тайёрлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Уларни турли-туман соҳалардаги билимларни уйғунлаштиришга, жуда бўлмаганда мутахассислар — билимнинг бошқа соҳаси вакиллари билан самарали ҳамкорлик қилишга ўргатиши лозим. Бундай ёндашув, гарчи у ҳаддан ташқари туюлса-да, фақат ўқув режасининг мазмуни нуқтаи назаридангина эмас, балки, таълимнинг қанча давом этиши нуқтаи назаридан ҳам жуда муҳимдир (дастур муддатини қисқартириш мумкин). Натижада олий таълим муассасасини молиялаш ҳам, уларни ташкил этиш ҳам ва демак, ресурларни тақсимлашнинг ички усуллари ҳам муайян ўзгаришларга учрайди.

Ривожланган мамлакатларда ижтимоий қайта ишлаш интеллектуал салоҳият даражасини сақлаб қолишга қилинадиган сарфлар моддий-ашёвий ишлаб чиқариш сарфларидан сезиларли да-

ражада кўп, зеро, яқин келажакда хужалик, ижтимоий, маданий ва бошқа ҳаётий муҳим соҳаларда етакчилик интелектуал салоҳияти нисбатан ривожланган мамлакатларга тегишли бўлади. Статистика маълумотларга кўра XX асрнинг иккинчи ярмида таълим соҳасида туб ўзгаришлар юз берди, бу бир томондан, «таълимдаги портлаш» билан бирга кечган бўлса, иккинча томондан, унинг сифати билан боғлиқ танглик билан бирга бўлди. Бугунги кунда вазифа шундан иборатки, яратишга, инсоният томонидан тўпланган маънавий бойликларни қадрлаш ва ривожлантиришга ҳар томонлама қобил шахсни тарбиялаш лозим.

Маълумотлилик — ҳар қандай давлат таянган пойдевор, таянч шр. Болаларни ўқитиш муаммоси қатъий ҳал этилган, ривожланган мамлакатларда буни яхши тушунадилар. Айтайлик, Буюк Британияда ўн йиллик таълим барча учун бирдек эришса бўладиган ҳол (1944 йилда жорий этилган), Японияда — 9 йиллик (1947 йилдан жорий этилган), Францияда — 10 йиллик (1967 йилдан). Ҳатто ривожланаётган мамлакатларда таълим олаётган ўқувчиларнинг таркибий миқдори (6-11 ёш) 40% дан (1960 йилги) 69% га (1980 йилда) ошди, 1990 йилда эса 12 дан 17 гача ёшли аҳолининг 46% мактабга қатнай бошлади.

Жаҳон миқёсида олий таълим соҳасида ҳам сезиларли муваффақиятларга эришилди. Статистика маълумотларига кўра XX аср 90-йиллари — олий таълим муассасаларига кирувчилар миқдори Испанияда 15 марта ошди, Австралияда — 9,4 марта, Францияда — 6,7 марта. Бу ҳол ривожланаётган мамлакатларга ҳам хос бўлди, масалан, Индонезияда талабалар сони 36 марта ошди, Венесуэлада 63 марта, Нигерияда эса, ҳатто, 112 марта!

Шунга қарамай сайёрамиздаги бир миллиарддан ортиқ киши мутлақо ёки қисман саводсиз, яъни ўқиш ҳамда ёзишни билмайди. Лекин яна шундай «саводсиз»лар ҳам борки, улар таянч билимларга эга эмас, демак, жамиятнинг мутахассисликка мунтазам ошиб бораётган талаблар шароитида меъёрида фаолият кўрсатишга ноқобилдирлар.

Бугунги кунда касбий малакани билим, инновациялар, уни амалда тадбиқ этишларсиз, шунингдек, ишдаги ташабуссизлик ва ишбилармонликсиз тасаввур этиш мушкул. Иқтисодчи олим А. Н. Тихонов шундай таъкидлайди: яъни «ахборотлар, билимлар иқтисодий ривожланишнинг пойдевори, негизи

қисобланади»[1]. Демак агар бугун бирон бир давлат замонавий ҳамжамиятга уйғунлашишни хоҳлар экан у ўз фуқароларини илмий концепцияларга, табиат, инсоният, жамият ривожланиши қонуниятларига асосланиб фан, билимлар, ғоялардан фойдалана билишга, у ёки бу дастур, назария, ақидаларнинг афзаллиги ёки камчилигини таҳлил этиш, назарий асослашга ўргатиш лозим. Демак, қабул қилинаётган қарорлар, хусусан, турли ўзгартиришлар ва ислоҳотларнинг оқибатини баҳолашга янгича ёндашиш керак. 1990 йилда аянчли оқибатларга олиб келган қайта қуриш ҳаммага маълум, гарчи ижобий самара бериши лозимлиги таҳмин қилинган бўлса-да. Бу қандай ҳол эди, чунки машъум барчани баробар қилиш ва инсон шахсига писандсиз муносабат ривожланишни рағбатлантирмади, аксинча, ходимдаги энг керак хислатни — шахсий масъулият ва манфаатдорликни барҳам топишига олиб келди. Мана шунинг учун ҳам ташаббус, талбиркорлик устувор бўлган бозор жамиятига мослашиш қийин бўлмоқда.

Том маънодаги бозор тузилмаси якка ёлғиз кимнингдир иродаси билан барпо бўлмайди. Ривож топган мамлакатларнинг тажрибасидан кўринадики, бунинг учун кўп йиллар, баъзан юз йил керак бўлар экан. Шу билан бир вақтда турлича давлат қурилиши ва ижтимоий-иқтисодий формациялар мажмуининг қурилиши ва ижтимоий-иқтисодий формациялар мажмуининг алмашинувидан иборат инсоният тарихи шундан далолат беради. инсоният турмуш тарзи шакллари ва ҳаётини барча даври учун баъзи умумий жиҳатлар сақланиб қолган. Кишиларнинг — ўзаро муносабатидаги оддий таъкидлар — ўғирлама, алдама, сўзингда тур ва бошқалар билан боғлиқ баъзи асосий маънавий талаблар ҳам мавжуд.

Умуминсоний ахлоқ оқибат натижада бутун инсониятнинг манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган бўлиб, уни янада тараққий этишга бўлган тарихий эҳтиёжини эътиборга олади. Буюк аждодларимиз — Имом ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий умуминсоний ахлоқ, маънавиятни тараннум этганлар.

Ҳақиқий, барча учун бирдек очиқ демократик жамият қуриш учун фақат маънавиятгина эмас, балки, моддий умуминсоний маънавий ва маданий-ахлоқий қадриятларни тан

---

[1] *Қаранг:* Тихонов А. Н., Иванцов А. Д. и др. Информация Российского образования и общество в целом// Международное сотрудничество. 1997, №4. —С. 1—3.

олиш ҳамда фаол ўзлаштириш, шунингдек, умумжаҳон технологиявий маданиятни жадал ўзлаштириш керак. Бу дегани, демак, инсон шахс сифатида ўз маънавий савияси, ижтимоий ва ишлаб чиқариш тажрибасини ўзлаштирганлик даражасига кўра муайян фаолият тизими билан муносабатга киришади, бунда шаклланган тажриба, муайян қоидалар ва баҳолар асосида юзага келган шахсий нуқтаи назар замин бўлиб хизмат қилади.

Фақат таълим олувчиларни тайёрлайдиган фаолиятгина таълимнинг шаклланган тизимида (умумтаълим ва касб-ҳунар таълимида) асосий нуқта ҳисобланади, яъни бошқача айтганда инсоннинг ўзи таълим тизимида эътибор қаратилган бош объектдир. Тарбия ва таълим жараёнида шундай фикрлаш ва фаолият кўрсатиш тарзини сингдириш керак бўлади-ки, токи бу уни шахс сифатида тўлақонли ривожланишини таъмин этсин ва табиат унга ато этган уқув асосида жамият учун мақбул бўлган сифатлар мажмуига эга бўлишида кўмак берсин ва булар асосида инсон ўз мустақил ва эркин ҳаракатини амалга ошира олсин. Чунки, фақат эркин танловгина масъулиятлилик сингари муҳим шахсий сифатни шакллантириш имконини беради. Зеро, танлаш эркинлиги жиддий фалсафий хулосалар, ахлоқий-дунёқараш маданияти ва унинг қилмиш оқибатини олдиндан кўра билишни талаб этади. Танлаш даражаси қанча юқори бўлса, етуклик даражаси ҳам, демак шахснинг тарбияланганлиги ҳам шунча юқори бўлади. Мана шунинг учун ҳам ҳар бир таълим тизими тарбияланганликнинг у ёки бу даражасини, шунингдек, узлуксиз таълимдаги тарбиявий ва таълимий вориликни таъминлайди. Бу жамиятни ривожлантиришнинг аниқ ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Америка Қўшма Штатларининг учинчи президенти Томас Жефферсон шундай деган эди: «Кишиларга ўрта маълумот беринг, шунда ёвузлик ва қалбни ҳамда танани эзғилаш, мисоли тонг отиши билан ёвуз руҳлар даф бўлганидек ғойиб бўлади». Албатта, Жефферсон бу масалага бир оз идеалистик нуқтаи назардан ёндашади, лекин шунга қарамай, тан олиш жоизки, таълим, демократия ва иқтисодий имкониятлар ўртасидаги алоқадорлик ҳар қандай эркин жамият муваффақиятининг зарур шарт-шароитлари бўлиб ҳисобланади.

Идеал демоктратия бўлиши амалда мумкин эмаслигига қарамай жаҳонда анча муваффақият қозониб келаётган демократиялар ҳам бор, уларнинг тажрибаси биз учун ибратли сабоқ, хусусан таълим соҳасида ҳам.

Идеал маънода АҚШ университети демократия лабораторияси ҳисобланади, унда ўқитувчилар ва талабалар ўз ғояларини эркин айирбошлайдилар, мунтазам кенгайиб борувчи ахборотлар соҳаси бунда манбаа вазифасини ўтайди. агар ўқитувчилар ва талабалар мунтазам ҳар доим ҳам ўзлари амалга оширишга интиладиган идеал ва ахборотни қувиб ета олмай қолсалар ҳам, у ўз аҳамиятини йўқотмайди. АҚШда очиқ мулоқат фақат олий таълим тизимининггина эмас, балки мамлакат сиёсий қурилишининг ҳам асосий унсури ҳисобланади.

Маълумки, АҚШ университетлари кўплаб муаммоларга дуч келмоқда, шулардан асосийси, молиявий маблағ етишмаслиги. Федерал ҳукумат мамлакат университетлари ва олий таълим муассасаларига кам ёрдам беради. Бу, бир томондан, уларга таълим соҳасидаги ўз ўқув режалари ва сиёсатларини эркин белгилашга имкон беради, бошқа томондан, уларни жиддий молиявий муаммоларини ўзлари ҳал этишларига мажбур этади.

Етарлича молиялаштирилмаганлик билан боғлиқ қийинчиликлар мавжуд: таълим соҳасидаги ва илмий тадқиқотларлар бўйича юқори стандартларни сақлаб қолиш; ўқитишни зарур даражада сақлаш; ўқув дастурлари мослашувчанлиги ва тадрижийлигига эришиш; таълим олувчилар ва ўқитувчиларга сиёсий ва интелектуал эркинлик бериш; муайян молиявий маблағ тақчиллиги шароитида кам таъминланган ва муваффақиятсизликка учраган оиладан чиққанларга таълим олиш учун имкон яратувчи маънавий мажбуриятга амал қилиш.

АҚШда юқорида қайд этилган қийинчиликларни бартараф этишга фақат университетгина ёрдам бериб қолмайди. Етилган муаммоларни ҳал этишга, кўпинча, манфаатдор гуруҳлар — талабалар, битирувчилар, касаба уюшмалари ва хизматчилар катта таъсир ўтказади. Уларнинг қўшимча ва кўпинча ҳал этувчи овози қарор қабул қилиш демократиклигига кўмаклашади, оқибат натижада, ижобий натижа беради.

Ҳудди шундай танлов эркинлиги тамойиллари олий таълим муассасаларига ҳам тадбиқ этилади, аммо, кўпроқ бу тамойил бошланғич ва ўрта таълимда амал қилади.

Қўшма Штатлардаги ўқувчилар коллеж ва университетларни танлашда жаҳоннинг исталган бошқа мамлакатидаги ўқувчиларга нисбатан кенг имкониятга эгадирлар. Улар коллеж ёки университетни ўз академик ва маданий эҳтиёжига тўла жавоб бера оладиганини танлаш имконига эга, таълим муассасаси катта, ўрта ва кичик бўладими, турар жойидан олисми ёки унга

яқинми, у ёки бу ўқув дастурини таклиф этадими бундан қатъий назар танлов эркиндир.

Ана шундай танловнинг кенглиги таълим муассасаларининг бир-бири билан яхши тайёрланган ўқувчилар учун, уларга ўқув фанларини анча кенг кўламда танлаш имконини беришда, рақобатлашишга мажбур этади.

Ўқувчиларнинг талабини таъминлай олмаган таълим муассасаси, таълим олувчиларни етарли миқдорда тўплай олмайди ва оқибатда ўз-ўзини ёпиб қўйишга мажбур бўлади. Энг яхши танловни таклиф эта оладиган ва юқори даражада таълим стандартларига эга бўлган таълим муассасаси, одатда, анча қобилиятли ўқувчиларни ўзига жалб этади.

АҚШда ўқиш муддати 4 йил бўлган 600 га яқин давлат колледжи мавжуд. 1550дан ортиқ коллеж ва университетлар хусусий таълим муассасалари ҳисобланади (коллеж, уни тугатган талабалар фақат битта гуманитар ёки табиий фанлар йўналиши бўйича бакалавр даражасига эга бўладиган таълим муассасасидир). Университет, битирувчиларга бирдан ортиқ илмий даража, бир неча махсус илмий даража беради.

Америка Қўшма Штаталаридаги коллеж ва университетлар қисман муайян штатдаги солиқ тўловчилардан ундириладиган солиқлар ҳисобидан маблағ билан таъминланади. Таълим учун тўлов, ўқитганлик учун олинадиган ҳақ қолган чиқимларни қоплайди. Уларнинг асосий вазифаси — муайян штат ҳудудида истиқомат қилувчи талабаларга таълим беришдир. Талабалар битта штат ҳудудидаги у ёки бу коллеждан бошқасига, агар улар бир хил академик мақомга эга бўлса, ҳеч бир қийинчиликсиз ўтиши мумкин.

Муайян коллежга бошқа штатлардан ўқувчилар қабул қилиниши мумкин, бироқ кўп ҳолларда улар таълим учун анча юқори даражада ҳақ тўлашга мажбурдирлар.

Штатлардаги коллеж ва университетларда ҳар бир 16,9 талабага 1 нафардан лавозим бирлигидаги ўқитувчи ёки илмий раҳбар тўғри келади. 1991-1992 ўқув йилида штат олий таълим муассасаларидаги тўлиқ дастур бўйича ўқитиш учун тўланадиган ҳақ 5700 долларни ташкил этди, бу иш билан банд индивидининг ўртача йиллик маошининг 15,5% ига тенг келади.

Оммавий таълим муассасаси бир-биридан ўз ҳажми ва қабул қиладиган талабалар миқдорига кўра фарқ қилади. 4 йиллик кичик ва ўртача коллежлар бўлиб, буларда 500 нафардан ортиб то 2500 нафаргача талабалар ўқийди. 10 000 нафар-

гача талаба қабул қилувчи штат кўп соҳали университет ва йирик илмий негизга эга, 20 000 дан ортиқ талаба қабул қилувчи университетлар фаолият кўрсатди.

Айрим хусусий коллежлар штат қонунчилиги органларидан молиявий ёрдам олиши мумкин, лекин уларнинг молиявий тушуми кўпгина талабаларнинг таълим учун тўлайдиган ҳақ, шахсларинг хайриялари, турли корпорациялар ажратадиган таъсис маблағи ёки воситалари, шунингдек, коллежга васият қилинган маблағлар ҳамда федерал грантлар ташкил этади.

Хусусий коллежларда ва университетларда битта талабага штат оммавий ОТМларидагидан кўра кўпроқ лавозимдор ўқитувчилар тўғри келади: бу тахминан 12,8 талабага бир нафарни ташкил этади.

Бу ҳолни таълим учун тўлов юқорилиги ва хусусий коллежларга қилинадиган хайриялар миқдори катталиги билан изоҳлаш мумкин.

1991-92 ўқув йилида хусусий университет кундузги бўлими талабасининг ўқиши учун ўртача тўлов 14 350 долларни, яъни, тахминан ўртача ҳақ оладиган ходим йиллик даромадининг 39 фоизини ташкил этади.

Оммавий ОТМлар каби хусусий ОТМларнинг учдан икки қисми 2500 нафардан камроқ талаба қабул қилади.

Хусусий коллежларнинг яна бир ўзига хос хусусияти турлитуманлигидир. Уларнинг кўпи муайян диний ёки маданий мақсад учун таъсис этилган. Кўп жиҳатдан бу ОТМлар рангбаранглик касб этади, бу АҚШга хосдир, шунингдек жамиятдаги айрим гуруҳлар эга бўлган диний ёки илмий фаолиятни танлаш эркинлиги билан боғлиқ.

Ўтмишда АҚШдаги деярли ҳар бир диний жамоа жуда бўлмаганда битта «ўз» коллежига ёки университетига эга бўлган. Бундай анъаналарнинг айримлари ҳозирги кунда ҳам мавжуд, лекин у энди анча кучсизлашган, бундай ОТМларга кирувчи талабалар турлича маданият ва ижтимоий ўтмишга эга.

Умуман катта бўлмаган хусусий коллежлар ва университетлар умумийлик муҳитини яратишга ҳаракат қилади, билимга, аниқ вазифа қўйиш ва индивидуаликка, шунингдек ўзларининг ўқув режалари ва дастурларида шундай йўналишни акс эттиришга интиладилар. Таълим сифати алоҳида муҳим масала ҳисобланади, шунинг учун ОТМлар энг яхши ўқитувчи ва профессорларни ўзларида дарс беришга жалб қилиш ҳуқуқи учун ўзаро

рақобатлашадилар, катта бўлмаган ОТМларнинг кўпи умумий соҳа (ихтисослик) бўйича ўқитишга асосий эътиборни қаратади.

Талабалар таркиби даражасидан бўлак ҳеч нарса ОТМларни етарли тавсифлай олмайди. Рақобат ва мусобақалашиш АҚШда ҳаёт меъёри ҳисобланади ва ОТМларнинг турли-тумани мавжуд. Университетлар анча қобилиятли ва истиқболли талабаларни олишга интилади, хоҳ гуманитар бўлсин, хоҳ табиий фанлар бўлсин билим ёки амалий малаканинг муайян соҳаси бўйича иқтидорли талабаларни излаш билан шуғулланадилар.

Мамлакатнинг энг нуфузли коллежи ва университетларида ҳам ўқувчиларни танлаш жараёни айни шу каби. Масалан, диний билимлар беришга ихтисослашган катта бўлмаган коллежлар танлов вақтида абитуриентларнинг маънавий мақсадини эътиборга олиши мумкин. барча хусусий коллежлар қатъий сайланган танловни ўтказади: улар миллий тестдан ўтганда тўпланган очколар билан бир қаторда, абитуриенларнинг академик тайёргарлигини ҳам синчиклаб ўрганадилар. Ўрта мактабдаги ўзлаштиришни ва синфдан ташқари фаолият тавсифини эътиборга оладилар.

Баъзи истиснолар билан штатларнинг кўп соҳали коллежлари, илмий негизга эга оммавий йирик университетлар умуман кирувчиларга анча паст талаблар қўядилар Улар мазкур штатдаги ўрта мактаб юқори босқичини тугатган ва уни тугатганлик ҳақидаги дипломга эга бўлганларнинг деярли барчасини қабул қиладилар. Бундай ОТМлар касбий тайёргарлик, техника, муҳандислик фанлари, қишлоқ хўжалик ва табиий фанларни чуқурлаштириб ўқитишга эътиборни қаратган ҳолда умумий соҳалар бўйича таълимнинг мослашувчан дастурини кенг кўламда таклиф этади.

Кейинги 20 йилда Хитойда таълим олишнинг кенг имкониятлари очди. 1997 йилда бу мамлакатнинг ҳар тўрт фуқаросидан биттаси ўқишда банд бўлди. Ислоҳотлар ва очиқ ошкоралик бу мамлакатдаги таълим соҳасини дунёдаги энг йирик таълим тизимига айлантирди, хитойликлар савияси ошмоқда ва мамлакат умумий қудратининг мустаҳкамланишига муҳим ҳисса қушмоқда. Таълим иши мамлакатни ривожлантириш стратегиясида ҳозиргача кўрилмаган даражада муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга кишилар билим олиш ҳуқуқи инсоният ривожланиш ҳуқуқини муҳим таркибий қисми эканини тушуниб етдилар, шунинг учун таълим учун харажатлар оила бюджетида асосий сарфга айланди. Айни мана

шу жамият ва оиланинг таълимга бўлган кучли эҳтиёжи Хитойда маърифатни ривожлантирувчи қудратли кучга айланди. Мажбурий тўққиз йиллик таълимни кенг ёйиш ва ёшлар ва катталар ўртасида саводсизликни тугатиш борасида анча кенг ва олдинга силжиш юз берди. Хитойда 1985 йили тўққиз йиллик мажбурий таълим қарор топди ва бу таянч таълим ривожига сезиларли даражада туртки бўлди.

1978 йилда бутун Хитой аҳолисининг 23,5% саводсиз эди, 1997 йил охирига келиб, бу кўрсаткич 12,01% га тушди, 15 ёшдан 40 ёшгача бўлганлар орасидаги саводсизлик 18,5% дан 6% гача пасайди. Бу кўрсаткич худди шу даврдаги ривожланаётган мамлакатлардаги кўрсаткич ўртача даражасидан паст.

1996 ва 1997 йилларда касб-ҳунар мактабларида таълим олувчилар сони ўртача 10 млн. нафарни ташкил этди, бу ўқувчилар умуммий миқдорининг 56% дан ошиқроғини ташкил этди. Ўрта маълумот юқори босқичда таълим олувчилар бу вақтда, масалан, 1992 йилдан 46,7% ни ташкил этар эди.

Катталар ўртасидаги таълим борасидаги муваффақият анча сезиларли бўлиб, қайта ихтисослашиши ва кейинги таълим устувор ҳисобланади. Сўнгги беш йил мобайнида 180 млн. ишчи ва хизматчи, 300 млн. деҳқон турли шаклдаги қайта ихтисослашув ва таълимий-техникавий ўқув курсларида ўқиди.

Умумий миқёсда олий таълим ҳам кенгайди, унинг тузилиши ҳам яхшиланди. 1978 йилда мамлакат ОТМларида (катталар олий маориф органлари ҳам шу жумладан) 1,2 млн.дан озроқ киши ўқиди, жумладан жуда камчилигини аспирантлар ташкил этди: 1998 йилда талабалар 6,3 млн. нафарга етди. Олий таълим тизими барча соҳаларни қамраб олди. 20 йиллик ислоҳотлар даврида Хитойда тўлиқ ёки қисқартирилган курсларда 15 млн. аспирант ва битирувчилар тайёрланди, илмий унвон бериш таъсис этилгандан сўнг 1980 йилда 35 минг киши фан доктори унвонига, 390 минг киши магистр даражасига эга бўлди. Ҳозирги вақтда Хитой айрим соҳаларни истисно қилганда, ўзи юқори соҳа мутахассисларини тайёрлай олади. «Инженерия 21-1» режасини амалга ошириш бўйича ишлар муваффақиятли бормоқда. Бунинг асосий мақсади XXI асрда ОТМлар ва илмий муассасалар бунёд этишдан иборатдир.

Таълим соҳасидаги халқаро алоқалар ва айирбошлаш узлуксиз кенгаймоқда. Хитой жаҳоннинг 14 мамлакати ва минтақалари билан маориф соҳасидаги айирбошлаш ва ҳамкорликни йўлга қўйди, 150 мамлакатдан келган 250 минг

талабани ўқишга қабул қилди, 103 мамлакатга ўқиш учун 300 мингга яқин талаба жўнатди.

Статистика маълумотига кўра Хитой инженерлик фанлари академияси академикларининг 52% и чет элда ўқиган ва кейинги 10 йил мобайнида қайтиб келганлар ташкил этади. Хитой ФА академикларининг 95% и республика вужудга келгандан буён ўтган вақт мобайнида мамлакатга қайтганлардан иборат.

Маориф ишида Хитой қозонган ва бутун дунёни эътиборини ўзига қаратган муваффақият Хитойни XXI аср бошларидаги ривожи учун интелектуал тайёргарликни амалга оширди, маорифнинг ўзини ҳам ривожлантиришга мустаҳкам замин яратди. Ҳозирги пайтда Хитойдаги таълимнинг умумий даражаси, ялпи қиймат аҳоли жон бошига 1300 АҚШ долларини ташкил этган мамлакатлар даражасига тенг келади (1997 йилда бу Хитойда 750 АҚШ долларини ташкил этган). Хитойда маорифга ажратилган маблағга, у жаҳонда маорифга ажратилган маблағнинг 1% идан бир оз кўп, дунёда ўқиётганлар барчасининг 20% и ўқитилмоқда.

20 йил мобайнида Хитойда маориф ишида мактаблар барпо этишда бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди, масалан, мактабларни фақат давлат томонидан очилиши мумкин бўлган тизим ўзгартирилди. Давлат мактаблари аҳоли томонидан тащкил этилган мактаблар билан бир қаторда ривожлантириладиган тизим барпо этилди.

Назарий таълим ва умумий таълим учун давлат масъул. Шу билан бирга у турли муассасаларни рағбатлантиради ва бошқа жамоатчилик кучлари давлат қонунлари ва сиёсати асосида турли мактаблар очади, бунда жамоат кучини касб-ҳунар таълимини ривожлантириш ва ишчи куч ҳамда мутахассисларга бозорнинг талабидан келиб чиқиб катта ёшдагилар таълимини ривожлантиришга йўналтиради. Бу соҳаларнинг барчасида ҳозирда сезиларли ютуқлар қўлга киритилган.

Таълим муассасасини бошқариш тизимидаги ислоҳотлар бевосита маъмурий бошқарувнинг эскирган усулини алмаштирди, мактаблар очишда мустақиллик тобора кенгаймоқда, олий таълим соҳасидаги тузилма ва жойлаштириш янада яхшиланмоқда. Натижада таълим муассасаси очиш самаралилиги ошмоқда. 600 дан ортиқ ОТМлар олий таълим соҳасини бошқарув тузилмасидаги турли шаклдаги ислоҳотларни амалга оширдилар, ўқитиш манбалари оқилона тақсимланди ва фойдаланилмоқда, маориф ишини умумий таъминоти сезиларли

даражада ошди. 1998 йилда ўрта мактабларни тугатганларнинг ОТМларга кириши анча кўпайди ва 30% ни ташкил этди. Ўрта таълим тузилишидаги ислоҳотлар ўрта касбий таълимнинг ривожланишини рағбатлантирди. 20 йил мобайнида 27,7 млн. киши тўлиқсиз ўрта техникавий маълумот олди.

Тўлов асосидаги тузилма ислоҳотлари ва ОТМлар ҳамда ўрта касбий мактабларни битирувчиларни ишга жойлаштиришдаги ислоҳотлар узоқ йиллар мавжуд бўлган вазиятни ўзгартирди. 1997 йилдан бошлаб тўлов асосидаги ўқитиш тизими жорий этилди. Давлат талабаларни стипендиялар ёки ихтисослик бўйича ёхуд муайян соҳаларда кридит стипендиялар билан қўллаб-қувватлаб туради.

Иқтисодий аҳволи оғир бўлган оиладан келиб чиққан талабаларга нисбатан тўлов ҳақи камайтирилиши ёки текин ўқитиш сиёсати киритилади. Шундай қилиб, қобилиятли болалар (оиласи қийин иқтисодий аҳволда бўлган) ўқишни давом эттириши, шароит нисбатан оғир бўлган вилоят ва ҳудудлардагилар эса керакли касбни эгаллаши мумкин бўлади. Битирувчиларни ишга жойлаштириш тизимидаги ислоҳотларга келсак, бунда давлат сиёсатига мувофиқ маълум кўламда қобилиятлилар бозори ташкил этилган, унда битирувчилар кўнглига ёққан ишни ўзи танлаши мумкин.

1997 йилда маорифга сарфлар 270 млрд. юанни ташкил этади (32,53 млрд. АҚШ долларига тенг). бу 1990 йилдагидан тахминан 20% кўпдир. Давлат қонунчилиги асосида маориф ишига сармоя қўйиш тизимини тасдиқлайди.

Ислоҳотлар ОТМларда ихтисосликлар жуда тор соҳаларга бўлинишини ўзгартирди, фандаги тизилмалар самарасизлигига барҳам беришга қаратилди, бир туркум фанлар мазмунан эскирганлиги туфайли янгиланишига туртки бўлди. 1994 йилда Маориф ишлари давлат қўмитаси бутун мамлакат миқёсида «XXI аср билан юзма-юз — ўқув мазмуни ва фанлар тизимида ислоҳотлар» режасини амалга ошира бошлади, табиий, техникавий, қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт фанлари соҳасида юздан ортиқ тадқиқотлар мавзуини тасдиқлади, шу билан бирга талабалар ўқийдиган асосий фанлар ва аспирантлар учун бўлган махсус фанлар миқдори қисқартирилади, махсус курс ўқитиш соҳалари кенгайтирилди.

Давлат ОТМлар таълим даражасини умумий баҳолашни кучайтиришга катта эътибор қаратди. Бундай баҳолаш таркибига таълимдаги раҳбар мафкура, ички бошқарув тазими, раҳбарлик

таркибини барпо этиш, ғоявий-сиёсий ишлар, тўлиқ курс таълимидаги талабаларнинг тарбияси, аспирантлар тайёрлаш, катта ёшдагилар таълими, илмий тадқиқотлар ва илмий-техникавий соҳалар, педагогик кенгаш тузиш, ўқитиш шароити ва ОТМлар ҳудудидаги экологик қурилишлар, ОТМларни бошқариш ва таълим самараси — жами 10 банд бўлиб, бу таълим сифатини оширишни рағбатлантирали. Хитой эришаётган бу мавaффақиятлар шундан далолат берадики, XXI аср инсоният таълим даражаси ва сифатига анча масъулият билан муносабатда бўлар экан.

Бошқа мамлакатлар таълим тизимини муфассал кўриб чиқмай ҳам, шуни таъкидлаш мумкинки, кўпгина ғарб мамлакатларида гуманитар фанларга ҳамиша устуворлик берилган ва бериб келинмоқда, булар ўқув режасида устун вазиятда қолмоқда.

Франция коллежлари — тўлиқсиз ўрта мактаб 9 йилги ўқув даврида гуманитар фанлар ҳафтасига 13 соатни ташкил этади, табиий-математика фанлари эса 7 соат. Шу билан бирга танлов бўйича фанлардан (3 соат) ўқувчилар чет тилларни кучайтирилган тарзда ўрганишни танлашлари мумкин. Тўлиқ ўрта мактаб — лицейда битирув синфлар гуманитар шўъбаларида соҳа фанларига деярли бутун ўқув вақти (ҳафталик умумий 27 соатдан 23 соати гуманитар фанларга берилган) ажратилади; 2 соат математикага, 2 соат физкультурага. Хатто математика ва физика шўъбасида мажбурий фанлар қаторига фалсафа (3 соат), тарих ва география (ҳар бири 3 соатдан) ва чет тиллар (2 соат)ни ташкил этади.

Германиядаги гимназияларда она тилини, чет тилларни, тарих ва географияни, эстетика туркумидаги фанларни ўқитишга ўқув вақтининг 60% ажратилган. Италия ўрта мактабларида гуманитар фанлар ўқув режасида 50% гача вақтни эгаллайди.

Россияда бу ҳол бир оз ўзгача. Талабаларнинг асосий қисми техника ОТМларига тўғри келади, гуманитар фақат 14% гина.

Бироқ, шунга эътибор бериш керакки, бунда гап миқдорий кўрсаткичлар устида эмас. Таълим — қўш қиррали муаммо. Сўз иқтисод, сиёсат, ижтимоий-маданий муносабатлар соҳасида ахборотни идрок этган тарзда ҳар томонлама билишга қобил таълим мазмуни, ўз нуқтаи назари орқали онгда уни сингдириш ўқуви ҳақида бормоқда

«Таълимнинг мазмуни. Ривожланишнинг дунёвий истиқболи» китобида (ЮНЕСКО томонидан нашр этилган) шун-

дай дейилади: «Таълим, аввало, онгни ривожлантириш омили бўлиши лозим, зинҳор индокринизация воситаси эмас. Бунда, аввало, фан ва технология бор-йўғи восита бўлган инсоннинг яшашдан мақсадини ташкил этувчи маънавий, ахлоқий, эстетик қадриятларни идрок этиш назарда тутилмоқда. Инсоннинг қадр-қиммати, яқинларга меҳр-муҳаббат, табиат билан уйғунлашиш мана шу қадриятлар қаторида туради, булар ўзларининг қадимийлигига қарамай ҳар бир янги даврда қайта туғилиш ва янгиланишга қобилдир».

Ҳозирда «Таълим» тушунчаси анча кенгроқ талқин этилади. агар аввалари таълим мактабдаги узоқ ташкиллаштирилган (бошланғич, ўрта ва олий) ўқитиш жараёни билан айнан деб қаралган, яъни таълим мақсадини амалга ошириш учун тузилган махсус тизим дейилган бўлса, ҳозир таълим расмий деб аталмоқда ва «таълим» «расмий таълим» деган иборадан анча кенг маънога эга деган ғоя ривож топмоқда. Бундан кенг шарҳда *«таълим»* деганда *янгича билимлар* бериш йўли билан индивидлар ҳулқ-атвори тузилиши ва моделини ўзгартириш мақсадига эга барча нарсалар, янги ўқув ва малакаларни ривожлантириш тушинилади. Таълимнинг уч асосий тури фарқланади:

1) эркин — бунда таълимга онгли интилиш бўлмайди (масалан, болалар она тилини ўзлаштиради, ёки оилада ўзини тутишни ўрганади, инсон ОАВ орқали ахборотлар олади, музей ва ҳ.к.да кўради);

2) ғайрирасмий (мактабдан ташқари)

3) расмий (мактаб ва б.) — тасдиқланган стандартлар бўйича махсус муассасада амалга оширилади.

Ғайрирасмий таълим анъанавий таълим камчиликларини тўлдиришга даъват этилган. ЮНЕСКО маърузаси «Яшашни ўрганиш»да таъкидланишича «таълим эндиликда мактаб деворлари ичида қола олмайди. Барча мавжуд муассасалар, улар таълимга мўлжалланганми йўқми, бундан қатъий назар, таълим мақсадларида фойдаланилиши керак...».

Замонавий таълимнинг асосий тамойили бўлиб унинг узлуксизлиги ҳисобланади, унинг негизини ўқув-тарбия жараёнининг шахсий-тахминий моделини ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунар таълимининг концептуал модели ташкил этади.

2.2. Маълумотлиликнинг замонавий усуллари ва Ўзбекистон узлуксиз таълими тизимидаги устуворликлар

Ҳар қандай давлатнинг бозор иқтисодига кириши жамиятнинг барча соҳасини, шу жумладан, таълимни ҳам, ривожлантиришнинг янги стратегиясини ишлаб чиқишни англатади. Бизнинг давлатимиз учун ҳам бу қоида истисно эмас. Ўзбекистон ҳам бошқа давлатлар сингари 60-70-йиллар таълимидаги тангликлардан ҳоли бўлмади.

80-йилларда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидаги вазият яхши томонга ўзгара бошлади. Бунга ахборотнинг кенг қулоч ёзиши ва таълим ахбороти сезиларли даражада таъсир этди. Бундан ташқари 80-йилларда таълим соҳасида бозор иқтисодиёти қарор топиши жараёнида янги иқтисодий воситалар шакллана бошлади.

Айни мана шу икки омил — ахборот технологиялари ва таълим соҳасида бозор муносабатларининг қарор топиши янги таълим тизими қарор топишининг ғояси ва концепциясини амалда жорий этиш имконини белгилаб берди. Таълимга замонавий компьютер технологиялари кириб кела бошлади, булар илгари фақат мудофаада ёки илмий тадқиқотларда фойдаланиларди. Бу таълим тизими ривожланишида тубдан янги имкониятларни очиб берди.

Англия, Германия, Франция, Италия, АҚШ ва бошқа кўпгина мамлакатларда сўнгги йилларла замонавий компьютер ва телекоммуникацион тизимлар негизида таълимни ривожлантириш давлат дастури ишлаб чиқилди, унда ўқув жараёнида энг янги технологиялардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Масалан, Финляндия таълим вазирлиги таълим миллий стратегияси хусусида махсус режа қабул қилади. Унда мамлакатнинг мактаб ва бошқа таълим муассасаларини ахборот тармоқларига уланишини тўлиқ таъминлаш кўзда тутилади. Германиянинг таълим, фан ва технологиялар вазирлиги ҳам уч йилга мўлжалланган «Мактаблар — Тармоққа» дастурини 10 минг немис мактабини ахборот хизматидан фойдаланиши мақсадида ишлаб чиқди.

Таълим соҳасидаги янги стратегияни Франция ҳукумати намойиш этади. Бошқа 240 та дастур ичидан таълим дастурига устуворлик берилади. Мазкур мамлакатнинг таълим вазирлиги электрон ахборот ресурслари мухсус каналини чиқаради ва

етакчи телеалоқа компаниялари билан таълим муассасаларининг у билан боғланишини таъминлайди.

Янги ахборот технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш учун Италия таълим тизимида мактабларни мультимедиаускуналар билан жиҳозлаш ва дастурий таъминот учун махсус ҳаракат режаси қабул қилинади.

Замонавий ахборот тармоғини жорий этиш мақсадида мамлакат мактаб ва коллежлари учун Буюк Британия ҳукумат дастури бўйича 23 пилотли лойиҳани амалга оширишга 12 млн. ЭКЮ ажратилади.

АҚШда технологик саводхонликка кўмаклашувчи махсус фонд таъсис этилади. Бу мамлакатда «Технологик саводхонлик» миллий дастури ишлаб чиқилади ва у Америкадаги барча мактабларни ахборот магистраллари билан боғланиш имконини беради.

Япония таълим вазирлигида 1990 йилдан бошлаб барча мактабларни мультимедиа-телеалоқа билан жиҳозлашга қаратилган дастур амалга оширилмоқда. Бу жиҳозлардан ўқитиш жараёнида фойдаланилади.

Россияда кейинги йилларда таълим соҳасида бир қатор дастурлар ишлаб чиқилган. Масалан, «РФ олий таълимини ахборотлаштириш концепцияси», «Россияда масофадан ўқитиш тизимини яратиш ва ривожлантириш концепцияси» ва б.

Ҳамжамият Европа комиссияси доирасида «Ахборотлашган жамиятда таълим» дастури ишлаб чиқилган.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида янги таълим тизими қарор топиш йўлида қўйилган амалий қадамлар таълим соҳасида иқтисодий воситаларни шакллантиришнинг боришида, таълим маҳсулоти ва хизмати бозорини ривожлантиришда шундай хулоса чиқаришга асос бўлади! Ахборот технологиялари таъсири остида ғайрирасмий ғоянинг амалга ошиши юз бермоқда, яъни таълим муассасаси доирасида чегараланиб қолмаяпти.

Шаклланаётган янги таълим тизимининг бошқа хусусиятли тавсифи бўлиб, таълимнинг индивидуал тарзи ҳисобланади. Бу жамоани тўла равишда ҳисобга оладиган анъанавий таълим тизимидан фарқли ўлароқ ҳам таълим берувчининг, ҳам таълим олувчининг имкониятини ҳисобга олиш имконини беради. Бу жуда муҳим, чунки жамоавий тизим инсонни ёшга кўра уқувини торайтириб қўяди.

Янги таълим тизимининг яна бир ўзига хос жиҳати бўлиб мустақил таълим, мустақил ўқиш таълимнинг етакчи шакли

сифатида қарор топишидир. Янги таълим тизимининг бош йўналиши — билимни бунёдга келтирувчи таълимга ўтиш. Бу таълим сифати масаласини тубдан ўзгартиришга имкон беради. Янги таълим тизими яна бир хусусияти бутун умр мобайнида билим олишга қаратилганлигидир. Анъанавий таълим тизими, асосан, инсонни ёш вақтида ўқитишга йўналтирилган эди. Янги тизимда катталар ва ҳатто кексалар таълимига катта эътибор қаратилади, улар ўз билимини ривожлантириш ва жамият учун фойда келтириш имконига эга бўладилар. Демак, жаҳондаги йўналиш — гайрирасмий, янгиланувчан узлуксиз таълим тояларидан иборат. Бизда қандай?

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш (аспирантура, адъюнктура, докторантура, изланувчанлик) 59 та олий таълим муассасасида олиб борилмоқда: фан номзодлари — 555 ихтисослик бўйича; фан докторлари — 80 ихтисослик бўйича. 1999-2000 йиллар мобайнида 517 та докторлик ва 2587 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди.

Касб-ҳунар коллежларида тайёрлов йўналишларини белгилашда асосий ҳужжат ҳисобланувчи классификатор асосида таълимнинг қуйидаги йўналишлари белгиланган:

- саноат;
- транспорт;
- алоқа;
- қурилиш ва турар жой-коммунал хўжалик;
- агросаноат мажмуи;
- қишлоқ ва ўрмон хўжалиги;
- соғлиқни сақлаш;
- миллий ҳунармандчилик;
- педагогика ва ижтимоий соҳа;
- маданият ва санъат;
- компьютер ва ахборот технологиялари;
- иқтисод ва бошқарув;
- савдо, умумовқатланиш ва хизмат соҳаси.

Ўрта махсус, касбий таълим тайёрлов йўналишлари ва касблар классификатори асосида касб-ҳунар коллежларининг 291 йўналишида 800 дан ортиқ ихтисослик мавжуд. Мазкур классификатор касблар ва ихтисосликларнинг асосий рўйхати ҳисобланади ҳамда у тўлдириш ва ўзгартириш учун доимо очиқдир.

Шуни айтиш керакки, таълимдаги ислоҳотлар бошланаётган вақтда республикада 9799 минг умумтаълим мактаби, 288 лицей, 103 гимназия олий таълим вазирлиги тасарруфида, 19 лицей ва 4 гимназия ОТМлар тасарруфида фаолият кўрсатган.

Бошланғич касб-ҳунар таълими соҳасида 442 таълим муассасаси (209 касб-ҳунар мактаби, 180 касбий лицей ва 53 бизнес мактаб) бўлган, ўрта касб-ҳунар таълими тизимида эса 185 касбий муассаса мавжуд эди. Олий таълим бериш 62 ОТМда (20 та университет ва 42 таълим институтда) амалга оширилади. Бу даврда республика 6,3 млн. нафар мактаб ўқувчисига, 626,2 минг ўрта махсус ўқув юрти, касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчиларига, 163,7 минг нафар талабага таълим берилди. 2003 йилда Ўзбекистонда 2178 фан доктори ва 8904 нафар фан номзоди бор эди.

Жорий йилда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида 862 таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Жумладан:

415 — касб-ҳунар коллежи;

51 — академик лицей;

17 — лицей-интернат;

8 — лицей;

371 бошқа тур таълим муассасаси.

Булар босқичма-босқич касб-ҳунар коллежига айлантирилади.

Таълимнинг энг муҳим вазифаси бўлиб, жамиятни замонавийлаштириш, мамлакатни ривожланишнинг олдинги ўринларига олиб чиқишга қодир мутахассис ходимлар билан мустаҳкамлаш, соғломлаштириш, янгилаш ва тўлдириш ҳисобланади. Бунда замонавий бозор иқтисодиёти ишчи кучга янгича талаблар қўймоқда, бу талаблар қуйидагича: *ҳар бир иш ўрнида ишлаб* чиқаришни ривожлантиришда иштирок этиш; ўз тавсифи ва технологиявий жиҳатига кўра анча мураккаб маҳсулотнинг тез ўзгарадиган юқори сифатлилигини таъминлаш; ашёлар таннархи ошиб боришини ишлаб чиқариши усулларини такомиллаштириши ва сарфларни камайтириш йўли билан тизгинлаш.

Асосий масала шундаки, бозор шароити ҳар бир иштирокчисига фаол иқтисодий фикрлашга эришиш талабини қўймоқда. Инновация стратегиясида бу айниқса юқори аҳамият касб этади. Гап шундаки, бозор гарчи янгиликка қулайлик берса-да, лекин унинг ўзи бунга шароит (йирик ихтироларни жорий этиш, янги соҳалар очиш, корпорациялар тузиш, иқтисодни қайта ташкил этиш ва б.) ярата олмайди. Шунинг учун бозор муносабатларига жалб этилган барча ходим-

ларда стратегик фикрлаш, иқтисодий ривожланиш қонунларини тушуниш, янгиликни баҳолай билиш, мустақил қарор қабул қила олиш, юзага келган қийинчиликни енга билиш, зарур бўлганда ўз қарорини асослаб тушунтириб бериш ва исботи билан ифодалаш муҳим сифат ҳисобланади. Бу, ҳар ким, у ёки бу даражада хўжалик юритиш билан алоқадор, бозор субъекти ҳисобланади, мунтазам равишда ва ҳамиша сабот ва ирода билан фаол ҳаракат қилишга тайёрланмоқ зарур деганидир. Бундан шундай маъно келиб чиқадики, демак, натижалар, қўлдан бой беришлик ва ўз фаолияти оқибатига ўз малакаси, ижтимоий масъулиятига кўра ходимнинг касбий жавобгарлиги чексиз ошиб боради. Шу муносабат билан ишбилармон Ғарбда янги фалсафа қарор топади, унинг асосий ғояси бўлиб қуйидаги қоида ҳисобланади: компания ҳаёт фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Эндиликда коорпорациялар ўз ходимлари орасида янгиликни изловчилар янада кўпроқ бўлишидан манфаатдордир. Бунда сўз, асосан, янгича кадрлар сийёсати, ишлаб чиқариш барча бўғинларини ижодий имкониятга эга ишчи кучлар билан таъминлашга йўналтирилган сиёсат хусусида бормоқда. Ижодий фикрловчи, умумтаълим ва касбий тайёрловнинг барча босқичида ташаббускор шахсни тарбиялашнинг устувор аҳамияти шундай келиб чиқади.

Бизнинг мамлакатимиз учун кадрлар тайёрлаш ва янги таълим устуворликларига эътиборни қаратиб, Президентимиз И. А. Каримов шундай дейди: «Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсатида инсонни интелектуал ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш билан жипс боғлиқ узлуксиз таълим тизими орқали фуқаро шахсини ҳар томонлама ривожланган бўлиши кўзда тутилади», шу билан бирга давлат бошлиғи халқаро тажрибани албатта ҳисобга олган ҳолда ўзида анъаналарни мужассам этган ва такомиллашган жамият барпо этишга алоҳида эътибор қаратади.

Халқаро тажриба шундан далолат берадики, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда меҳнатни ақлийлаштириш стратегияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган ва у уч йўналишда амалга оширилади:

1) юқори касбий даражага эга ходимлар фаолиятининг мазмуни тарзидаги ижодий меҳнатни (ижодий қобилиятга эга ходимлар: мутахассислар, маъмурий бошқарув ходимлари, юқори малакали ишчилар, фермер ва бошқалар, АҚШ, Германия, Буюк Британияда иш билан банд бўлганлар умумий сонининг 40-50% ни ташкил этади);

2) яримқоидавий, андозадаги фаолият тури хос бўлган касблар соҳасида ижодий унсурларни мустаҳкамлаш (маъмурий-ёрдамчи ходимлар, савдо ва хизмат соҳаси ходимлари). Юқорида номлари келтирилган давлатларда булар 25-30% ни ташкил этади;

3) ўрта ва паст малакали ишчилар, шундай тоифадаги хизмат кўрсатувчи ходимлар орасидаги малакасиз, жисмоний оғир бўлмаган, бир таҳлитдаги ишларни минимал даражага келтириш. Бу гуруҳ саноати ривожланган мамлакатларда банд бўлганлар умумий сонининг 20-30% ни ташкил этади.

Шуни қайд этиш лозимки, меҳнат бозорида малакасиз ишчи кучлар аста-секин камаймоқда. Бунинг биринчи босқичи 50-йилларда содир бўлди, иккинчи босқич — ижтимоий меҳнатни ақлийлаштириш 60-70-йилларда бошланди ва ҳозиргача давом этмоқда. Меҳнат бозоридан малакасиз ишчи кучларнинг чиқиб кетишига бир қатор омиллар сабаб бўлди, лекин шулардан асосийси ишлаб чиқришни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобланади. Меҳнат ресурсларининг таълимий тайёрлашнинг тенглаштирилиши ва унинг даражасини коллеж даражасига кўтариш меҳнатни ақлийлаштиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Буни, масалан, Япония сингари мамлакатлар яхши англаб етади, бу давлатда «Халқ хўжалигини интеллектлаштириш ва аҳоли қобилиятини ривожлантириш тўғрисида»ги кенг концепция қабул қилинди. АҚШ, Франция, Буюк Британия ва Швецияда ҳам шундай дастурлар қабул қилинади. Бу мамлакатларда давлат бошчилигидаги меҳнат ресурслари сиёсати, икки босқичда олиб борилади: анъанавий расмий таълим тизимида (мактаблар, коллежлар, ОТМлар, аспирантурада) ва кейинги босқичда, яъни илмий ва ўқув марказалари, махсус курслар ва ҳ.қ.лар орқали кейинги ихтисослашув ва кадрларни қайта тайёрлашда. Бунда барча таълим муассасаларининг асосий эътибори шахс қобилиятларини аниқлашга, унинг ўзига хос хислатларини эътиборга олишга қаратилади.

Бозор хўжалиги субъектларининг маданий хулқ-атвори сингари бозор муносабатлари жиҳатини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу ишлаб чиқаришнинг ҳар бир иштирокчисидан фақат муайян техникавий ва гуманитар билимлар мажмуини талаб этилмай, балки, эътиқодни ҳам талаб қилади. Зеро, эътиқод инсонни бетакрор қилади, инсон-ходимнинг янги турига айлантиради, бу илмий адабиётларда «ассоциатив инсон» деб номланади. Бунда инсон учун ижодий фикрлаш хос бўлади, у ўзида «янги-

ни ижод этиш, аввалдан маълум бўлган маълумотларни янгича мушоҳада этиш, асосийси муаммоларни ҳал эта билиш ва хис эта олиш қобилиятини намоён қилади.

Бундай ходим образи касб-ҳунар таълими бўйича россиялик мутахассислар (П. Новиков, В. Зуев)[1] томонидан яхши тавсифланади. Уларнинг фикрича менежер (бизнинг шароитимиз бу ҳам янги касб) сифатида мутахассис учун қуйидагилар зарур:

— мослашувчанлик, янгини тасаввур эта билиш, индивидуаллик, ижодий ёндашиш, аналитиклик, ҳодисани фақат миқдор жиҳатдангина эмас, балки сифат томонидан ҳам баҳолашга қобиллик хос бўлган фикрлаш;

— коммуникативлик, эркин муомала қилиш, муайян ижтимоий-психологик вазиятга мослашиш, инсонни тушуна билиш, унинг хатти-ҳаракатининг боисини, манфаатларини англаш;

— ташкилотчилик қобилияти, биргаликдаги фаолият барча (ишлаб чиқариш ва инсоний) омилларини ҳисобга олган ҳолда вазифаларни оқилона тақсимлаш уқуви, кишиларнинг ишларини бир-бирига мувофиқлаштириш, уларни умумий мақсадлар асосида бирлаштириш, ишлаш учун зарур шароитни таъминлаш;

— вазиятни етарли чуқур ва объектив баҳолаш, муаммолар моҳияти ва манбаини, ўзига хослигини тушуниш, вазиятни кўп қиррали ва ҳар томонлама баҳолашга имкон берувчи билимлар таркиби, менежер учун иқтисодий билимларга эга бўлиши алоҳида аҳамият касб этади, менежер иқтисодий ташаббусга эга инсон;

— ишбилармонлик, ижтимоий ва ишда фаоллик.

Санаб ўтилган талабларни менежер учун эталон сифатида олиб, шунга ишонч ҳосил қилиш мумкинки, демак бундан буён инсоннинг шундай таълимий ривожланиши талаб этиладики, бу унга ўз идроклаш фаоллиги, мавжуд таълим имкониятларидан фойдалана билиш уқуви орқали мавжуд талаб этиладиган билимлардан илгарилаб кетиш имконини беради.

Замонавий (янги пайдо бўлган) ишлаб чиқариш бу талабларни айрим ходимларга қўймайди, балки бутун ходимларга қўйиши алоҳида эътиборни талаб этувчи жиддий ҳол ҳисобланади. Буни ўз фуқаролар турмуш даражасини оширишда жиддий ютуқларга эришган кўпгина давлатларнинг таълим стандартларида яққол

---

[1] *Қаранг:* Новиков П. П., Зуев В. М. Опережающее профессиональное образование. Научно-практическое пособие. — М., 2000. — С. 25б и др.

кўриш мумкин. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвецияда тўғридан-тўғри шундай ёзиб қўйилган: «таълим шахсни, қобилиятлиларни, улардаги ақлий ва жисмоний имкониятларни тўлақонли тарзда ривожлантириш учун кўмаклашишга йўналтирилган бўлиши лозим». Албатта, бу ҳужжатда гап умумий таълим ҳақида бормоқда, лекин, афсуски, агар таълим негизи бўлмаса касб-ҳунар таълимининг ҳам бўлиши мумкин эмас. Таълим негизи, таълим стандарти, бу — маданият даражаси, инсон учун қизиқарли бўлган олдий рўйхат, унга тугаллик бахш этувчи эмас, яъни бошланғич, асосий, ўрта, касбий, касбийдан сўнг деган қуруқ рўйхат эмас. Демак, кейинги йилларда республика олдида кўндаланг бўлиб турган масалалардан келиб чиққан ҳолда бу соҳадаги давлат сиёсатини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари белгиланиши керак. Булардан асосийларини шундай ифодалаш мумкин:

— Ўзбекистон суверен давлат сифатида қарор топиши ва ривожланиши мамлакат ривожланишининг танланган модели доираларида тубдан янги бўлган илмий ва технологик ишланмаларга асосланиши лозим;

— ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти уларнинг замонавий методологик ва методик жиҳатдан техникавий, технологиявий ишланмалар билан таъминланганига боғлиқ;

— илмий ишланмаларнинг устувор йўналиши илмий-техникавий тараққиёт ва жамият ривожланиши мақсадларига мос бўлиши ҳамда боғланиши лозим;

— бюджетдан молиялаш фақт илмий-техникавий дастурлар, устувор изланиш мавзулари ва шартнома асосидаги давлат идораларининг буюртмаси бўйича амалга оширилиши зарур;

— мутахассислар тайёрлашда ОТМлар стакчилик қилиши керак;

— ижтимоий фанлар давлат ва жамият муаммоларини ҳал этишга юқори даражада яқинлаштирилган бўлиши зарур, лекин давлат ва бозор қонунлари асосида ишлаши лозим.

Барча айтилганларни қисқача шундай ифодалаш мумкин: фан соҳасидаги муносабатлар аниқ иқтисодий мазмун билан тўлдирилиши лозим, бу бир томондан, иккинчи томондан, бу кўрсаткич маънавий ишчанлик билан, яъни инсонга у иқтисодий муаммоларни ҳал этар экан эгоизм, зулм, вайронликларни намоён қилишдан қочиши учун ёрдам берадиган аҳлоқий-маънавий мезонлар билан мутаносибланган бўлиши керак.

Мустақиллик шароитида, Ўзбекистон Республикаси таълимнинг эски тизимидан воз кечади, яъни муайян билимлар мажмуига эга бўлган инсонни тайёрлашдан ўзининг бутун имкониятини намоён этишга қобил, юксак ахлоқли, мағрур ва бахтиёр шахс ҳисобланувчи инсонни тайёрлашга ўтди. Педагогиканинг жаҳон миқёсида эришган ютуқлари даражасини, ахлоқий-эстетик меъёрлар ривожи устуворлигини ҳисобга олувчи миллий мактабга таянувчи, миллий маданият ўчоғи ҳисобланувчи, шу билан бирга маданиятларнинг оқилона диалогини олиб боришга қобил узлуксиз таълимни ривожлантириш стратегияси ҳақидаги масала долзарб бўлиб қолди. Бу таълим юқори малакага оила, мактабгача тарбия муассасасидан йўл олмоғи даркор ҳамда уни таълимнинг барча босқичларида ривожлантирилиши ва мустаҳкамланиши лозим эди. Шундай стратегия ишлаб чиқилди. Бу Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўлиб, унинг моҳияти таълимнинг замонавий мақсадларига мувофиқ шахснинг ҳам ўзи учун, ҳам жамият учун зарур бўлган қобилиятларни ривожлантиришдан иборат. Бу қобилиятлар инсонга ижтимоий қимматли фаолият, таълим тизимидан ташқарида мустақил таълим олиш самарасини таъминлаш учун зарур.

Инсон — ривожланиб борувчи мавжудот. Буни унга табиат ато этган ва бутун ҳаёти мобайнида бу тасдиғини топган. У ўзўзини ҳимоя қилиш учун дунёни ва ўзини англаб етади, сўнг ўзи учун қулай муҳит шакллантириш мақсадида ҳаёт фаолиятини англайди. У ўз ривожланиши йўлида Коинотга чиқиб ҳам тўхталмайди. Демак, билимларни тобора кучайтириб бориш генетик эҳтиёж экан. Уни албатта ривожлантириш лозим, чунки, А. И. Субетто фикрича, унга қўшилмасликнинг иложи йўқ, «агар билишга бўлган эҳтиёж сўнса, унда тараққиёт халок бўлади». лекин инсон олами шу даражада мараккаб, билим жабҳалари шу қадар кўпки, ўз қизиқишлари билан шунчаки қаноатланиш етарли эмас. Педагогик жиҳатдан ташкиллаштирилган, аниқ мақсадни кўзлаган ҳам режа бўйича ижтимоийлашувни, ҳам муайян (ўзининг ҳар бир босқичида) натижаларни, янги таълимни ўз ичига олган махсус муассаса амалга оширадиган, аниқ мақсадга қаратилган ўқитув зарур.

Замонавий **маълумотлилик мезони** — тасаввурнинг очиқравшан ва аниқлилиги, инсон шулар билан ҳаракатланади; фикрлашнинг муайянлиги ва аниқлиги; заруратни кўра билиш ва унинг сабабини топа олиш; нарса ва ҳодиса ўртасидаги алоқани пайқаш; мавжуд йўналишлар таҳлили асосида ҳодисалар ривожини кўра билиш лаёқати. Бу борада «олдиндан

кўра билиш», келажакни тасаввур этиш, ўз (ахлоқий, ақлий, ижтимоий, моддий ва амалий) фаолиятининг ижобий ва салбий натижаларини олдиндан билиш айниқса муҳимдир. Бу сўзларнинг адолатли эканига ишонч ҳосил қилиш учун инсоннинг ўйламасдан қилган ишларининг фожиали оқибатларини эслаш кифоядир. Бу янги вазият янгича фикрлашни, янгича сифатларни, алоҳида фаолиятини тақозо этади, деганидир.

Лекин, таълим, бу ҳали — аждодларнинг авлодларга ижтимоий қимматга эга тақлид эмас, балки таълим ва тарбия орқали шаклланувчи маданий тажрибани мунтазам қидириб бориш жараёни ҳамдир.

Бу жараёнда ота-оналар, тенгдошлар, ҳаракат етакчилари, буюк арбоблар, суюмлилар қатнашади. Демак, инсон билишга фаол киришишга тайёр бўлиши лозим ва шу асосда ўзини шахс сифатида ўз ҳаёти фаолияти муҳитида олган билимларини шакллантириш асосида инновациявий, башоратли мўлжал қилишга тайёрлаши лозим. У ўзгариб турувчи муҳитга, шу жумладан, ишлаб чиқаришга ҳам динамик ҳамда ижодий мослашувгв тайёр бўлиши керак. Касб-ҳунар таълимининг моҳияти мана шундадир. У индивидга табиат ва жамият ривожланиши қонуниятлари ҳақидаги назарий билимлар асосида борлиқни концептуал идрок этишдан амалий — ижтимоий, *бошқарув, техникавий-иқтисодий, ишлаб чиқариш* ва бошқа вазифаларни ҳал этишга ўтиш имконини беради.

Бу таълимнинг *инновацион модели* ҳисобланади. У ижодий қобилиятни максимал ривожлантириш ва ихтиёрий танланган соҳа асосида кучли мотивни таълим тадрижийлиги ёки таълим муассасасининг турли йўналишини яратишга йўналтирилган. Барчага аёнки, шундай билим борки, уни бутун умрга олинади, яъни маълум минимум (касб-ҳунар таълимида, бу — касбга йўналтирилган билим) ва таълим даражасидан илгарилаб кетувчи билим, яъни шундай таълимки, у фақат ҳозиргисига мослашибгина қолмай, балки, шахснинг иқтидорига таянган ҳолда келажакни ҳам ҳайрон қолдиришга қобил билимдир.

Республикамизда инновацион таълим дастурини ишлаб чиқарилди, албатта, чет мамлакатлар тажрибасини уйғунлаштирали, лекин муайян доираларда, умуман, бутун дастур ўхшаши йўқ, нодир ҳисобланади. Таълим янги моделининг концептуал асоси Президент И. А. Каримов томонидан таклиф этилди шунинг учун ҳам таълим ва кадрлар тайёрлаш бўйича янги модел, ҳақли равишда «Ислом Каримов модели», деб номланди. Бу молел касб-ҳунар таълими сифатида

иқтисод, сиёсат, Ўзбекистон ҳаётининг бошқа соҳаларидаги ўз ривожланиш йўлини таклиф этади. Унинг асосий ўзига хос жиҳатлари бўлиб тўла қайта тузилиш кўрсатмаси ҳисобланади, у ўз ичига қуйидаги жиҳатларни олади: шахс — давлат — жамият — таълим — фан — ишлаб чиқариш.

Кадрлар, янги шаклдаги мутахассислар тайёрлаш миллий моделини амалга ошириш учун Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди ва муваффақиятли амалга оширила бошланди. У Олий Мажлис томонидан (1997 йил августда) тасдиқланди ва қонун кучига эгадир. Дастурда қуйидагилар таълим соҳасидаги асосий тамойиллар ҳисобланади: таълим ва тарбиянинг гуманитар, демократик тавсифи; таълимнинг узлуксизлиги ва ворисийлиги; танловнинг эркинлиги асосида умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги; давлат стандартлари доирасида таълимнинг барча учун бирдеклиги, дунёвий тавсифи; таълим ва касбий дастурларни танлаш бирлиги ва табақалаштирилганлиги.

Узлуксиз таълим тизими ўз ичига мактабгача таълимни; ўрта махсус касб-ҳунар таълимини; олий таълимни; ОТМдан кейинги таълимни, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълимни, оиладаги таълимни ва мустақил таълимни олади.

Мактабгача тарбия давлатга қрашли ва давлат тасарруфда бўлмаган болалар муассасаларида ҳамда оилада 6-7 ёшгача амалга оширилади.

Умумий ўрта таълим — мактаблар 1-9-синфларда амалга оширилади, мажбурий ҳисобланади. Асосий фанлар бўйича мунтазам билимлар олишни таъминлайди, илмий ва умуммаданий билимлар негизини шакллантиради.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими. Ўқиш муддати — 3 йил (умумий ўрта таълим негизида амалга оширилади). Булар академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари.

Академик лицей ўрта махсус маълумот беради (мавжуд давлат стандартлари асосида), фанларни муайян олий таълим муассасасида давом эттириш мақсадида чуқур ўрганишга йўналтирилган. Касб-ҳунар коллежи ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради ва танлаган мутахассисликни олишга имкон беради.

Олий таълим — ўрта таълимга асосланади ва 2 босқичдан иборат: бакалавриат ва магистратура.

Бакалавриат — таянч олий таълим (4 йилдан кам эмас), танлаган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини беради. «Бакалавр» даражаси берилганлиги хусусида диплом топширилади (Шу ўринда маълумот учун: 2005 йилда республикада 1600 касб-ҳунар лицейлари ва коллежлар ишга тушурилиши лозим).

Магистратура — бакалавриат негизидаги олий таълим (камида 2 йил). Диплом ва «магистр» даражаси берилади.

ОТМдан кейинги таълим — аспирантура, адъюнктура, докторантура, изланувчанлик — илмий (фан номзоди, фан доктори) даража бериш билан якунланади.

Малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш касбий билимларни янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган.

Миллий дастурни ва касб-ҳунар таълими мазмунини ислоҳ қилишни амалга ошириш учун маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ва «Нимага ўқитиш?» ва «Қандай ўқитиш?» деган саволларга жавоб бериш лозим эди.

Жаҳон тажрибасини эътиборга олиб, шунингдек, ижодий ва ижтимоий фаолликка, мустақил фикрлашга истиқболга масалалар қўйиш ва ечишга қобил юқори даражада умумий ва касбий маданиятли мутахассис ходимлар янги авлодини шакллантиришдан иборат масъулиятли вазифани ҳисобга олиб касбий тайёрлов ва ихтисосликлар йўналишлари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат стандартлари ишлаб чиқилди, булар *рақобатбардош кадрлар тайёрлашни таъминлайди.* Классификаторда тадбиркорликнинг янги шакллари ва бозор иқтисоди қонунларини ва механизмини биладиган мутахассисларга эҳтиёж эътиборга олинган. Унда, хусусан, шундай йўналишлар кўзда тутилган: «Менежмент», «Маркетинг», «Тижорат иши», «Биржа фаолияти», «Ҳуқуқшунослик ва иқтисодиёт» ва б. Классификатор Ўзбекистон Республикаси техникавий-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларини классификация ва кодлаштириш ягона тизими таркибига киритилади ва барча муассасаларда, мулк шаклидан қатъи назар, тадбиқ этиши учун мажбурий ҳисобланади. Унда Халқаро стандарт квалификация коди келтирилган. У халқ хўжалиги фаолиятининг барча соҳасини қамраб олади.

Ўрта масус, касб-ҳунар таълими давлат стандартлари ўз ичига мамлакат тарихи, миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбияланган ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий етук шахсни шакллантириш мезонларини олади. Ўз олдига *қуйидаги вазифаларни қўяди: ҳар бир стандарт аниқ*

йўналишлар бўйича экспериментал ўқув режасига эга, унга бажарилиши бўйича назорат турлари илова қилинган.

Қуйидагилар стандарт вазифалари ҳисобланади:

— касбий тайёргарлик ва ихтисосликларнинг йўналишлари, шунингдек, касбий фаолият миқёси ва унга мос таълимнинг мазмуни ҳақида ўқитилаётганлар, ўқитаётганлар ва ишга олувчиларни тўла ишончли маълумот билан таъминлаш;

— касб-ҳунар таълими мазмуни мажбурий минимуми, уни ташкил этиш талаблари ва ўқиётганларга тушунадиган ўқув юкламаси максимум ҳажмини белгилаш;

— касбий билим ва уқувларни ўзлаштириш даражасига энг мақбул талабларни белгилаш.

Меҳнат бозоридаги мутахассисларга эҳтиёжни таъминловчи яхлит касбий ваколатга эга бўлиш таълим стандартларининг якуний мақсади ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда кадрлар тайёрлаш, масалан, касб-ҳунар коллежларида 120 таълим давлат стандартлари негизида 122 йўналиш бўйича амалга оширилмоқда. Янги таълимий талабларга мувофиқ дарслик, қўлланма, методик адабиётлар, ахборот таъминот негизи яратилмоқда, таълимнинг янги технологияси жорий этилмоқда. Малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мақсадли дастури ишлаб чиқилди ва амалда қўллана бошлади. Унинг асосида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари мутахассислар билан тўлатилди, узлуксиз таълим учун барча шароит, яъни рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш тизимининг замини яратилди. Бу мамлакат ривожининг бозор иқтисодига ижтимоий йўналган кучли, демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаровий жамиятни қуришнинг муҳим шартидир. Ўтказилаётган барча ислоҳотларнинг мақсади шу. Шундай қилиб, Ўзбекистон таълим тизимини янгилаш, ривожлантириш жаҳон ҳамжамиятига уйғунлашиш ва кириб боришнинг тобора кучайиши шароитларида жамият ва давлатнинг ривожланиши ягона жараёнининг таркибий қисми, ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқадор унсури сифатида намоён бўлмоқда.

2.3. Таълимда ахборот технологияси

Ўзбекистон — инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган, уни фавқулодда бойитган буюк олимлар, мутафаккирлар ва давлат арбобларининг тарихий Ватани. Ал Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Соҳибқирон Амир

Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқалар ҳозирги замон математика ва табиий, тиббиёт, астрономия, филология фанларининг, ҳарбий санъат ва давлат қурилишининг асосчилари ҳисобланади.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг марказида жойлашган. Унинг ҳудуди 447,4 минг километр квадрат, аҳолиси 26 миллион нафардан ортиқ. Республика 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасидан иборат. Ўзбекистонда 118 та катта, ўрта ва кичик шаҳарлар мавжуд, пойтахти — Тошкент шаҳри. Республикада унинг пойтахти, вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган 63 та олий таълим муассасаси фаолият кўрсатади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига, жамиятнинг маънавий янгиланишига, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга, жаҳон ҳамжамиятига уйғунлашишга амал қилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш амалга оширилмоқда.

Республикада амалга оширилаётган ўзгаришларнинг бош мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб инсон, унинг ҳар томонлама камоли, манфаатларини юзага чиқариш учун зарур шароитлар ва таъсирчан воситаларни яратиш, фикрлаш ва ижтимоий хатти-ҳаракатни ўзгартириш ҳисобланади. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умуминсоний қадриятлар, замонавий маданият, иқтисодиёт, техника ва технологиялар асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистонни ривожлантиришнинг муҳим шартлари бўлиб қолди.

Таълимда электрон ахборот ресурсларини яратиш ва улардан фойдаланиш уқуви ҳамда кундалик касбий ишлар XXI асрнинг устувор йўналишлари ҳисобланади. Шунинг учун информатика ва ахборот-алоқа технологиялари ҳозирги вақтда дунёда алоҳида мавқега эга.

Олий таълимдаги ахборот технологиялари замонавий таълим муҳитининг муҳим воситаларидан ҳисобланади. Бу — таълим берувчи ва ривожлантирувчи дастурлар, электрон кутубхоналар, моделлаштириш тизимлари, телекоммуникация ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23 май 2001 йил 23 майдаги 230-рақамли «2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишни ташкил қилиш, Интернет халқаро ахбо-

рот тизимига кенг кириб боришни таъминлаш бўйича чоралар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ вазирликда бошқарма, ҳар бир олий таълим муассасасида «Ахборот технологиялари ва масофадан ўқитишни шакллантириш» марказлари ташкил этилди. Марказларнинг асосий вазифаси бўлиб, олий таълим муассасаси ички компьютер тизимини яратиш ва хизмат кўрсатиш, виртуал таълим воситасини ишлаб чиқиш ва ҳ.к. ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 6 июнда «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 200-рақамли қарор қабул қилди. Республика олий таълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнларига тадбиқ этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш комиссияси ташкил этилди. Ҳозирда ОТМлардаги компьютерлар парки 10758 тани ташкил этади. Улардан 5633 таси (52,3%) Pentium-I ва юқори модификацияга эга бўлган компьютерлардир. Ҳар 100 нафар талабага ўртача 5,1 компьютер тўғри келса, Pentium-I ва ундан юқори модификацияга нисбатан эса 2,67 компьютер тўғри келади. Бу кўрсаткич 2001 йилда 2,18 ни ташкил этган бўлиб, 2002 йилдаги ўсиш салмоғи 2,3 мартадан (107%) ортиқроқдир. Вазирлар Маҳкамасининг 200-рақамли қарорига кўра мазкур кўрсаткич 2002 йил учун 4,7 бўлган бўлса, режани бажарилиши 108% ни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 200-рақамли қарори қабул қилинганга қадар 40 та олий ўқув юрти Интернетга уланиш имкониятига эга бўлган бўлса, ҳозирги кунда барча 63 та олий ўқув юртлари (100%) Интернет ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга.

Олий таълим муассасалари Интернет халқаро тармоғига чиқиладиган компьютер синфларига эга. Бу синфлардан, асосан, бакалавр, магистратура талабалари илмий фаолият жараёнида, шунингдек, ўқитувчилар томонидан илмий ва илмий-методик ишларни бажариш вақтида фойдаланадилар.

Вазирлик ва олий таълим муассасаларининг тавсифлари, ишлари ва ютуқларини акс эттирувчи Веб-сайтлар тузилган.

Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ташкил этиш орқали таълим харажатларини қисқартириш, таълим самарадорлигини кескин ошириш мақсадида вазирлик томонидан Миллий таълим тармоғининг техник инфратузилмаси, кутубхоналарни автоматлаштириш ва электрон кутубхоналар яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда ўқув жараёнида

667та электрон дарслик ва ўқув қўлланмасидан фойдаланилмоқда. Ўқитувчилар ва мутахассисларни ахборот технологиялари ҳамда масофадан ўқитиш бўйича қайта тайёрлаш амалга оширилмоқда. Таълим сифатини ошириш борасида электрон-виртуал стендлар яратилди ҳамда электрон почта хизматидан кенг фойдаланилмоқда. Ўқув устахоналари ва тажриба қурилмаларининг ишини иммитацияловчи виртуал стендларни яратиш бўйича ишлар янада ривожлантирилмоқда.

Барча олий таълим муассасаларида электрон ҳужжат алмашувини шакллантириш учун локал тармоқларни яратиш ишларини фаоллаштириш, Интернет тармоғи орқали олий таълим муассасаси ҳақидаги маълумотларни узатиш учун таълим муассасасининг Веб-саҳифасини яратиш, Интернетга боғланиш схемаси ва инфратузилмасини намунавий информацион лойиҳаси мавжуд. Вазирлик ва олий таълим муассасалари Интернетда ўз сайтларига эга.

Ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва аҳолининг турли қатламларини компьютер саводхонлигига ўқитиш ва бу борада оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Масофавий ўқитишнинг муҳим компонентларидан бири ҳисобланган масофавий ўқитиш воситалари базасини яратишда мамлакат ва хорижий давлатлар таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Жумладан, ОЎМТВ билан АҚШнинг Мериленд университети ҳамда ОЎМТВ билан ГулДУ, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан шундай алоқа ўрнатилди.

ОТМлар Интернетдан имтиёзли фойдаланиш йўлларини изламоқда. Олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларни тилга ўргатиш, компьютер саводсизлигини бартараф этиш ва Интернет тизимида ишлаш малакасини такомиллаштириш йўлга қўйилди. 11та ОТМ, улардан 2таси хорижий давлат (Буюк Британия, Голландия) ОТМлари ўртасида тармоқ ўрнатиш ва доимий ишлашни таъминлаш бўйича ТЕМПУС-ТАСИС лойиҳаси иш бошлаган.

Республика олий ўқув юртларига 2001 йилда халқаро ва хорижий ташкилотлар, жамғармалар томонидан маблағ ажратилган соҳалар

№	Олий ўқув юрти номи	Халқаро ва хорижий ташкилотлар жамғармалар номи	Ташқи инвестициялар ҳисобига бажарилаётган дастурлар номи
1.	**ТТЕСИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Япония ҳукуматининг бепараз ёрдами	Институтни ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш
		ТАСИС-ТЕМПУС дастуридан	Видео-аудио техникалар
		«Серос» жамғармасидан	1991-2000 йиллар чет элларда чоп этилган техника, медицина, ижтимоий ва иқтисодий журналларни интернетда эълон қилишган нусхалари 46 та компакт дискда
2	**УзМУ**	**Жами:**	**Жами**
	Шу жумладан:	Интас	Магнит гранаталарининг фото уйғониш ҳолати
		Интас	Интас дастури
		Италия элчихонаси	Италия тилини ўргатиш
		Телмус	Европа тарихини ўрганиш
		Жаҳон банки	Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш
		Жаҳон банки	Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бандлик, меҳнат бозори ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш
		Жаҳон банки	ИЭШМБ ва аҳолини ҳимоя қилишнинг ҳудудий масалалари
		Жаҳон банки	Кадрлар тайёрлаш
3.	**КаршиДУ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Темпус	Янги педагогик технологияда информацион тизимдан фойдаланиш
		Тасис	EDUZ 9501 тасис лойиҳаси
4.	**ТИҚХМИИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	BASIS (USAID) АҚШ	«Бозор тизимларига киришни кенгайтириш ва эътиборни кучайтириш» лойиҳаси
		Cummins Engine Colid Компанияси Англия	Қўшма ўқув маркази

№	Олий ўқув юрти номи	Халқаро ва хорижий ташкилотлар жамғармалар номи	Таянч инвестициялар ҳисобига бажарилаётган дастурлар номи
		REL ташкилоти АҚШ	Халқаро ахборот маркази
		Ўз Кейс Сервис қўшма корхонаси	Қўшма ўқув маркази
		GTZ, Германия	Ўқув тажриба хўжалигида тажриба ўтказиш
		Бонн Университети, Германия	Хоразм вилоятида иқтисодий экологик қайта тиклаш
		Intas	Орол денгизи хавзасида чўлланиш жараёни. Табиий ва антропоген таъсирларни ўрганиш ОРОЛ КУМ
		NZODA/ADAF Янги Зелландия	«Хамкорликда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш»
		Вашингтон штат университети АҚШ	«Атроф муҳит муҳофазаси»
		USAID, АҚШ	Марказий Осиёда табиий ресурсларни бошқаришни такомиллаштириш. Интернет марказини ривожлантириш
		Айова штати университети	Хамкорлик шартнома
5.	**ЎзДЖТУ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Исроил элчихонаси	Иврит тили маркази ташкил қилиш
		Корея Республикаси элчихонаси	Корейс тили маркази ташкил қилиш
		Британия кенгаши	Ўқув адабиётлари билан таъминлаш
		«Устоз» жамғармаси	Ўқув адабиётлари билан таъминлаш
		Мерси прожект	Инглиз тили маркази ташкил қилиш
		Индонезия элчихонаси	Индонезия тил маркази ташкил қилиш
		АҚШнинг Шимолий Шарқий университети	Журналистика бўйича лойиҳа
		Фульбрайт дастури	Фульбрайт профессорини таклиф қилиш
		Миср Араб Республикаси элчихонаси	2 нафар араб тили ўқитувчисини таклиф қилиш
		ХХР элчихонаси	Хитой тили ўқитувчисини таклиф қилиш
		Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги	Кўнгилли ўқитувчини таклиф қилиш
		Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги	Кўнгилли ўқитувчини таклиф қилиш
		Италия элчихонаси	Итальян тили ўқитувчисини таклиф қилиш
		Польша элчихонаси	Поляк тили ўқитувчисини таклиф қилиш
		CAFE ташкилоти	Инглиз тили ўқитувчиларини таклиф қилиш
		Америка-Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти	Инглиз тили ва журналистика соҳаларида дарс бериш

№	Олий ўқув юрти номи	Халқаро ва хорижий ташкилотлар жамғармалар номи	Ташқи инвестициялар ҳисобига бажарилаётган дастурлар номи
6.	ТошДИУ	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Европа ҳамжамияти	ИРОТАС
		АҚШ информацион агентлиги	Нью-Йорк университети билан дастур
		Фонд Евразия	Муниципал менежмент ва иқтисодиёт таълим дастури тадқиқоти
		Британия кенгаши	Экология менежменти
7.	АндКХИ	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Буюк Британия «Ноу Хау» фонди	REAP лойиҳаси
		Сорос жамғармаси	0
		ТАСИС	TACIS-RADP
8.	НавДКИ	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Тамбург техника университети	Масофадан ўқитиш
9.	БухДУ	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Евразия	Таълим муассасаларида бизнес таълими йўналиши
		Евразия	Гуманитар ёрдам
		Темпус	Туризм иқтисодиёти мутахассислари тайёрлаш
		Италия элчихонаси	Итальян тилини ўрганиш маркази
		Англиянинг «Камминз» компанияси	«Камминз» двигателларини мукаммал ўргатиш учун
		АҚШнинг «mississipi-UM GAS» компанияси	Физика математика факультетининг иқтидорли талабаларига стипендия бериш
		АҚШ тинчлик корпуси	Чет тилини ўрганиш
10.	БухООЕСТИ	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Тасис «Темпус» қўшма Европа лойиҳаси	«Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари иқтисоди бўйича ўқув дастури тизими»
11.	НамМИИ	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Евразия жамғармаси	Қисқа муддатли маҳаллий раҳбар ходимлар малакасини ошириш ўқув дастурини тайёрлаш
		Евразия жамғармаси	Технология факультетининг битирувчи курс талабаларини бизнес асослари бўйича ўқитиш

№	Олий ўқув юрти номи	Халқаро ва хорижий ташкилотлар жамғармалар номи	Ташқи инвестициялар ҳисобига бажарилаётган дастурлар номи
		АҚШ Мериленд университети билан ҳамкорликда (Тошкент, Наманган ва Бухоро вилоятлари)	Фермер хўжаликларида бозор кўникмаларини шакллантириш
12.	СамДУ	Жами:	
	Шу жумладан:	Intas	тадқиқот журналлари СамДУ кутубхонасига ўтказилди
		НАТО	Экологик тадқиқотлар
		Иерусалим университети	Халқаро конференциялар ўтказиш учун
		ИКАРДА	Чўл ҳудуди қишлоқ хўжалик ресурси
		Турли жамғармалар	Хориждаги конференциялар, сафарлар, малака ошириш учун
13.	ТошДавТИ-2	Жами:	
	Шу жумладан:	ТАСИС-ТЕМПУС	Институт бошқарув тизимини такомиллаштириш
		Америка ХССИ (АІНА)	Аёлларни соғломлаш марказининг очилиши
		Сорос	Темирдефицит анемияни даволаш ва профилактикаси
		Лондон империал коллежи	Регионал таълим ҳамкорлиги
14.	СамҚХИ	Жами:	
	Шу жумладан:	Буюк Британия консуллиги, «Нау Хау» фонди, Буюк Британия	REAP лойиҳаси
		Халқаро ўғит ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси (LOGO) Германия	Ассоциацияси (IFA)га аъзолик
		World Concern Development АҚШ	Талаба алмашинуви соҳасида ҳамкорлик
		EU-TEMPUS Tacis. (Европа иттифоқи)	Кам таъминланган оилаларга микрокредитлар бериш
		Қишлоқ хўжалиги соҳасида алмашиниш дастури САЕР АҚШ	Ўзбекистон Республикаси Аграр олий ўқув даргоҳларида иқтисодиёт фанларини ўқитишда қўлланиладиган ўқув дастурларини такомиллаштириш
		ICARDA (БМТ)	Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган илмий текширишлар соҳасида ҳамкорлик
		Agrisystem	Халқаро лойиҳаларга грантлар тайёрлаш

№	Олий ўқув юрти номи	Халқаро ва хорижий ташкилотлар жамғармалар номи	Ташқи инвестициялар ҳисобига бажариладиган дастурлар номи
15.	ЖИДиПУ	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Япония жамғармаси	
		Бирлашган Араб Амирлиги	
16.	ТДТУ	**Жами:**	
	Шу жумладан:	TACIS-Tempus (бу дастурда 4 университет иштирок этмоқда: Гамбург Харбург Техника университети (Германия), Твенти университети (Голландия), ТошДТУ, Қарши мухандислик институти)	Ахборот ва алоқа технологиялари соҳасида магистр курслари учун ўқитувчиларни тайёрлаш
		TACIS-Tempus (бу дастурда 5 университет иштирок этмоқда: Гамбург Харбург Техника университети (Германия), Твенти университети (Голландия), ТошДТУ, Адлборг университети (Дания), Навоий кончилик институти)	Ўзбекистонда масофали таълим
		СОРОС	Интернет тармоқида ишлашни ташкил этиш
		Атроф-муҳит техникаси илмий мухандис бюроси (Германия)	Координацион Битим асосида илмий тадқиқот иши
17.	ТошДШИ	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Япония элчихонаси	компьютер, сканер, принтер
		Япония элчихонаси	япон тилидаги ўқув қўлланмалари
		Корея Республикаси «KOICA» фонди	кореяшунослик факультетида кутубхона ташкил этиш ва зарур ўқув қўлланмалари ва техник жиҳозлар билан таъминлаш
		ТошДШИда таълим олаётган Хитой, Афғонистон, Сурия, Югославия, Россия, Корея, БАА фуқаролари томонидан тўланган маблағлар	ТошДШИда таълим олиш

№	Олий ўқув юрти номи	Халқаро ва хорижий ташкилотлар жамғармалар номи	Ташқи инвестициялар ҳисобига бажарилаётган дастурлар номи
		ТошДШИда таълим олаётган Хитой, Афғонистон, Сурия, Югославия, Россия, Корея, БАА фуқаролари томонидан тўланган маблағлар	ТошДШИда таълим олиш
		Япония, Корея, Миср, Хитой	23 нафар профессор ўқитувчининг ТошДШИ талабаларига таълим бериши
18.	**КорДУ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	«Партнерства во имя мира НАТО»	«Фан ва тинчлик учун» дастури
		«Долзарб экологик жамғармаси ва дунёвий банк ҳамжамияти»	«Ҳозирги даврда Судочье кўлини экологик назорат қилиш» дастури
		«ЛК» жамғармаси (Япония)	«Создание электронного атласа Южного Приаралья: экология, экономика, здоровье» дастури
19.	**ТошДАвиаИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	АҚШ БОИНГ компанияси	Хўжалик шартномаси
20.	**СамДЧТИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Корея Республикаси	Босмахона учун
		Евразия фонди	Бизнес инкубатор
		Фонд Сороса	Китоблар
		Мин. торговли США	Туризм ва саёҳат
		Германия	Китоблар
21.	**БухТибИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Халқаро жаҳон банки	Саломатлик дастури
			РВЦП Узмед эксперт
22.	**ТошАҚИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Исроилнинг «Технион» университети билан имзоланган шартнома АҚШнинг Халқаро ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилмоқда	Шаҳар инженерлик коммуникация жиҳозларини ишлаб чиқиш
23.	**ТошЭлАхИ**	**Жами**	
	Шу жумладан:	Тасис	TELUZ

№	Олий ўқув юрти номи	Халқаро ва хорижий ташкилотлар жамғармалар номи	Ташқи инвестициялар ҳисобига бажарилаётган дастурлар номи
24.	**СамКИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Ўзбекистон очиқ жамият институти кўмак жамғармаси	Иқтисодий кўмак назариясига кириш
		Ўзбекистон очиқ жамият институти кўмак жамғармаси	Ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиёти
		Фонд Евразия	Обучения активным методам преподавания бизнес дисциплин в колледжах города Самарканд
		Каунтенпарт-Консорциум	Центр поддержки гражданского общества
		АКСЕЛС	Маркетинг принциплари
25.	**АндДТПИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	«Сорос очиқ жамияти институти Ўзбекистон	Ахборот-маслаҳат ўқув маркази
		Франция элчихонаси	Оргтехника
		Германия ва АҚШ элчихоналари	Малака ошириш
		Киргизистон Республикаси	Пулли хизмат кўрсатиш
		Германия ва Франция элчихоналари	Ўқув адабиётлари, аудит ва видео кассеталар
26.	**АндДУ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	СОРОС	Юридик клиника ўқитувчилар ва талабаларнинг ижодий фикрлашларининг режалаштиришга ўргатиш
		СОРОС	Юридик клиника ўқитувчилар ва талабаларнинг ижодий фикрлашларининг режалаштиришга ўргатиш
27.	**НамМПИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Евразия фонди	Менежмент мутахассисиги бўйича магистрлар тайёрлаш учун ўқув дастурини ишлаб чиқариш (грант №Т00-0192)
28.	**ТошКТИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	«Техина International Ltd» USA компанияси	Ҳамкорлик ҳақидаги шартнома №43/01 30.07.2001 й.
		Эрлангген-Нюренберг университети, Германия	Ҳамкорлик ҳақидаги шартнома №1/1999- ЕТ, 2/2000 ЕТ.
		АО «Сименс», Германия	Ҳамкорлик ҳақидаги шартнома тузилмоқда

№	Олий ўқув юрти номи	Халқаро ва хорижий ташкилотлар жамғармалар номи	Ташқи инвестициялар ҳисобига бажарилаётган дастурлар номи
29.	**ТермДУ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	АҚШнинг Евразия фонди Вашингтон бошқармаси	АҚШда (Китоб сотиб олиш проекти) №950222 раҳбар доц. Э.Х. Авазов
		АҚШнинг Евразия фонди Тошкент бўлими	ТермДУда компьютер синфи
		Перца (АҚШ)	Иқтисодий китоб билан таъминлаш
		Йсар Юсаид	Общественные инициативы для сохранения биоразнообразия в Сурханском заповеднике
30.	**НамДУ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Евразия	Иқтисодчи бакалаврлар учун компьютерлаштирилган ўқув қўлланмаси яратиш
31.	**ЖизПолИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Америка ривожлантириш агентлиги молиявий техникавий кўмак АҚШ	Қишлоқ хотин-қизлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш
		Сорос жамғармаси	Дарслик ва ўқув қўлланмалар олиш учун тузилган шартнома
		Перрца жамғармаси	Дарслик ва ўқув қўлланмалар олиш учун тузилган шартнома
32.	**УргенчДУ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	ДААД	Дарслик тайёрлаш
		Гёте институти	Малака ошириш
33.	**КарпиМИИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Европа Иттифоқи Темпус Дастури	Информацион ва коммуникацион технологиялар соҳасида магистрлик курсини ишлаб чиқиш учун ўқитувчилар тайёрлаш
34.	**ТошДМадИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	СОРОС ҳамкорлик фонди Очиқ жамият институти	Юқори малакали кутубхоначи кадрлар тайёрлаш учун маданият институти компьютерлаштирилган ўқув синфи

№	Олий ўқув юрти номи	Халқаро ва хорижий ташкилотлар жамғармалар номи	Ташқи инвестициялар ҳисобига бажарилаётган дастурлар номи
35.	**АндМИИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Евроосиё жамғармаси	Иқтисодчи кадрлар малакасини ошириш
36.	**ТошПТИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Nestle	0
		Eksomedex	0
		ООО «НАФ»	0
		Berlin Chemic	0
		Niycomed	0
		Hoffman-La-Koche	0
		Beafore ipsen	0
		Англия давлати (1995 йилда ташкил этилган)	«Умид нури» (офтальмология) буйича
37.	**ТошАЙўлИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	АКСЕЛС (АҚШ)	Ресурслар тизимини барпо этиш
		ПЕРРЦА, Евразия	Интернет тизимига уланиш
		ЮНЕСКО	«Фуқарошунослик асослари» фанидан ўқув қўлланма
38.	**СамТибИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки	Соғломлаштириш I дастури компьютер ва илмий техникалар
		Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки	Соғломлаштириш I дастури илмий ўқув адабиётлар
		Сорос фонди	Интернет тармоғини ривожлантириш
39.	**ТМИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Очиқ жамият институти СОРОС жамғармаси	Бинони таъмирлаш
		Британия кенгаши	0
		Сименс	0
		БМТ ахборот маркази	БМТ ахборот маркази
		АҚШ ахборот маркази	маданият бўлими

№	Олий ўқув юрти номи	Халқаро ва хорижий ташкилотлар жамғармалар номи	Ташқи инвестициялар ҳисобига бажарилаётган дастурлар номи
		АҚШ ахборот маркази	Тинчлик корпуси
		АҚШ ахборот маркази	«Фулбрайт» дастури
		Япония элчихонаси	0
		Исроил элчихонаси	0
40.	**ФарПИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	CAFE, СОРОС	Ўқув жараёни учун адабиётлар, компьютер ва бошқа жиҳозлар
41.	**СамДАҚИ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Фонд Сорос	
		Италия республикасининг бир гуруҳ талаба ва ўқитувчилари	Нусха олувчи ксерокс аппарти
42.	**ФарДУ**	**Жами:**	
	Шу жумладан:	Очиқ жамият институти СОРОС жамғармаси Ўзбекистон ваколатхонаси	«Халқаро ва ўтиш даври иқтисодиётининг бир хилги масалалари» иқтисодиёт факультети 2-курс талабалари учун махсус курс
		Очиқ жамият институти СОРОС жамғармаси Ўзбекистон ваколатхонаси	«Давлат худқатвор» психологияси махсус курси учун адабиёт ҳарид қилиш

3-БОБ
ОЛИЙ ВА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

3.1. Инвестициявий дастурларнинг аҳамияти

Иқтисоддаги тангликни бартараф этиш, уни соғломлаштиришнинг асосий шартларидан бири бўлиб иқтисодий ўсиш, яъни унинг барча шўъбаларидаги ижобий юксалиш, биринчи галда, негизининг аниқ ошиши ҳисобланади. Капитал маблағ талаб этилади. Мамлакат ўз эҳтиёжининг катта қисмини ички инвестиция, ички жамғармалардан ажратмалар ҳисобига қоплайди, лекин анчагина қисми валюта сотиб олишга сарф бўлади. Шунинг учун иқтисодий ўсиш муаммоси, аввало, сўмга бўлган ишончни мустаҳкамлаш, молиявий институтларни ривожлантириш, миллий инвестициялар учун қулай шароит яратиш муаммосидир.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бугунги ўсишнинг, таъбир жоиз бўлса, хамиртуриши бўлиб чет эл инвестициялари ҳисобланади. Турли сабабларга кўра, жумладан, унга ҳамроҳ сабаблар — технологиялар, «Ноу-хау», бошқарув тажрибаси, янги бозор ва кўпгина бошқалар бўйича шундайдир.

Жаҳондаги битта минтақада — қулай фойдаланишни кутаётган ресурсларнинг улкан жамғармаси, иккинчисида — инвесторлар учун юқори имкониятга эга жозибали Ўзбекистон. Нима учун кенг имкониятли? Шунинг учунки, инвестицияга бўлган эҳтиёж катта миқдордаги маблағ билан белгиланади. Мавжуд жозибалилик сармоя қўйиш, муҳит, иқлим ва шарт-шароит билан белгиланади.

Айнан муҳит чет эл инвестициясининг ўсиб бориши ва таркибини белгилаб беради. У кейинги пайтда анча илиқлашди, чунки, сезиларли олға силжиш кўзга ташланмоқда. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳам тўғридан-тўғри инвестициялар, ҳам портфел инвестициялар ўсиши анча суст. «Бошқа» капиталлар кириб келиши ўсмоқда, яъни давлат қимматдор қоғозларини, шунингдек ГКО сотиб олиш кучай-

моқда, буни умуман инвестиция деб қараш мушкул. Нисбатан унча катта бўлмаган миқдорда капитал қўйиш ва бу ўзини қисқа муддатда оқлаши мумкин бўлган ҳолларда, яъни молиявий, банк, суғурта, тижорат бизнесида инвестиция ўсмоқда.

Ҳукумат чет эл инвестициясига катта аҳамият бермоқда. Ўзбекистонннинг халқаро инвестициявий ҳамкорликдаги иштирокининг турли томонларини тартибга солувчи кўпгина лойиҳалар тайёрланган. Эркин иқтисодий ҳудуд ҳақидаги, концессиявий шартномалар ҳақидаги, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳақидаги, маҳсулотни тақсимлаш шарти билан ер ости конларини ишга тушириш ва бошқа қатор қонун лойиҳалари шулар жумласиландир. Бироқ чет эл инвесторлари билан ўзаро муносабатларда муайян камчиликлар сезилмоқда. Тузилмавий бошқарув чегараларининг кучсизлиги; ташқи ресурслар оқимини, том маънода, мунтазам ва ваколатли бошқара билмаслик, халқаро инвестициялашнинг моҳиятини, инвесторлар тури таснифини инвестициялашнинг табақалашган тартибини яхши билмаслик шундай камчиликлар ҳисобланади. Бу чет эл инвесторларини хусусийлаштириш ва акциялаштиришда фаол иштирок этишга инвесторлар билан ўзаро муносабатларининг жаҳонда маълум бўлган турли-туман шаклларидан анча кенг фойдаланишга (ҚКга ўтишга қанча йил керак бўлди), инвестицияларни кафолатлаш ва сугурталашнинг том маънодаги замонавий ва самарали тизимини ривожлантиришга халақит бермоқда. Яна шуни ёдга олиш муҳимки, чет эл инвесторлари билан ўзаро муносабат масаласи «биз ва улар» тарзидаги муносабат бўйича эмас, балки халқаро инвестиция ресурсларини жалб этиш учун бошқа кўпгина мамлакатлар билан рақобат курашининг мантиқи бўйича ҳал қилинмоқда. Бизнинг ютугимиз рақобат курашида турлича рейтинглар билан баҳоланмоқда, катта бўлмаган мамлакатимизга 7-, 8-ўнликдан жой берилган.

Ташқи сармоя қўювчилар учун Ўзбекистон объектив тарзда бир қатор афзалликларга эга. Улкан бозор, табиий ресурсларнинг бой заҳираси, салмоқли илмий-техникавий салоҳият, фойдаланилмай турган ишлаб чиқариш қувватлари, янги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилингани шулар жумласидандир.

Инвесторларни биринчи галда нима қизиқтиради? *Истеъмол, пул, инвестиция бозоридаги вазият.* Аввалги ривожланиш кўрсаткичлари ва бу кўрсаткичларнинг истиқболдаги

ўзгариши таҳлилидан келиб чиқиб, уларнинг аҳволи баҳоланади. Узоқ йиллар мобайнида шундай вазият юзага келдики, Ўзбекистон собиқ иттифоқ таркибидалик вақтида ўз миллий бойлигини жаҳон бозорига чиқариб, ўзи бевосита иштирок этмаган ҳолда жаҳон ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз ишлашини таъминлаб ва қўллаб-қувватлаб турди. Натижада кулгили вазият пайдо бўлди. Ўзбекистон жаҳон даромадини шакллантиришда қатнашган ҳолда ўз улушини заём ҳолда олади. Стратегик вазифа — фаол, истиқболли геоиқтисодий стратигияга ўтиш, жаҳон бозорида ва миллий бозорда ўз стратегик манфаатини эълон қилиш, лойиқ ва кучли шерик бўлиши учун бутун дунё яшаётган қонунларга асосланиб яшаш.

Ўзбекистонда шаклланаётган жаҳон андозаларидаги этноиқтисодий тизим доирасида илғор илмий-технологик ва ақлий-маънавий соҳалар уйғунлашуви йўлида ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг улкан қатламини ҳал этишнинг аниқ имкониятлари мавжуд. Шу асосда фақат товарлар ишлаб чиқарилмай, балки шахс, оила, элатлар, миллатларнинг ҳаёт сифати ошади. Бу маданий юксалишнинг янги уфқларини очади, унинг барқарорлиги учун чуқур замин яратади. Масаланинг бундай қўйилиши ижтимоий сиёсатни, шахс шаклланиши хусусидаги янгича қарашни, уни техноген, толиқтирувчи муҳитдан ажратиб олишни, инсоний қадриятларнинг табиий юксак минбарига чиқаришни, асосийси — таълим тизимини қайта кўриб чиқиш учун асосни барпо этишга янги таянч вазифасини ўтайди.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш жуда муҳим жараёндир. Бугунга келиб ўрта мактабни тугатганларнинг 10%гина олий таълим муассасига киради, 20% битирувчилар ҳунар-техника муассасасига киради, 20% — ўрта махсус таълим муассасасига, 50% битирувчи учун таълим олиш тўхтайди. Кадрлар масаласини оширишнинг янги дастури тўлиқсиз ўрта мактабни (9 синфни) тугатганларга қаратилган. Тахминларга кўра 92% битирувчи ҳунар-техника коллежига ўқишга киради ва 8% академик лицейга. Академик лицейлар ўқув дастури иқтидорли талабаларга мўлжалланган, улар таълимни олий таълим муассасасида давом эттиради. Уларнинг фаолияти ҳам университетлар ҳузурида очилган академик лицейлардагидек амалга оширилади.

Дастур доирасида таълим тизимидаги жиддий нуқсонларни бартараф этиш мўлжалланган. Бу камчиликлар қуйидагиларга салбий таъсир ўтказмоқда: битирувчиларнинг катта гуруҳи

ўқишни давом эттиришни истамайди; методик қўлланма ва адабиётлар тақчиллиги; ўқув дастурининг савияси пастлиги; бюджетдан молиялаш чекланганлиги. Дастурни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги шундаки, у жуда муҳим жиҳатдир, чунки, унинг амалга ошиши учун бутун таълим тизими бўйича асосий ва жорий молиялашни амалга ошириш лозим. Тахминларга кўра таълим эҳтиёжларини қондириш учун 2005 йилда бюджетдан 248 млрд. сўм ажратиш керак, бу 1999 й.даги 143 млрд. сўмлик сарфлардан анча кўп. Режалаштирилган сарфлар бўйича жорий бюджет мўлжали ЯИМнинг аниқ ошиши даражасига асосланган. 1999 йилда бу кўрсаткич 4,5% ни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 5% га тенг бўлган. ЯИМнинг ана шундай ўсишида ва давлат чиқимларининг ЯИМга нисбатан ҳажми 32%-34% ни ташкил этишида таълимга қилинадиган сарфлар ЯИМнинг 7-8% га яқинини ташкил этади. Бюджет чиқимлари нуқтаи назаридан бу 24% дан 26% га ошишни билдиради. Агар ЯИМ ва бюджет даромади паст бўлса, унда таълим учун режалаштирилган ҳаражатлар ЯИМ умумий улуши ва бюджетда сезиларли ошган бўлур эди.

Дастурларнинг ўзини-ўзи қоплаши ва молияланиши бутун жараённинг ажралмас қисмидир, чунки янги таълим ва техника воситаларини сотиб олиш, ўқув синфларини жиҳозлаш, таъмирлаш ва ўқув муассасасини қониқарли аҳволда тутиш учун жорий маблағлар ошишига олиб келади. Ўқув муассасаси ходимларини сақлаш чиқимларининг ошиши кутилмоқда. Чиқимлардаги фарқ маҳаллий ҳокимият бошқаруви бюджетидан қопланиши лозим.

Бюджетдан маблағ ажратишнинг мавжуд усули моддий йўқотишларга самарали таъсир этувчиларга салбий акстаъсир этувчи муайян меъёрлар (техника воситалари, ўқитувчилар миқдори, синфдаги ўқувчилар умумий миқдори ва ҳ.к.)га асосланади. Булар барчаси қунт билан ўрганишни, қайта кўриб чиқишни ва ўзгартиришлар киритишни талаб этади. Зарур тузатишларда ўқувчилар умумий миқдори ва айрим минтақавий ўзига хосликлар акс эттирилади. Бюлжет маблағидан бошқа соҳа ва мақсадларда фойдаланиш ички самарани белгилашга ва муайян тур шароитларга мослашишга яна бир тўсиқ бўлади.

Таълим соҳасига амалдаги ва мўлжалдаги капитал қўйилмасиз чиқимлар 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

(Капитал қўйилмалар киритилмаган)

Таълимга қилинадиган харажатлар даражаси	1995 й.	1996 й.	1997 й.	1998 й.	1999 й.	2000 й.
Харажатлар (млрд.сўм)	21,5	41,9	71,1	104,2	143,0	186
ЯИМдаги улуши (%)	7,4	7,4	1	7,6	8,1	8,4
Умумий бюджетдаги улуши (%)	19,4	18,5	21,9	21,3	23,8	26,1
Мактаб таълимига харажатлар улуши						
Мактабгача (%)	18	17	17	16	17	26
Ўрта (%)	44	54	57	56	51	43
Олий ўрта (%)					1	1
Олий (%)	10	9	6	7	7	12
Ҳунар-техника (%)	20	12	14	15	17	12
Бошқалар (ўқитувчилар малакасини ошириш ҳам киради)	10	9	7	7	8	6

Жадвалдан кўринадики, давлат инвестициявий дастури доирасида таълим соҳасига чиқимларни ошириш режалаштирилган. 1999 йилда таълим улушига давлат инвестициявий дастуридаги умумий чиқимларнинг 10,5% ига тўғри келади. Бу давлат бюджетидан қилинадиган умумий инвестицияларни ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар (44,7 млн. сўм)ни ўз ичига олади. 2000 йилда бу рақам 15,8% га кўтарилди ва бу 2005 йилгача бўлган умумий давлат инвестиция дастурининг 14%-16% даражасида сақланиб турибди.

Капитал қўйилмалар бидан таълимга сарфланадиган харажат ЯИМга нисбатан 10% кўпроқ, бюджетга нисбатан 36% кўпроқни ташкил этади.

Бюджетдан ошириладиган инвестиция асосан иқтидорли талабалар учун ускуналар сотиб олишга йўналтирилади (тахминан 8%), бу гимназия ва лицейлар учун инвестициядан фойдаланиш ҳамда одатдаги мактабларни молиялашни чеклайди.

Жадвал маълумотларига мувофиқ мактабгача ва олий таълим муассасаларига бюджет маблағи ажратиш фоизини ошириш ва ўрта мактабни молиялашни қисқартириш режалаштирилган.

Бироқ Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури анча кенг ва таълим тизимини замонавий бозор талабларига йўналтиради. Бундан ташқари у ислоҳотларни босқичма-босқич ўтказишга мўлжалланган.

Биринчи босқич (1997-2001) ўз ичига қуйидагиларни олади:

— педагоглар таркибини янги талаблар билан таништириш;

— таълим бўйича стандартлар ва янги таълим дастурларини ишлаб чиқиш;

— умумий мактабни қайта тузиш;

— ҳунар-техника муассасалари, коллеж ва лицейларни ривожлантириш.

Иккинчи босқич (2001-2005) Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини тўлиқ амалга оширишни кўзда тутади.

Учинчи босқич (2005-2010) ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни акс эттирувчи фаолият дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш бўйича тизимни янада яхшилаш ва ривожлантиришни назарда тутади.

Бозор иқтисоди шароитларида алоҳида эътибор ижтимоий фанлар, иқтисодни ривожлантиришга, турли бизнес-курслар ва фанларни эркин танловига қаратилади.

Миллий дастурни амалга ошириш доирасида қуйидагилар амалга оширилади:

— ўрта мактабни битирувчилар учун кенг таълим дастури ва уларни олий таълим муассасасида касб бўйича тайёрлаш, бу талабаларни муайян малакаларига ўргатиш билан белгиланган;

— ўқитувчилар методикаси ва ўқув дастурини ўқувчиларни фикрлаш ҳамда турли масалаларни мустақил ҳал этишга ўргатиш мақсадида такомиллаштириш;

— ўқитувчиларни ўқитиш ва малакасини ошириш. Уларни ўқитишнинг янги усуллари ва янги ўқув дастурлари билан таништириш;

— кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш. Мутахассис ўқитувчи кадрларни тизим ичида сақлаб қолиш имкони;

— таълим тизимининг самаралилигини баҳоловчи сифат бўйича давлат тизимини жорий этиш;

— таълим тизимининг давлат томонидан молиялашни истисно этиш имкониятларини ўрганиш ва лицензиялаш ҳамда аккредитациялаш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

— кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларнинг олий таълим муассасаларида ва ҳунар-техника билим юртида ўқишга эришишларини таъминловчи воситаларни яратиш ва кучайтириш.

Булар барчаси устувор йўналиш ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

— инфратузилмани ривожлантириш (техника воситалари, ускуналар ва адабиётлар);

— таълим тизимини режалаштириш соҳасидаги тузилмавий таркибларни ва молияларни бошқариш бўйича ахборот тизимларини яхшилаш;

— ўқитишнинг сифатини ошириш;

— сифат жиҳатидан янги ўқув режалари, методик қўлланмалар, дарслик ва бошқа қўлланмаларни яратиш;

— мутахассис ўқитувчилар тайёрлаш бўйича дастурларни такомиллаштириш;

— миллий сифат суғурта тизимини ишлаб чиқиш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш учун ва ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 296-рақамли қарорига мувофиқ, махсус тузилган ишчи гуруҳга қуйидагилар топширилди:

— ўрта мактаблар, академик лицейлардаги ўқитиш соҳасида умумдавлат стандартлари бўйича, ҳунар-техника коллежлари ва олий таълим муассасаларида ишлаш учун кадрлар тайёрлаш бўйича ҳужжатлар ва қонунлар тайёрлаш;

— дарсликлар ва методик қўлланмаларни танлаш, ишлаб чиқиш ва фойдаланишда рақобатбардошликни таъминлаш;

— ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича дастур ишлаб чиқиш.

Асосийси шундаки, Дастур бир қатор халқаро ва чет эл ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланди. Масалан, Осиё Ривожланиш банки томонидан дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётларини нашр этиш ва яратиш; янги дарсликлар ёрдамида техникавий малакалар ҳосил қилиш; дарсликлар мазмуни сифатини яхшилаш; ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни ўқитиш бўйича курсларни тайёрлаш ва амалга ошириш; турли қўлланмалардан фойдаланиш; нашриёт тизимини яхшилаш бўйича дастур қўллаб-қувватланди.

Умумжаҳон банки, OEFC, GTZ йўналиши бўйича таълим инфратузилмасини ўзгартириш, академик лицейлар, коллежлар учун ускуналар ва материаллар сотиб олиш, маъмурий бошқарув самарасини ошириш кўзда тутилган.

TACIS йўналиши бўйича ўқув режаларини, шу жумладан ОТМлар учун, эксперимент методикаларни амалга ошириш учун яратиш мўлжалланган.

Умумжаҳон банки ва USAID йўналиши бўйича олий таълим бутун тизимини яхшилаш назарда тутилган.

Умумий инвестициявий дастур бўйича таълимга инвестициялар удуши етарлича кенг ёритилмаган. 1998 йилда таълим ҳиссасига умумий инвестицион дастурдан 4,5% тўғри келди

(бунда жами инвестициялар назарда тутилмоқда, давлатнинг молиялаш ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳам шу ҳисобда). Жорий устуворликлар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифаларига асосланган. Табиийки, инвесторларнинг таклифлари ана шу устуворликларга асосланади.

3.2. Хизмат соҳасига инвестициялар

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон республикасида хизмат соҳасида хусусий тадбиркорлик тадрижий суратда ривожланди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш моддий ишлаб чиқариш соҳасидагидан кўра анча жадал борди. Савдо, умумовқатланиш, маиший хизмат ва қолган хизматлар иқтисодий фаолиятнинг янги шаклларига тез эга бўла бошлади. Хизматнинг кам сармоя талаб қилиши, инвестиция лойиҳаларининг кам маблағ талаб қилиши, уларни амалга ошириш муддати қисқалиги ва қўйилмалар ўзини оқлашининг юқорилиги моддий ишлаб чиқаришга қўйилмалар рискидан бу инвестициялар рискини анча пасайтирди.

Шахсий ташаббус, хўжалик субъектларининг фаоллиги ва тадбиркорлиги бу соҳадаги инвестициявий муаммолар ечимини топишга имкон берди. Моддий ишлаб чиқаришдан фарқли ўлароқ хизмат соҳасига инвестициялар бозор шароитлари ва истиқболи ноаниқлиги туфайли секинлашиб қолмади, молиявий ва савдо капиталининг кенг кўламда жамғарилиши, кўпгина фойда кўрилиши капитал қўйилмалар инвестициясини енгиллаштирди. Шу туфайли турар жой хизмати хиссаси умумий капитал қўйилмалар ҳажмида 80-йилларнинг ўрталаридаги 27-28% дан 1994 йилда 44% гача ўсди. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, режа асосидаги иқтисодиёт шароитларида бу шўъба яхши ривож топмайди. Талаб қондирилмайди. Ўзбекистон республикаси капитал қўйилмалар хажми 60-70% га етган етакчи чет мамлакатлар билан бу соҳаларни ривожлантиришдаги улкан узилишларни қисқартиришга киришди.

Хизмат соҳасини ривожлантириш иқтисодий ечимлар йўлидан бормоқда. Майда чакана савдода қисқа муддатда илгари унга хос бўлмаган майда ва жуда майда шакллар — чодир, баққоллик, кўчик, шийпон (енгил материаллардан ишланган) ва ярмарка тарзидагилар пайдо бўлди.

Майда савдогарлар ёрдамида қисқа муддатларда истеъмол бозорини тўлдириш муаммоси ҳал этилди, харидор танлаб ха-

рид қилиш имконига эга бўлди. Кейинги йилларда бозорни замонавий ахборот техникаси, алоқа воситаси билан жадал тўлдириш юз берди. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, истеъмол бозоридан мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар сиқиб чиқарилди, айниқса қишлоқ хўжалигига қаттиқ зарба етказилди, бу ўз маҳсулоларимиз ўрнида чет эл озиқ-овқат товарларини сотиш туфайли юз берди.

Маиший хизматдаги инвестиция имкониятлари анча ёмонлашди. 1992 йилдаги нархларни эркинлаштириш туфайли хизмат нархлари осмонга сапчийди ва кейинги йиллардаги янада ошишлар маиший хизматга бўлган талабнинг кескин тушиб кетишига олиб келди, бунинг оқибати сифатида хизмат кўрсатиш хажми корхоналар даромади ва инвестиция маблағлари қисқаради: қишлоқ жойларда корхоналар тармоғи қисқаради ёки хизмат кўрсатиш соҳаси ўзгаради.

Инвестицияларнинг анча қисқариши катта ташвиш туғдиради. Бу ижтимоий-маданий йўналишдаги бюджет тақчиллиги туфайли юз беради.

Таълим, соғлиқни сақлаш, театр, ижтимоий хизмат ва ҳ.к.ларда шундай ҳол кузатилади. Қайта қуриш давридаги олдинги пайтда бу тармоқларнинг моддий негизи қониқарсиз аҳволда эди, сўнгги ўн йилликларда у сезиларли даражада ўзгарди.

Сўнгги йилларда молия-кредит муассасалари анча жадал кенгаймоқда. Республика тижорат банклари миқдори 2000 йил бошида 38 га етди, уларнинг шохобчалари 805 дан ошиб кетди. Хизмат кўрсатиш суръати бўйича етакчи гуруҳга инвестиция жамғармалари ва компаниялар, кўчмас мулк, хоналарни таъмирлаш ва қайта тиклаш операциялари билан шуғулланувчи, менежментлик маркетинг, реклама хизмати кўрсатувчи, шунингдек мехмонхона бизнеси ва инновациявий компаниялар чиқиб олади.

Тижорат банклари, инвестициявий компаниялар йирик капитал қўйимларсиз ҳам фаолият кўрсатади. Улар инвестицияларни асосан турар жой бўлмаган иморатларни ҳаракатдаги фондини қайта тиклаш ва такомиллаштиришга сарфлайди. Кўпгина хоналар ижарага олинади, бу давлатнинг уларга сарфини қисқартиради, бу соҳа ривожланиши билан бюджетга қўшимча маблағ тушади. Кредит-молия муассасалари ва хизмат-иш бажариш фирмалари бошқариш ишини компьютерлаштиришда етакчилик қилади.

Шундай қилиб, иқтисодда хизмат шўъбаси жадал ривожланади, бунинг аҳамиятини ҳозирги вақтда баҳолаш қийин, чунки, ижобий жиҳатлар билан барча салбий томонлар, ҳам йўқ эмас. Айни шу шўъба орқали молиявий ресурслар четга чиқиб кетмоқда, мамлакат ишлаб чиқарувчисини молиялаш ўрнига бошқа мамлакат саноати ва қишлоқ хўжалиги молиянмоқда. Барча бу шўъбалар ўз ишлаб чиқарувчиларимизга юз тутиши лозим ва кооператив шакллар орқали юқори сифатни, замонавий кийим-кечак ва ишлаб чиқариш экологик тоза технологияларни ҳамда истеъмол молларини кафолотловчи ўз товрларимиз билан импорт товарларига қарши рақобатни юзага келтириш керак.

Хизмат соҳасини ривожлантириш, уни инвестициялашда, ҳозирги пайтда, Ўзбекистон бўйлаб хизмат бир текисда жойлаштирилмаганлиги учун камчиликлар мавжуд. Хизмат кўрсатишнинг кўпгина турлари бир неча йирик шаҳарларда жамланган, булар — Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Бухоро. Бошқа шаҳарлар ва минтақалардаги хизмат соҳасининг техникавий жиҳозланганлиги жуда пастлигича қолмоқда. Йирик тижорат банклари замонавий ҳисоб-китоб марказаларини барпо этмоқда, кўпгина майда банклар, шоҳобчалар, айниқса чекка ҳудудлардагилар, жуда оддий ускуналар билан жиҳозланган.

Инвестициянинг пасайиши кенг тарқалган ҳодисага айланган ишлаб чиқаришнинг моддий соҳасидан фарқли ўлароқ хизмат соҳасининг битта соҳасидаги инвестиция пасайиши, бошқа соҳада унинг кўтарилиши билан бир вақтда юз беради. Хизмат ҳар бир соҳасида ва ҳар бир корхонада инвестициядаги қийинчиликларни бартараф этишнинг янги йўлларини излаш ва маблағ топишга интилиш лозим ва молиявий ресурслар билан таъминлаш зарур.

Ижтимоий-маданий тармоқларда бу муаммоларни ҳал этиш бюджетдан молиялаш ва ҳайрия қилиш (меценатства) хиссасини ошириш билан боғлиқ. Бюджет сезиларли миқдорда бюджетдан ташқари маблағ билан тўлдирилиши зарур. Инвестиция мақсадларига хўжалик бошқа тармоқларидаги хусусий тадбиркорлар ва фирмалар, мажбурий ва ихтиёрий тиббий суғурта фондлари, бошқа фондлар маблағини, ҳайрия бадаллари ва чет эл инвестицияларини сафарбар этиш керак. Ижтимоий-маданий хизмат тижоратдашувининг чуқурлашуви туфайли корхона ва муассасаларнинг хусусий жамғармалари, шунин-

гдек, кредит ресурслар молиялашнинг йирик манбаи бўлмоғи лозим.

Бюджет ва бюджетдан ташқари молиявий ресурсларни турлича қўллаб инвестициявий лойиҳа ва дастурларни кўп йўналишли молиялаш амалиёти катта иқтисодий самара бериши мумкин. Чет элда бундай амалиёт аллақачонлардан бери қўлланади, бизнинг шароитда бу ҳали ўзининг кенг тадбиғини топмади. Бунда бюджетдан ташқари ресурсларни ижтимоий-маданий объектларга инвестициялаш учун жалб этиш бюджетдан молиялашни камайтирмаслиги лозим. Бу ҳол, албатта, ҳам маҳаллий, ҳам республика бюджетида ҳисобга олиниши ва у кўпайтирилиши лозим.

Хизмат соҳасидаги инвестиция муҳитини меъёрлаштириш учун ўрта ва кичик тадбиркорликни янада ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Булар хизмат кўрсатишнинг кўпгина тармоғида асосий ўринни эгаллаши лозим. Фақат мана шу асосда рақобат шаклланади ва бусиз бозорни механизмлари билан тасаввур этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда иқтисодий заминни янгилаш, асосий фондлардан жадал фойдаланишга ўтиш ва монополизмни енгиш мумкин эмас.

Хизмат кўрсатишни, кичик ва ўрта тадбиркорликни кенгайтиришга солиққа тортиш, кредит операциялари, бизнесни ташкил этишни рўйхатдан ўтказиш тамойили бўйича имтиёзлар билан рағбатлантирилиши керак.

3.3. Инновацияга инвестициялар

Инновациявий фаолият (янгиликларни жорий этиш) — ишлаб чиқариш янги технологиялари негизида рақобатбардош маҳсулот (товар) турларини яратиш жараёни. Бу жараён ғоянинг пайдо бўлиши, унинг мақсадини аниқлаш ва амалга оширишдан то ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулот чиқариш, уни сотиш ва иқтисодий самара олишгача бўлган ишларни ўз ичига олади.

Инновация, аввало, иқтисодни ривожлантиришга қўйилмаларнинг самаралилиги билан тавсифланади, ишлаб чиқаришдаги мавжуд олдинги авлод техникаси ва технологиясини анча самарали, экологик соф ва ресурсларни тежашга имкон берувчи ишлаб чиқариш воситалари билан алмаштиришни таъминлайди.

Инновацияни белгиловчи омиллар қуйидагича: ихтирочилик, янгиликни излаш йирик ихтиролар ва кашфиётлар юзага келишини ривожлантириш. Иқтисодий натижалар моддий ресурсларни тежаш, меҳнат сарфларини қисқартириши, атроф муҳитга зарарли чиқиндиларни чиқаришни камайтириш, ходимлар моддий-ижтимоий шароитларини яхшилашда ифодаланади.

Янгиликларни жорий этиш жараёни. одатда, уч босқични ўз ичига олади: *тадқиқот* — ишлаб чиқаришни илк бор ўзлаштириш; *тўла ўзлаштириш* — фойдаланувчилар муайян талабларини қондириш учун етарли миқдорда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш; *янги кенг миқёсда ишлаб чиқариш* — миллий миқёсда фойдаланиш. Қайд этиб ўтилган босқичларни **инновация жараёни**, деб аташ қабул қилинган.

Мамлакат у ёки бу тармоғининг янги тадбиқ этилганни биринчи марта ёки қайта амалга оширишга тайёр эканлиги ёки қобиллиги унинг инновациявий слоҳиятини тавсифлайди. Исталган давлатда инновациявий слоҳият миллий бойлик тоифасига киритилади. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда мамлакат инновациявий салоҳиятини ҳимоя этувчи қонунлар мавжуд.

Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш ҳозирча фақат ёпиқ технологиялардан чекловларни олиб ташлашда намоён бўлмоқда. Экспертларнинг фикрига кўра яқин йиллар ичида илмий-тадқиқот институтлари ва ОТМлар лабораториясида микроэлектроника, энергиянинг янги турлари, биотехнология соҳаларида нодир технология юзага келади, булар кишилар ҳаётини тубдан ўзгартириши, қуролларнинг янги турларини юзага келтириши мумкин. Табиийки, мазкур ишлар тегишли фирмалардан, тижорат ташкилотлардан махфийликни талаб этади ва бу инновацияларни тарқатишда назоратни ҳамда ихтироларнинг муҳофазаси бўйича давлат ҳимоясининг бўлишини тақозо қилади.

Бозор муносабатлари шаклланиши даврида инновациявий фаолият амалга оширилди, аммо етарли кўламда эмас. Инновациявий фаолиятни сусайтирувчи сабаблар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: инновациявий жараёнларнинг салбий таъсири, молиявий ресурсларнинг йўқлиги, банклар кредит ставкаларининг юқорилиги, бюджетларнинг тўловга ноқобиллиги, иқтисодий таваккалчилик ва ҳ.к.

Ўз маблағини ИТТКИ соҳаси ва инновацияни ривожлантиришга инвестиция учун қаратган корхоналарга солиқ имтиёз-

лари бериш инновациявий фаолиятни фаоллаштиришнинг энг таъсирчан усули бўлиб қолади.

Инновациявий фаолиятга йўналтириладиган пул маблағини шакллантириш жараёни катта аҳамият касб этади.

Инновацияни инвестициялаш тизими ўзаро муайян миқдордаги боғлиқ унсурларга эга. Булар бирин-кетин бир-бирига бўйсунувчи ва якка функциявий юкламага эга ва қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

— инновацияларни инвестициялаш учун инновацион маблағлар келадиган манбалар;

— турли манбалардан келадиган инвестиция маблағларини жамловчи воситалар;

— жалб этилган капитални қўйишнинг ишлаб чиқилган тартиби;

— инвестициялашни назорат қилиш воситаси;

— ажратилган маблағнинг қайтишлиги воситаси.

Босқичлар бўйича мазкур тизимнинг шартли таснифи ва унинг амал қилиши қуйидагича:

1-босқич. Манбаларни аниқлаш

Давлат	Аралаш	Давлатга алоқасиз

2-босқич. Молиявий воситаларни жамлаш жараёни

Марказий банк ва унинг минтақавий бўлинмалари	Мақсадга мўлжалланган маблағларни жамғариш ҳисоб рақами сифатида фойдаланиладиган ҳисоб рақамлари	Турли ҳуқуқий шаклдаги мулкга эга корхоналарнинг ҳисоб рақами

3-босқич. Сафарбар қилинган маблағларни инвестициялаш тартиби

Узоқ муддатли минтақавий ва республика миқёсидаги инвестицияларга кучли эҳтиёж сезган ИТТКИ ва инновация минтақавий даражадаги устувор йўналишлари асосида амалга оширилади *(муаммоли ва аниқ мақсадли йўналтирилган)*	Тармоқ ва тармоқлараро миқёсдаги ташкилотларни тузиш ва фаолияти моҳиятига боғлиқ ҳолда мустақил ҳар бир тузилма томонидан белгиланади *(муаммоли йўналтирилган)*	Муайян вазифаларни ҳал қилиш учун ташкил этилган ҳар бир эмитент томонидан мустақил белгиланади *(аниқ мақсадли йўналтирилган)*

4-босқич. Инвестицияларни амалга ошириш устидан назорат

Тегишли бошқарув идоралари	Тармоқ ва тармоқлараро миқёсдаги мустақил экспертлар	Бевосита таъсисчи акциядорлар

1-босқичда *инновациялар манбаларининг умумий ҳажми* ва нисбатини белгилаш ва 3-босқичдаги улар йўналишини аниқлаш бозор қонунлари ҳаракатига боғлиқ жараён ҳисобланади.

3-босқичда маблағни инвестициялаш қуйидаги тарзда амалга оширилади:

— дастурли-мақсадли, моҳиятли-тахминий ва муаммоли-тахминий кредитлаш;

— лизинг;

— факторинг;

— фонд операциялари.

Инновация фаолиятини инвестициялаш умумий инвестиция жараёнининг бир қисми ҳисобланади. Бозор шароитларида мулк ташкил этилаётганда инновация жараёни мақсадли вазифалар ва бўлажак ихтиронинг қўлланишига боғлиқ ҳолда бир неча манбадан таъминланади.

Назорат илмий-тадқиқотлар илмий-техника тараққиётининг асоси ҳисобланади, оқибат натижада, инновациялар тижорат тавсифига эга бўлмайди, шунинг учун, уларнинг молиялашнинг асосий манбаи бўлиб бюджет маблағи ҳисобланади. Устувор йўналишлар бўйича ИТТКИларни молиялаш манфаатдор буюртмалар ҳамкорлиги асосида республика, минтақа бюджетлари ва манфаатдор корхона ҳамда ташкилотларнинг маблағларини жалб этган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Амалий тадқиқотлар, асосан, давлат қўллаб-қувватлаши остида манфаатдор ташкилотлар маблағи ҳисобига молияланади. Бунда бозорга йўналтирилган инновациялар ишлаб чиқиш ва яратишга қаратилган тадқиқотлар қанча кўп бўлса, албатта, уларни молиялашда давлат иштирок этиши керак. Бундай шароитда ишланмаларни кредитлаш, янгиликларни жорий этиш, улардан фойдаланишга ихтисослашган тижорат банклари алоҳида ўрин тутади.

Инновациявий кредитлар юқори даражадаги таваккалчилик билан боғлиқ, бу фоиз ставкаси даражасига таъсир этмай қолмайди.

Чет элда таваккал молиялаш фондлари тузилган, булар таваккал бўйича мутахассис капиталистлар томонидан шаклла-

тирилади ва бошқарилади. Бу фондлар фаолиятининг мақсад ва воситаси анча ўзига хос, илмий-техника инқилоби даври учун хос бўлган тарзда молиялашга боғлиқ.

Таваккал капитали ўзида капиталнинг турли шаклдаги иловаси (акциядорлик, ссуда, тадбиркорликка оид)ни мужассамлаштиради, бошланғич, кўп илм талаб тадбирларни таъсис этишда (*венчурларда*) иштирок этади ва бунда таваккалчилик *фирма-инвесторлар* ташкил этади. Кейингилар таваккал капитали хусусий фирмасининг мустақил қисми йирик корпорацияларнинг шохобча компаниясига, кредит-молия институтининг тармоғига ва кичик бизнесни давлат қўллаб-қувватлаши билан боғлиқ компанияларга ажратилади.

Таваккал капиталининг мустақил компанияларнинг асосий таснифий шакли — шериклик (ширкат), унинг аъзолари риск капитали бўйича мутахассис капиталчилар, улар тадбиркорлик ёки бошқарув фаолияти бўйича тажрибага ва ҳатто, молиявий ҳамда техникавий тайёргарликка ҳам эга бўлади. Улар институционал инвесторлар (инвестиция банклари, молиявиймас компаниялар, суғурта компаниялари, нафақа фондлари), банклар ва хусусий шахслар маблағини тўплаб, тез ошиб борувчи венчурларга қўйиш учун таваккал капитали фондларини жамғаради. Бу фондлик шериклик шаклига эга, бунда фонд ташкилотчиси, шерик-фирма бошланғич капиталдан 1% нигина қўшувчи, аммо фондни бошқариш масъулиятини тўлиқ зиммасига олувчи ҳисобланади, бунинг учун ҳар йили унинг портфели қиймати 2% миқдорда ҳақ олади. Имзо қўйган институтлар унинг масъулияти чекланган шериклари бўлади. Улар 99% капитални қўяди, аммо фондни бошқаришга масъул бўлмайди; мақсадли миқдорни тўплаб (10 млн.дан 50 млн.гача пул бирлиги) фирма фондга аъзо бўлишликни тўхтатади, уни инвестициялашга ўтади. Бир фондни жойлаштириб, иккинчисига ёзилишни таклиф этади. Одатда, риск капитали фирмаларини ривожланишнинг турли босқичидан бир неча фонд-шериклар бошқаради.

Таваккал молиялашнинг биринчи томойили — рақобатли инвестициявий лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган умумий молиявий сиғимларда маблағни бошланғич жамғариш, рискни бўлиш ва тақсимлаш.

Таваккал молиялашнинг иккинчи тамойили — унинг босқичлилиги, у юқорида батафсил кўриб ўтилди ва биринчисини аниқлаштиради.

Таваккал капитали даромадининг асосий шакли — таъсисчи фойда, бошланғич (старт) компаниялар асосчиси ва уларни мо-

лияловчи фонд-шериклар томонидан, фақат 5-7 йилдан сўнг, венчур акциялари фонд бозорида муомалада бўла бошлагач котировка қилинади. Бироқ бу босқичга чиқиш учун ҳар бир венчурдан риск капитали иштирокида бир неча раунд молиялаш талаб этилади. Белгиланган давр охирида, одатда, ўн йиллик, шериклик фонди юборилади. Фонд бозорига чиққан компания акциялари шериклар ўртасида тақсимланади, агар бу илгари амалга оширилмаган бўлса, «ёпиқлигича» қоладиган компаниялар улуши учинчи шахсга сотилади, тушум тақсимланади. Асосий шерик — фондни ташкил этувчи — умумий даромаднинг 20% ни олади, масъулияти чекланган шериклар эса, яъни узоқ вақт катта маблағ билан таваккал қилганлар, қолган 80% ни олади.

Биринчи босқич — венчурнинг туғилиши: асосан фирма асосчиларининг маблағи, улар жамғармаси, шахсий заёмлар ва бошқалардан молияланади, ишлаб чиқариш ғояси фирманинг ташкил этилишига олиб келган ашёларни ишлаб чиқаришга сарфланади.

Иккинчи босқич — янгилик намунасини яратиш (бир йилгача давом этади); таваккал бўйича мутухассис капиталчи томонидан венчурни амалга ошириш белгиланади. Эксперт кенгаши тавсия этган таваккал капитали бизнес-режасини қатъий саралаш бу билан бирга амалга оширилади.

Молиялаш ҳақидаги ижобий қарор тушган таклифлардан фақат 1-6% ига нисбатан қабул қилинади.

Таваккал капитали инвестиция даврининг бошланғич нуқтаси бўлиб, 2-3 минг ҳар бир бизнес-режасини эксперт баҳолаш учун таваккал капитали фирмаси сарфлаган пул бирлиги ҳисобланади. Бу босқичда фирма-венчур ёпиқ турдаги акциядор компанияга айланади, унинг акциялари тор доирадагилар — асосчилар ва таваккал капиталчиларига, одатда, назорат пакетини олувчиларга, тегишли бўлади.

Учинчи босқич — венчур ривожи 4-6 йил давом этади. Бу босқич — ишлаб чиқаришни кенгайтириш босқичи. Венчур вазифаси — ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун қўшимча маблағни жалб этиш ва барқарор сотув, таваккал капиталчилари ана шунда ёрдам кўрсатадилар. Агар натижада венчур даромадли бўлса таваккал капитали фирмаси экспертлари назарича, ўсишда етарлича истиқболга эга бўлса, бунда фирма венчурани очиқ бозорга олиб чиқади. Фаолият натижалари ижобий бўлмаса венчурани ривожлантиришнинг бошқа йўллари — уни йирик корхона сотиб олиши йўли билан унга қўшилиш жонланади. Венчурни

очиқ бозорга чиқариш ҳақидаги қарор қабул қилинган дақиқадан то бу операция бошлангунгача таваккалчиликни молиялаш «оралиқ» босқичи — биринчи эмиссия бозорга чиқишини қўллаб-қувватлаш мақсадида венчурни банк ва банкдан ташқари манбадан кредитлаш босқичи давом этади. Бу босқични тугатиш қимматдор қоғозлар бўйича комиссияга бериладиган эмиссия лойиҳасини тузиш харажатларини; реклама компаниясини; эмитентланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш билан бевосита шуғулланадиган инвестиция банклари билан келишишни ўз ичига олади.

Тўртинчи босқич — биринчи эмиссияларнинг бозорга чиқиши, бошланғич компания-венчур хусусий корпорация мақомини очиқ компания мақомига айлантиради, унинг акцияси кенг оммага сотилади.

Таъсис этиш биринчи қўшимча раундида таваккалчи капиталчилари олган, шунингдек, чиқарилган акциялар сотувга қўйилиши керак. Инвестиция банклари белгилаган эмиссия қиймати таъсис этиш биринчи раундида таваккалчи капиталчилари тўлаган қийматдан анча юқори бўлади. Бу илгари олинган акциядан таъсисчилик фойдаси олиш имконини беради.

Лекин бозорга кўпинча қўшимча чиқарилган акциялар, қўйилади, баъзан, ўша таваккалчи капиталчиси томонидан назорат пакети қуйилади. Шунинг учун таваккал капитали фирмаси оммавий котировкалангандан сўнг ҳам венчурни бошқаришда етакчилик ўрнини сақлаб қолиши мумкин.

Инвестиция банкларини бошланғич таклиф босқичида таваккал молиялашга талаб этиш контрактига имзо қўйиш билан бошланади. Контрактда старт компаниялар битим бўйича айрим чиқимларни қоплаши ва комиссион капитал акцияларини бошланғич таклифида йиғилган қисмини тақдим этиш кўзда тутилади, бу бошланғич таклиф этилган акциялар қийматидан 6-12% ни ташкил этади.

Бундан ташқари Старт компаниялар инвестиция банклари — андеррейтерларга молиявий қиймат (бошланғич таклиф курси) акциялар сотиб олиш учун *опцион* тавсия этали. Анча юқори бозор курсларида бу акцияларни сотиб, инвестиция банклари катта фойда кўради. Молиявий институтлар олдида риск капиталининг афзаллиги фақат янги жорий этиладиганни инвестициялаш учун хоҳишдангина иборат эмас, балки ёш компанияларга муҳим маслаҳатлар ҳам беришлир, бу кўпинча махфий ахборотлар, шунингдек, бошқарувнинг мосланувчанлиги, тезкор бир қарорга келиш,

жорий сарфлар даражасининг пастлиги кабиларда намоён бўлади. Таваккални минималга келтиришга лойиҳаларни синчиклаб танлаш ва шу билан бирга бир неча ҳайратомуз муваффақиятлардан катта фойда кўришга имкон берадиган миқдорда уларни қўллаб-қувватлаш туфайли эришилади. Баъзан таваккалнинг ҳаддан зиёдлигидан ва фойда олиш кечикишидан чўчиб, таваккалчилик капиталчилари инновация ва инвестиция туркумига негиз ҳисобланувчи компанияларнинг пайдо бўлиш вақтини қўллаб-қувватлашни етарлича баҳолай олмайдилар. Бу таваккал капиталининг салбий хислатлари инновация жараёнининг турли босқичларини молиялашга таваккалчи инвесторларни ихтисослаштириш воситасида унинг доирасида бартараф этилади.

Инвестиция лойиҳаси тушунчаси икки маънода қўлланади:

— *биринчиси* — иш, фаолият, тадбир. Муайян натижаларга эришишни таъминловчи қандайдир бирор ҳаракатлар мажмуини амалга оширишни кўзда тутади, бу тушунча кўп ҳолларда маъно жиҳатдан яқин бўлган тушунчалар — «хўжалик тадбири», «ишлар мажмуи», «лойиҳа» билан алмаштирилади.

— *иккинчиси* — бир ҳаракатни амалга ошириш учун ёки шундай ҳаракатни тавсифлашга зарур ташкилий-ҳуқуқий ва ҳисоб-китоб-молиявий ҳужжатлар тизими.

Лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш босқичлари:

— инвестициявий фикр (ғоя)ни шакллантириш;

— инвестициявий имкониятларни тадқиқ этиш;

— ТЭО қуриш, реконструкция, объектни техникавий қайта жиҳозлаш;

— шартнома ҳужжатларини тайёрлаш;

— лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш;

— қурилиш-монтаж ишлари;

— объектдан фойдаланиш, иқтисодий кўрсаткичлар мониторинги.

Инвестициявий фикр (ғоя)ни шакллантириш қуйидагиларни назарда тутади:

— фикрни танлаш ва дастлабки асослаш;

— ташкил этилиши мўлжалланаётган лойиҳада кўзда тутилган техник ечим (техника объекти, ресурслар, хизматлар)ни инвестициявий, патент ва экологиявий таҳлил этиш;

— сертификат талаблари бажарилиши зарурлигини текшириш;

— *инвестициявий фикрни республикавий, минтақавий* ва тармоқ бўйича устуворликлар билан олдиндан мувофиқлаштириш;

— лойиҳани амалга оширишга қобил корхона, ташкилотни олдиндан ажратиш;

— *рецепиент ахборот меморандумини тайёрлаш.*

Инвестиция объекти бўлиб, қурилаётган, қайта тикланаётган, техника билан таъминланаётган ва кенгайтирилаётган корхона, бино, иншоот (асосий фондлар) ҳисобланади ва булар янги тур маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлади.

Қурилаётган ёки қайта тикланаётган объектлар мужассама дастурлари ва республика, минтақа ёки бошқа миқёсдаги ижтимоий вазифани бажаришга мўлжалланганлар инвестицияланувчи объектлар деб тушунилади.

Инвестиция объектлари лойиҳанинг кўлами, унинг йўналиши (тижорат, ижтимоий, иқтисодий, давлат манфаатлари билан боғлиқлиги)га ва унинг унсурлари (босқичлари) — лойиҳалаш конструкторлик ишлари, ишлаб чиқаришни кенгайтирилиши, чиқиндиларни яроқсизга айлантирилиши ва ҳ. қ. га кўра фарқланиши мумкин.

Инвестиция жараёни бевосита лойиҳалаш тизими ва бу тизимнинг маҳсулоти — лойиҳасига асосланади. Инвестиция лойиҳасини асослашда илмий-техника тараққиётининг ишлаб чиқаришни техникавий ривожланишнинг янги босқичига кўтаришга қобил энг самарали, янги ютуқларни излаш ва танлаш ўтказилади.

Талабни белгилаш учун мамлакат, минтақа, ҳудуд миқёсида тадқиқот ва жаҳон бозорига маҳсулот экспорт қилишни тадқиқ этиш амалга оширилади.

Вақт жиҳатдан ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш даври, қурилишга инвестицияларни йиллар бўйича талаб этиладиган ҳажми, маҳсулотга талабнинг йиллар бўйича ўсиши, маҳсулот чиқаришни ўзлаштириш муддати, асосланган технологияга ўтиш даври ва талаб этилаётган қўшимча инвестиция, ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш муддати ва сифат жиҳатдан янги маҳсулот чиқаришда келадиган даромад ўсиш таҳлил қилинади.

Тадқиқот ишларининг бажарилиши мобайнида қурилиш таннархи, қуриш тавсия этилаётган объектга сарфланадиган капиталнинг иқтисодий самаралилиги бир неча марта текширилади.

Унинг лойиҳаси ва сарфлар рўйхати молиялашни амалга ошириш учун зарур.

3.4. Халқаро ҳамкорлик

*Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида чет эл инвести*циясини жалб этмайдиган корхона ва муассасалар истиқболсиздир.

Ўзбекистон Республикасида олий ва касб-хунар таълимини ривожлантиришга хорижий инвестициялар жалб этиш борасида бир қанча мақсадли ишлар қилинмоқда.

Таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик, бу — фаолиятнинг жадал ва талрижий ривожланаётган соҳаларидан бири. Ўзбекистон олий таълим тизимида мазкур ҳамкорлик қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда:

— қўшма олий таълим муассасаларини ташкил этиш;

— Ўзбекистон олий таълим муассасаларида таълим фаолияти олиб бориш учун хорижлик ўқитувчилар ва олимларни таклиф этиш;

— малака ошириш учун ўқитувчиларни чет эл ОТМлари ва илмий марказларига юбориш;

— Ўзбекистон ОТМлари билан чет эл мамлакатларидаги ОТМлар ўртасида ўзаро талабалар айирбошлаш;

— фан турли соҳаларида, шу жумладан, олий таълим бўйича биргаликда тадқиқотлар ўтказиш;

— ёшлар ва таълим муаммолари, инновацион технологиялар, ресурс ҳамда энергия тежамкорлиги ва ҳ.к.лар бўйича халқаро конференциялар ташкил этиш;

— олий таълимга чет эл инвестицияларини жалб этиш.

1998-2003 йилларда олий ва ўрта касбий таълим муассасаларига 200 млн. АҚШ долларига яқин хорижий инвестициялар жалб этилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги айрим халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади, икки томонлама ҳамкорликни ҳам амалга оширади. Халқаро ташкилотлар орасида қуйидагиларни алоҳида кўрсатиш мумкин: ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ТАСИС, ЮСАИД, ТЕМПУС, Европа таълим фонди, АЙРЕКС, АКСЕЛС, СОРОС, Британия Кенгаши ва б. Икки томонлама ҳамкорлик АҚШ, Германия, Россия, Франция, Англия, Ҳиндистон, Голландия, Хитой, Япония, Корея, Дания, Австрия, Испания, МДҲ мамлакатлари ва бошқаларнинг олий таълим вазирликлари ва ОТМлари ўртасида амалга оширилади. 2002 йилда Ўзбекистон олий таълим муассасалари чет

мамлакатлар, шу жумладан, МДҲ мамлакатларидаги 45та ОТМ билан ҳамкорлик қилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида Халқаро Вестминстер университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси филиали, ҳамкорликдаги Ўзбекистон-Малайзия иқтисод ва бизнес факультети фаолият кўрсатмоқда.

Ўзаро талабалар айирбошлаш 600 нафардан ошиб кетди. 950 нафардан ортиқ ўқитувчилар чет эл етакчи ОТМларида ўз малакасини оширди.

Қуйидаги узоқ муддатли кредит ва грант лойиҳалари самарали якунланган ҳамда ҳозирда амалга оширилмоқда: Корея Ҳукуматининг ҳажми 35 млн. АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳаси ҳисобидан 200 та касб-хунар коллежи ва академик лицей замонавий жиҳозлар билан таъминланди, 240 нафар педагог ва мухандис-педагог кадрлар Кореяда малака оширди. Европа иттифоқининг ҳажми 1,0 млн еврога тенг бўлган "Ўзбекистонда касб-хунар таълимига кўмак" ТАСИС лойиҳаси якунланиб, 3 та коллеж 6 та тайёрлов йўналиши бўйича замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Йўналишлар бўйича дарслик ва ўқув дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Лойиҳа дастурига асосан педагог ва мухандис-педагоглардан 30 нафари ҳорижда тажриба орттирди. Германия Техникавий Ҳамкорлик ташкилоти "Ўзбекистонда бошланғич касб-хунар таълимини ривожлантиришга кўмак" грант лойиҳасини якунламоқда, лойиҳа ҳажми 5,25 млн. немис маркасини ташкил этиб, ундан 850 минг маркаси 8 та пилот коллежларининг замонавий техника воситалари билан жиҳозлашга йўналтирилади. Лойиҳада белгиланган модел коллежларининг ўқитувчилар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, танланган йўналишлар бўйича ўқув дастурлар ва ўқув қўлланмалар яратиш борасидаги ишлар якунига етказилмоқда. "Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ривожлантириш" лойиҳаси Осиё Тараққиёт банкининг кредитлари ҳисобига амалга оширилмоқда. Кредитнинг умумий ҳажми 57 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, лойиҳада 42 та касб-ҳунар коллежи ва 3 та академик лицей учун умумий қиймати 36,68 млн. АҚШ доллари ҳисобига тенг бўлган замонавий жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилган. Лойиҳа доирасида модел ўқув муассасалари раҳбар ва педагоглари, ЎМКҲТР институти ва ЎМКҲТ Маркази ходимлари малака оширади; 6 та умумий йўналиш бўйича, 30 та касбий тайёргар-

лик йўналишида ўқув қўлланма ва дарсликлар нашрдан чиқарилади; модел ўқув муассасалари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалар сотиб олиш режалаштирилган. Amjeon (Жанубий Корея) компанияси билан жиҳозлар сотиб олиш бўйича 3,5 млн. АҚШ долларига тенг шартнома имзоланди. "Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш" лойиҳасининг умумий хажми 6,347 млн. йенига тенг бўлиб, Япония Ҳукуматининг кредитлари ҳисобига молиялаштирилади. Лойиҳа кредитининг умумий ҳажмидан 5,506 млн. йенга жиҳозлар сотиб олинади, 491 млн. йен малака ошириш учун ажратилади. Лойиҳа доирасида 7 та йўналиш бўйича 50 та қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи жиҳозланди ва 50 та модел коллежлар раҳбар ходимлари ҳамда ЎМКҲТ Марказининг бошқарув тизимидаги 6 ходим чет элда малака оширади. Лойиҳага кирган таълим муассасаларининг 50 нафар директори ва касб-ҳунар таълими бўйича директор ўринбосарлари ҳамда 6 нафар Марказ ходимлари Японияда малака оширдилар.

Якунланган ва амалга оширилаётган хорижий инвестиция лойиҳалари (ҳар бир лойиҳанинг умумий инвестиция миқдоридаги улуши)



- *ТАСИС 1 млн. Евро (1999-2001)*
- *Корея лойиҳаси 35 млн. АҚШ дол. 1999-2001*
- *ГТЦ 5,25 млн. нем. маркаси (1999-2002)*
- *АБР 57 млн. АҚШ дол.(2000-2004)*
- *JBIC (Япония) лойиҳаси 58,8 млн. АҚШ дол.(2002-2004)*

2002 йилда Германиянинг КФВ банки билан ҳамкорликда 10 млн. евро миқдорида кредит ажратиш бўйича шартнома имзоланди. Булардан ташқари Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) 7 млн. АҚШ доллари миқдоридаги гранти, Испа-

ниянинг «BBVA Trade S.A» ва «Sucomex S.A.» комниялари билан 15 млн. евро, Белгия давлатининг 6 млн. евро миқдоридаги узоқ .муддатли кредитларини жалб қилиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

3.5. Олий таълим соҳасидаги молиявий менежмент

Жамиятдаги ҳар қандай жараён, шу жумладан, иқтисодий жараён ҳам, чулғам шаклида ривожланади — юзага келиш — қарор топиш — ривожланиш ва амалда бўлиш. Мана шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг маъмурий, ҳуқуқий, махсус ва бошқа тамойиллари, усулларни билиш, ўтмиш ҳақидаги ахборотга ва келажак ҳақидаги башоротга эга бўлиш, яъни исталган соҳада, бозор иқтисодиётининг исталган субъекти фаолиятининг самарасини таъминловчи зарур унсурлар мажмуига эга бўлиш жуда муҳимдир. Бошқача айтганда, исталган корхона, муассаса, жумладан, таълим муассасаси ичида ишончли ва саводли менежмент зарур.

ОТМлар — мураккаб ташкилот. У кенг кўламда хизмат кўрсатади, турли-туман мижозлар ва билимнинг турли-туман соҳалари билан иш кўради. Шундан ўз ҳаракатини эҳтиёж ва талаблар, бозор, хомийлар ва умуман жамият билан мунтазам мувофиқлаштириб бориши лозим.

Ҳозирги шароитда, ҳукумат олий таълимдаги ўз хиссасини мунтазам қисқартириб келаётган вақтда, улар ўз сиёсатини қайта-қайта кўриб чиқиши, ўз ҳудудида юз бераётган ички жараённинг боришини такрор-такрор таҳлил қилиши, шу жумладан, мавжуд ресурсларни самарали тақсимлаш йўлини излаш энг муҳим вазифаси бўлиши, молиявий менежментни ташкил этиш билан боғлиқ жараёнларни қайта-қайта кўриб чиқиши керак. Олий таълим муассасаси турли манбалардан келадиган ўз ресурсларини қандай бошқаришни, бошқача айтганда, маблағ сарфлаш стратегиясини ўрганиш — ОТМни бошқаришда менежерлар фойдаланадиган молиявий ва ташкилий воситаларнинг бир қисмидир.

Ҳозирги кунда ОТМлар турли-туман манбалардан маблағ олади, буларнинг барчаси бюджетда ва унга йўлдош режада ҳам акс этади. Шу билан бирга бюджет ўз ичига фақат маблағлаш моддалари бўйича тақсимланишнигина эмас, балки, ижроси бўйича масъулият ва ваколатларни ҳам, шуниндек, бўлинмалар — ресурсларни тақсимловчилар рўйхатини ҳам олади.

Одатда йиллик режада маблағдан фойдаланиш йўналиши ва унинг манбаи белгиланган бўлади, режалаштирилган ҳаракат ОТМ умумий вазифасига, яъни стратегик режага мос келиши керак. Унда бунга қандай эришиш, мақсад ва ёндашиш белгилаб қўйилади. Амалдаги чиқиндиларнинг режадаги кўрсаткичларга мос келиши, кутилган натижаларга қай дарражада эришилгани устидан, назорат мунтазам амалга оширилиши керак. Ҳам назорат, ҳам баҳолаш ахборот олишни таъминлайди, ундан ҳам режалаштириш усулини, ҳам умуман, ОТМнинг ўз иши самараси ҳамда сифатини оширишга йўналтирилган бутун фаолиятини ҳам такомиллаштириш учун фойдаланиш мумкин. Шуни унутмаслик кураккки, таълим муассасасининг бутун фаолияти ташқи олам билан ўзаро алоқада амалга ошади.

ОТМлар кейинги йилларда таълимдан ташқарида кенг кўламда хизмат ҳам кўрсатади: кирувчилар учун курслар, аспирантлар тайёрлови; ташкилотлар буюртмаси бўйича тадқиқотларни бажариш; тадбиркор тузилмаларга консультациялар бериш; ўқитишнинг қисқача курслари; маданий прогаммалар, баъзан талабалар ва кенг аудитория учун спорт иншоотлари шулар жумласидандир. Бироқ ҳозирда шундай тахмин қилиш учун қатъий асос борки, бизнинг кунларда ОТМлар амалиётида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда, бу бир-бири билан боғлиқ икки асосий йўналиш оқибати ҳисобланади: 1) олий таълим муассасалари ва ҳукумат ўртасидаги муносабатнинг ўзгариши; 2) Билим жамияти қарор топиши.

Биринчи йўналиш бозорнинг маънавий таъсири ўсиши билан боғлиқ. Молиявий прессинг — бутун дунёга маълум ҳодиса. Бошқача айтганда таълим муассасасидан қўшимча манбаларни топиб «оз учун кўп қилиш» талаб этилади, бу бюджет қисқаришининг ўрнини босиши мумкин.

Бошқа соҳа ҳукумат билан ОТМлар ўртасидаги муносабатлардаги ўзларини бошқариш тузилмасига тааллуқли: ОТМлар устидан бевосита назорат этишдан асосида у ишлаши лозим бўлган доирани чеклаш шарти ётган бошқарувга ўтиш юз бермоқда. Бу йўналиш ҳукумат билан ОТМлар ўртасидаги алоқа кучсизланаётганини олий таълим институтларининг мухторлик даражаси ошаётганини билдирмайди. Бериб қўйилган воситалар учун таълим муассасаларининг масъулияти ҳам ҳамон давлат назорати остида қолмоқда (сифат кафолатлари тарзида) ва бу воситалардан қандай фойдаланиш, уларни жойлаштирилиши (аж-

ратилган маблағни тақсимланиш тартиби) ҳам давлат назоратида.

Бу шуни англатадики, тезкор масалаларга давлатнинг аралашиш даражаси пасайиши билан бир қаторда унинг илгари академик ҳамжамиятнинг тасарруфига бериб қўйилган сифатни кафолатлаш масаласига унинг эътибори кучаяди. ОТМлар ҳаракатининг тўғрилиги, уларни молиявий бошқариш ҳисобот ва мониторинг тизими орқали баҳоланади. Оқилона тарзда ОТМ ички менежменти, унинг чиқимлар стратегияси давлат томонидан назарда тутилиши керак, у максимал тарзда оператив мухторият олиш ҳуқуқига эга, бу қуйидагиларни назарда тутади:

— бирлашган молиялашга ўтиш;

— лавозимларни банд этиш муддатларини ҳал этишни марказийлаштирилишига барҳам бериш;

— мулкни ва инфратузилмани таълим муассасасига бериш;

— таълим учун ҳақ тўлашни белгилашда ОТМларга мустақиллик бериш;

— ОТМларга ҳаракат қилиш кенг кўламини таъминлаш, бу даромад олиш ва хусусий сектордан келадиган маблағни мустақил сарфлаш билан боғлиқ.

Давлат томонидан молиялаш тартибини таҳлил қилиб, ўзгаришларни кўриш мумкин: булар «бозор уйғунлаштирув воситаларини жорий этиш» ёки «суҳбат тартибидаги бошқарув» тарзида тавсифланади ва фақат ҳукумат билан ОТМ ўртасидаги анъанавий муносабатгагина эмас, балки, ОТМ амалиётига ҳам тааллуқли бўлади. Давлат манбаларидан маблағ олишга тааллуқли молиялаш ва меъёри, уларнинг ўзгариши ОТМлар мақсадли кўрсатмалари улар молиявий менежменти ўзгаришига олиб келади. Бозор жиҳатлари, хусусан, фондлар учун рақобатнинг кучайишида, фойдаланувчилар харажатининг, истеъмолчининг аҳамияти ошишида намоён бўлади.

ОТМларнинг тадқиқотлар учун, шартномалар ва талабалар учун кураши кучаяди. Шу билан бирга улардан пул эвазига «товар» етказиб беришгина талаб этилмай, талабалар ёки буюртмачиларга улар олиб бораётган тадқиқот учун кўрсатилаётган хизмат сифатини назорат этиш ҳам талаб этилади. Олий таълимнинг кўпгина босқичларида талабаларга бадал тўлаш йўли билан ёки таълим кредитлари ёрдамида (грант ўрнига) таълим қийматининг сезиларли қисмини тўлаш таклиф этилади. Бундай йўл (яъни таълим харажатларини қоплашда қатнашиш) таълим олувчининг ўз шахсий капиталига қилинган инвестицияга анча

масъулиятли қилади. Бу капиталга улар ОТМда таълим олиб эришадилар. Натижада ҳақиқатдан ҳам, ўқишга анча масъулиятли муносабатнигина эмас, балки, ОТМлар ўз дастурларининг сифатини талабчанлик билан баҳолашни ҳам кутиш мумкин.

«Пулга товар» талаби молиялаш механизмларида бюджетдан маблағ ажратиш орқали амалга оширилади, бунинг ҳажми фаолият натижаси билан белгиланади. Бундай вазиятда маблағ ОТМларга улар бажарган ишлар (битирувчилар)ни баҳолаш асосида берилади. Таълим сифатининг мезони бўлиб, тайёрланган мутахассислар ёки талабалар тўплаган кредитлар ҳисобланиши мумкин, тадқиқот соҳасида эса мезон сифатида бажарилган ишга берилган баҳолардан фойдаланиш мумкин. Якуний сифат кўрсаткичларга асосланган молиялаш анъанавий ёндашишдан бюджетни тузишда фарқланади, масалан, буюртма бўйича ёки фаолият режаси асосида, бунинг асосида эса ўзига ҳос шартномавий молиялаш ётади. Молиялашга яна бир маълум ёндашиш асосини белгиланган сарфларни лойиҳалаш ташкил этади, у кириш кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. (Гарчи кириш кўрсаткичлари амалда асосий ва шартномавий молиялаш ҳисобланса-да). Юқорида айтиб ўтилган шакллардан фарқли ўлароқ, бажарилиш мезонлари бўйича молиялаш (БММ) ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, қийматни ҳисобга олиш, ижодий ёндашиш ва ҳ.кларга қаратилган. Унинг худди мана шундай шакли кўпинча марказсизлаштириш, назоратни таълим муассасаси миқёсига ўтказиш билан қўшиб олиб борилади. Бунда, дарҳол юзага келадиган савол — тизим миқёсида юз берадиган молиялашдаги ўзгаришлар ўқув юрти ички менежментини ташкил этишнинг ўзгаришига, унинг самаралилигига қанчали таъсир этади? Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ҳукумат молиялаши ҳамон маблағ келадиган асосий манба бўлиб қолмоқда. Бу маблағ ОТМларга уйғунлаштирилган маблағ сифатида берилади, бундан улар ўз хоҳишига кўра фойдаланиши мумкин. Бундай қарорга келишликка асос маълум: ОТМлар бу ресурслардан қандай фойдаланишни ҳукуматдан кўра яхши биладилар. Ижтимоий фондлар молияловчи идоралар (вазирлик, молияловчи кенгашлар)да қониқарли натижаларга эришишни таъминлар экан улар маблағни қай йўсинда сарф этишини белгилаш учун ҳеч бир асос йўқ.

ОТМларнинг раҳбарияти ҳукумат моддалар бўйича молиялашдан воз кечишини хоҳлаиди, чунки моддалар асосидаги ён-

дашув ОТМлар ривожига тўсқинлик қилади, ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича улар имкониятларини чеклайди.

Дания, Швеция, Голландия ва Буюк Британия каби мамлакатларнинг ҳукуматлари ОТМлар ишларининг сифати мезонидан келиб чиқиб маблағларни тақсимлайдилар. Масалан, Данияда ҳукумат грантининг ҳажми талабалар тўплаган кредитлар (яъни топширилган имтиҳонлар) сони асосида белгиланади; Голландияда ва Швецияда молиялаш ҳажми тахминий ва якуний кўрсаткичларни қиёслаб белгиланади (Швецияда — кредитлар сони; Голландияда — берилган даражалар сони). Буюк Британияда тадқиқотлар учун маблағ ОТМлар рейтингига мутаносиб ажратилади, ОТМлар рейтинги улар бажарган иш сифатини баҳолаш натижасига кўра белгиланади. Паст рейтингли ОТМлар ҳукумат молиялашидан маҳрум бўлади, улар фаолияти сифатини ошириш шу йўл билан рағбатлантирилади. Бундай ёндашиш ОТМ менежментини факультетлар ва бошқа бўлимлар ишини баҳолашга алоҳида эътибор қаратишга мажбур қилади.

Юқорида қайд этилган мамлакатлардан ташқари сифат мезони ҳукумат молиялаши ҳажмини белгилашда Норвегия, Финляндия, Италия, Швейцария ва Венгрия каби мамлакатларда ҳам ҳисобга олинади.

Франция ва Германия каби йирик мамлакатда бюджетни белгилашда ҳамон кириш (қабул) кўрсаткичларидан фойдаланилади, хусусан Германияда бу амалиёт маблағни сарфлашда эркинлик даражаси нисбатан пастлиги билан қиёсланади.

ОТМлар ички ҳаётига тааллуқли бошқа омил бўлиб, ҳозирда иқтисод билимлар иқтисодига ўзгараётганига бўлган ишонч тобора кенг тарқалаётгани ҳисобланади, бунинг асосий тавсифи *бойлик* (ёки *самаралилик*) тобора кўпроқ янги билимларни мутахассислар томонидан ривожлантирилиши ва қўлланишига бўлган ишончга асосланади. Иқтисодий ўсиш суръатлари эндиликда жисмоний капитал ёки одамлар (капитал инсон)малакаси билан эмас, балки, билимни ўзига қўллай олиш билан белгиланади. Иқтисод тобора кўпроқ ахборотлар асосига, таълим ва мослашишга таянмоқда, кўп нарсаларни мумкинга айлантирувчи замонавий ахборот ва алоқа технологияларининг қудрати глобал иқтисодни янги технологиялар билан таъминламоқда.

Глобаллашув — бошқа сўз билан айтганда — халқаро миқёсда бизнес ва саноатдаги рақобатнинг кучайиши, айрим мутахассислар эса уни «бозор билими»га эҳтиёж ва талабнинг

ошиши манбаи деб белгилайдилар. Глобал иқтисодда рақобатлашишни хоҳловчи фирмалар билимга эга бўлишлари лозим. Чунки билимгина уларга бозорнинг ғужғон ўйнаган муҳитидаги рақобатда ўз устунликларини сақлаб қолиш ва оширишга имкон беради. *Бундай рақобатга бардош беришнинг* ягона йўли — аввало, компанияларнинг турли хил уюшмаларга бирлашиши, шу жумладан, билимларни етказиб берувчилар билан *ҳамкорлик*.

Олий таълимга янги талаблар ҳам ана шундан. Фирмалар мослашувчан ва кўп қиррали ишчи кучга эга бўлиш ҳамда уларни тайёрлашни хоҳлайдилар. Фирма хизматчилари қайта тайёрловдан ўтиши мумкин бўлган курсларга бўлган талабнинг ошишини шу билан изоҳлаш мумкин. Бир умрга таълим олиш мутлақ заруратга айланмоқда. Бунда ОТМлар муҳим аҳамиятга эга бўлади. Хуллас бу талаблар ОТМларнинг ўз ходимлари (ҳам ўқитувчилар, ҳам ходимлар)га тааллуқли: ОТМ ходими янги, жадал ўзгараётган технологияда ишлашни ўрганиши лозим.

Энди таълимга келсак, янги иқтисоднинг энг муҳим таъсири шундан иборатки, талабалар ўзларининг меҳнат фаолияти вақтида иш жойини (ўрнини) бир неча марта ўзгартиришга тўғри келадиган бозор шароитларида ишлашга тайёр бўлишлари керак. Бунинг учун тегишли малака зарур, унинг мазмуни ўқув режаларида ўз ифодасини топган бўлиши керак. Масалан, мультифанлар тамойили асосида тузилган ўқув режасига ўтишга тўғри келади. Бу дегани, моделлар, концепциялар ва жараёнлар тўғрисида турли фанларни ўргатиш давомида олинган билимлар аввал бошдаёқ дастурда акс этган бўлиши керак. Эндиликда талабани шунчаки мутахассис тарзида тайёрлаш кифоя қилмайди. Уларнинг турли соҳалардан олган билимларидан фойдаланишга (ёки уйғунлаштиришга) ёки, жуда бўлмаса, мутахассислар — билимнинг бошқа соҳаси вакиллари билан самарали ҳамкорлик олиб боришга ўргатиш керак. Бундай ёндашув ўқув режасининг мазмуни нуқтаи назаридангина эмас, балки, ўқишнинг давомийлиги жиҳатидан ҳам жуда муҳим (дастурнинг давомийлиги қисқаради). Натижада, олий таълим муассасаларини молиялаш ҳам, уларни ташкил этиш ҳам, демак, ресурсларни тақсимлаш ички усуллари ҳам мутлақ ўзгаришга учрайди.

Жамоавий-хусусий бирлашмалар ёйила бошлайди, булар янги тур *тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш* шарти сифатида қаралади. Тобора улар илмий-тадқиқот институтлари томонидан олиб борилади ҳамда маблағдан ўз хоҳишига кўра фойдаланиб,

факультетларнинг вакилларини ишга жалб эта бошлайди. шундай қилиб, маблағ биринчи галда мультифанлар тадқиқот дастурларига сарфланади, зинҳор монофанлар факультетлари доирасида ўтказиладиган тадқиқотларга кетмайди.

Хуллас, қандай вазифалар истиқболда анча устувор ва ОТМларнинг биринчи галда эътиборини жалб этади? Бу, аввало, улар кимни ўзларининг асосий рақобатчилари деб биладилар, масалан, 5 йилдан сўнг: қандай муаммоларга биринчи даражада аҳамият бериш лозим, улар фаолиятини қайси соҳасининг қадри ошади-ю, қайсинисиники пасаяди. Ахир (янги) таълим хизмати кўрсатувчилар пайдо бўлди — вертуал университетлар, хорижий (франгейзинг) таълим муассасаси ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари ва ҳ.к.

Бошқа соҳа — кадрлар учун рақобат кураши, бунга иқтисоднинг глобаллашуви ва меҳнат бозори таъсир этади. Бунда бошқа омиллар ҳам асосий рақобатчиларга айланади. Демак, бунда вазифа шундан иборатки, алоҳида олинган, айрим ОТМ бошқасидан кўрсатадиган хизматларининг тури кўплиги, мутахассисларни анча юқори даражада малакали тайёрлаши ёки бошқа қайси жиҳатдандир фарқланиб туришидадир.

Энг муҳими — молиявий маблағларни тўғри тақсимлаш. Республикамизда ОТМларни молиялаш икки йўл билан амалга оширилади: бюджетдан ва бюджетдан ташқари. Биринчиси мамлакатнинг иқтисодий ва молиявий имкониятларига тўлиғича боғлиқ, «Таълим тўғрисида»ги қонун, махсус низомлар ва меъёрий ҳужжатлар билан, яъни давлат томонидан тартибга солинади, унга ОТМнинг аралашишга ҳеч бир ҳуқуқи йўқ. Бироқ, бу давлат фақат маблағ ажратади ва бу маблағларни сарфлаш устидан ҳеч қандай назорат олиб бормайди дегани эмас. ОТМларнинг бюджет маблағи билан таъминлаш қоидаси ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 сентябрдаги 44-рақамли «Бюджет таъминотларини молиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан белгиланган. Бу қоидаларда қуйидагилар назарда тутилади:

— бюджет ташкилотлари раҳбарларининг бюджет маблагларидан тежаб, самарали ва мақсадли фойдаланиш бўйича мустақилликларини кенгайтириш, масъулиятини ошириш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш;

— бюджет ташкилотларини молиялаш тартибини соддалаштириш ва юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни турлича айлантириш учун имкон яратиш;

— меъёрлар бўйича битта қисмдан бюджет ташкилотларини бюджетдан молиялашнинг янги тартибини жорий этиш;

— бюджетдан молиялашни ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни кенгайтириш ва таълим муассасасининг соҳасига мос товарларни сотиш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) билан қўшиб олиб бориш;

— таълим муассасаси ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти натижаларини ошириш ва кадрларни муқимлаштириш учун шароит яратиш;

— таълим муассасаларига қуйидагилар ҳисобидан шаклланадиган ривожлантириш фондидан молиялаш ҳуқуқини бериш;

а) режадаги бюджетдан молиялаш ҳисобига келиб тушадиган ва ҳисобот даври охирида бюджет ташкилотлари ҳисоб рақамида қоладиган тежалган (фойдаланилмай қолган) маблағ;

б) таълим муассасаси фаолияти соҳаси бўйича ишлаб чиқариш, товар сотиш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)дан олинадиган даромад;

в) ҳуқуқий ва жисмоний шахслар кўрсатадиган ҳомийлик ёрдами.

Молиялашнинг янги тартибида таълим муассасаларини икки йиллик муддатга (2002 йил 1 январдан бошлаб) қўшимча олган даромадларидан (бюджетдан ташқари фаолият асосида) давлат бюджетига олинадиган солиқларнинг ҳар қандай тури ва йиғимдан озод қилинадилар, бу йўл билан тўпланган маблағ мақсадли йўналтирилиб, моддий-техникавий ва ижтимоий негизни мустаҳкамлаш, шунингдек, ходимларни моддий рағбатлантиришга қаратилади.

Олий ва ўрта таълим муассасаларининг фаолиятини тартибга солиш учун Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг намунавий лавозими, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари маъмурий-бошқарув ходимлари лавозими меъёрлари, улардаги ётоқхоналар меъёри ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, таълим муассасаларининг лавозим жадвали эса улар билан мувофиқлаштирилди. Бундан ташқари, олий таълим муассасаси лавозим рўйхатига бошқа вазифалардан озод этилган декан, декан ўринбосари лавозимлари киритилди ҳамда Молия вазирлиги ва Меҳнат вазирлиги билан келишиб уларга лавозим маоши белгиланди, бу маблағ бюджетдан ажратиладиган бўлди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида *маркетинг хизмати бўлинмаси*, барча ОТМларда эса *маркетинг* хизмати бўлинмалари

ташкил этилди, буларнинг фаолияти бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлашни ўтказиш мақсадида ОТМларда марказ ва факультетлар ташкил этилди.

Бюджет чиқимлари ҳисоб-китоб асосига талабалар (ўқувчилар) қабул гранти, таълим олаётган талабалар (ўқувчилар) таркиби, моддий-техника негизининг ҳажми, профессор-ўқитувчилар таркиби лавозими ва иш ҳақи фондини ҳисоблашда битта ўқитувчига тўғри келадиган талабалар миқдори олинади.

Бюджет маблағидан фойдаланиш устидан назорат, асосан, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги назорат-тафтиш бошқармаси белгилаган меъёрий ҳужжатлар бюджетдан молиялаш лимитлари, амалдаги даромадлар ҳамда давлат бюджети харажатлари таснифи, тасдиқланган лавозим жадвали ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган харажатлар рўйхати асосида амалга оширилади.

ОТМнинг тасдиқланган сметаси ва лавозим жадвалини тузиш ва тасдиқлаш тартибига амал қилиш, уларнинг тасдиқланган тасниф, меъёрлар ва чиқимлар лимитига мувофиқлиги, ишлаб чиқилган ва рўйхатдан ўтказиш учун тавсия смета ва лавозим жадвали тўғрилиги бўйича шахсий жавобгарлик раҳбар, бош бухгалтер зиммасига тушади.

Бюджет маблағидан молияланадиган ОТМларнинг бюджет интизоми бузилгани учун амалдаги меҳнат, маъмурий ва жиноий қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қуйидагилар учун шахсий жавобгарликка тортиладилар:

— бюджет маблағи ва бошқа пул маблағларидан мақсадли фойдаланилмаганлиги;

— муддати ўтган дебитор ва кредитор қарздорлиги;

— чиқимлар рўйхати бўйича тасдиқланган бюджет маблағи лимитидан ошиб кетганлиги;

— лавозим-смета интизоми бузилганлиги;

— чиқимлар рўйхати бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисобот ўз вақтида топширилмаганлиги.

ОТМ бюджет фаолияти бўлинмаларининг раҳбарлари, иқтисод ва тадбиркорлик бўйича проректорлар фаолияти орқали амалга оширилади, бу шахслар тегишли молиявий қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат (шунингдек, бюджетдан ташқари) маблағнинг тушишини бухгалтерия ва режа-молия бўлими назорат қилади.

Ректорнинг мутлақ ҳуқуқи бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— иқтисод ва тадбиркорлик фаолияти бўйича проректорлар молиявий ваколатининг чегараларини белгилаш;

— бўлинмаларни 10% гача чегарада молиялаш лимитларини кўриб чиқиш;

— режадаги смета чегарасида тушаётган маблағлар мақсадли йўналишини ўзгартириш.

Бюджетдан ажратилган маблағ чиқимлар алоҳида унсурлари бўйича чекланади ва улар қайта тақсимланишига йўл қўйилмайди. Айтайлик, стипендия ёки иш ҳақи учун ажратилган маблағ капитал қурилишга сарфланмайди.

ОТМ ихтиёрига тушаётган пул маблағи — унинг *кирими*.

ОТМ эҳтиёжи (стипендия, иш ҳақи, лабораторияни жиҳозлаш ва ҳ.к.)ни таъминлашга йўналтирилган пул маблағи — унинг *чиқими*.

Киримнинг чиқимдан ошгани ОТМ *фойда*сини ташкил этади. Чиқимнинг киримдан ошиб кетиши ОТМ *бюджет тақчиллиги*ни ташкил этади ва уни қоплаш фақат молия йилида (янги бюджетни шакллантираётганда) амалга оширилиши мумкин. ОТМ фаолиятининг айрим йўналишини молиялаш учун мақсадли фонд (масалан, моддий рағбатлантириш фонди, ҳисоблаш техникасини ривожлантириш фонди ва б.) тузилиши мумкин. Фондлар бўйича киримлар ва чиқимлар ОТМ кенгаши қабул қиладиган ОТМ ички қоидаларига асосан амалга оширилади.

Мавжуд шароитларда ОТМга ўз эҳтиёжларини қоплаш учун ажратилган бюджет маблағи етмайди. Шунинг учун ОТМлар бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш мақсадида ўз фаолиятини кенгайтириш бўйича аниқ чоралар кўради.

Кенгайиб бораётган бозор шароитида, жамият ҳаётида таълимнинг аҳамияти ўзгараётганда, яъни у фақат ўз манфаатларига хизмат қилишини тўхтатганда, шахс индивидуал талабларини қондириш бошланганда, бюджетдан ташқари маблағнинг аҳамияти ошмоқда. Бу қонуният, чунки умумжаҳон йўналишидир. Бюджетдан ташқари маблағни жалб этиш баъзи бир аниқ шарт-шароитлар бўлишини тақозо этади, хусусан:

— ҳуқуқий негиз; бу асосида мазкур фаолият мавжуд қонунлар, меъёрлар томонидан тартибга солинади;

— маҳсулот ва хизматларга бозор талабининг ўрганганлиги (*маркетинг*);

— хизмат кўрсатиш имкониятларини ёки ОТМ ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни кенг ёювчи рекламалар;

— молияларнинг ҳисоб-китоби ва тегишлича бошқариш;

— олинган маблағдан самарали фойдаланиш.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да пулли таълим хизмати кўрсатиш, тадбиркорлик, консультация, экспертлик, нашриёт, илмий ва бошқа тур фаолиятлар ҳисобидан ОТМ молиявий маблағларни жалб этиши кўзда тутилади.

ОТМнинг бюджетдан ташқари фаолияти қуйидаги йўналишларга бўлинади:

1. Таълим хизмати:

— ОТМгача тайёргарлик;

— тўлов-контракт асосида ОТМда мутахассислар тайёрлаш;

— якка тартибдаги тўлов асосида амалга ошириладиган консультация ва семинарлар;

— турли йўналишлар бўйича ОТМда курслар ва бошқа тузилмалар тузиш орқали махсус сертификатлар бериладиган қўшимча таълим; Масалан, иқтисодиёт ва тижорат (бухгалтерия курслари, брокерлар курси, суғурта агентлари, реклама агентлари ва б.), ҳужжатшунослик (котиб-референт агентлари ва б.), информатика (компьютер техникасини созлаш ва ишлатиш операторлари курси ва б.), шунингдек, ОТМ мутахассислар тайёрлаш йўналишини ҳисобга олиб бошқа касблар бўйича.

2. Илмий-ишлаб чиқариш фаолияти:

— шартномавий илмий-тадқиқот ишлари;

— юқори технологияларни жорий этиш;

— ускуналар лизинги, кичик корхона, қўшма ишлаб чиқариш, экспертлар маслаҳати ва баҳоси, минтақа маъмурияти, ҳукумат муассасалари, буюртма бўйича фанлараро тадқиқотлар, илмий-техника парклари, тўлов аосида конференция ва семинарлар ташкил этиш;

— очиқ ихтироларга патент ва лицензиялар сотиш;

— тижорат фирмалари ва корхоналар билан илмий-тадқиқот марказлари ва лабораториялар тузиш.

3. Ташқи иқтисодий фаолият:

— хорижий талабалар, аспирантлар, иш ўрганувчилар магистрларни ўқитиш;

— чет эл ОТМлари билан қўшма факультетлар тузиш:

— чет эллик шериклар билан қўшма корхоналар тузиш;

— чет эл фондлари билан олий таълимни қўллаб-қувватлаш жараёнини ташкил этиш;

— республика талабаларини ўқитиш бўйича чет эл ОТМлари билан алоқа ўрнатиш.

4. Тижорат фаолияти:

— дарсликлар, ўқув-методик ва оммавий адабиётлар нашр этиш;

— ОАВ орқали реклама фаолияти кўрсатиш;

— илмий ускуналар ва приборларни ижара ва прокатга бериш;

— тармоқ технологиялари, ахборотни сотиш марказлари негизида ахборот бизнес-маркази тузиш.

5. Хизмат соҳаси: умумий овқатланиш, даволаш-соғломлаштириш хизмати, спорт мажмуалари, болалар дам олиш оромгоҳи, маиший ва бошқа хизмат (талабалар, ОТМ ходимлари, аҳоли учун).

6. Ҳомийлик:

— мулк шаклидан қатъий назар барча корхона, ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслардан хайрия маблағларини жалб этиш;

—ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш (капитал қурилиш, ўқув биноларини жиҳозлаш, ҳудудни ободонлаштириш ва б.);

— ускуналарни инъом этиш (компьютерлар, ташкилий техника ва б.);

— кутубхона жамғармасини тўлдириш;

— чет эл инвестицияларини жалб этиш (мини-босмахона ташкил этиш, автотранспорт сотиб олиш, ўқув адабиётлари ва б.).

7. Фондлар (таълим, маданият ва кадрлар тайёрлашни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида тузилади):

— жамоат ташкилотлари, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар кўнгилли бадаллари; чет эл инвестициялари; банк кредитлари; бошқа тушумлар ҳисобига даромадлар.

Бюджетдан ташқари фаолиятдан олинадиган даромадлар тахминан қуйидагича тақсимланади: товар ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ва моддий-техника негизини мустаҳкамлаш бўйича жами сарфларни қоплашга 85%; 15%дан кўп бўлмагани — ОТМ ходимларини ижтимоий муҳофазалаш ва рағбатлантириш бўйича талбирларга. Ҳомийлик ёрдами тарзидаги бутун маблағ, агар, ҳомий томонидан мақсадли йўналиш

шарти қўйилмаган бўлса, моддий-техника негизини мустаҳкамлашга сарфланади.

Юқорида келтирилган рўйхатдан кўринадики, ОТМларнинг қўшимча (бюджетдан ташқари) маблағни жалб этишга йўналтирилган асосий фаолияти *тижорат тавсифига* эга. Муайян даромад олишга қаратилган. Таълим хазмати кўрсатишдан тушадиган молиявий маблағнинг асосий манбаи (табиийки, давлат дастурлари ва стандартлари доирасида) ОТМларга корхоналар, ташкилотлар, муассасалар билан шартнома бўйича қабул қисобланади. Бунда муаммолар йўқ эмас. Удар ҳам нарх ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Чунки, мавжуд тажрибага қарамай, нархни белгилаш методикаси бўйича аниқ бир фикр йўқ. Бу масалани ОТМлар мустақил ҳал қилмоқда, лекин қуйидаги уч омилни албатта эътиборга олган ҳолда:

— давлат буюртмаси (давлат бюджети) бўйича мутахассислар тайёрлаш баҳоланадиган меъёрлар;

— амалдаги сарфлар (бунда профессор-ўқитувчилар таркибининг малакаси, моддий-техника негизининг таъминланганлиги ва б. албатта эътиборга олинади);

— мутахассис тайёрлаш тўлови амалдаги сарфдан юқори бўлиши лозим (мана шу даромаддир).

ОТМни бюджетдан ташқари молиялашни бошқа манбаи тўлов-контракт асосидаги таълимдир. Бунда «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасини, албатта, эътиборга олиш керак. Унда фуқаронинг таълим олиш ҳуқуқи белгиланган, чунки, аҳоли асосий қисми даромад даражаси олий таълим олиш бўйича чиқимларни қоплашга имкон бермайди. Бироқ, тўлов-контракт асосида ўқишга кираётган талабалар мавжуд ва бундан келадиган тушумлардан ОТМлар талабаларни жорий таъминлаш ва моддий-техника негизини мустаҳкамлашда фойдаланади. Даромаднинг бу моддаси 25% ини ОТМ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришга йўналтириш учун рухсат берилади, қолган маблағ, биринчи галда, моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, спорт тадбирлари, ижодий фестивалларга сарфланади, шунингдек, олимпиадалар ва профессор-ўқитувчилар таркибини чет элда қайта тайёрлаш (ёки тажриба орттириш)га йўналтирилади («Устоз» фонди орқали).

Тижорат тузилмалари фаолияти ҳам ОТМ даромад оладиган яна бир манба ҳисобланади, буларни тузиш ва фаолият кўрсатиши олий мактабнинг охирги мақсади — мутахассислар

сифати ва илмий тадқиқотлар даражасини кўтариш билан жипс боғлиқдир.

Тижорат тузилмалар ОТМ бўлинмаси сифатида фаолият юритиши таркибий мустақил бўлиши ҳам мумкин (масалан, ОТМнинг бирор хонаси ижарага олинганда).

Тижорат тузилмалардан тушумлар бор қисми ОТМ ривожланиш фондига ўтказилади, қолгани моддий-техника тизимини мустаҳкамлаш (техника воситалари, ускуна, приборлар сотиб олиш) учун сарфланади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ОТМлар тижорат фаолияти йўлидаги барча тўсиқларнинг ҳаммаси ҳам бартараф этилмаган. Масалан, Мулк тўғрисидаги қонун билан боғлиқ чекловлар мавжуд. Улар ОТМларга фақат мустақил тадбиркорлик фаолияти натижасида сотиб олинган мулкларнигина эркин тасарруф этишга имкон беради (яъни бюджет ҳисобидан олинмаган), бу табиийки, имкониятни чеклайди. Лекин, бари бир, кўп нарса — ишбилармонликда фаоллик, тезкорлик, олинган даромадларни тежаб-тергаб сарфлаш — ОТМларнинг ўзларига боғлиқ.

Қўшимча ва анча аҳамиятга молик бюджетдан ташқари маблағ манбаи бўлиб, илмий тадқиқотлар, маърузалар туркуми, ахборот хизмати ва б. шаклда амалга ошириладиган ташқи иқтисодий фаолият ҳисобланади.

Ўқуви фақат тўлов асосида амалга ошириладиган чет эллик талабалар ва аспирантларнинг маблағи ҳам бюджетдан ташқари анча муҳим манбалар ҳисобланади. Бунда, тўлов масаласи ОТМнинг нуфузи, унинг жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олиниши билан чамбарчас боғлиқ.

Эркин ташқи иқтисодий фаолият ОТМларга чет эл капиталидан юқори сифатли ускуналар, юқори технологиялар сотиб олиш имконини беради. Бу эса таълим жараёнининг, шунингдек мутахассислар тайёрлаш сифатини оширади. Бундан ташқари ишлаб топилган валюта маблағи ҳам ўқитувчилар, ҳам талабаларга халқаро симпозиумлар, конференциялар, ишланмаларда қатнашиши, чет элда амалиётни ўташ имконини беради. Бу сезиларли даражада республика олий мактабининг жаҳон фани билан уйғунлашишига кўмаклашади.

Хўжалик шартномаси асосида илмий-тадқиқот ишларини бажариш ОТМлар даромадининг анъанавий манбаи ҳисобланади.

Демак, ОТМлар бозор иқтисоди шароитларида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича катта ва жиддий

маркетинг тадқиқоти олиб борадилар, фаолиятнинг янги шаклларини излаш билан шуғулланадилар, булар молиялашнинг қўшимча манбаини жалб этиш имконини беради. Бироқ, уларни янада самаралилиги, кенгайтирилиши ва такомиллаштирилиши меҳнат ҳамда таълим хизмати бозорини яхши ўрганмай, рақобатни ҳисобга олмай, фаолият юритиш эҳтимоли бор соҳани ўрганмай, бажарилган иш (чиқарилган товар) ва хизматларнинг бозор нархини аниқламай, янги жиддий маркетинг ислоҳотлари ўтказиш мумкин эмас. Бунда яна шуни ёдда тутиш лозимки, ОТМ, ҳар ҳолда, жамиятнинг ижтимоий институти, институт бўлганда ҳам жуда муҳими, уни ҳаддан ташқари тижоратлаштириш жамиятга жиддий зарар етказиши мумкин, демак, тижорат фаолиятининг тижорат йўналиши ҳамиша асосий фаолияти билан ОТМ даъват этилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ тарзда бўлиши лозим.

3.6. Олий таълим муассасаларнинг бюджетдан ташқари фаолиятини бошқариш

Таълим иқтисодиётининг асосий вазифаси — ОТМнинг таълим, илмий вазифаси ва унинг яхлитлигини сақлаб қолган ҳолда кейинчалик қайта инвестициялаш учун хизмат кўрсатиш (тушум ва айланма маблағ) ҳамда фойдани ошириш мақсадида ОТМ ресурсларини турли йўналишлар, шунингдек, бюджетдан ташқари фаолият, таркибий бўлинмалар ўртасида тақсимлаш.

Давлат таълим муассасаси моҳиятини субъектлар учлиги ташкил этади, булар ОТМлар хизмати буюртмачилари ҳисобланади:

— давлат;

— корхона, муассаса ёки ташкилот (юридик шахс);

— фуқаролар (жисмоний шахс).

ОТМ бюджетдан ташқари фаолиятини бошқаришнинг муҳим усули ресурслар, хусусан молиявий усул ҳисобланади.

Давлат ОТМларида, ресурслар таркиби *меҳнат* ва *моддий* ресурслардан ташкил топади. Анча кенг ёндашувда ресурс имкониятининг тартиби бўлган *ахборот ва бошқа* баъзи ресурс турлари ҳам алоҳида кўрсатилади, булар муайян маънода иккиламчи ҳисобланади, чунки охир-оқибатда ходимлар ёки улар фаолияти моддий шароитнинг атрибути сифатида намоён бўлади. Шунга кўра моддий бўлмаган активларни ҳам алоҳида ажратиш лозим, булар таркибидаги интелектуал (ақлий) меҳнатни ҳам. Хусусан, ОТМ ходимларининг талбиркорлик қобилиятини ишлаб

чиқариш омили сифатида ҳисобга олиш талаб этилади. Ресурслар моддий қисми ичида молиявий ресурслар, биринчи галда, бюджетдан ташқари фаолиятдан шаклланган, муҳим ўрин тутади, чунки булар бюджет молиявий ресурсларидан фарқли ўлароқ эркин бўлиб, боғлиқ эмас.

ОТМлардаги (ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мужассамасидаги) ресурслар (активлар)нинг ўзига хослиги қуйидагилардан иборат:

— моддий активлар аҳамиятининг сезиларли ва тобора ошиб борищи;

— лабораториявий-тажрибавий ускуналар нархи юқорилиги ва ликвидлигининг пастлиги, камёблиги туфайли саноатдагидек фойдаланиш мумкин эмас, бу ўз навбатида ОТМ маҳсулотининг бозорда рақобатбардошлигини пасайтиради;

— инсон капиталининг нодирлиги, юқори малакавийлиги, яъни илмий-педагог ходимлар, улар меҳнат ресурслари сифатида, бир томондан, қиммат туриши, ОТМда ишчи куч — талабалар мавдудлиги — иккинчи томондан;

— бюджетдан ташқари фаолиятга жалб этиладиган ОТМ ресусрларининг барча тури (ҳам меҳнат, ҳам моддий ресурслари) чекланганлиги, фақат мутлақ эмас, балки нисбий ҳамдир, чунки асосан бюджетдан молияланадиган таълим ва илмий жараёнда улардан фойдаланиш устувор ва мажбурий, бу бюджетдан ташқари фаолиятни ташкил этишни қийинлаштиради.

Замонавий иқтисод активлар (ресурслар)нинг қуйидаги тушунчаларидан — асосий, айланма, моддий бўлмаган — фойдаланади.

Моддий бўлмаган активлар — моддий бўлмаган объектларга қўйиладиган, узоқ вақт мобайнида хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган ва даромад келтирадиган активлар. Моҳиятан, хўжалик оборотига жалб этилган аввалги тадқиқотлар ва ишланмаларнинг натижаси, қиймат баҳосига эга бўлиб, булар моддий бўлмаган активларга айланади. Бухгалтерия ҳисоб-китоби ҳақидаги мавжуд низомга кўра моддий бўлмаган активлар таркибида қуйидагилар қатнашади: ер майдонидан фойдаланишнинг ҳуқуқи, патентлар, лицензиялар, товар белгилари, Ноу-хау, ластур маҳсулоглар, монопол ҳуқуқ ва имтиёзлар (хусусан, фаолиятнинг лицензиявий турига берилган) ва ҳ.к. Моддий бўлмаган активларни асосий фондларини бошқариш билан қўшилиб кетади. Моддий бўлмаган активларнинг аҳамияти интелектуал мулк ҳақидаги қонунчилик ривожига, унинг кенгайи-

ши патентлар сотишнинг кенгайиши ва ноу-хауга кўра ошиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш муҳимки, давлат ОТМ тизимидаги мулк ҳуқуқининг субъекти бўлиб, ОТМгина эмас, балки унинг илмий-педагог ходимларининг бир қисми ҳам ҳуқуқ субъектидир, бу бюджетдан ташқари фалият жараёнида ОТМдаги иқтисодий муносабатларнинг мураккаблашувига олиб келади.

Молиявий ресурслар, унинг айланма активларининг бир қисми ҳисобланади ва бир томондан, ОТМни фаолият юритиши ва ривожланишини таъминлайди, иккинчи томондан, бюджетдан ташқари соҳадаги ишлаб чиқариш жараёни ўз узлуксизлигини таъминлайди. Умумий тарзда қараганда, қуйидагилар **ОТМ молиявий ресурсларининг шаклланиш манбаи** ҳисобланади:

— бюджет маблағи, яъни давлат таълим стандартини таъминлаш учун ажратиладиган турли даражадаги бюджет маблағлари ва таъсисчи (давлат)нинг *пул бадаллари*;

— таълим учун тўлов;

— банк кредитлари ва бошқа кредитлар;

— юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари ва мақсадли бадаллари.

Давлат молиявий сиёсати ОТМ молиявий механизми тузилишига сезиларли таъсир кўрсатади. Давлатнинг тартибга солиш механизмида бюджет тўловлар ҳам, бюджетдан молиялаш ҳам бир хилда муҳимдир. Бюджетга тўловлар ОТМ ўз молиявий негизини сафарбар этишини тартибга солади ва шу йўл билан ўз тасарруфида қолган хусусий молиявий ресурслари улушининг ошишига таъсир этади. Амалдаги қонунчилик ОТМларнинг тадбиркорлик ва тадбиркорлик бўлмаган фаолиятини солиққа тортишнинг турли тизимини ўрнатади, фаолият турли хилининг самарали нисбатига боғлиқ ҳолда белгилайди. Бу тадбиркорликдан иборат бўлмаган фаолият турини, яъни тўлов асосидаги таълим хизмати ва илмий тадқиқотларни ривожлантиришга имкон беради.

Бюджетдан молиялаш умумдавлат ресурсларини жалб этиш ҳисобига ОТМнинг ривожланиш имкониятини тартибга солади.

Бюджетдан олий мактабни тўла равишда таъминлаш имконига эга бўлмаганлиги туфайли, давлат, ОТМлар бюджетдан ташқари фаолиятига солиқ имтиёзларини белгилайди, шу билан бир вақтда уни рағбатлантиради ҳам. Амалдаги қонунчилик билан белгиланган солиқ имтиёзлари, бир неча йўналишга эга:

— ОТМларни бюджет ташкилоти сифатида бир қатор тўловлардан озод қилиш, уларни бюджетдан ташқари фаолиятидан қатъий назар (ер учун тўлов, мулк солиғи ва ҳ.к.);

— давлат ва ОТМ учун муҳим бўлган айрим фаолият йўналишларига солиқ имтиёзлари белгилаш (тўлов асосидаги хизмат, ўқув-тарбия жараёни билан боғлиқ таълим соҳасидаги хизматлар, хўжалик шартномаси асосидаги илмий-тадқиқотлар, ва тажриба-конструкторлик ишлари ва ҳ.к.);

— бюджетдан ташқари фаолиятдан олинадиган фойдани сарфлаш йўналишларига солиқ имтиёзларини шартлаштириш (ОТМ бюджетдан ташқари фаолияти бир қатор туридан келадиган фойдани, агар улар ОТМга қайта инвестиция қилинса, солиқдан озод қилиш).

Қонун давлат мулкини ижарага беришдан фойдаланишни айниқса кескин тартибга солади, бу даромадларни мутлақо ОТМни ривожлантиришни таъминлашга сарфлашни ва ўқув-тарбия жараёнининг такомиллаштиришга қаратиш мажбуриятини юклайди.

ОТМ фаолиятининг вазифаси бюджетдан ташқари фаолиятни ташкил этишда солиқ имтиёзи бўйича йўналишларни ва фаолият турларини ва ОТМ чекланган ресурсларини (меҳнат материалларини, молиялар ва б.ни) қайта тақсимлашда, шунингдек таълим ҳамда фан соҳасидаги ОТМ стратегик режасидан келиб чиқиб фойдани қайта инвестициялашни самарали тарзда уйғунлаштиришдан иборат бўлади.

Бюджетдан ташқари фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича ресурсларга эҳтиёж тугилишининг таҳлили қуйидагилардан далолат беради:

1. Тўлов асосидаги таълим, аввало, меҳнат ресурслари — юқори малакали илмий-педагог кадрлар ва моддий ресурслар — ўқув майдони ва ускуналарни талаб этади. Молиявий ресурслар мавжудлиги бошланғич вақтда шарт эмас, чунки таълим хизмати олдиндан тўлаб қўйилади. Бошқа ҳолат — тегишли таълим механизмлари зарурлиги муҳим, яъни ходимларига эмас, балки ОТМга тааллуқли тегишли фаолиятига мутлақ ҳуқуқ шаклидаги моддий бўлмаган активлар ОТМга фойдадан тегишли улуш олиш ҳуқуқини беради.

2. Илмий-ишлаб чиқариш фаолияти ОТМда юқори малакали илмий кадрлар, ишлаб чиқариш майдонлари ва ускуналар, бирмунча айланма маблағ бўлишини тақазо этади. Чунки буюртмачилар тайёр илмий маҳсулотларгагина ҳақ тўлайдилар. Шуни таъкидлаш жоизки, бюджетдан ташқари фаолият, одатда, ОТ-

Мга бозордаги рақобат, шунингдек, мутаносиб тарзда даромадлар тақсимланадиган ресурс тузилмалари туфайли сезиларли даражада фойда келтирмайдиган меҳнат ресурсларининг қиймати юқори бўлади. ИТИларга бошқа тўғридан-тўғри сарфлар ҳудди шундай, бироқ ОТМларга бу илмий фаолиятни сақлаб туриш учун зарур.

3. Тижорат тавсифидаги фаолият молиявий банд бўлмаган (бўш пул маблағи) ресурсининг, айрим майдонлари ва тадбиркорлик бўйича ходимлар иқтидорини талаб этади.

ОТМ ички тақсимоти механизмига икки хил ёндашув мавжуд: *марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган* тақсимот, таркибий тузилмаларни таъминлаш ва ривожлантириш мажбурияти билан бирга амалга оширилади. Даромад кўпгина манбалардан олинганда ва кўрсатилган хизмат учун тўлов шаклида бўлганда, молияларни бошқариш тобора қийинлашганда ҳамда ҳар томонлама, мослашувчан ва ташқи ўзгаришларга мос тарзда бўлишига қобил бўлганда марказлаштирилмаганликнинг авзаллиги яққол кўринади. ОТМ таркибининг шакллантирилиши айни шундайдир. ОТМда автоном таркибий бўлинмалар мавжуд бўлганда бюджетдан ташқари фаолиятни икки даражада бошқаришда даромадларни тақсимлашнинг тегишли даражасини: ОТМнинг марказлаштирилган фондларини ва таркибий бўлинмалар марказлаштирилмаган фондларини белгилаб қўяди. Бошқа томондан, молиявий тушумларнинг иккита бошқа даражаси (босқич)ни — товар ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш босқичи, бунда ОТМ маҳсулотининг таннархи шаклланади; даромадни тақсимлаш ва сарфлаш босқичини ажратиш лозим. Бюджетдан ташқари фаолиятдан олинадиган даромадларни тақсимлаш қуйидагича амалга оширилади: ОТМ тушум маблағни олдиндан давлат ва ўзи ўртасида тақсимлайди, бюджетга турли даражадаги солиқларни тўлайди ва бюджетдан ташқари фонд (нафақа, ижтимоий суғурта, бандлик фонди)га тўловларни ўтказади. Солиқ ва тўловлар мажбурий ОТМ марказлаштирилган бухгалтерияси томонидан унинг ҳисоб рақамидан амалга оширилади.

Қолган маблағ (марказлаштирилган бюджетдан ташқари маблағлар) ОТМ билан унинг бюджетдан ташқари фаолият билан шуғулланувчи таркибий бўлинмаси ўртасида (бўлинмалар маблағлари) тақсимланади.

Тақсимлаш нисбати ОТМ раҳбарияти томонидан, фаолиятга жалб этилган (меҳнат, моддий ва моддий бўлмаган) ресурсларга мулкий ҳуқуқдан, ОТМни сақлаш ва ривожлантириш бўйича

бўлинма мажбурияти, ОТМ ва товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизмат кўрсатувчи таркибий бўлинмалар мажбурияти (таннарх)дан келиб чиқиб белгиланади.

ОТМ бюджетдан ташқари маблағининг марказлаштирилган қисмини шакллантириш давлат бюджетини шакллантириш сингаридир, яъни, биринчидан, ОТМ таркибига яхлит ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи (ЯЎИИМ) сифатида кирувчи ташкилот, корхона ва муассасалар даромадидан «солиқ» йиғиш ҳисобига, бунда ОТМ капитали ҳам қайсидир даражада қатнашади, иккинчидан давлат тасарруфидаги ОТМ ва унинг тузилмавий бўлинмасининг бюджетдан ташқари фаолиятидан келадиган даромаднинг бир қисмини марказлаштириш ҳисобига. ОТМ асосий фондига амортизациявий ажратмалар, ОТМнинг бюджетдан ташқари фаолиятга жалб этилган ресурслар эгаси сифатидаги ОТМнинг фойдадаги марказлаштирилган улуши, автоном таркибий бўлинмаларнинг хизмат кўрсатиши бўйича (бухгатерия, ходимлар бўлими, бюджетдан ташқари бўлим, таъминот бўлими ва ҳ.к.) ОТМ накладной харажатлари марказлаштирилган қисмини шакллантриш учун иқтисодий асос бўлади.

ЯЎИИМ ичидаги юридик шахслар ўртасидаги муносабат иқтисодий ўзаро фойдали, аммо ҳамиша ҳуқуқий, маъмурий бўлмаган, асосда шаклланиши мумкин. Маъмуриятнинг ОТМ ичидаги иқтисодий сиёсат муносабат ҳар уччала томон — давлат мулкининг эгаси ва тўловсиз таълим кафолати сифатидаги давлат, мустақил, етарли таъминланган ва ўзи ривожланадиган муассаса (тижоратдан ҳоли ташкилот) сифатидаги ОТМ ва ўз эҳтиёж ва манфаатига эга бўлган шахслар сифатидаги ОТМ ходимлари манфаатларини ҳисобга олиш лозим. Иқтисод тили билан айтганда бу қуйидагича: давлат ОТМдан бюджетдан ташқари даромаднинг бир қисмини тўловсиз таълимни таъминлашга йўналтиришини талаб қилиш ҳуқуқига эга; ОТМ даромадининг марказлаштирилган қисми ҳисобидан ўз бюджет тизимини тўлдиришни таъминлашга мажбур, ходимлар эса ўз меҳнати учун шахсий эҳтиёжларини қондириш учун етарли ҳақ олиш, шунингдек, ОТМда қулай, жумладан, ижтимоий инфратузилма бўлиши лозим.

ОТМ ичидаги даромадларни тақсимлашнинг иқтисодий асоси бўлиб, мулкка янгича муносабат ҳисобланади, чунки ҳар уччала субъект — давлат, ОТМ, шахс — моддий, моддий бўлмаган меҳнат ресурсларига қонунчилик билан мустаҳкамлаб қўйилган муайян мулк эгаси ҳуқуқига эгадир. Хусусан давлат ОТМга

бошқариш учун ва муайян мақсадларда бериб қўйилган мулкка эгалик ҳуқуқига; ОТМ бюджетдан ташқари фаолиятини ривожлантиришга кўра алоҳида балансда ОТМ мулкини жамғаради; ОТМ ходимлари эса ўз меҳнати ва интелектига хусусий мулк сифатида эгалик қилади, бундан ташқари, ўзлари иштирокида яратилган ОТМ мулкига меҳнат жамоасининг аъзоси сифатида муайян муносабатда бўлади.

Бюджетдан ташқари фаолиятда бу мулкий муносабатларнинг жами (асосан, бу илмий-ишлаб чиқариш фаолияти ва таълим хизматининг бир қисми) ОТМдаги мулкий муносабатнинг иккинчи ва учинчи босқичига тааллуқли. Бу муносабатлар етарлича мураккаб ва таркибий бўлинмалар, шу жумладан автоном бўлганлар учун накладной харажатлари ва марказлаштирилган фондларга фойдадан ажратмалар миқдорини белгилашда ҳисобга олишни талаб этади. Бу тўловларнинг жами иш ва хизматлар хажми ўсишини рағбатлантиради, автоном бўлинмалар ишининг иқтисодий шароити ЯЎИИМ таркибидаги ташкилотлар — юридик шахсларникидан кўра қулай.

ОТМнинг хўжалик шартномаси асосидаги ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ)га хизмат кўрсатиш бўйича накладной харажатлари **ўзгарувчан,** иш хажми ошишига мутаносиб ва **шартли доимий**га, амалда иш хажми ўсишига боғлиқ бўлмаганга бўлинади, масалан, амортизациявий ажратма, биноларни сақлаш ва ҳ.к. Бу ҳолат ОТМ маъмуриятига хўжалик шартномаси асосидаги ИТТКИ хажми ошиши билан автоном таркибий бўлинмалар учун накладной харажатларининг ставкасини пасайтириши мумкин, лекин бу ОТМнинг амалдаги сарфларидан паст бўлмаслиги керак. ОТМ таркибий бўлинмалари ўз хусусий маблағи ҳисобидан сотиб олган ускуналар қиймати ошгани сайин бу бўлинмалар учун накладной харажатлари ставкасини пасайтиради.

ОТМ балансида шартнома тугагандан кейин қоладиган илмий ускуналар сотиб олинадиган маблағлар сарфи ҳам қўшимча рағбатлантирилишни талаб этади. Муайян хўжалик шартномаси асосидаги ИТТКИ бўйича накладной харажати ставкасини белгилашда буни ҳисобга олиш зарур. Марказлаштирилган фондларга фойдадан ажратмалар миқдори ҳам ОТМ ва таркибий бўлинмалар раҳбарияти ўртасидаги ҳисоб-китоб ва келишувга асос бўлади. Агар бўлинма бу фойдани ўзида ОТМнинг стратегиясини ҳисобга олиб қайта инвестицияласа, бунда уни тўлиқ тарзда марказлаштиришдан маъно йўқ.

Тузилмавий бўлинмаларнинг ОТМга барча тўловлари қуйи чегараси ОТМнинг бюджетдан ташқари фаолияти жараёнидаги сарфлар миқдоридан кам бўлмаслиги керак, юқори чегара ОТМнинг товарлар, ишлар ва хизматлар бозоридаги рақобати билан бошланади, чунки, уларга бўлган нарх қандай ошишига кўра бўлади. Тўловлар энг мақбул миқдорини белгилаш — раҳбарият санъатига боғлиқ.

Бинобарин бюджетдан ташқари маблағ давлат ОТМларини молиялаш маблағларидан бири бўлиб қолар экан, ОТМ кирим ва чиқимларини умуман режалаштириш бу маблағларни ҳисобга олмай мумкин эмас. Ўз навбатида бюджетдан ташқари маблағларни сарфлаш йўналишини режалаштириш ОТМда бюджет маблағи мавжудлиги ҳақидаги ахборотларсиз самарали бўлиши мумкин эмас. ОТМ бюджет маблағи етарли эмас, бундан ташқари сарфлаш эркинлиги чекланган. Улар фақат ОТМ ходимларига иш ҳақи, талабаларга стипендия тўлашга ва коммунал хизматлар (иссиқлик, сув, электрэнергия, алоқа ва ҳ.к.) учун ОТМ асосий сарфларини қоплашга йўналтирилади, яъни ижтимоий функцияни бажаради, ОТМ учун бу маблағлар ҳисобига ривожланиш учун ҳеч бир имкон йўқ. Бошқача айтганда бюджет пуллари «тушовланган» бўлади. Стратегик ривожланиш режасини амалга ошириш учун асосий пул маблағи бўлиб, «тушовланмаган» (эркин) бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобланади, чунки улар ОТМнинг шахсан ўзиники. Давлат ОТМлари учун иккибосқичли бошқарувга асосланиб, энг мақбули бўлиб, бюджет тизими ҳисобланади, у ОТМ бюджетларининг бир бутун яхлитлиги (марказлаштирилган қисми, биринчи босқич) ва унинг автоном таркибий бўлинмалари (марказлаштирилмаган қисм) уйғунлигини акс эттиради. ОТМ бюджет тизимида даромадларни улар табиати (барча даражадаги бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар), келиб чиқиш манбаи (муайян таркибий бўлинмалар), шунингдек, бюджетдан ташқари фаолият йўналиши ва турлари бўйича тақсимлаш кўзда тутилади ва режалаштирилаётган товарлар, ишлар ва хизматлар учун ОТМнинг ресурларга эҳтиёжи ҳисоб-китоб қилинади. Шундай қилиб, бюджет тизимининг сўл қисми қаерда, қандай бўлинма, ниманинг ҳисобига ва қанча хажмда даромад қисмини шакллантиради, шуни очиқ кўрсатади. Бюджет тизимининг ўнг қисми моҳиятан ОТМни сақлаш ва ривожлантиришнинг стратегик режасидан иборатдир ва қайси даража (ОТМ маркази ёки унинг таркибий бўлинмаси)да муайян мақсадлар, режанинг мақсадли дастури амалга оширилишини ва

бунга қанча пул маблағи ажратилишини кўрсатади. ОТМнинг *кирим ва чиқимлари бир тоифали белгилар* бўйича гуруҳланади, яъни **хўжалик** ёки **ишлаб чиқариш** (масалан, капитал қўйилма, иш ҳақи ва ҳ.к.) ва мақсадли йўналиш (ўқув илмий, ижтимоий дастур)лар. ОТМ бюджет тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қарорлар қабул қилишда ошкоралик, жамоавийликни, бу жараёнда ОТМ ходимлари демократик шаклда овоз беришини вақти вақти билан назорат ўтказиш ва ҳисобот бериш орқали иштирок этишини кўзда тутади, бу ОТМ ресурсларидан самарали фойдаланишни оширади, даромадни тақсимлашда келишмовчилик юзага чиқишининг олдини олади. ОТМ бюджет тизимини режалаштириш жараёнида ОТМнинг боғлиқ бўлмаган (эркин) бюджет маблағи алоҳида аҳамият касб этади ва давлат ОТМларига молиявий оқимлар йўналишига аниқ таъсир этиш имконини беради.

Қуйидагилар бюджетни режалаштиришни бошқа ўзига хос хусусияти ҳисобланади: фаолиятнинг муайян йўналиши бўйича бюджетдан ташқари даромаднинг мақсадли йўналиши. Масалан, ижарадан келадиган даромад тўлиғича, маъмурий-хўжалик ишлари бўйича проректор тасарруфига келиб тушади ва ОТМ моддий-техника негизини сақлашга сарфланади; хўжалик шартномаси бўйича ИТТКИдан келадиган даромаднинг марказлаштирилган қисми илмий ишлар бўйича проректорлар тасарруфига келиб тушади ва мақсадли дастурларга сарфланади.

ОТМ бюджет тизимини (кирим ва чиқимлар ягона тизимини) ишлаб чиқишдаги асосий вазифа бўлиб, унинг стратегик режасини таъминлаш ҳисобланади. Стратегик режалаштириш, бу аввало, ОТМ истиқболини олдиндан кўра билиш, ташқи муҳитга мослашиш, ОТМни ички тацкиллаштиришдир. Ресурсларни қисқа муддатли тадбирларга йўналтириш кераклиги ёки стратегик режаларни амалга оширишни таъминланганлиги, шуларни белгилаб ОТМ бюджет тизими ҳар қандай вазиятда ҳам қуйидагиларни кўзда тутади:

— молиялаш манбаларини ошириш ва ривожлантириш (диверсификация);

— мавжуд ресурслардан анча самарали фойдаланиш, жорий чиқимлар тузилишини такомиллаштириш;

— *ресурсларни ҳам қисқа муддатли, юқори даромадли* лойиҳаларга, ҳам узоқ муддатли стратегик дастурларга инвестициялаш;

— ОТМ харажатлари, уларни қисқартириш ва ресурсларни тежаш ҳисобига камайтириш;

— ташқи омиллардан самаралиликни баҳолашда фойдаланиш.

Бозор иқтисодиёти шароитларида ОТМ учун молияларни моҳирона бошқариш (молиявий менежмент) тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Айтайлик, бюджетдан ташқари маблағларни асосан қайта инвестициялашга йўналтириш ҳақидаги стратегик қарор, яъни моддий-техника негизини жадал ривожлантириш ва олий таълимнинг истиқболли йўналишлари бўйича илмий-педагог кадрлар тайёрлашга йўналтириш ОТМда бозор талаб этаётган бир қатор ихтисосликларни очиш имконини яратади, бу ўз навбатида, ОТМ даромадини оширади.

Бозор иқтисодига ўтиш вақтида ОТМ ресурсларини бошқариш масаласи мураккаб масала, у ОТМ активларини баҳолаш кўрсаткичлари ва тамойилларини, уларни инвентаризациялашни, моддий-техника негизи ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишни ва ОТМ ресурсларидан самарали фойдаланишни талаб этади. Фақат давлат ташқи сиёсатини ҳисобга олиб, бюджетдан ташқари йўналишлар ва турларни бошқариб ва ОТМнинг чегараланган ресурсларини улар бўйича самарали тақсимлаб, шунингдек, ишнинг рағбатлантирувчи ўсувини, марказлаштирилган фондларга ички тўловларни белгилаб, ОТМ максимум фойда олади ва уни ОТМни ривожлантиришнинг танланган стратегиясига мувофиқ кейинчалик қайта инвестиция қилади.

4-БОБ
МАРКЕТИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МЕХАНИЗМИ СИФАТИДА

4.1. Бозор иқтисодиёти шароитларида маркетингнинг моҳияти, аҳамияти ва ўрни

Маркетинг сўзи Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётига нисбатан қўлланаётган янги сўз. Бу давлатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг кириб келди. У жамият ҳаётининг барча соҳаларида — иқтисод, сиёсат, ижтимоий шароитлар, таълимда янги босқич бошланганидан дарак беради.

Янгича муносабатлар, иқтисодни эркинлаштириш билан боғлиқ ҳолда билимларнинг сифат жиҳатдан янги даражасини, бозор тузилмалари механизмини барқарор ва самарали ривожланишини талаб этади. Бу вазият таълим тизимидаги туб ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ, зеро, очиқ, маданийлашган, демократик жамият қуриш йўлига ўтган Ўзбекистон учун эски мафкуралашган тизим эндиликда бутунлай ётдир оқибати инсонни ҳам ишлардан, ҳам турмушдан бегоналашишига олиб келган таълим амалиёти ўрнига бошқаси, ўзбек халқи турмуш анъаналарини қайта тиклайдиган ва давом эттирадиган янгиси келиши лозим эди. Шу билан бирга гап ўз маданий анъаналари доирасига қайтиб миллий тикланган, маданий ривожланиш моделига ўтиш хусусида борар эди.

Бугун дадил айтиш мумкинки Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг асосларини ислоҳ этишнинг бориши тўғри йўл танланганлигини кўрсатиб турибди: республика собиқ иттифоқнинг бошқа ҳудудларида ислоҳотлар билан бирга кечган кўпгина салбий ҳолларни четлаб ўтишга муваффақ бўлди.

Шундай қилиб, ислоҳотларни биринчи босқичида маъмурий буйруқбозлик тизимидан мерос қолганларни бартараф этиш зарур эди: тангликдан чиқиш, иқтисодни барқарорлаштириш, кишилар ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, ўтказилаётган ислоҳотлар улар турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатмаслигини кафолатлаш талаб этиларди. Хуллас, ижтимоий кафолатларга респуб-

ликада энг муҳим устувор масала тарзида қаралди, уларни таъминлаш имконияти янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг барча боқичини турмушда амалга оширишнинг шарти бўлиб, ҳисобланар эди. Натижада ялпи хусусийлаштириш жараёнини четлаб ўтишга муваффақ бўлинди: Ўзбекистонда мулк эгаси чайқовчилар эмас, балки олган мулкини кейинчалик тасарруф этувчи, унинг хўжайини бўла оладиганлар бўлди.

Ислоҳотларнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, эски бутунлай бузиб ташланмади, аксинча, мавжуд инфратузилмага мамлактда истиқомат қилувчи халқнинг кўп йиллик меҳнати эвазига яратилганларидан фойдаланиш нуқтаи назаридан қараш лозимлиги эътироф этилди. Натижада, ишлаб чиқариш сурътининг ва хажмининг камайиши собиқ иттифоқ бошқа республикаларидагина нисбатан анча паст бўлди.

«Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида Республикамиз Президенти И. А. Каримов шундай ёзади: «...Бугунги кунда биз ўз олдимизга қандай вазифани қўймайлик, биз учун қандай муаммоларни ҳал этишга тўғри келмасин, оқибат натижада буларнинг барчаси кадрларга, фақат кадрларга бориб тақалади».

Бу вазифаларни ҳал этишда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муҳим аҳамият касб этади. Унинг асосий мақсади ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли иштирок этишга қобил, ижтимоий жараёнларга фаол таъсир эта оладиган, фақат ўз оиласи учунгина эмас балки мамлакат учун ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга масъул шахсни шакллантиришдан иборатдир.

Таълим миллий дастуридан ташқари Ўзбекистонда «Таълим тўғрисида»ги қонун, қатор меъёрий ҳужжатлар ҳам қабул қилинади. Уларда ўрта махсус таълимга алоҳида эътибор қаратилади, бунга кишиларга касбни эгаллаш, ўз-ўзини англаш, ўз ҳаёти учун касбий меҳнат билан маблағ топиш имконини иложи борича тезроқ бериш учун интилиш сабаб бўлди.

1997 йилдаёқ, кадрлар тайёрлаш тизимида ўрта касб-ҳунар таълими етакчи ўринни эгаллайди. Бу вақтга келиб 33 йўналиш, 218 ихтисослик бўйича 59 минг мутахассис тайёрланади. Ҳар йили ўрта касб-ҳунар таълими муассасасига 9-синфни тугатган 27 минг ўқувчи (4 йиллик таълим), 11-синфни тугатган 45 минг ўқувчи (2 йиллик таълим) киради.

1997-1998 ўқув йилида Ўзбекистонда 58 олий таълим муассасаси фаолият кўрсатади, шулардан 16 таси университет, 42 таси институт. улардаги умумий талабалар сони 163,7 минг нафарни ташкил этади. Тўғри, аҳолини олий таълимга жалб этиш дара-

жаси бир оз пасаяди, 10 минг нафар аҳолидан 32 нафарни ташкил этади (1990 й.да — 168 нафар бўлган). Бу талабаларга бўлган давлат қабули қисқаргани учун юз берди: 1990 йилда 55.2 минг нафар бўлган бўлса, 1996 йилда 29,8 минг нафарга тушиб қолди.

Бироқ юз бераётган ўзгаришлар маҳаллий тавсифга эга эди, у рақобатбардош малакали мутахассислар тайёрлашдаги ошиб бораётган харажатлар ва зиддиятларнинг чорасини топа билмади ва ягона, асосий нуқтаи назарга ҳам эга эмасди.

Республика олдида турган янги вазифалар сезиларли даражада 2002 йилда бошланган таълим тизими ва кадрлар тайёрлашни тубдан ислоҳ қилиш жараёнини юзага чиқарди.

2002 йилда кўпгина кўрсаткичлар ҳам иқтисодни, ҳам жамият ҳаёти бошқа барча соҳаларини ислоҳ қилишда ҳал қилувчи бўлиб қолди. ЯИМ хажми аввалги йилларга нисбатан 4,2% ошди, капитал қўйилмалар хажми 3,8%, саноат маҳсулоти 8,5%, аҳолига пулли хизмат 8,3% га кўпайди. Шундай қилиб, туб ислоҳотлар бошланишида таълимда макроиқтисодий барқарорлаштириш, иқтисоднинг ўсиши, аҳоли фаровонлиги таъминланди. Шундай шароитларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ижтимоий, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда устувор йўналиш мақомини олади.

Миллий дастур лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан сўнг қонун кучига эга бўлди ва у инсонни бутун умри мобайнида таълимий тайёрлаш барча босқичи ва бўғинини ўз ичига олган узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилади. ринчи босқичда асосий эътибор аввалги амалиётга хос бўлган узилишларни бартараф этиб мактабгача, ўрта, бошланғич ва ўрта махсус таълим кичик тизимлари доирасида узлуксиз таълим тизимининг тартибини белгилаш кўзда тутилади.

Шуни айтиш лозимки, таълим ислоҳотларининг кенг ёйиш мантиқи республика иқтисодининг барча бўғинларини ислоҳ этиш мантиқига, хусусан, ворисийлик, тадрижийлик, тизимлилик ва ҳ.к. тамойилларга мос келади.

Ўзбекистон таълим тизими бугун қандай кўринишда? Республика таълим тизимида 6899 та болалар мактабгача муассасаси, 9726 та умумтаълим мактаби, 510 та анъанавий турдаги таълим муассасаси, шу жумладан 194 та ўрта махсус таълим муассасаси, 287 та янги турдаги таълим муассасаси, 63 та олий таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Фақат 2000 йилда 12 ой мобайнида 12 та академик лицей ва 103 касбий коллеж

таъсис этилди, ихтисослиги ўзгартирилди, шунингдек, 17,1 минг ўқувчи ўрнига эса янги мактаб ишга туширилди.

Миллий дастурни амалга оширишнинг асосий якунлари шундаки, бугун жамият таълимдаги туб ислоҳотлар, уларнинг мамлакат келажаги, Ўзбекистон ҳар бир фуқароси учун истиқболлилигини англаб етди.

Лекин мақсад таълим ислоҳотгина эмас, у фақат восита, миллий модел бўлиб, суверен давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга қодирдир. Таълимни ислоҳ қилиш билан умуман янгиланган ижтимоий муҳитни яратишнинг фаол жараёни бормоқда, бунда миллий ўзига хослик ва ўзбек халқи анъаналари ҳисобга олинмоқда. Бу жараён эса ҳам ислоҳот жараёнларининг ўзини, ҳам халқ хўжалигининг ошиб бораётган эҳтиёжини кузатиш, баҳолаш, таҳлил ва башоратлашни таъминлашга қобил аниқ механизмларга муҳтождир.

Биринчи галда, гап муассаса ва ташкилотларга сифат жиҳатдан сервис хизмати янги даражасини таъминлашга қобил турлари мутахассисларга эҳтиёжни аниқлаш ҳақида, яъни ўз касби асосини назарий фанларни чуқур биладиган, ҳар томонлама етук, гуманитар тайёргарликка эга, янги жамиятда яшашга тайёр, ижодий қобилияти ривожланган, муқобил фикрловчи, ҳар қандай вазиятда, ҳатто иложсиздек вазиятда ҳам мустақил қарор қабул қила оладиган кишиларни, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш ҳақида бормоқда. Қарорларнинг кўп талқинлилиги, муқобиллиги кўп жиҳатдан инсон маънавияти, унинг қадриятлари тизимига боғлиқ. Бу дегани, касб-ҳунар таълими инсонни шахс сифатида дунёқарашини, унинг билим савиясини, унинг жамиятдаги ўз ўрни ва аҳамиятини тушунишини ва ўз фаолиятини яратувчи, ҳам барбод қилувчи оқибат моҳиятини англовчи онгини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Турмуш замонавий ривожланишининг вектори шундайки, инсонни индивид сифатида тобора ошиб бораётган аҳамияти, унинг бир вақтнинг ўзида шахсий сифатлари, имкониятлари ва қобилиятини турли жамоавий ҳамжамиятга уйғунлашувига бориб тақалади. Содда қилиб айтганда индивиднинг тақдири жамият билан чамбарчас боғлиқ, бу боғлиқлик кундалик турмуш давомида, ишлаб чиқариш давомида, истеъмолда, табиий офатларга қарши туриш ва ҳ.к. ларда намоён бўлади. Демак, бутун билим ва уддалаш инсон учун камлик қилади, у яна фаолиятда ўзини кўрсата билиш, намоён эта олиш имконига ҳам эга бўлиши керак. Лекин бозор иқтисодиёти шароитларида бундай

интилишни амалга ошириш (К. Флексернинг фикрича) тўпланган билим ва тажриба шу мақсадга молиявий сафлар бўйича уларни сотиш — якуний иқтисодий натижалар бўйича баҳолангандаги «сарфлар — чиқариш» тизимини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ.

Маълумки, ҳаддан зиёд марказлаштирилган иқтисод актив фаолиятнинг индивидуал боисларини йўқотиб турғунликка олиб келган бир қабилдалик сабабларига эга бўлди, иқтисоддаги, ишлаб чиқаришдаги ва технологиялардаги турғунлик эса юқори эмас балки ўртача даражадаги касбий даражага йўналтирилди (шу билан барча ўртача фаолиятга ҳам). Натижада, барча даражадаги касб-ҳунар таълимининг нуфузи пасайиб кетди.

Бугунги кунда, бозор шароитида, иш берувчининг номзодга талабларида унинг ишончи акс этади, у тажрибали мутахассис фақат касбий вазият стратегия ва тактикасини кўриб, баҳолабгина қолмайди, балки ўз фаолияти одимларининг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз бўлишини ҳам олдиндан кўра билади деб ҳисобланади. Бу вазият бозор муҳитига жалб бўлган ҳар бир ходимда стратегик фикрлаш, иқтисоднинг ривожланиш қонуниятларини тушинишини, юзага келган вазиятни ва унинг оқибатларини тўғри баҳолаш уқувини, қабул қилинган қарор учун ижтимоий масъулиятни ўз зиммасига олиш каби хислатлар бўлишини тақозо этади. Бутун таълим тизимига ва айниқса, касб-ҳунар таълимига алоҳида масъулият ана шундан келиб чиқади. Чунки, иқтисод ривожланишидаги муваффақият кадрлар тайёрлашни миқдорий кўрсаткичи (гарчи бу ҳам муҳим бўлса-да) билан эмас, балки сифат жиҳатдан янги ишчи кучи мавжудлиги билан белгиланади.

Шу муносабат билан таълим хизмати соҳасидаги маркетингшунослик ва мониторинг муҳим аҳамият касб этади. Фаолиятни айни мана шу томонини кучайтиришга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январдаги 48-рақамли «Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги таълим хизмати ва маркетинги бозорини шакллантиришни жадаллаштириш бўйича тадбирлар тўғрисида»ги қарор йўналтирилган. Унда ҳар бир таълим муассасасида маркетинг хизматини барпо этиш кўзда тутилган. Айни мана шулар талаба ва талаба ўқишни тугатгач ишга олувчи корхонанинг манфаатларини мувофиқлаштиришга даъват этилган. таълим муассасаси буюртмачининг эҳтиёжи ва талабларини қанчали қондиришга эришса, фаровонлашиш учун унинг имкони шунчали ошади. Демак, ўқув юртлари ўз ишла-

рини ҳам бўлажак талабалар (ёки ОТМда. академик лицейда ўқувчилар)ни саралашда, ҳам уларни маҳсус ўқитиш дастурини ишлаб чиқиишда, бозорнинг (мутахассисларга, хизматчилар ва ҳ.к.ларга) талабини, эҳтиёжини ўрганишда, ишлаб чиқариш битимлари тузиш ва уни бошқаришда ўз фаолиятини фаоллаштириши лозим. Бу фаолиятни амалга ошириш методлари бўлиб, биргаликда маркетингни ташкил этувчилар ҳисобланади. Яъни бозор ривожланиши (талаб ва эҳтиёж)ни кузатиш; товарлар (таълимда мутахассислар) ва хизматнинг рақобатбардошлиги; нархлар; ишлаб чиқариш, ҳаётнинг бошқа соҳасини ривожланиш соҳасидаги ахборот тадқиқотлари; фаннинг, ишлаб чиқаришнинг, бозор коньюктураларининг жорий ва оператив кўрсаткичлари; нарх мезонларини ўз вақтида ишлаб чиқиш; аввал мўлжаланганидан амалдаги натижалар фарқини аниқлаш; ахборотни баҳолаш, умумлаштириш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш; айрим сегментларни тўғрилаш; белгиланган режадан четга чиқишга олиб келган сабаблар таҳлили (белгиланган даражадан паст ёки юқорилигидан қатъий назар), заҳираларни аниқлаш ва айрим таълим муассасаси ёки бир қатори миқёсида рақобат шароитида таълим ва бошқа хизматлар шароити ҳамда ривожланиш кўрсаткичини башоратлаш шулар жумласидандир.

Таълим хизматлари бозори — маркетингнинг янги истиқболли соҳаси. Қуйидагилар маркетинг вазифасини ташкил этади: таълимни энг самарали вариантини излаш; битирувчини касб билан таништиришни ўзгартириш; бозорни маркетинг бўйича тадқиқи; иқтисоддаги тузилмавий силжишлар асосида мутахассисларга бўлган талабни шакллантириш; республика ижтимоий-иқтисодий ривожи стратегик мақсадларига эришиш даражасини мунтазам кузатиш; инвестиция сиёсати, корхоналарнинг хўжалик мустақиллиги, улар рейтинги ва бу жараёнларни ташаббускор тадбиркорлик фаолияти, ривожланаётган бозор ҳамда мунтазам ўзгариб турувчи бизнес билан биргаликда идрок этиш.

Тўлақонли маркетингни амалга ошириш учун, кенг миқёсли ахборот зарур.

Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб аҳолининг жойлашиши бир текис эмас. 1959 йилга нисбатан зичлик 3 мартадан кўпроқ ошди. Ҳозирги пайтда 1 км^2 га 54 киши тўғри келади, водийларда бундан кўп, чўл ҳудудларда, Қорақалпоғистонда — 8,9, Навоий вилоятида — 7 киши тўғри келса, Андижон ва Фарғона вилоятида бу кўрсаткич 500 ва 359 кишига тенг.

Ёш жиҳатдан аҳолининг деярли ярмини ёшлар ташкил этади — булар 20 ёшгача бўлганлар. Ёши катталар улуши (55 ёш ва ундан ортиқлар) — 8%. Ҳар йили 200–250 минг киши меҳнат қилишга лаёқатлилар ёшига етади. Аҳоли таркибида аёллар устунлик қилади, ҳар 1000 нафар эркакка — 1028 аёл тўғри келади, қишлоқ жойда бу нисбат — 1039.

Банд аҳоли улуши энг юқориси қишлоққа тўғри келади, бу — 40% ни ташкил этади. Умуман моддий ишлаб чиқариш — саноатда, қишлоқ хўжалигида, транспортда ва б.да бандлар 77%, хизмат кўрсатишда эса — 23%. Ўзбекистонда ишсизлар даражаси анча паст — 0,4%. (Россияда — 2,7, Озарбайжонда — 1,4, Арманистонда — 8,9%).

2002 йилда ЯИМнинг ялпи ўсиши 4,2% ни ташкил этди (бунгача пасайиш кузатилмаган). Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши 8,5% ни ташкил этди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш эса — 6,1%. Иқтисодда давлат тасарруфида бўлмаган тузилмаларни ташкиллаштиришга ўтган (банд бўлганларнинг 74% иқтисодда).

Соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун сарфлар ЯИМнинг 3,5 фоизини, таълим учун эса (1999 й.) — 10% ни ташкил этди.

Маркетинг нима? Нима учун юқорида келтирилганларни ва яна бошқа билимларни билиш талаб этилади. Чунки, улар ҳаётимиздаги ўзгаришлар тўғрисидаги саволларга жавоб бериш имконини яратади. Ваҳоланки шулар билан бирга касб-ҳунар таълимига талаб ҳам ўзгаради. Бу саволлар оддий саволлар эмас, масалан:

— Кимни ўқитиш керак?

Яъни қандай абитуриентни қабул қилиш, саралашни қандай ўтказиш керак, ўқитилаётганлар таркиби қандай бўлади; кимда тўлов билан боғлиқ муаммо йўқ; кимни ўқитиш осон; ким тез ўзлаштириш ва ўтган материалларни топширишга қодир.

— Нега ва нимага ўқитиш керак?

Бу масалани ҳал этишда таълим жараёнининг мақсад ва воситаси аниқланади, умуммаданий, назарий ва махсус билимлар ўртасидаги энг мақбул нисбат белгиланади.

— Қанча ўқитиш керак?

Ўқиш муддатини қандай ҳолатларда ошириш ёки камайтиришни, экстерн тамойилидан фойдаланиш, таълимга кўп босқичли ёндашиш лозимми — танлашга тўғри келади.

— Қаерда ўқитиш керак?

Таълим муассасаси тури, уни жойлашган ўрнини ҳисобга олиб танлаш кўзда тутилмоқда.

— Қандай ўқитиш керак?

Бунда таълим шакли ва технологиясини, назорат ва баҳолаш технологиясини танлашга тўғри келади, чунки, олинган билимлар сифати талабга мос келиши керак. Бу аҳоли бандлигини таъминлайди, бандлик эса жамиятни барқарорлаштирувчи омилдир.

— Ким ўқитади?

Бу тажрибали ўқитувчи, маслаҳатчи, илмий ходим, аспирант, мутахассис-амалиётчи, таълим бўйича ҳамкасб бўлиши мумкин.

— Нима ёрдамида ўқитиш керак?

Бу ўқув-методик воситалардан фойдаланишнинг тури ва йўналиши белгиланади.

Демак, касб-ҳунар таълими маркетинги ҳақида гапириш, мутлақо адолатли. Маркетинг муваффақиятли бўлиши учун у ким учун ўтказилаётган бўлса ўшалар, яъни фойдаланувчилар билан қайта алоқа даркор. Бу ўтказилган маркетинг натижаларини шунчаки қайд этиш зарур дегани эмас (айтайлик, техник касб мутахассислари тайёрланмай қолди, — нима бўлди, ахир N шаҳридаги завод X шаҳрига кўчирилди; ёки янги турар жойда янги касалхоналар очилди, бу турар жой фойдали қазилма заҳираси топилганда бунёд этилган эди; жиддий демографик ўзгариш туфайли шаҳарда мактабгача таълим муассасаси ва боғланғич синфлар ва ҳ.к.лар қисқарди), балки қарорлар қабул қилиш, аниқ ҳаракатларни амалга ошириш дегани.

Бизнинг мисоларимизда, бу — техника ихтисослиги бўйича мутахассислар, ўқитувчилар сонини қисқариши ва тиббиёт ходимлари кўпайишидир.

Шуниси аёнки, маркетинг ҳар бир истеъмолчи ёки фойдаланувчи учун алоҳида ва мунтазам олиб борилса, шу вақтда муваффақиятли бўлади. Яхши йўлга қўйилган маркетинг тизими турли мақсадлар учун турли муаммолар бўйича ахборотлар кенг кўламига эга бўлиш имконини беради ва ҳам жорий, ҳам истиқболда қарорлар қабул қилиш учун негиз бўлиши мумкин.

Замонавий молия-кредит луғатида *маркетинг*га шундай тариф берилади: у инсон фаолияти, бозорга тааллуқли бўлади, айирбошлашни амалга ошириш учунгина бозор билан ўрнатиладиган муносабат бўлиб, мақсадли — инсон эҳтиёжи ва талабини қондиришдан иборат.

Маркетинг қуйидаги фаолиятларнинг турли хилини ўз ичига олувчи уйғунлашган тизим ҳисобланади: маркетинг тадқиқотлари, товар ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш)ни

йўлга қўйиш, уларни муайян истеъмолчиларга етказиш (сотиш)ни ташкил этиш, ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар нархини белгилаш, улар сотилишини рағбатлантириш, реклама фаолиятини ташкил этиш. Кенг маънода *маркетинг* сўзи кишилар, ташкилотлар, жамиятнинг мунтазам ўзгариб турадиган талабларини таъминловчи шакл ва усуллар тизимини англатади.

Маркетингни ташкил этувчилардан бири, аниқроғи уни ўтказишнинг зарур шартларидан бири кўрсаткичлар (индикаторлар) мажмуи ҳисобланади, яъни қуйидаги саволлар — иқтисодий, ижтимоий, таълим муаммоларининг кузатилаётган доираси бўйича аниқ кўрсатилган маълумотлар ҳисобланади. Асосийси — ўз вақтида аниқланган ўзгаришлар — сифат ва миқдор кўрсаткичлари, масалан, товарлар ва хизматларни истеъмол этувчилар сонининг ошиши ва намойиши, қандайдир жараён (айтайлик, хусусийлаштириш, турмушнинг барча соҳаларида пулли хизматлар турини ошириш)нинг тезлашиши ёки секинлашиши, кўламларнинг ҳудудий қисқариши (маҳаллийлашиши) ёки кенгайиши (масалан, тижорат билан шуғулланувчи ОТМлар, янги соҳалаги лицейлар ва ҳ.к.ларни аввал бўлмаган шаҳарларда очиш).

Яна: муайян мақсад билан ўтказиладиган маркетинг тадқиқотлари, тўлиқ ва ишончли ахборотлар бўлган тақдирдагина, муваффақиятли бўлиши мумкин. Бозор иқтисодиётидаги янги муносабатлар мунтазам ўзгариб турган шароитда, замонавий бозор муносабатларининг шаклланаётган субъектлари учун аниқ билимлар, қадриятлар, меҳнат, ижтимоий, ижтимоий-руҳий жиҳатлар тақчиллигида ниҳоятда муҳимдир. Бундан ташқари, барча ҳодисалар айрим шартларга амал қилинган ҳолда уларнинг ривожида кўриб чиқилиши лозим: олинган маълумотларнинг қиёсланишлиги, методик ёндашувларни йиллар бўйича тадрижий тартибга солинган тарзда стандартлаштириш ва олинган тажрибавий маълумотларни маркетинг объекти ўз долзарблигини йўқотмагунча таҳлили, зарур қарор қабул қилиш учун ва умумлаштириш учун маълумотларни автоматик (компьютерда) ишлаб чиқиш.

Маркетингда эски ва янги маълумотлар бирдек қадрли, чунки, фақат уларни қиёслашгина юз бераётган жараёнларнинг (ёки улар мавжуд эмаслигининг) қонуниятларини кўрсатиб бериши мумкин.

Тузилишига кўра маркетинг қуйидаги қисмлардан шаклланади:

1) ахборотларни йиғувчи ахборот бўлими;

2) аналитик бўлим — ахборотларни таҳлил этиш;

3) ҳужжатлар бўлими — қарор қабул қилишни ҳужжатлар билан таъминлаш.

Ахборот бўлими. Маркетингни ахборот билан таъминлаш барқарор ва тегишли қарорларни асослаш ва қабул қилиш учун ахборотни таҳлил қилиш жараёнида ижтимоий-меҳнат соҳаси ҳамда касб-ҳунар таълими тизими турли жиҳатларини тавсифлаш учун етарли даражада тўлиқ бўлиши керак.

Қуйидагилар ахборотнинг асосий турлари ҳисобланади:

— Макроиқтисод вазирлиги амалга оширадиган давлат статистикаси негизида статистик маълумотларни кузатиш;

— таълим, меҳнат, бандлик бошқарув идоралари амалга *оширадиган давлат статистикаси негизида статистик кузатувлар* маълумотлари;

— Макроиқтисод вазирлиги танлаб ўтказадиган тадқиқотлар негизидаги статистик кузатув маълумотлари;

— ваколатли ташкилот ўтказадиган таълим тизимидаги ижтимоий тадқиқотлар маълумотлари;

— бошқа материаллар таркибидаги маълумотлар (иқтисоднинг туташ соҳа ва тармоқларининг аҳволи ҳақидаги статистика маълумотлари, илмий нашрлар; кенгаш, конференцияларнинг материаллари; таълимни минтақавий бошқарув идораларининг ишланмалари ва б.);

— турли кузатувларнинг маълумотлари (кадрларга талабни баҳолаш, таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш, лавозим бўйича силжиш ва ҳ.к.), кузатувлар таълим муассасалари, илмий ташкилотлар, ассоциациялар ва ҳ.к.лар томонидан ўтказилади.

Бошланғич ахборотни шакллантириш, уни тўплаш ҳаракати ва умумлаштирилиши жараёни барқарор бўлиши лозим ҳамда ахборотдан фойдаланувчилар талабини ҳисобга олиб янги ахборот технологиялари тартибида ўтиши керак.

Давлат статистикаси қисмидаги ахборотларни тўплаш ва ҳаракатланиши технологияси (мунтазам кузатиш, танлаб тадқиқ этиш ва б.) қуйидагича амалга оширилади:

— Макроиқтисод статистика вазирлиги ягона талаби асосида бошланғич ахборотни шакллантириш жараёнини услубий ва технологик таъминлаш;

— Макроиқтисод статистика вазирлиги ягона талаблари асосида статистик ахборотни даражалари бўйича умумлаштиришни услубий ва техникавий таъминлаш;

— кейинчалик таҳлил этиш ва жиҳатлар бўйича талқин этиш учун статистик ахборотларни умумлаштиришни услубий ва техникавий таъминлаш;

— Макроиқтисод статистика ва асосий кўрсаткичларнинг келишилган талаблари асосида бошланғич ахборотлар зарур хажмини узатишни услубий ва техникавий таъминлаш.

Аналитик блок. Маркетингнинг аналитик бўлими касб-ҳунар таълими ва унинг айрим босқичлари, унсурлари ижтимоий-меҳнат соҳаларининг аҳволи, таълим ва бандлик соҳасида қўйилган мақсадларга эришиш даражаси ўзгариши йўналишларини аниқлаш учун статистик ва бошқа ахборотларни таҳлил қилишдан иборатдир. Шу билан бирга таҳлил тақкосланадиган мезонлар доирасида амалга оширилиши лозим, бу бошлангич ахборотлар бир хиллиги ва репрезентив усуллардан фойдаланиб таъминланади. Таҳлил тури хилма хил бўлиши мумкин, исталган фойдаланувчи томонидан ўтказилади ва аниқ қўйилган вазифалар ҳамда кузатилган манфаатга боғлиқ бўлади.

Статистика ахборотини таҳлил қилиш усули таълим тизимлари миқдорий ва сифат кўрсаткичлари ўзгаришининг аҳволи ва йўналишларини белгилашга қаратилиши лозим. Бу кўрсаткичлар умумтизим тавсифига эга бўлади ва қарорлар қабул қилиш, асосан, таълим, меҳнат, барча даражадаги бандликни бошқарувчи идоралар учун, зарур. Бунда кўрсаткичларни ҳисоблаш бошланғич асосий ахборот негизи бўлиб давлат статистикаси маълумотлари ҳисобланади.

Марказлаштирилган тарзда ўтказиладиган статистик ахборотлар таҳлилнинг натижалари таълимни бошқариш идоралари, таълим муассаси ва бошқа фойдаланувчиларга талаб этилаётган тартибда берилиши лозим.

Ҳужжатлар бўлими. Статистик ва бошқа ахборотлар таҳлили фойдаланувчиларга муайян ҳужжатлар тарзида етказилиши лозим. Буларнинг шакли ва мазмуни маркетингдан фойдаланувчилар олдида турган аниқ вазифаларга мос бўлиши керак. Ҳужжатлар шакли турлича бўлиши мумкин:

— ахборот-маълумотнома;

— таҳлилий маълумотнома;

— маърузалар.

Кўрсаткичлар тизими маркетингни ахборот билан таъминлаш компонентлари ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар тадқиқ этилаётган объект, шунингдек, турли тавсифдаги ахборотларни беришни таъминловчи таснифловчи тизимнинг аҳволи ва динамикасини тавсифлайди.

Кўрсаткичлар тизими — маркетингнинг ахборот асоси. У объект фаолияти миқдорий ва сифат тавсифининг қиёсланувчи рўйхатидан иборат. Кўрсаткичлар индикаторлар ва ахборот қисмлари асосий ташкил этувчилар ҳисобланади. Таълим маркетинги ахборот тизимининг қурилиши кўриб чиқилаётган ҳодиса ва жараёнлар динамикасини таҳлил қилиш учун вақт турли даврлари (дақиқалари)даги унификацияланган ахборотни танлаш, сақлаш ва беришни кўзда тутади.

Кўрсаткичлар деганда объектни, унинг қандайдир хоссасини ифодоловчи миқдорий ёки сифат тавсиф тушинилади (масалан, ходимлар касбий-малакавий тузилиши, талабалар сони ва ихтисосликлар бўйича таркиби ва ҳ.к.). *Индикатор* кўрсаткичлар турини англатади ва кўриб чиқилаётган объектлар сифат тавсифини олишни таъминлайди. *Информацион қисм* деганда кўрсаткичларни тақдим этиш жиҳатлари тушунилади (масалан, *талабалар сони ҳудуд, таълим муассасаси, ихтисосликлар ва ҳ.к.* бўйича тақдим этилиши мумкин).

Ахборотнинг яхлитлилик тавсифига ахборот қисмларини шакллантириш (комбинациялаш), бир турдаги кўрсаткичлар туркумини ажратиш (уларни бирор туркумда беришнинг *мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан)* ва *маркетинг ахборот* моделини тузиш (кўрсаткичлар ва гуруҳлар ўзаро боғлиқлиги модели) йўли билан эришиш мумкин, булар ахборот тўплаш ва маълумотлар танланмасини тўлдириш учун асос ҳисобланади.

Индикаторлар, кўрсаткичлар ва гуруҳ (қисмлар) рўйхати ва ахборот модели «очиқ» тизим ҳисобланади. Булар фойдаланувчилар ахборот эҳтиёжи ёки бошқариладиган объект фаолиятининг тавсифи ўзгарганда тегишли қўшимчалар билан тўлдирилиши мумкин.

Объект тўғрисидаги маълумотлар жамланмасини шакллантириш ва амал қилиши ўз ичига ахборотни тўплаш ва ишлаб чиқишни оқилона ташкил этишнинг асосий жиҳатларини кўриб чиқишни олади.

Маркетинг ахборот моделини шакллантириш фойдаланувчилар — маркетинг субъектларининг ахборотга бўлган эҳтиёжини таҳлил этиш асосида амалга оширилади. У бошқарув қарори

қабул қилиш учун зарур ва етарли бўлган объект тавсифи, объект фаолиятининг миқдорий ва сифат тавсифини берувчи кўрсаткичлардан иборат ахборот қисмлари мажмуидан ташкил топади. Ўз таркибига ҳолат индикаторларини, юз бераётган жараён сифат баҳосини шакллантириш учун объектнинг ривожланиши ва ислоҳотни олади.

Чунки индикаторлар объектнинг тўлигича сифат тавсифини олишни таъминлайди ва индикаторларни ишлаб чиқиш бошланиши лозим бўлган ахборот моделини лойиҳалашни ахборот таъминотининг ҳолати ҳақида тасаввур беради. Индикаторлар таълим тизими фаолияти тавсифидаги аҳамиятига мувофиқ икки гуруҳга ажратилади:

— бир неча ҳодиса ёки жараён ўртасидаги алоқа индикатори;

— ҳодиса ёки жараён тузилиши индикатори, буларни ажратиш таҳлил қилишни ўтказишда айрим кўрсаткичлар ва улар гуруҳини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлган ахборот қисмларини белгилаш билан боғлиқдир.

Аниқ ахборот тизимида алоқа индикатори ва тузилмалар, одатда, яхлит бир бутунликни ташкил этади, яъни алоқанинг ҳар бир индикатори турли ахборот қисмларида олиб қаралади, шундай қилиб, алоқалар индикаторлари тузилмавий мажмуидан иборат бўлади. Индикаторлар тизими биринчи галда индикаторларда иқтисодий тузилмалар соҳасидаги асосий ҳодиса ва жараёнларни акс эттиришга қаратилган. Алоқа индикаторлари тизими ва тузилишини тасаввур этиш учун, умуман, тизимни ахборот қисмлари тизими билан биргаликда олиб қараш зарур.

4.2. Таълим хизмати бозоридаги маркетингнинг ўзига хос томонлари

Маркетинг ҳақидаги замонавий нуқтаи назарларнинг асосида корхоналар узоқ муддатли манфаатларини энг самарали тарзда таъминлаш мақсадида бозорнинг ҳозирдаги мавжуд ва келгусидаги эҳтиёжларини ҳисобга олиб хўжаликни ташкил этиш тамойили ётади. Иқтисодчи С.Ю. Медведев шундай талқин тарафдори. Бошқача айтганда, маркетинг фирманинг иш фаоллиги барча томонларини ташкил этиш ва бошқариш бозор эҳтиёжларига йўналтирилганлигидан иборатдир. Маркетинг бўйича ёндашишда асосийси, — деб ҳисоблайди В.Д. Шкардун, — барча тадбирларнинг мақсадли йўналганлиги, фаолият тавсифига боғлиқ ҳолда шакл ва мазмунни турли-

туманлаштиришдаги тадқиқотлар айрим йўналишларини ягона *технологиявий жараёнга бирлаштириш.*

Маркетингнинг асосий ва ўзгармас шарти, бу — илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳ.к. ахборот, унинг таҳлили, ўрганилиши, сотишни амалга оширилиш эҳтимоли бор бозорни ўрганишда уларни саралаш, шунингдек, ишлаб чиқарилган товарларни сотиш, хизматларга ҳақ олиш учун ўз фаолияти ҳақидаги ахборот.

Маркетингнинг мақсадлари ғўтрисида америкалик маркетшунос П. Дракер эътиборга молик фикрни билдиради. «Маркетингни бизнеснинг ҳар бир фазасида уйғунлаштириш керак. Бозорни ўрганиш йўли билан ҳар бир ходимга қайси мижоз қайси маҳсулотни кўришни истаплигини, қандай нарх тўлашга тайёр эканлигини, қаерда ва қачон бу маҳсулот талаб этилишини етказиш лозим». Бунинг учун, аввало, ўз ичига рақобатчиларнинг кучли ва кучсиз томони, корхонанинг техника жиҳатидан таъминланганлиги (ОТМлардаги аудиториялар, лабораториялар, компьютер синфлари ва б.) ҳақидаги ва конюктура-иқтисод ҳамда бошқалар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган маълумотлар жамғармасини яратиш лозим. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларининг материаллари ўрганилиши керак. Сўнг товарлар (ишлар) ёки хизматларга талаблар чегарасини (ўсиш ёки пасайиш динамикасини) уларнинг рақобатбардошлигини таҳлили билан шакллантириш, товарлар ва хизматларнинг тайин харидорлари билан ахборот алоқаси (қайта алоқа) масалалари (реклама, кўргазма ва ҳ.к.лар) ҳал этилиши, башоратлар тузиш керак.

Маркетингнинг асосий тамойили — нимага талаб бўлса, шуни *сотишдан иборат бўлиб, бундан ҳам автомобил сотишда, ҳам* таълим муассасалари томонидан таълим хизматини сотишда бирдек фойдаланилмоқда. Маъмурий-бошқарув тизими вақтида таълим хизматининг текинлиги олий таълим соҳасига маркетинг ғоясининг кириб келишига тўсқинлик қилади. Тўлов асосидаги олий таълимнинг пайдо бўлиши ва жадал ривожланиши, таълим хизмати бозоридаги рақобатнинг кескинлашуви билан маркетинг ғояси тобора жозиба кашф этмоқда.

Маркетинг тадқиқотлари — маркетинг фаолиятининг энг муҳим босқичи бўлиб, фаолиятнинг барча тармоқлари, айниқса, таълимда, ўз хусусиятига эга.

ОТМлар йилдан йилга таълим хизматлари бозорида фаолроқ ишламоқдалар, улар ўртасидаги рақобат эса кучаймоқда, бунда

маркетингни ўтказишга аниқ ва илмий ёндашиш ОТМ иқтисодий муваффақиятини белгиловчи муҳим омил бўлиб қолмоқда.

Таълим маркетинги билан — М.А. Мануйлов, Б.А. Соловьев, В.А. Козлов, В.Н. Зотов, У.Г. Зиннуров, В.К. Кочеткова, С.А. Мамонтов, А.А. Браверман, О.В. Сагинова, У.Ф. Аренс, А. Дайан, Ф. Котлер, В.М, Зуев, Е.Н. Жильцов, Е.В. Егоров, Ж.Ж. Ламбек ва бошқалар шуғулланмоқда. Буларнинг фикрича, хизматлар бозорида ОТМлар муваффаққиятли фаолият кўрсатиши учун маркетингни ўтказиш методологиясини ишлаб чиқиш, таълим хизматига талабни тадқиқ этиш, уни белгиловчи омилларни ўрганиш, шунингдек, кўрсаткичларни башоратлаш лозим.

Бундан бир неча йил аввал ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи амалда барчасини сота олган, чунки талаб фақат миқдорий тавсифга эга бўлган. Саноати ривожланган мамлакатларда вазият аста-секин тубдан ўзгара бошлайди ва ишлаб чиқариш мақсадини бозор белгилайди. Рақобат кучаяди, маркетинг инсон фаолиятининг ҳам тадбиркорлик, ҳам тижоратга алоқасиз кўплаб соҳаларига кириб боради.

Маркетингни тадбиқ этиш зарурати маркетинг бўлими ташкил этишга олиб келди, маркетинг бўйича директор эса деярли барча компанияда алмаштирилмас шахсга айланди.

Таълим соҳасига маркетинг XX асрнинг 70-йилларнинг бошларида кириб келади. Бу ОТМлар иқтисодий аҳволининг ёмонлашуви ва рақобатнинг кучайиши билан боғлиқдир. Масалан, АҚШда таълимга бюджетдан маблағ ажратишнинг ҳажми қисқарганлиги туфайли таълим хизматлари соҳасида таклиф бозори кучайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида таълим муассасаларининг мавжуд бўлиши ва ривожланиш муаммолари таълим хизмати маркетингининг назарияси ва амалиётини жадал ишлаб чиқишга олиб келди.

Бугун таълим муассасалари барқарор ривожланиши учун маркетинг усулларидан фойдаланишнинг зарурлигига ҳеч кимни ишонтиришга ҳожат йўқ. Эндиликда олий таълимдаги маркетинг муаммоларини ҳал этиш билан ҳам тижорат, ҳам давлат ОТМлари пойтахтда ҳам, чекка жойларда ҳам шуғулланмоқда.

Ваҳоланки, таълим маркетингни тадбиқ этиш соҳаси сифатида яқин орада мутахассислар учун ўрганиш объекти бўлди. Улар орасида таълим муассасасининг товари ёки маҳсулоти

бўлиб нима ҳисобланади, бу маҳсулотлар қандай тарзда қайси бозорга чиқарилади, ким ОТМ фаолияти натижаларининг истеъмолчиси бўлади деган фикрлар борасида ягона қараш мавжуд эмас. Ахир ОТМ жамиятга бир вақтнинг ўзида таълим хизмати кўрсатади (буларнинг истеъмолчилари бўлиб талабалар ҳисобланади) ва ўз фаолиятининг натижасини меҳнат бозорига чиқаради (битирувчи олинган билимларни ва амалий малакаларни ташувчидир), унда корхона ва ташкилотлар истеъмолчи сифатида намоён бўлади.

Давлат ОТМларида маркетинг ўтказилишининг мақсадга мувофиқлиги хусусида олимлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас, гарчи вақт ва тажрибанинг кўрсатишича давлат ОТМлари талабни ўрганиши лозим ва унинг таъсири остида ўз фаолиятини ўзгартирищи ҳамда реклама сиёсатини ўтказиши керак.

Айни мана шу соҳада маркетингнинг асосий тамойили — талаб бўлган нарсани сотиш амалга оширилади.

Таълимга бозор муносабатларига кирилгунича фуқароларни ғоявий тарбиялаш воситаси сифатида қаралган, шунингдек, таълим самарадорлигининг қайсидир даражада ошиши ҳамдир. Бундай ёндашув маъмурий-буйруқбозлик шароитларида мумкин эди, у вақтда таълим муаммоси мутлақо давлат манфаати нуқтаи назаридан ўрганилган эди. Таълим тизимидаги барча ўзгартиришлар давлат режавий тадбирлари асосида амалга оширилган. Бундай тизимда ижтимоий эҳтиёж мутлақо утстуворликка эга бўлган, шахснинг эҳтиёжи эса рад этилган. Эркин жамият ва бозор иқтисоди шароитларида бундай ёндашув мутлақо мақбул эмас.

Маълумки, таълим хизматини талаб этишдан шахс, таълим олиб, ўз «шахсий капитали»ни ва даромадини оширади, давлат эса аҳолининг малакаси ва маданий даражаси ошишидан фойда кўради, яъни таълим хизматидан фойдаланишдан ҳам давлат, ҳам ҳар бир фуқаро фойда кўради, молиявий оғирлик улар ўртасида тақсимланиши керак.

Таълимни молиялашнинг икки варианти бор: таълим олувчининг оилавий бюджетидан таълим учун тўлов; таълим учун корхонанинг пул ўтказиши. Бизнинг назаримизда биринчи вариант афзал, чунки, бозор шароитида корхоналар тайёр мутахассисни танлаш имкониятига эга (беш йил уни ўқитишга пул тўлашга тўғри келмайди, лекин корхона фақат тегишли малакага эга бўлган ходимларнигина талаб этади, яъни ўзи учун зарур ресурс ҳисобланганни, уни меҳнат бозоридан сотиб олиш мумкин.

Мана шунинг учун маркетингнинг ОТМдаги вазифаларидан бири бўлиб, мутахассислар меҳнат бозорини ўрганиш ҳисобланади, ОТМ қанчали кучли абитуриенларни қабул қилмасин, уларни қанчали яхши ўқитмасин, лекин битирувчиларини бозор рад этса ва касбни ўзгартирса, унда бу ОТМнинг маркетинг бўйича аниқ адашишлиги бўлади. Демак, ОТМ учун энг мақбул ёндашиш меҳнат бозорининг ривожланиш йўналишига мослашиши ва албатта, индивидни эътиборга олишдир. Бу асосий мезон, аммо якка-ю, ягона эмас. Чунки, ОТМ таълим хизматини индивидум—абитуриентга сотади. Шунга кўра меҳнат бозоридаги талаб — билвосита талаб, у абитуриент ва унинг ота-онасининг субъектив манфаати каби омиллар билан сезиларли даражада ўзгариши мумкин.

Сўнгти пайтларда шундай асарлар пайдо бўлдики, уларда таълим хизмати маркетингининг фақат меҳнат бозорига бир томонлама ёндашуви тўғридан тўғри рад этади. Хусусан, С.А. Мамонтовнинг фикрича, ҳозирги пайтда меҳнат бозорининг касбҳунар таълими бозорига мазмунан таъсири пасаймоқда, бевосита талабаларнинг — мактаб ўқувчилари ва улар ота-оналарининг аҳамияти ошмоқда.

Бунинг натижасида таълим хизмати субъектив моҳият касб этмоқда: ҳар бир талабгар қадриятларнинг индивидуал жамланмасидан иборат таълим хизмати ҳақида ўз тушунчасига эга. Демак, маркетингда шахснинг субъектив эҳтиёжига эътиборни қаратиш керак.

А.А. Браверман таълим хизмати кўрсатувчи ва мутахассислар талабгори бўлиш корхоналарга мутахассислар тайёрлашни амалга оширувчи, ўзига хос товар ҳисобланувчи энг ёш мутахассисларни етиштирувчи ОТМлар ўртасидаги ўзаро муносабат тарзидаги олий таълим тизимидаги муносабат моделини таклиф этади. Бу моделда, янглиш таъкид кўзга ташланади, ОТМ бозорга билимлар мажмуига эга амалий малака соҳиби бўлган битирувчи тарзидаги маҳсулотни меҳнат бозорига чиқаради. Битирувчилар ўз ишчи кучини корхоналарга таклиф этади, буларни у иш ҳақи тўлови нархи бўйича сотиб олади.

Биз бу нуқтаи назарларни ҳозирги вақтда нима ОТМ маҳсулоти ҳисобланиши тўғрисида ягона фикр мавжуд эмаслигини исботлаш учун келтирдик. ОТМ маҳсулоти, бир томондан, муайян бўлмаган, умумлашган, таълим хизмати, иккинчи томондан, билимлар ва малакаларга эга мутахассис сифатида, ишчи куч сифатида белгиланади. Биз ўйлаймизки, ОТМ — таълим

хизмати бозорининг қатнашчиси, уларни ишлаб чиқарувчи. Тайин талабгорлар (абитуриентлар)га турли ихтисосликлар бўйича ўқув дастурлари тиклиф этилиб, эвазига таълим учун тўлов олади. Бошқа ҳеч қандай субъектлар билан ҳақ олиш муносабатларига, шу жумладан, корхоналар ва ташкилотлар билан, киришмайди. Шундай қилиб, ОТМлар маҳсулоти (товари) бўлиб, таълим хизмати мажмуи сифатидаги таълим дастурлари ҳисобланади.

ОТМ маҳсулоти ҳисобланиши ҳақида ягона фикрнинг йўқлиги таълим хизмати талабгори ким эканлиги ҳақида турлича фикрларга сабаб бўлмоқда. Жамият, давлат, халқаро ва мамлакат меҳнат бозори, корхона ва ташкилотлар, мактаб ўқувчилари, уларнинг ота-оналари, фуқаролар, айрим шахслар бўлади деган турлича қараш мавжуд. Шубҳасиз, барча санаб ўтилган субъектлар таълим хизмати кўрсатадиган олий таълим муассасалари бўлишидан манфаатдор. Аммо, бозор шароитларида, тўловга қобиллиги билан тавсифланадиган талаб ҳақида гапириш ўринли бўлади. Корхона ва ташкилотлар битирувчиларга талабгор бўлади. Бироқ, иш ҳақи тарзидаги ишчи кучга тўловни ОТМ олмайди, унинг битирувчиси олади, ОТМ эса талабадан ҳақ олади, демак, ўз хизматини унга сотади, фирма ва ташкилотларга эмас.

Таълим соҳасида маркетинг усулларидан фойдаланиш, нисбатан, фақат бизнинг республика моделига эмас, балки хорижда ҳам яқинда пайдо бўлган. Анча машҳур маркетологлардан бири Ф. Котлер XX аср 70-йилларининг бошларида «ижтимоий маркетинг» тушунчасини қандайдир ижтимоий муаммони, лойиҳани ёки аҳоли муайян гуруҳи вазифасини ҳал этиш мақсади бўлган режалаштириш ва дастурни назорат қилиш учун восита сифатида киритади. Ижтимоий маркетинг, одатда, асосий мақсади ижтимоий самарага эришиш, шу жумладан, аҳоли таълим даражасини ошириш бўлган ташкилотларда қўлланади.

Ўз нуқтаи назарини Ф. Котлер қуйидагича мулоҳазаларга кўра асослайди:

— истеъмолчи (талабгор)лар хоҳиши ҳамма вақт ҳам уларнинг узоқ муддатли манфаатлари, шунингдек, жамият умумий манфаатлари билан мос тушавермайди;

— истеъмолчилар ўзларининг қаноатланганликлари ҳақида ва жамият умумий фаровонлиги ҳақидаги ғамхўрликни намой-

иш этувчи ташкилотларни афзал кўрадилар; шунинг учун «жамоавий фаровонлик» якка истеъмолчиларни ўзига жалб этади[1].

Чет эллик маркетологларнинг ишларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг фаолияти ўз таълим муассасасига тайин талабаларни қандай яхши ва кўп жалб этишни аниқлашга йўналтирилган. Бошқача айтганда абитуриентлар томонидан бўладиган талабга маркетингнинг йўналтирилиши ҳеч шубҳа туғдирмайди.

Мисол сифатида қуйидагилар кўриб чиқилади:

— абитуриент таълим муассасасини танлаш даражасига ундаги маданий, спорт ҳаёти ва ҳ.к.лар таъсирини ўрганиш;

— тайин талабаларнинг матн мазмуни, фотография, ОТМ реклама проспектларининг полиграфик бажарилишига муносабатларини аниқлаш;

— ОТМни танлаш сифат белгиси сифатидаги ОТМ савдо маркаси таъсирини тадқиқ этиш;

— ОТМ реклама материалларини тўғридан тўғри почта орқали жўнатиш самарасини баҳолаш;

— ҳозир ва илгари битилган, ишлаётганлар биринчи курс талабаси бўлгандаги ОТМга муносабатини аниқлаш;

— талабалар эмоционал эҳтиёжини ўрганиш.

Кўпчилик маркетологлар ОТМ маркетингининг асоси талабаларни жалб этиш бўлмоғи керак деб ҳисоблайдилар. Таълим муассасаси ўз маҳсулотини индивидуал истеъмолчилар, яъни тайин талабалар бозорига чиқариши керак, шунинг учун унинг асосий вазифаси улар эҳтиёжи ва хоҳишини юқори даражада қондиришдан иборат.

Таълим хизмати маркетинги назарий масалалардаги муайян ҳар хилликка қарамай, Ғарбда маркетингнинг замонавий таълим муассасаси ҳаётидаги аҳамияти муҳимлигига шубҳа қилмайди.

Шу муносабат билан Ф.Котлер таклиф этган таълим муассасаларидаги маркетингга муносабат эволюциясининг кўринишини таҳлил қилиш қизиқарлидир.

1-босқич (маркетинг шарт эмас); таълимнинг қадри маълум ва буни тушунганлар, ўқигани ўзлари келадилар.

2-босқич (промушн); таълим муассасалари талаб пастлигига тўқнаш келадилар ёки уларга ўзлари хоҳлаган талабалар келмаяпти. ОТМлар истиқболли талабаларни излай бошлайдилар, уларга

---

[1] К о т л е р Ф. Основы маркетинга. / Под общей ред. В.П Пеньковой — М.: Прогресс. 1995. —С. 638.

ахборот юборадилар, улар учун маълумотлар ҳозирлайдилар, қабул (саралаш) тизимини такомиллаштирадилар.

3-босқич (сегментлаш ва маркетинг бўйича тадқиқотлар); ОТМлар олға бориш учун ресурслар юқори даражада самарали фойдаланилишни тушунган бўлур эдилар, агар таълим муассасалари ўқишга ким кираётганини, кимни танлаш ҳақидаги қарор қандай ва ким томондан қабул қилинишини яхши билсалар. ОТМлар бозордаги ўз ўрнини билганда зарур ахборотни керакли вақтда беришлари мумкин бўлар эди.

4-босқич (бозорда ўз ўрнини топиш); рақобат кучаётган шароитларда ОТМ таълим муассасалари ўртасида ўзининг маълум ўрнига эга бўлиши керак, абитуриентлар баҳолай олиши мумкин бўлган муайян кўрсаткичлар бўйича рақобат қилувчилар ичида ажралиб туриши лозим.

5-босқич (стратегик режалаштириш); ОТМлар узоқ муддатли режалаштириш ва башоратлаш, ривожланишнинг асосий йўналишини белгилаш билан шуғуллана бошладилар.

6-босқич. Талабаларни жалб этиш, бу муаммонинг бир қисми эканлигини ҳамда уларни ушлаб қолиш кераклигини ОТМларда тушуниб етдилар.

Ҳар бир талабага ҳамкор сифатида муносабатда бўлиш сиёсатда, тартиб-қоидаларда, ОТМ хизматлари мажмуида жиддий ўзгаришларни юзага чиқарди. Бу қабул, таълим жараёни, ётоқхона, карьера, ишга жойлашиш ва б. масалаларга бориб тақалади.

Шуни таъкидлаш керакки, бозор иқтисодига ўтиш даврида олий таълимдаги кескин молиявий танглик шароитида ҳаёт ОТМларга улар айтиб ўтилган эволюция босқичларини ўта олишлари учун етарлича вақт бергани йўқ. Вазият шундай бўлдики, амалда бир вақтнинг ўзида барча айтилган концепцияларни тўлиғича тадбиқ этиш зарур бўлиб қолди, бу эса анча куч-ғайратни талаб қилади.

Индивидуал истеъмолчилар (абитуриентлар ва талабалар) бозоридан ташқари чет элдаги ОТМлар ўз хизматларини корпоратив мижозлар бозорида ҳам таклиф этадилар. Корхона ва ташкилотлар таълим дастурлари ва хизматларини ўз ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мақсадида, консалтинг хизматини бошқарувни такомиллаштириш, даромадлиликни ошириш ва фаолият юритишни яхшилаш мақсадида сотиб оладилар. Бу ўринда корпоратив мижозлар маркетингига хос бўлган алоҳида жиҳатни таъкидлаш мумкин. Бу, биринчидан, корхона ва ташкилотлар таълим хизматини фойдани ошириш, харажатларни

камайтириш, ўз мижозлари эҳтиёжларини қондириш учун сотиб оладилар; иккинчидан, таълим хизматини сотиб олиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш жараёнида компаниянинг кўпчилик менежерлари қатнашадилар; учинчидан, корпоратив харидорлар ташкилотларда белгиланган чекловларни, талабларни ва анъаналарни ҳисобга олишга мажбур.

Корпоратив мижозлар бозори бизнинг ОТМларимиз учун истиқболли ҳисобланади. Малака оширишнинг тармоқли тизими барҳам топиши муносабати билан (бу, бизнинг назаримизда, ижобий ҳол ҳисобланади, чунки тармоқ МОИларида таълим сифати паст эди) бу жавон ҳозирча бўш қолмоқда. Оддийгина қилиб айтиш мумкинки, талаб йўқ. Бироқ узоқ вақт шундай давом этиши мумкин эмас. Муайян корхонада илмий-техникавий, технологик ва бошқа ўзгаришлар қанча кўп бўлса, ундаги ходимлар билимининг орқада қолиши шунчалик тезлашади ва уларни янгилашга эҳтиёж ошади. Бундан келиб чиқадики, бозор иқтисодиёти олий таълим муассасаларини ўз фаолиятида маркетингдан фойдаланишга, албатта, олиб келади.

Ўз хизматини самарали сота олишни ўрганмаган таълим муассасалари бюджетдан ажратиладиган маблағ ҳисобига чор-ночор фаолият кўрсатишга мажбур бўлади. Маълумки, товарга бўлган талабнинг ҳажмини белгилаш маркетингнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Агар таълим муассасасининг маркетшунослари ОТМ хизматига талабни, уни ўзгартиришга таъсир этувчи омилларни тўғри баҳолай олмасалар, бунда улар таълим хизматини сотишнинг зарур даражасини тўғри белгилай олмайдилар.

Таълим соҳасида турли хазматни пайдо бўлиши билан турли ўқув юртлари ўртасида рақобат кучаяди (айни битта бозорда ўхшаш ихтисосликлар бўйича ўз таълим хизматини сотиш бошланади). Бундай шароитда ОТМ ўз хизматини сотиб олувчилар, яъни абитуриентлар томонидан бўладиган талабга ўзлари этаётган таклиф мос тушишига эришишлари лозим.

Албатта, бюджетдан молияланишга таянувчи ОТМлар «умуман жамият»нинг мутахассисларга эҳтиёжини эътиборга олиши лозим, чунки, жамият, давлат сиймосида кўрсатилаётган таълим хизмати учун ҳақ тўлайди, бошқача айтганда, меҳнат бозорининг талабига мослашади. Бироқ, тасаввур этайлик, келгусида ишга жойланиш борасида ўз мўлжалларида абитуриетлар ва уларнинг ота-оналари янглишдилар ва бозор талаби билан абитуриентларнинг талаби мос тушмайди. Аммо, абитуриентлар томонидан ОТМ хизматига талаб бўлмаса, талабалар ҳам

бўлмайди. Буни ОТМ юқори идораларга қандай тушунтиради: ўзининг мўлжалини тўғри, абитуриентлар мўлжали нотўғри дебми? Келажакда демографик омил туфайли абитуриентлар миқдори пасайишлиги кутилаётган шароитда буни ОТМлар эътиборга олмаса, бу ҳол улар учун қаттиқ зарба бўлиши мумкин. Шундай қилиб, *маркетинг*нинг асосий вазифаси абитуриентларга ҳар бир ОТМ томонидан таклиф этиладиган *таълим хизмати*ни тадқиқ этиш бўлиши лозим.

Абитуриент у ёки бу касбни танлар экан, олий таълим муассасасини тугаттандан сўнг ўзининг ишга жойлашиш имкониятларини тахмин этади. Аммо, унинг танлашига бу омилдан ташқари яна кўплаб омиллар таъсир этади: ихтисосликнинг «қизиқарлиги»ни тасаввур этиш, дўстлари ва инсонларининг маслаҳати, ОТМда ҳарбий кафедрани бор-йўқлиги, ўқиш шароити, таълим муассасасининг ўзига яқинлиги ва ҳ.к. Охир оқибатда кечаги мактаб ўқувчисига беш йилдан кейин у танлаган ихтисосликка талаб қандай бўлишини тўғри тасаввур этиш қийин. Натижада, абитуриентининг талаб тузилиши меҳнат бозори талабининг тузилишидан фарқ қилади. Агар меҳнат бозори талабини бир неча йил олдин башоратлаш керак бўлса, бунда фарқ анча сезиларли бўлиши мумкин, чунки таълим муассасаси бозоршуносларининг башорати абитуриентларнинг билан мос келмаслиги мумкин. Бундай ҳолда ОТМ биринчи курсга етарли миқдорни тўплай олмайди — абитуриентлар бошқа ОТМга кирадилар. Бошқача айтганда, таълим муассаси хизмат бозорига талабга мос келадиган ва шу хизматдан фойдаланиш учун ҳақ тўлашга тайёр бўлганлар хоҳлаганлар хоҳишини ҳисобга олиш лозим.

Демак, айтиш мумкинки, ОТМлар бевосита меҳнат бозорига хизмат қилмайди, чунки, фирмалар, корхоналар ва ташкилотлар битирувчилар меҳнатини сотиб оладилар, чунки бунинг учун улар пул тўлайдилар.

Ҳаммага маълумки, меҳнат бозоридаги мувозанатга нархни ўлчаб эришилади: қачон айрим мутахассислар етишмаса, иш берувчилар улар меҳнати учун анча юқори иш ҳақи тўлашни таклиф этадилар ва аксинча, бозорда мутахассислар кўп бўлганда иш ҳақи миқдори пасаяди. Олий таълим муассасасига киришда абитуриент табиийки, иш ҳақи миқдори юқорилигини ҳисобга олади, унинг айтишича, ОТМни тугатгандан сўнг уни олишга умид қилади. Бу, шубҳасиз, таълим хизмати кўрсатишга талаб тузилишининг ўзгаришига таъсир этади, яъни «абитуриент — битирувчи — иш берувчи» занжирида қайта алоқа мавжуд,

унинг ёрдамида меҳнат бозори тузилиши абитуриент талаби тузилишига таъсир этади (олий таълим муассасасидаги таълим давомийлигига мувофиқ).

Шунинг учун, агар таълим муассасаси фақат абитуриент томонидан бўладиган таълим хизматига талабни эътиборга олса-ю, битирувчилар меҳнат бозоридаги тузилма ўзгаришини ҳисобга олмаса, унда бир-икки йил ўтгач у бир вақтлар талаб юқори бўлган ихтисослик бозори касод бўлганини пайқайди, бу ҳол меҳнат бозоридаги иш берувчилар томонидан бу ихтисосликни битирувчиларга талаб камайганида (қайта алоқа занжири бўйича) намоён бўлади.

Шундай қилиб, айрим зиддиятлар кўриниб қолади: маркетинг алифбосига мувофиқ ОТМ бозоршуноси таълим хизматини бевосита талаб этувчи — абитуриентни мўлжаллаши лозим, бошқа томондан, битирувчилар меҳнат бозоридаги талабни ҳам ҳисобга олиши керак.

Бу зиддиятни ҳал қилиш учун таълим хизмати маркетингига ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарникига ўхшаш маркетинг олиб боришга тўғри келади.

Масалан, агар ишлаб чиқарувчи авторучкалар ишлаб чиқаришни ният қилган бўлса, бунда у фирмалар томонидан авторучкалар ишлаб чиқарувчи дастгоҳларга бўлган талабни эътиборга олиши лозим. Иккинчи томондан, кутилмаган кўнгилсиз ҳолатларга дуч келмаслик учун авторучкалар бозорини кузатиши керак, яъни уларни ишлаб чиқарувчи дастгоҳ ёрдамида тайёрланадиган тайёр маҳсулот бозорини. Акс ҳолда, авторучкага бўлган талабнинг пасайиши унинг учун кутилмаган ҳол бўлади. Бу, айтайлик, рақобатчи ашё, демак, унинг дастгоҳи учун ҳам, пайдо бўлгани туфайли юз бериши мумкин.

Шундай қилиб, бозордаги тайёр маҳсулотга талаб таълим муассасаси битирувчиларига бўлган талабга ўхшаш, абитуриентлар томонидан бўлган талаб эса, ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарга бўлган талабга ўхшайди. Таълим хизмати ишлаб чиқаришга мўлжалланган товар ўхшаши бўлиб ҳисобланади, гарчи, аёнки, олий таълим муассасасини битирувчини сўнгги талаб товарига ҳам, ишлаб чиқариш учун мўлжалланган товарга ҳам ўхшатиб бўлмайди. Бу ўринда қисман ўхшашлик ҳақида гапириш мумкин, зеро, ўхшашлик билан бир қаторда, жиддий фарқ ҳам бор. Хусусан, ишлаб чиқариш мўлжалланган товарга бўлган талабни ўрганиб ишлаб чиқарувчи нисбатан кам сонли истеъмолчилар билан муносабатда бўлади, улар ўзларига керак бўлган товарни танлайди ва

бунда улар мазкур товарни фойдаланишдан иқтисодий самара мезонларини етарлича аниқ ҳисоб-китоби ва белгиланишига амал қиладилар. Тайёр маҳсулот бозорини ўрганиш ва башоратлаш анча мураккаб масала, чунки, биз минглаб индивидлар билан тўқнаш келамиз ва улар танлаганларида кўпинча баҳолаш қийин бўлган бир қатор омилларга асосланадилар.

Таълим хизмати билан бу енгилроқ, чунки сўнгги истеъмолга таъсир этувчи омиллар (таълим муассасасини битирувчилар)ни башоратлашнинг иложи бор. Бундан ташқари, мутахассисларга талаблар меҳнат бозорида жуда кўп эмас, айниқса катта бўлмаган шаҳар миқёсида.

Таълим хизмати маркетинги ишлаб чиқаришга мўлжалланган товар маркетингига ўхшаш деган ғояни асос қилиб олиб, исталган олий таълим муассасаси маркетингини ўтказиш учун россиялик маркетологлар ишлаб чиққан анча оддий тархдан фойдаланиш мумкин.

Муайян товар(хизмат)га талаб миқдорини белгилаш, талабни башоратлаш, талаб миқдорига таъсир этувчи омилларни белгилаш ва ҳар бир омилнинг таъсир даражасини аниқлаш маркетинг тадқиқотида асосийси ҳисобланади.

Олий таълим муассасаси таълим хизматига бўлган талабни тадқиқ этиш тархи қуйидагича (1-расм).



Тадқиқотнинг асосий объекти — муайян ОТМ таълим хизматига бўлган талаб (1). Демографик омиллар (2) талаб миқдорига бевосита таъсир этади. Туғилиш ҳақидаги маълумотлар, мактаб ўқувчиларининг улуши (мактабга кирганлар сони-

дан), ўрта мактабни тугатувчилар ва ўрта мактабни битирувчиларнинг ОТМга киришни мақсад қилиб қўйганлар фоизидан кўринадики, бу кўрсаткичлар қанчалик юқори бўлса, муайян олий таълим муассасасининг таълим хизматига талаб шунча юқоридир (бунда шундан келиб чиқиш керакки, тайин абитуриентлар миқдорининг ўзгариши таълим хизматига бўлган талаб структурасини ўзгартирмайди), яъни эслатиб ўтилган кўрсаткичларнинг ошиши барча ихтисосликлар таълим хизматига талабни бирдек ошишига олиб келади.

Иккинчи гуруҳ (3)ни аҳоли даромади даражасини, инфляция катталигини, иқтисод аҳволи (ўсиш, турғунлик, пасайиш)ни белгиловчи омиллар, шунингдек, танланган таълим муассасасининг муайян таълим хизмати учун рақобатнинг кучлилигини белгиловчи омиллар ташкил этади, чунки, рақобатчилар қанча кўп бўлса танланган ОТМ таълим хизматига талаб шунча кам бўлади.

1-расмдан кўриналики, меҳнат бозоридаги мутахассисларга бўлган талаб (4) таълим хизматига бўлган талабга таъсир этади, «абитуриент» (5) соҳаси орқали қандай ўтса, бунда ўз навбатида иқтисодий бўлмаган кўплаб омиллар амал қилади, абитуриентларнинг касб «қизиқарлилиги» тўғрисидаги тасаввури, ота-она ва дўстларнинг маслаҳати, ушбу ОТМда ҳарбий кафедра борлиги, таълим шароити ва ҳ.к. шундай омиллар ҳисобланади. Бошқача айтганда абитуриентлар у ёки бу ОТМни танлаганда уни тугатгандан кейин ўзининг ишга жойлашиши мумкинлигини ҳисобга олади, яъни бозорнинг талаби асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ихтисосликлар бўйича бўш ўринлар сони (динамикада) ва иш ҳақи динамикаси мутахассислар меҳнат бозоридаги талаб кўрсаткичларидан биридир. Меҳнат бозорида бирор ихтисосликка талаб қанча кўп бўлса, тегишли мутахассисга иш берувчи шунча катта иш ҳақи бсришга тайёр.

Мутахассислар меҳнат бозорини таҳлил қилишда бизнинг иқтисодимиз ҳозирги пайтда режа асосидаги хўжаликдан бозор муносабатига ўтиш жараёни даврида турганини ҳам ҳисобга олиш лозим, чунки бозор иқтисодиёти шароитларида мутахассисларга талаб тузилиши режали хўжалик тегишли тузилмасидан сезиларли даражада фарқ қилади, шунинг учун башоратлашда бозор иқтисодиёти қарор топганига анча вақт ўтган мамлакатдаги тузилмага кўра тегишли тузатишларни киритиш лозим.

Омиллардан ҳар бирининг таъсирини кўриб, муайян олий таълим муассасасининг таълим хизматига бўлган талабга оид маълум башоратни қилиш мумкин.

Кўриб ўтилган тарх маркетинг тадқиқотининг муҳим муаммоси — талаб миқдори ва омиллар, тегишли хизмат бозорига тадбиқан уни белгиловчи таҳлилга ёндашиш имконини беради. Бу ўз навбатида муайян олий таълим муассасасининг маркетинг стратегиясини саводли ифодалаш имконини яратади.

Маркетинг концепцияси товар ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи тўғридан тўғри харидор талабини ҳисобга олиши, бизнинг шароитда — таълим хизматининг талабгори абитуриент талабига эътибор бериш керак. Шу билан бирга, меҳнат бозори талаби абитуриентлар талабига таъсир этади ва бу таъсирнинг даражасини миқдорий баҳолаш учун чизма тавсия этилди, унга кўра меҳнат бозори талаби «абитуриентлар» соҳаси орқали ўтиб, иқтисодий бўлмаган омиллар таъсири остида қайта шаклланади.

ОТМ хизматига бўлган талаб боғлиқ бўлган энг муҳим омил демографик вазият ҳисобланади. Бу соҳада юз бераётган жиддий ўзгаришлар олий таълим хизмати бозоридаги коньюктураларни туб ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Таълим ҳақидаги мавжуд статистик маълумотлардан туғилган йил билан ОТМга кирган йил ўртасидаги муддат борлиги туфайли ундан ОТМларнинг истиқболдаги талаблари миқдори билан боғлиқ вазиятни башоратлаш учун фойдаланиш мумкин. ОТМлар абитуриентлари омилнинг таъсир даражасини баҳолаш учун олий таълим муассасасига келгуси қабул даврига мос келувчи даврда туғилганлар сони ўртача миқдори ҳисобланади.

Демографик вазиятлар таъсирини баҳолаш учун 3 динамик қатордан фойдаланиш таклиф этилади:

— туғилиш (17 йил оралиқ билан, 2-омил);

— тўлиқ ўрта маълумот олган аҳоли фоизи (3-омил);

— ўрта таълимни тугатиб. ОТМга кирганлар фоизи (4-омил).

Ташкил этилаётган меҳнат брзорига талабнинг таъсирини баҳолаш учун бошланғич динамик қатор сифатида қуйидагилардан фойдаланиш таклиф этилади:

— хизматга умумий талабни башоратлашда иқтисодий ихтисосликлар бўйича бўш ўринлар умумий миқдори қатори (5-омил);

— муайян ихтисосликка талабларни башоратлашда — мазкур ихтисослик бўйича бўш ўринлар сони қатори (5-омил).

Меҳнат бозори шакллантираётган талабнинг хатолик даражасини баҳолаш мамлакат барча ОТМлари бўйича ўртача миқдорни қиёслашга, муайян ОТМ хизматига умумий талабни башоратлашда умуман танловга, муайян ихтисосликка талабни баҳолашда айрим ихтисослик бўйича асосланган усулдан фойдаланиб амалга оширилиши мумкин. Аввалги беш омил маълумотлари мавжуд бўлган ҳар йил учун хатолик коэффициентини ҳисоблаш натижасида муайян ОТМдаги талабни белгиловчи омиллар сўнгги динамик қатор ҳисобланади.

Талабни тавсифловчи маълум мустақил ўзгарувчан қатор сифатида, юқорида айтиб ўтилган муайян ихтисосликка ўртача танлов динамикасидан фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, таълим хизматига талабни башоратлаш учун омиллар моделини тузишда бошланғич динамик қаторларни тузиш лозим. ОТМ таълим хизматига талаб моделини тузиш учун зарур қаторлар рўйхати айтайлик, Х, умуман ёки муайян ихтисослик 2-жадвалда келтирилади.

2-жадвал

Х ОТМ таълим хизматига талабни башоратлаш учун зарур динамик қаторлар рўйхати

Ўзгарувчи тури	Х ОТМ хизматига умумий талабни башоратлаш учун модел тузиш керак бўлган ҳолларда	Х ОТМ муайян ихтисослигига талабни башоратлаш учун модел тузиладиган ҳолларда
Мустақил ўзгарувчи	Х ОТМдаги ўртача танлов	Модел тузилаётган ихтисосликка Х ОТМдаги танлов
Омилли ўзгарувчилар	Давлат ОТМларидаги ихтисосликларга қабул ($Ф_1$)	Х ОТМдаги модел ишлаб чиқилаётган ихтисосликка қабул ($Ф_1$)
	Дастлаб туғилиш 17 ёш ($Ф_2$)	
	Тугал ўрта маълумот олган аҳоли фоизи ($Ф_3$)	
	Тугатилган ўрта маълумот олганлар таркибидан ОТМга кирганлар фоизи ($Ф_4$)	
	Иқтисодиёт ихтисосликлари бўйича умумий бўш ўринлар сони ($Ф_5$)	Берилган ихтисослик бўйича бўш ўринлар сони ($Ф_5$)
	ОТМ Х учун тўлиқ меҳнат бозори шакллантирадиган талабнинг нотўғрилик коэффициенти ($Ф_6$)	Берилган ихтисослик учун меҳнат бозори шакллантирадиган талабнинг нотўғрилик коэффициенти ($Ф_6$)

Зарур статистик қаторларни йиғиб, талабни белгилаш учун модел қуриш мумкин:

$$ТАЛАБ = f(Ф_1, Ф_2, Ф_3, Ф_4, Ф_5, Ф_6)$$

Айрим ихтисосликка талабни башоратлаш учун моделлар тузиш учун зарур бўлган статистик қаторларни тузиш фақат сезиларли вақт сарфларигагина эмас, балки, шунингдек, олинган ахборот ишончлилигини қайта текшириш заруратидан ҳам асосланувчи вазифадан иборатдир. Ҳозирда, ҳар бир таълим муассасаси олий таълим бозорида ўз нуфузини оширишдан ҳаётий манфаатдор бўлган вақтда кириш пайтидаги абитуриентлар ўртасидаги танлов ҳақидаги маълумотлар кўпинча оширилган бўлади.

Таълим хизмати бозоридаги вазиятнинг таҳлили ОТМлар хизматига бўлган талабга салбий таъсир этишга қобил бошқа омиллар борлигидан гувоҳлик беради — бу, аввало, ОТМлар ўртасидаги рақобат курашининг кескин кучайиши. Абитуриент нима учун айни шу ОТМни танлади, унинг танлашига нима таъсир этади? Қандай ихтисосликлар талабга эга ва нима учун? Бевосита талабгорлар хизмат сифатини қандай баҳолайдилар, қандай камчиликларни кўрадилар? Иложи борича кўпроқ абитуриент жалб этиш учун нима қилиш керак? ОТМни танлаш ҳақида улар қандай ва қачон бир қарорга келади? Улар танловига таъсир этиш учун нима қилиш мумкин? Бугун, рақобат шароитида бу саволлар жуда ҳам долзарбдир. Уларга аниқ жавоб тополмай ишончли маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш мумкин эмас. Рақобатчилар ўртасида муайян ОТМни талабалар устувор билиши сабабини аниқлаш бу қатордаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу саволга жавоб олиш мақсадида муайян ОТМни танлашга таъсир этиш эҳтимоли бўлган омилларни диққат билан таҳлил этиш керак ва уларни энг муҳимидан бошлаб аҳамиятлилиги тартибида жойлаштириш лозим бўлади. Бу:

— тил тайёргарлиги даражаси юқорилиги, чет элга иш ўрганиш учун бориш;

— ота-оналари ёки дўстларининг маслаҳати;

— ОТМнинг қулай жойлашганлиги;

— ОТМнинг нуфузи;

— киришнинг нисбатан қийин эмаслиги (бошқа ОТМлар билан таққослаганда);

— таълим шароитининг таъминланганлиги (бино кўринишининг чиройлилиги, аудитория шинамлиги, ҳудуднинг ободлиги, ошхона борлиги ва ҳ.к.);

— ОТМни тугатгач ишга жойлашиш имконининг яхшилиги;

— молиявий ёрдам пакети (юқори стипендия, имтиёзли йўлланмалар, моддий ёрдам ва ҳ.к.);

— ўқитишнинг юқори даражадалиги (профессор-ўқитувчиларнинг малакаси, махсус техниканинг мавжудлиги, компьютерлар борлиги);

— ижтимоий ҳаёт яхши ташкил этилганлиги (спорт майдончалари, анжомлари, дискотека, турли тўгараклар ва ҳ.к.);

— ОТМнинг замонавий ихтисосликка йўналганлиги.

Тажриба шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда абитуриентлар учун биринча галда яхши ишга жойлашиш, тил тайёргарлиги юқори даражаси, ўқитишнинг юқори саводлилиги, ОТМнинг замонавий ихтисосликка йўналганлиги ва ОТМнинг нуфузлилиги туради, буларга меҳнат бозори талабини акс эттирувчи омиллар сифатида қараш мумкин, яъни абитуриентлар меҳнат бозорини эътиборда тутади, ОТМ танлашда айни мана шуларни ҳисобга олади дейиш мумкин. Қолган олти омил — дўстлар ва ота-оналарнинг маслаҳати, қулай жойлашганлик, ўқиш шароити яхшилиги, молиявий ёрдам пакети, ижтимоий ҳаёт ва киришнинг мураккаб эмаслиги — меҳнат бозори талабини нотўғри кўрсатувчи, яъни субъектив омиллардир. Бу шуни кўрсатадики, ОТМ кенг тушунтириш ишларини олиб бориши лозим, шунингдек, ОТМ нуфузини ошириш учун ўз фаолиятини яхшилаш керак.

ОТМ миқёсида:

— таянчнинг яхши усулларидан кенг фойдаланиш — иш ўйинлари, тренинг, билимнинг назорати янги шакллари керак;

— танланган ихтисослашув соҳасида янги дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш зарур;

—ўқув жараёнига амалиётчи ўқитувчиларни жалб этиш даркор;

— тил тайёргарлигини кучайтириш лозим (айниқса, танланган ихтисосликка тадбиқан);

— талабаларни муайян лойиҳаларда қатнашишга фаол жалб этиш;

— компьютерли синфлар таъминотини яхшилаш.

Бунга тайин истеъмолчилар билан кўплаб мулоқот олиб боришни ҳам қўшиш мумкин. Меҳнат бозори талабини тавсифловчи кўрсаткичларни аниқлаш керак бўлади, яъни

ловчи кўрсаткичларни аниқлаш керак бўлади, яъни қуйидагиларни кўриб чиқиш:

— турли ихтисосликлар бўйича кадрлар агентлигидаги бўш ўринлар динамикасини;

— турли гуруҳ мутахассислари учун иш берувчилар таклиф қилаётган иш ҳақи миқдорини (таҳмин қилинишича ихтисосликка талаб қанча юқори бўлса, иш берувчи иш ҳақини шунча юқори таклиф этади).

Меҳнат бозори шакллантирадиган турли ихтисосликларга талабнинг хатолигини баҳолаш учун муайян ихтисосликка танлов билан қиёслашга асосланган усул тавсия этилади.

Таълим хизматлари бозоридаги кескин рақобат шароитида вақтнинг янги талабларига рақобатчилардан кўра илгарироқ жавоб бериб *улгуриши керак. Бу ОТМлар олдига меҳнат бозорида* юз бераётган ўзгаришларни, аввало, ўзлари етиштираётган мутахассисларга талабни мунтазам кузатиб бориш вазифасини қўяди.

Шуни таъкидлаш керакки, кейинги йилларда меҳнат бозорида талабгорлик бўйича биринчи ўринда менежерлар туради. Яна: менежерларни ишга қабул қилишда иш берувчилар кўп жиҳатдан лаъвогарнинг шахсий сифатларига эътибор берадилар. Тайин ходимдаги соҳа маълумотига талаб қўйиш кузатилмоқда. Юрист, бухгалтер, банк ходими, аудиторлик ихтисосларининг оммавийлиги ошмоқда, сўнгги пайтларда маркетинг бўйича директор (ОТМларда — проректорлар)га талаб кескин ошди.

Шубҳасиз, дастурчилар касби ҳам истиқболли ҳисобланади, бироқ, табиийки, мураккаб дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларига эга мутахассисларга талаб катта. Шундай қилиб, жиддий иқтисодий тайёргарликка эга ОТМни тугатганларгина иш билан таъминланиш имконига эгадир. Жиддий маркетинг тадқиқоти олиб борган ОТМларгина меҳнат бозорини рақобатбардош мутахассислар билан таъминлай олади.

4.3. Меҳнат бозоридаги талабга таълим сифатининг таъсири

Тубдан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида аҳоли бандлиги уларни ўтказишнинг сезиларли муваффақияти кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Самарали бандликка эришишнинг муҳим шарт — миқдорий яқинлашув — хажмлар, тузилиши, ходимларни тайёрлаш соҳаси (турли тоифалар) ва сифат кўрсаткичлари (касб-ҳунар таълими мазмуни), таълим технологияси, натижалар (ижтимоий фаоллик, касбий сафарбарлик ва мослашув, ходимнинг рақобатбардошлиги)

барлик ва мослашув, ходимнинг рақобатбардошлиги) ишлаб чиқариш муҳитининг динамик ўзгаришига талаблар. Демак, ходимларнинг касбий жиҳатлари мазкур талабларга мувофиқлигини мунтазам кузатиб бориш зарур.

Бу мувофиқликнинг бузилиши ходимни ишдан озод қилиш, яъни ишсизликнинг юзага келиши сабабларидан бири.

Маркетинг вазифасини аниқ тасаввур этиш учун ходимларнинг ишдан озод этишнинг турли хил этилишини қандай тушуниш кераклигини аниқлаймиз, уни юзага келиш сабабларини, аввало, таълим ходимларидан олинган нуқтаи назарни ўрганамиз.

Фрикцион ишсизлик: иш ўрнини ўз ихтиёри билан алмаштириш, энг асосийси, айни шу тоифадаги ходимларга меҳнат бозорида талаб мавжудлиги шароитида меҳнат шароити ва таркибига ходим талаблари билан унинг имконияти ўртасида мутаносибсизлик тугайди. Фрикцион ишсизлик қуйидагилар ҳисобига кенгайиши мумкин:

— мавсумий ишлар тугагандан сўнг ходимларни бўшатиш;

— янги товар ишлаб чиқариш даврида ишлаб чиқаришни қисқартириш оқибатида. Иш излаётган одамлар ва иш берувчилар ўртасида алоқани ўрнатиш билан боғлиқ техникавий мураккабликни ҳам шунга қўшиш мумкин (масалан, меҳнат бозори ахборот инфратузилмаси ривожланганлиги оқибатида), шунингдек, меҳнат ресурслари ва иш ўринларини ҳудудий бир текис тақсимланмаганлиги ва ҳ.к.

Фрикцион ишсизликнинг моҳияти шундаки, у бозор жараёнлари ўзгариб туриши билан тўғридан-тўғри боғлиқдир, аниқроғи унинг оқибатидир (талаб, таклиф, инвестиция ва ҳ.к.), шахс шахсий қарашлари ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ўзига хосликлари билан алоқадордир. Ваҳоланки, кўриб чиқилаётган ходимлар тоифаси меҳнат бозори талабларига мос келувчи касбий сифатларга эга бўлади, бунда уларнинг янги иш жойига мослашиши мураккаб бўлмайди, кам вақт талаб қилади ва билим, укув, малакаларни бир оз ўзгартириб, мослаш керак бўлади.

Иккинчи томондан, бошқа тенг шароитларда, меҳнатдан қониқмасликнинг юзага келиши, инсон аввалги таълимдаги «узилиш»нинг далили ҳисобланади, бижарилаётган иш талаб мавжуд бўлганда сотишнинг усуллари ва имкониятларига жуда ҳам тўлиқ тарзда мос келмайди. Ходимларни бу тарзда ишдан озод этишининг кўламлари меҳнат бозорининг аҳволи ва

бошқа бозорлардаги иш фаоллиги (товарлар, инвестициялар) билан кўп жиҳатдан белгиланади. Ишчи кучга талаб юқорилиги, у тақчиллигида ходимларнинг сафарбарлиги ошади, чунки у меҳнатга жойлашиш ўрни ва жойини танлашнинг кенг имкониятига эга. Масалан, АҚШ иқтисоди учун фрикцион ишдан озод этиш юқори даражаси хос, ҳатто иш фаоллиги вақтинча орқага кетган шароитларда ҳам.

Фрикцион ишдан озод этиш кўламлари маҳаллий, миллий шароитларнинг кучли таъсири остида бўлади. Масалан, бу Япония учун хос, у ерда ходимни умрбод ёллаш одат тусини олган.

Технологик ишсизлик муайян товарга талаб сақланиб қолганда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш натижасида юзага келади, пасайиш, одатда, шу муносабат билан, зарур миқдордаги тирик меҳнат, айниқса, паст малакалиларда кузатилади. Лекин, шу билан бирга, ишчи кучини технологик сиқиб чиқаришнинг бошида тузилмавий ишсизлик юз беради, бу ишлаб чиқариш талаби билан бўшатилаётган кишилар касбий малакаси мос келмаслиги билан боғлиқ.

Технологик ишсизлик ишлаб чиқаришдан ходимларни мунтазам сиқиб чиқаришга олиб келадиган ўзгариб турувчига нисбатан доимий капитал жамланишидан илгарилаб кетувчи, устувор қонун ҳаракатини модификациялашдан иборатдир. Бироқ, ишлаб чиқаришни технологик ва техникавий ривожлантириш оқибати ўлароқ, амалга оширилганига нисбатан юқори малакали тирик меҳнат аҳамиятининг ошишига ва технологик ишсизликни бартараф бўлишига олиб келади.

Чунки, технологик ишсизлик пайдо бўлиши ва ривожланиши учун асос бўлиб, ходимлар, касбий сифатларининг янги техника ва технологиянинг амал қилиши талабларига мос келмаслиги ҳисобланади. Уни бартараф этиш касбий тайёргарлик, кўпинча ходимларни қайта тайёрлаш билан боғлиқдир.

Жадаллашаётган илмий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий жараён туфайли туғилаётган ходимга ва унинг фуқаровий касбий сифатларига ишлаб чиқариш касбий талабларининг ошиб бориши муносабати билан пайдо бўлаётган етишмовчилик кўрсаткичларидан бири ва ходим илгари умумий ҳолда олган касб-ҳунар таълимининг мазмуни, шакллари ва усулларидаги жиддий камчиликлардир. Муаммо, одатда, ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчан талабларига мослашишга имкон берувчи назарий тайёргарлик йўқлиги туфайли юзага келади.

Тузилмавий ишсизлик кўламлари бозорнинг бутун-бутун шўъбаларини қамраб олиб, «таклиф-талаб» бозор тизими ўзгариб туриши билан белгиланади. Бу ўзгариб туришлар истеъмолчи талаби ўзгариши билан боғликдир, бу бир қатор ишлаб чиқаришни технологик қайта жиҳозлаш негизида янги товарлар ишлаб чиқариш ҳисобига таклиф тузилишига олиб келади.

Ўз навбатида, бу ишчи кучга, унинг нисбатан малакаси билан боғлиқ, талаб тузилиши ўзгаришига, янги шароитларга жавоб бермайдиган ходимлар сиқиб чиқарилишига олиб келади.

Бунда тузилмавий ишсизликнинг бошланғич сабаби ва оқибати технологик ишсизликнинг сабаб ва оқибатлари билан чирмашиб кетади, яъни оқибатлар умумий кўламини оширувчи бу икки хил ишсизликнинг бир-бирига қўшилиб кетиши юз беради.

Бозор инқирозига табиатан хос бўлган талабнинг тузилмавий силжиши ходимларнинг бўлажак меҳнатига шундай таълимий тайёргарлик вазифасини қўядики, у ўз-ўзидан мунтазам равишда мустақил касбий ўсиш учун етарли бўлган ва ходимга ишлаб чиқаришга янги билимларни жорий этиш талаби ўзгаришидан ўзиб кетиш имконини берган ёки жуда бўлмаса, ундан қолиб кетмаслик имконини берган бўлур эди. Бунга, аввало, бўлажак ходимларни касбий фаолият (фанлар, ихтисослашув жиҳатдан эмас) кенг йўналишлари бўйича назарий, умум-илмий ва умумкасбий тайёрлаш асосида эришилади.

Туркумий ишсизлик умумий, бозор иқтисодиётига хос бўлган иқтисодий ривожланиш туркумлари туфайли юзага келади ва жами чиқимлар пасайиши шароитларида иш фаоллиги пасайган даврда намоён бўлади, ишсизликнинг бу тури бошқа тур ишсизликларга қараганда давомий ва кучайган ҳисобланади.

У, аввало, малакаси паст ходимлар асосий қисмига, оммавий меҳнатга тааллуқли бўлади, лекин, юқори малакали ақлий меҳнат ходимларининг кўпчилиги ва уларнинг ўзлари эга бўлган сифатларга кўра нисбатан анча «кучсиз»лари қисмига ҳам таъсир этиши мумкин.

Ишсиз қолган ходимларни оммавий тарзда қайта тайёрлаш, кўп жиҳатдан улар таянч касб-ҳунар таълимига мос келмайдиган малака ва касбга қайта тайёрлаш ҳамда ўқитиш зарурдир.

3-жадвалда келтирилган бир қатор кўрсаткичлар негизида маркетингнинг бу турини тўлиқ кўриб чиқамиз.

3-жадвал

Ходимлар бандлиги ва ишдан озод этилиши кўрсаткичлари

Таҳлил қисмлари ва вазифаси	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткич	Кўрсаткичлар тавсифи
I. Ходимлар таркибининг таҳлили 1. Иш берувчи (ёки иш берувчилар барчаси биргалигидаги), шунингдек, стакчи тармоқларда банд ходимлар умумий миқдори динамикасини ўрганиш	Банд ходимлар миқдор индекси	$Ич = \frac{3Нк}{3Но}$ (1)	Тўла иш вақтида банд бўлганлар ҳисобланиши кўрилаётган давр охири ва бошидаги банд ходимлар сонининг нисбати
	Банд ходимлар сонининг ўртача йиллик ўсиш (камайиш) суръати	$Пэ = \frac{3Нкп - 3Но}{N * 3Нкп}$ (2)	Тадқиқ этилаётган вақтдаги банд ходимлар сонининг ўртача йиллик ўсишини шу давр охиридаги миқдорга нисбати
	Ўсиш (камайиш), иш ўринлари сонининг (лавозимнинг) ўсиши	$Прм = Чшк - Чшо$ (3)	Кўрилаётган давр охири ва бошида иш ўринлари (лавозимлари) ўртасидаги фарқ
2. Кадрлар (мутахассислар, оммавий касб ишчилари) билан таъминланганлик сифатини белгилаш	Кадрлар билан таъминланганлик сифат коэффициенти	$Кко = \frac{Чс}{Чшс} * 100$ (4)	Мутахассислар амалдаги сонининг лавозимлар сонига нисбати, буларни тўлдириш учун зарур таълимлар: -олий касбий -ўрта касбий -бошланғич касбий (фоизларда)

Таҳлил қисмлари ва вазифаси	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткич	Кўрсаткичлар тавсифи
II. Сифат таркибининг таҳлили 1. Мутахассис кадрлар билан тўлдирилганликни белгилаш	Мутахассислар билан тўлдирилганлик умумий кўрсаткичларнинг	$HC = \frac{Чсв(Чсс)}{ЗНс}$ (5)	Олий (ўрта) касбий маълумотга эга мутахассислар сонининг ходимлар ўртача рўйхатдаги сонига нисбати
2. Юзага келган нисбат тавсифи: - малака турли даражасидаги мутахассислар сонида	Кадрлар малакавий тузилиши	$КС = \frac{Чсс}{Чсв}$ (6)	Ўрта маълумотли мутахассислар амалдаги сонини олий маълумотли мутахассислар сонига нисбати
- мутахассислар ва ишчилар сонида	Жами ишчи кучларнинг таркибий нисбати	$СС = \frac{Чсс + Чсв}{ЗНк - (Чсс + Чсв)}$ (7)	Мутахассислар амалдаги сонининг ишчилар амалдаги сонига нисбати
-турли малакадаги ишчилар сонида	Ишчилар контингентининг таркибий нисбати	$СР = \frac{Чрв}{ЗНк - (Чсс + Чсв)}$ (8)	Юқори малакали ишчилар амалдаги сонининг амалдаги ишчилар сонига нисбати
III. Банд ходимларнинг улар малакасига мувофиқ малакавий имкониятидан фойдаланишнинг таҳлили Мутахассислардан улар ихтисослигига мувофиқ ва юқори малакадаги ишчилар малакасидан тегишлича фойдаланиш тавсифи	Мутахассислардан фойдаланиш коэффициенти	$Кис = \frac{Чсв + Чсс + Чср}{Чсв + Чсс}$ (9), бунда Имс-ишлаётган мутахассислар сони (жойлардаги)	Ихтисослик бўйича банд бўлмаган ва юқори (ўрта) касбий таълимни талаб этмайдиган ишда банд бўлган мутахассислар амалдаги (тўлиқ) сони билан уларнинг амалдаги сони ўртасидаги фарқ муносабати
	Юқори малакалилардан фойдаланиш коэффициенти	$Дэр = \frac{Чрв - Чрвн}{Чрв}$ (10)	Юқори малакали банд ишчилар амалдаги сонининг ва малакасиз меҳнатда банд юқори малакали ишчилар сонининг улар амалдаги сони ўртасидаги фарқ нисбати

Таҳлил қисмлари ва вазифаси	*Кўрсаткичлар номи*	*Кўрсаткич*	*Кўрсаткичлар тавсифи*
IV. Ходимлар ҳаракатланишининг таҳлили 1. Кадрлар муқимлик даражаси, уларнинг бириктирилганлигини белгилаш	Кадр бириктирилганлиги	$Кст = \frac{\sum_{1}^{3Нс} Ci * 3Нк}{3Нк}$, (11) бунда Ci – рақобатчи ходим ишининг давомийлиги	Муайян корхонадаги барча ишловчилар жами иш вақтининг кўриб чиқилаётган даврдаги улар жами миқдорига нисбати; бир ходимнинг корхонадаги ишининг ўртача давомийлиги
	Ротация ҳисобига айланиш коэффициенти	$Кр = \frac{Чро}{3Нк}$ (12)	Ротация натижасида иш жойини ўзгартирган ишчилар сонининг кўрилаётган даврдаги улар жами сонига нисбати
2. Асосий йўналишлар, ходимларни ишдан бўшатиш кўламларини аниқлаш	Тўлиқ ёки жами айланиш	Ок=Оп+Оу (13)	Қабул қилинган ва бўшатилган ходимлар сони
	Шахсий вазиятларга кўра ишдан бўшатиш	Ол (14)	Ўқишга кирганлик, пенсияга чиққанлик, армиядаги хизмат, бошқа шундай сабабларга кўра кетиш билан боғлиқ ишдан бўшашлик сони
	Касбий сафарбарлик билан боғлиқ ишдан бўшатиш	Ос (15)	Ўз ихтиёри билан бўшашлик сони
	Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишдан бўшатиш	Опр (16)	Ишлаб чиқаришдаги заруратга кўра бўшатишликлар сони

3-жадвалдан кўринадики, кўрсаткичларнинг биринчи устуни (тадқиқот ва баҳолаш амалга оширилаётган) ходимлар мавжудлиги билан боғлиқ.

Ходимлар мавжудлиги, банд бўлганлар сони, бандлик шакли — корхона иқтисоди умумий аҳволи, бозор компаниялари ва иш фаоллиги, ходимларга талабнинг умуман, ички бозордагини хусусан, ўзгариш йўналишлари ҳақида гувоҳлик берувчи муҳим иқтисодий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Масалан, банд бўлганлар сонининг ўсиши (пасайиши), ўртача йиллик суръати (2-формула, кейинги ўринларда формула индексининг ўзи) ишчи кучга талаб ўзгариши йўналишлари ҳақида далолат беради, буларни билиш ортиқча меҳнат массаси ошишининг эҳтимоли бўлган йўналишларни асослаш имконини беради.

Мана шу ишчи ўрни (3) ўсиш (қисқариш) кўрсаткичига ҳам тааллуқли, бу ходимлар у ёки бу тоифасига бўлган талабни қисқариш йўналишини баҳолаш имконини беради.

Умуман, мутахассис ходимлар билан сифатли таъминланганлик кўрсаткичи (4) табеллаштирилган ҳолда ишчи куч таълим-малакавий тузилиши сифати ҳақида, ишлаб чиқаришнинг техникавий ва тузилмавий ўзгаришларига мослашиш учун аниқ имкониятлар борлиги ҳақида гувоҳлик беради. Мазкур кўрсаткич ҳозирдаёқ мавжуд хуфя ишсизлик, муайян тоифа ходимларга таклифнинг талабдан ошганлиги кўламини баҳолаш учун қўлланса бўлади.

Кўрсаткичларнинг иккинчи устуни — ходимлар сифат таркибининг таҳлили (6, 7, 8)— касбий сифатларни чуқур баҳолашни амалга ошириш, шу асосда (талабга таъсир этувчи бошқа омилларни ҳисобга олиб) айрим тоифа ходимлар меҳнати ортиқчалиги борлиги ёки мумкинлигини, улар касбий мослашув кўникмаларини, жумладан, қўшимча таълим ҳисобидан белгилашга имкон беради.

Мутахассис ходимлар таҳлилини ўтказишда тармоқнинг (минтақанинг ҳам, агар мониторинг ўтказилса) мутахассис ходимлар билан тўлатилганлиги умумий, тармоқ ва хусусий кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин. Мутахассислар билан тўлдирилганликнинг ўртача кўрсаткичини ҳисоблашда таққослаш учун негиз сифатида банд ходимлар умумий миқдоридан фойдаланилади. Бу таҳлил натижаларини (тармоқлараро, минтақалараро, халқаро) таққослаш имконини беради. Башоратлар ишлаб чиқишда бу кўрсаткич иқтисодий фа-

ол аҳоли билан турли тармоқларда банд бўлганлар сони ўртасидаги боғловчи бўғин вазифасини ўтайди.

Тармоқ хусусуий кўрсаткичлари ходимлар турли тоифаси билан ташкилланганликни ва улар тузилишидаги эҳтимоли бўлган мутаносибсизликни баҳолашда анча тор вазифани бажаради ҳамда айрим корхоналар (фирмалар) таълим муассасаларининг таянч техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари (тузилиш, товар ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш)ни вақт ва макон жиҳатдан таққослашда аҳамиятга эга.

Тармоқ (корхона) мутахассислар билан тўлиқ таъминланганлиги жорий кўрсаткичлари малака бўйича турли даражада бўлган ходимларни миқдорий нисбатини акс эттиради ва улар меҳнатининг мураккаблик даражасини, технологик жараёнларни бошқариш вазифасини бажаришдаги иштирокини, ходимлар касбий даражасини ишлаб чиқаришдаги технологик ўзгаришларга мувофиқлигини баҳолаш имконини беради.

Эҳтимоли бор ишсизлик нуқтаи назаридан таъминланганлик бўйича эришилган даражанинг моҳиятини бир тармоқ доирасида бир хил шароитда фаолият кўрсатаётган ёҳуд минтақалараро қиёслаб (мониторингда) бир турдаги корхона, ташкилотлар гуруҳини қиёсий таҳлили воситасида баҳолаш мумкин.

Ходим (кадр)лар таркиби миқдорий таҳлили билан бир қаторда меҳнат бозори талабларига муайян касб ва ихтисосликларнинг мослиги нуқтаи назаридан унинг сифат кўрсаткичларининг тадқиқини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Меҳнат соҳасида бозор муносабатларига ўтиш «касб» ва «малака» каби тушунчаларни аниқлашни кўзда тутади.

Халқаро касблар стандарт таснифига мувофиқ асосий вазифаси ва мажбурияти юқори даражада ўхшашлиги билан тавсифланувчи мужассама ишлар *касб*ни ташкил этади.

Ходимлар касблар бўйича уларнинг ўтмишдаги, ҳозирги ёки келгусидаги иши (машғулоти) орқали таснифланади.

Ходимнинг касбий мавқеини белгиловчи бошқа бир кўрсаткич бўлиб, муайян иш ўрни касбий талабларига мувофиқ топшириқ ва вазифани бажариш қобилияти тарзидаги моҳир (уста)лик ҳисобланади. У икки ўлчамга эга:

— ходим бажарадиган касбий топшириқ ва мажбуриятлар мураккаблик доираси функцияси сифатидаги маҳорат (усталик) даражаси;

— зарур билимлар, уқув ва малакалар, фойдаланиладиган асбоблар, материаллар, шунингдек ишлаб чиқарилалиган то-

варлар, кўрсатиладиган хизматлар соҳаси тарзидаги моҳирликнинг ихтисослашуви.

Стандарт халқаро таснифи моҳир (уста)ликнинг қуйидаги даражасини ажратиб кўрсатади:

1-даража, бунинг учун тахминан 5 йиллик бошланғич таълим кифоя (5,6,7 ёшлардан), бу таълимнинг биринчи тоифасига тўғри келади;

2-даража, муддат уч йилга яқин бўлган ўқувчилик шаклидаги таълим 2-3 тоифасини (ўрта) кўзда тутади (11-12 ёшли шахслар);

3-даража, таълимнинг 5-тоифасига асосланади (таснифда 4 тоифа атайлаб мазмунсиз қолдирилган), давомийлиги 4 йилга яқин (17-18 ёшлилар учун) ва шартли равишда ўрта касб-ҳунар таълимига мос келади;

4-даража, уч ундан ортиқ муддатли таълим 6-7 тоифасига ўхшаш (17-18 ёшлилар учун) ва шартли равишда олий таълимга мос келади (ёки айрим ҳолларда, аспирантурани тугатганда).

Халқаро талабларни эътиборга олиш ходимлар салоҳиятининг сифатини чуқурлаштириш, халқаро қиёсий тарзда бандликнинг ҳолатини баҳолаш, таълимни ташкил этиш бўйича тавсифлашни асослаш, ходимларни қайта тайёрлаш малакасини оширишни баҳолаш имконини беради.

Ходимлар бандлигини (3-жадвал, кўрсаткичларнинг учинчи устуни) уларнинг ихтисослиги ва малакасига мувофиқ (9,10) таҳлил қилиш бир қатор ҳолатларни атрофлича баҳолаш учун имкон беради.

Масалан, сўнгги йилларда ишлаб чиқаришдаги олий ва ўрта маълумотли мутахассисларнинг 25-30% ўзларининг касбий тоифасига мос бўлмаган ишларни бажармоқда, бу, умуман мазкур тоифа ходимлари меҳнати ортиқчалигидан гувоҳлик беради, чунки 10% га яқин мутахассис бир қатор сабабларга кўра оддий ишчи сифатида меҳнат қилмоқда.

Бироқ, бошқа томондан, бу сабаблар ходимларнинг ўзига боғлиқ эмас ва турли вазиятларга кўра белгиланади, хусусан, эгалланган ихтисосликнинг корхона соҳасига мос эмаслиги оқибатида, бу аниқ фрикцион ишсизликка олиб келади: ёхуд бўш ўрин йўқлиги. Ҳатто жуда қулай шароитларда ҳам бу тоифа ходимларга талаб ва таклиф мутаносиб бўлмайди, демак, таҳлил қилиш мумкинки, фрикциондан ташқари технологик ва тузилмавий жиҳатдан мутахассисларни ишдан бўшатиш юзага келади.

Ходимлар силжишини таҳлил қилиш ҳам ишчи куч бозорининг ҳолатини тавсифлаш, ҳам олий ва ўрта касбий маълумотли мутахассислар муайян тоифасини тадқиқ этиш учун муҳимдир. Бундай таҳлил натижалари ходимларни амалда бўшатилганлигини кўрсатади ва хуфя ишсизлик ҳажмини баҳолашнинг коррекцияловчи кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилади ҳамда умуман, ишсизликнинг ривожини хусусан, унинг турли шаклларини алоҳида башоратлаш, асосига қўйилиши мумкин.

Ходимлар барқарорлик даражасини белгилаш (11) ходимлар силжиши нуқтаи назаридан бандлик, ишдан бўшатишлик имконини тавсифлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Бу кўрсаткич меҳнат ички бозори барқарорлиги даражаси, унинг ўзи ишлаб чиқариши жараёнлари фаоллигидан гувоҳлик беради. Бунда барқарорлик мазкур корхона (фирма), таълим муассасасида битта ходимнинг бўлиши ўртача давомийлиги нуқтаи назаридан қаралади.

Шуни ёдда тутиш лозимки, ходимлар муқимлигининг турли даражалари муайян шароитларда юзага келади. Масалан, АҚШда айни битта ёлловчида ишлашнинг давомийлиги ўртача: эркакларда — 4 йил, аёлларда — 2,5 йил. Менежерларнинг бир жойда ишлаш муддатининг давомийлиги — 5,7 (эркаклар) ва 3,3 (аёллар)ни ташкил этади, мутахассислар — 4,9 ва 3,1, савдо ходимларида эса — 3,4 ва 1,7. Шу билан бир вақтда Японияда айни битта фирманинг ўзида доимий ишлаш анъанаси мавжуд.

Бошлангич бандликни шакллантириш босқичида ишчи кучга талаб шартлидир, аввало, тадбиркорлик ва имкониятларга боғлиқ. Ишчи кучга талаб ва таклифнинг турли сабабларга кўра мос келмаслиги ходимларнинг ички жой алмаштиришига олиб келиши, хусусан, ротация тарзида, бу муқимликни сақлаб туради.

Шу боис муқимлик омилини яхлит тўлиқ ҳисобга олиш учун мутахассислар (кадрлар) ротацияси аҳволини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир (12). Ротация натижасида фрикцион ва технологик ҳаракат ҳамда кадрларни бўшатиш шаклига эга талаб ва таклиф ўртасидаги тизим ички зиддиятларини қисман ҳал этиш амалга ошади. Ротация жараёнининг ривожланиши кўп жиҳатдан бандлик фаол ички ишлаб чиқариш сиёсатига боғлиқ, бу фаолликнинг пасайиши ходимларни ташқи ишдан бўшатиш кўламининг ошишига ва хуфя ишсизлик ўсишига олиб келади.

Лекин бандлик ҳаракати намоён бўлишлигидан бири сифатидаги барқарорлик(муқимлик)ни назарда тутиб, таҳлил

қилишда қуйидагилардан келиб чиқилади: бозор иқтисоди бандликни амалга оширишда сезиларли эркинликни, меҳнат бозоридаги ишчи куч ва иш берувчи вариантлилигини белгилайди. Бунда меҳнат ресурсларининг иҳтиёрий-мажбурий сафарбарлиги ҳам ўз ўрнига эга. Ихтиёрий касбий сафарбарлик ходимнинг ўз ташаббуси ва манфаати асосида иш жойини ўзгартиришидир. Ихтиёрий сафарбарлик, ўз навбатида, икки асосий турга бўлиниши мумкин. Биринчиси шахсий вазиятлар билан ёки инсон касбий-ишлаб чиқариш манфаатлари доирасидан четда турувчи вазиятлар билан боғлиқ. Бу — пенсияга чиқиш, армияга чақирилиш ва ҳ.к. Ходимлар ҳаракатининг бундай тури касбий сафарбарликнинг намоён бўлишида кўринади. Сафарбарлик ходимнинг ўз касбий ва моддий мавқеини иш берувчи билан ёлланиш битими (ёки контракти) шартларини яхшилаш йўли билан оширишга хоҳиши ва имконига асосланган бўлса, бу — бошқа гап (15). Ходимнинг юқори имконига эга касбий сафарбарлиги унинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини белгилайди. Айни ана шу сафарбарлик, ғарб терминологияси бўйича ходим шахсий ниятига кўра ишчи куч силжишидан иборат фрикцион ишсизликни белгилайди.

Ишчи куч **касбий сафарбарлиги** кўрсаткичи термини илгари қўлланган термин «кадрлар қўнимсизлиги»дан кўра меҳнат бозори шароитларига анча мос келади. Қўнимсизликда меҳнат ресурсларини марказлаштирилган тартибда режалаштириш ва бошқариш шароитларида мажбурий бандлик унсури сезиларли даражада устунлик қилади, чунки, ижтимоий кафолатлар (моддий имтиёзлар ҳам) тўлиғича узлуксиз меҳнат стажига боғлиқ эди, шу жумладан, битта корхонадаги ва бошқа шунга ўхшаш шартларга. Меҳнат соҳасидаги бозор муносабатлари фақат эркин танланган бандлик асосида қарор топиши мумкин.

Касбий сафарбарликнинг аҳволини таҳлил этиш иш жойини танлашдаги ходимнинг эҳтиёжи ва имкониятлари нисбатига боғлиқ ички меҳнат бозори мутаносибсизлигини эмас, балки ишчи куч шаклланиши ва ҳаракати, касб-ҳунар таълимини, кишиларни меҳнатга тайёрлаш билан боғлиқ анча кенг доирадаги масалаларни ҳам атрофлича баҳолашга имкон беради.

Ходимлар фрикцион ҳаракатланиши кўпинча уларнинг касбий ниятлари билан танланган ва олинган тайёргарликларини қобилият ҳамда имкониятлари билан мос келмаслиги туфайли бўлади. Хусусан, бу — таълим йўналиши бўйича ҳаракат

қараёнидаги уларнинг касбий мўлжали ва коррекцияси йўқлиги ёки кучсизлиги билан боғлиқ.

Масалан, бизнинг мамлакатимиз учун касбий сафарбарлик бирмунча хос бўлди: ОТМ ёки техникумни тугатгандан сўнг 3 йил ўтгач мутахассисларнинг учдан бирга яқини иш жойини ўзгартиради ва олган ихтисослигига мувофиқ ишламайди. Касбий сафарбарлик иқтисодни экстенсив ривожланишига олиб келади ва ишчи кучи танқислигини юзага келтиради. Бозор иқтисоди, мавжуд ишчи кучларга нисбатан кескин сиёсат шароитларида касбий сафарбарлик имкони сезиларли даражада ўз-ўзидан амалга ошмайди ва ишчиларни мажбурий бўшатиш шаклида ўз ечимини топади.

Ихтиёрийдан фарқли ўлароқ, мажбурий сафарбарлик иш берувчи (маъмурият) томонидан асосан ишлаб чиқариш-иқтисодий сабабларга кўра содир этилади.

Шунинг учун ички ишсизликнинг ўсиш жараёни ва *уни* — бозор флуктуацияси омиллари бутун мажмуи бўйича — технологик, тузилмавий, даврий-ошкоралик ўтишини ишлаб чиқариш тавсифидаги сабабларга кўра, бўшатиш кўрсаткичларини беради.

Табиийки, бўшатилаётган ходимлар миқдори ва таркиби кўрсаткичи хуфя ишсизликни кўп омилли таҳлилида эътиборга олиниши лозим (улар муайян даражада ўтказилаётган таҳлил тўғрилигини баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилади). Шу билан бирга, бўшатишнинг ҳисобланган ва чинакам қийматлари ўртасидаги қатъий боғлиқлик мавжуд эмас, буни бир қатор мамлакатлар, хусусан Россия тажрибаси тасдиқлайди.

Бандликни таҳлил қилишда иш берувчиларнинг ишчи кучга сарфлар кўрсаткичини ҳам билиш зарур. Тўғридан тўғри сарфлар ишланган вақт учун тўловлар ёки бажарилган иш хажми билан боғлиқ. Улар умуман корхона (фирма, ташкилот) бўйича, шунингдек битта ходим ёки ишланган битта киши-соат бўйича ҳисобланади.

Бозор тизимида тўғридан тўғри сарфлар бандликнинг ҳолатини тавсифловчи ва унинг аниқ йўналишларининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Ишчи кучга воситали сарфлар қўшимча харажатларни қоплаш зарурати билан боғлиқ, қоплаш қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

– ишланмаган вақт тўлови (ҳар йилги таътим, касаллик варақаси, байрам кунлари);

— қўшимча чиқимлар тўлови (тинимга чиқишдаги мукофот, овқатланиш учун қисман тўлов, тиббий хизмат ва ижтимоий эҳтиёжлар);

— фирмадаги давомли ва сифатли ишлаганликни моддий рағбатлантириш;

— ижтимоий мақсаддаги мажбурий фондларга бадаллар;

— касбий тайёрлов учун тўлов (ўқитиш, малака ошириш, қайта тайёрлов, аттестация ва ҳ.к.)ва б.

Ишчи кучларга воситали сарфлар таркибий унсури иш берувчиларда бир хил эмас. Ишчи кучга иш берувчининг умумий чиқимларидаги воситали сарфлар улушини битта банд ходимга ёки ишланган бир киши-соатга тақкослаб аналитик кўрсаткичларни қиёслаш мумкин. Жами сарфларнинг ўсиши иш берувчининг меҳнат ички бозоридаги фаол сиёсати нуқтаи назаридан баҳоланиши керак. Тўғридан тўғри сарфлар ошиши соф иш ҳақининг ошиши, бандликнинг ўсиши, анча юқори иш ҳақи оладиган юқори малакали ходимлар сони ошиши туфайли бўлиши мумкин. Бу ўз-ўзидан шуни кўрсатадики, демак, иқтисодий ҳолат барқарор, ички меҳнат бозорида талаб ва таклиф мутаносиб. Бироқ мазкур кўрсаткич билан уйғунликда экстенсив ишлаб чиқариш, тирик меҳнат ортиқчалиги ҳақида гувоҳлик бериши мумкин.

Ишчи кучга нисбатан юқори воситали сарфлар ходимлар *касбий даражасини ошириш*, меҳнат шароитини яхшилаш билан чамбарчас боғлиқ, буни яна барқарор бандлик, меҳнат бозори мутаносибсизлигини бартараф этиш бўйича фаол сиёсат белгиси сифатида қараш керак.

Шу мақсадлар учун капитал умумий хажмда ишчи кучга сарфлар улуши кўрсаткичи олинади.

Ҳам ташқи бозорга нисбатан, ҳам меҳнат ички бозорига нисбатан бандлик фаол сиёсатининг энг таъсирчан усулларидан бири бўлиб, етказиб тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўли билан *касбий-таълимий имкониятни* мунтазам ва мақсадли ривожлантириш, бандлик ҳолатини баҳолашнинг ва йўналишини анча тўлиқ таҳлилини мақсадли ўтказиш ҳисобланади (17-20).

Касб-ҳунар таълими турли хиллари билан ишловчиларни (тайин ходимларни) қамраб олиш даражасининг таҳлили бандликнинг талаб ўзгариши ва ходимларни бўшатиш кўламини баҳолаш имконини беради.

Бандликнинг бу соҳасини кўриб чиқиш ички ва ташқи меҳнат бозорининг етилган муганосибсизлигини ҳал қилишга

дастлабки таъсир бўйича хўжалик юритувчи айрим субъектлар ва уларнинг турли гуруҳлари сиёсатининг фаоллигини баҳолаш имконини беради.

Кўрсаткичлар (индикаторлар)нинг миқдори ва уйғунлаштирилиши микро ҳамда макро миқёсда аналитик ишланмалар учун бир хил бўлмаслиги мумкин. Кичик ва ўрта тадбиркорлар учун қуйидаги асосий кўрсаткичлар мажмуидан фойдаланиш мумкин:

— банд ишчилар сонининг ошиш суръати;
— кадрлар билан таъминланганлик коэффициенти;
— мутахассислар билан тўлдирилганлик умумий кўрсаткичи;
— кадрлар малакавий таркиби;
— мутахассислардан фойдаланиш коэффициенти;
— ходимлар меҳнати самаралилиги;
— зарур айланма коэффициенти;
— касбий сафарбарлик коэффициенти;
— бандлик фаол сиёсатини амалга ошириш бўйича сарфлар улуши.

Кўрсаткичларнинг кўриб чиқилган мажмуидан фойдаланиб, шуни ёдда тутиш лозим, ижтимоий соҳа (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият)даги бандлик ҳолати маркетингида бирмунча бошқача ёндашиш зарур. Аввало, бу соҳа иккита шўъбасини белгилаб олиш керак;

— бюджет маблағидан молияланадиган ва аҳолига пулсиз хизмат кўрсатадиган (давлатга тааллуқли, минтақавий, муниципал) шўъба. Мазкур шўъба ва унинг айрим унсурларининг фаолият кўлами ва тузилиши бозор ўзгаришларига нисбатан етарлича барқарор мазкур тизим иқтисодий «тузилиши»ни ташкил этувчи меъёрлар билан бегиланади;

— тўлов асосида хизмат кўрсатувчи талаб ва таклиф бозори ўзгариб туриши тартибида фаолият кўрсатувчи ва ички ҳамда *ташқи меҳнат бозори*, бандликнинг шу муқим эмаслиги билан белгиланадиган шўъба.

Биринчи шўъбада ишловчилар сони, уларнинг бандлиги, аввало, юклама меъёри — битта ходим амалга оширадиган хизмат хажми билан белгиланади.

Умумтаълим мактаблари, коллежлар ва ўрта махсус таълим муассасалари (ЎМТМ)да бу юклама ўқитувчига дарс соати ва ўқув йилидан иборатдир.

ОТМларда айни шундай соат юкламалари ёки лавозим коэффициенти, яъни битта ўқитувчига муайян миқдордаги талабалар.

Шундай қилиб, мактаблар (коллежлар, ЎМТМлар)да ишловчи асосий таркиб зарурий бандлиги меъёрий юкламага ўқув режасининг (синфлар ёки гуруҳларни ҳисобга олиб) меҳнат сиғими нисбати сифатида белгиланади. ОТМларда — ёки шундай, ёки талабалар сонининг юклама меъёрига нисбати йўли билан белгиланади.

Ўқитилаётганлар контингенти юкламалар барқарор меъёри ва ўзгарувчан омил билан ўқув режаси меҳнатталаблиги бандликни белгиловчи миқдор ҳисобланади. Ўз навбатида умумтаълим мактаблари учун тўғридан-тўғри тегишли ёшдаги гуруҳ сони ва ўқувчи (талаба)ларни коллежлар, ЎМТМ, ОТМга (ходимлар шу тоифасига меҳнат бозори талабига мувофиқ) қабул миқдори билан белгиланади.

Ҳатто, ижтимоий (давлат) шўъбасига кирувчи касб-ҳунар таълими тизими, маълум даражада бозор мезанизми билан қўшилиб кетган, ундаги бандлик меҳнат бозоридаги талабнинг ўзгариб туриши таъсири остида бўлади. Бироқ, иқтисоднинг даврий пасайиши шароитларида ҳам бунда давлатнинг бошқарувдаги аҳамияти шунчалик сезиларлики, бозорнинг ўзгариши оз бўлсада, касбий мактабдаги бандликка таъсир этади (деярли барча ривожланган мамлакатлар тажрибаси бунга мисол бўла олади).

Касб-ҳунар таълимини молиялашнинг бюджет негизи қисқариши юз берганда бошқача ҳолни кўриш мумкин. бу таълим олувчилар контингентларига ва бандлик миқдорига (унинг қисқариши томон) бевосита таъсир этади. Бандлик миқдорига бюджетдан молиялаш хажмининг ўзгариши, шунингдек, аҳолининг тегишли хизматлар учун тўловга қобиллигига ва уларнинг юзага келаётган нархларига боғлиқлик сезиларли даражада таъсир этади. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда давлат шўъбасидан хусусий шўъбага (кейингисида меҳнатга тўланадиган ҳақ анча юқорилиги туфайли) ўтувчи ходимлар фрикцион сафарбарлиги кузатилмоқда.

Бандлик динамикасини баҳолаш, умуман, фаол тадбирлар устуворлиги нуқтаи назаридан (янги иш ўринлари тузиш, касбий тайёргарликни ошириш) ва жамият пассив сиёсати (ишсизлик бўйича нафақа тўлаш, бўшатилганларга кетиш нафақаси бериш ва ҳ.қ.)га кўра баҳолашни лозим. Шу билан бир вақтда меҳнат бозоридаги иш берувчилар иқтисодий стратегияси устуворликни.

хусусан, уларнинг ишчи кучга талабини иш вақти давомийлигини ўзгартириш (қисқартириш), бандлик мослашувчан шаклларини қонунчилик асосида ҳал этиш йўли билан ҳал этишга устуворлик беришини ҳисобга олиш лозим. Бу меҳнат қилишни истовчиларнинг кўпчилигини иш билан таъминлаш; ишга қобилияти сусайган шахслар (ногиронлар, сурункали беморлар, қариялар) учун иш ўринлари яратишга имкон беради.

Бандлик ҳолатини ва унинг ўзгариш йўналишларини ходимлар касбий кўрсаткичлари ишлаб чиқариш соҳаси талабларига мосланганлигини баҳолаш нуқтаи назаридан таҳлил натижалари касб-ҳунар таълимини унинг барча даражаси — мазмуни, таълим технологиялари, сўнгги натижа — бўйича такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилашда бошланғич нуқта бўлиши керак.

5-БОБ
ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ МУТАХАССИСЛАРГА ТАЛАБНИ БАШОРАТЛАШ

5.1. Олий маълумотли мутахассисларга талабни аниқлаш

Аҳолининг бандлиги ислоҳотларни ўтказиш муваффақиятлилигини белгиловчи кўрсаткичлардан биридир. Бандлик — фуқароларнинг ижтимоий-фойдали фаолияти. Мамлакатдаги туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида рақобатбардош меҳнат бозори ва таълим хизматини шакллантиришда бу давлатнинг жамиятни ривожлантириш муаммолари бозор иқтисодиётини кадрлар билан таъминлаш, шунингдек, жаҳон хўжалигига уйғунлашиш ва юқори даражадаги рақобатбардошлик билан жипс боғлиқ стратегик мақсад бўлиб қолади.

Мустақил давлатимизнинг сиёсати, жамият ҳозирги ривожининг даражаси, унинг маданияти, фан ва техникаси, бозор иқтисодига кириш ва олий мактаб олдида турган янги вазифалар, фақат сифат жиҳатдан янги мазмун ва таълим технологияларигина эмас, балки хўжалик юритишнинг замонавий шароитларида тарихан шаклланган вазият, республика иқтисодий ривожи динамикасини ҳисобга олган ҳолда бозор иқтисоди қонунларига асосланувчи мутахассисларни тайёрлаш ва уларга талаб йўналишини белгилашга янгича ёндашишни ҳам талаб этади.

Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш, ишга жойлаштириш ва бандлиги жараёнини давлат томонидан бошқариш механизмини яратиш давлат миқёсида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу мамлакат ОТМларининг талабаларни қабул қилиш режаси халқ хўжалиги тармоқларининг амалдаги талабларига тўла равишда мос келиши лозим деганидир.

Ҳозир олий таълим йўналишлари бўйича мутаносибсизлик 20-35%ни ташкил этади. Хусусан, педагогика, мухандислик, тиббиёт ихтисосликлари кўп йўналишлари бўйича мутахассислар ортиқча тайёрланмоқда; сўнгги йилларда республиканинг

айрим вилоятларида олий маълумотли мутахассисларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш талабларига мос келмайди, масалан, баъзи вилоятларда фақат педагоглар ва врачлар тайёрланади; кадрлар тайёрлашга бўлган талаб кескин ўзгарди, олий маълумотли мутахассислар билан алмаштириш лозим бўлган лавозимлар миқдори ва кўрсаткичларга талаб бутунлай бошқача бўлиб қолди. Иш берувчилар, кўп ҳолларда, тегишли дипломларга эмас, балки, ишни билишлик, касбий маҳоратга эътибор бермоқдалар. Бу дегани, халқ хўжалиги барча тармоқлари бўйича халқаро мезонларга мос келувчи билимга талаб пайдо бўлди дегани. Шу билан бирга, баъзи ОТМлар меҳнат бозори ва таълим хизмати бозори талабларига жавоб бермайди, бунинг натижасида мутахассисларнинг бир қисми мамлакатимиздаги қўшма, хусусий, чет эл ва бошқа корхоналарнинг талабига мутлақо жавоб бермайди; ОТМларнинг мутахассисларни тайёрлашида бир хиллик кўзга ташланмоқда (гарчи вилоятлар талаб этмаса-да, турли ОТМларда айни бир тоифадаги мутахассислар тайёрланмоқда).

Булар барчаси олий таълим нуфузига салбий тарзда таъсир этмоқда ва мутахассислар тайёрлаш сифатини жиддий равишда оширишни талаб қилади.

Бундай вазиятни ўзгартириш учун, яъни олий маълумотли мутахассислардан самарали фойдаланиш ҳамда таълимга давлат томонидан ажратилган маблағни мақсадга мувофиқ сарфлашда, аввало, қуйидагилар муҳим аҳамият касб этади:

— олий таълимдаги янги ихтисослашишларни (магистратура ихтисосликлари рўйхати ва бакалавриат йўналишлари) олий маълумотли мутахассислар билан алмаштириш лозим бўлган лавозимларнинг талабга мослиги даражасини белгилаш, яъни мутахассислар етиштиришнинг мамлакат халқ хўжалиги тармоқларидаги лавозимлар билан мутаносиблиги;

— янги таснифловчида қабул қилинган таълим йўналишлари бўйича умумий ва қўшимча талабни аниқлаш, умумий эҳтиёжларга мувофиқ олий маълумотли мутахассислар билан таъминланганлик тармоқ меъёрларини ишлаб чиқиш;

— тармоқ кенгайиши ва меҳнат мураккаблигини сифатли такомиллаштириш билан боғлиқ мутахассисларга талабни белгилаш; бунда турли сабабларга кўра, янги авлодлар алмашинуви, табиий кетиш, бошқа жойга кўчиш, кадрлар қўнимсизлиги ва ҳ.к. лар бўйича уларни кетишлиги даражаси, албатта, ҳисобга олинади;

— ОТМлар, минтақалар, бакалавриат йўналишлари, магистратура, олий таълим ихтисосликлари бўйича талабалар қабулининг мутаносибланганлиги, яъни олий таълим ҳар бир йўналишлари бўйича эҳтиёжни ҳисобга олиш (бу Таснифловчи ва Малакавий тавсифлар ва Давлат стандартига мувофиқ амалга оширилади).

— олий маълумотли мутахассисларга истиқболдаги талабни белгилаш бўйича соҳа методикасини яратиш.

Мутахассисларга талабнинг ривожланиши иқтсоднинг икки асосий шўъбаси — *моддий ишлаб чиқариш* ва *ижтимоий соҳада* турли қониниятларга эга. Модий ишлаб чиқаришда мутахассисларга талаб вектори меҳнатни ақлийлаштириш умумий жараёни билан белгиланади, бунинг сабаби ва оқибати бўлиб, товар ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини мунтазам қўллаб-қувватлаш, шу жумладан фан ва техниканинг энг янги ютуқлари ҳамда юқори технологиялар ҳисобига сақлаб турилади, чунки янги технологиялар мутахассисларни бевосита ишлаб чиқариш муҳитидан уни ташкил этиш, тайёрлаш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасига ўтказишга олиб келади.

Ижтимоий соҳа, умуман, сервисда, мутахассислар сони давлат тўлақонли ижтимоий сиёсти, сервис хизматга аҳолининг тўловга қобил талаб ошиши асосида сервис соҳаси фаолият кўлами ўсишига мутаносиб ошиб боради.

Олий маълумотли бакалавр ва магистр даражасига эга мутахассисларга эга иқтисод тармоқлари талабини ҳисоблаш учун асосий бошланғич информацион материал бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— иқтисод тармоқларида, унинг динамикасида банд, таълим соҳаси бўйича мутахассислар миқдори ва таркиби;

— айрим тармоқ ва минтақалар иқтисодидаги ривожланиш ва тузилмавий ўзгаришлар, ходимлар бандлиги, шу жумладан, олий маълумотли мутахассислар борлигини башоратлаш;

— иқтисод тармоқлари ва ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича бакалавр ҳамда магистр даражасидаги мутахассислар билан алмаштиришга меъёрий талаблар.

Қуйидагилар башоратлашнинг методологик асосини ташкил этувчи таянч ёндашувга тааллуқли:

— меъёр ва мезонлар;

— иқтисод ва бандликдаги тузилмавий ўзгаришлар;

— техникавий ва иқтисодий кўрсаткичлар ўзгариши (кўп омилли моделлаштириш);

— айниятлар асосида.

Меъёр ва мезонлар асосида мутахассисларга талабни башоратлаш улар турли хилларидан фойдаланишга асосланади. Мутахассислар меҳнатни таклиф этиш тармоғи ва соҳаси хусусиятига боғлиқ ҳолда қийматларда ёки товар ҳисобланадиган ишлаб чиқиш ёки самаралилик меъёридан фойдаланиш мумкин.

Замонавий иқтисод ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хослиги шундаки, кенг хусусийлаштириш, фаол тадбиркорлик, чет эл инвестицияси ривож топмоқда, акциядор жамиятлар, уюшмалар, корпорациялар пайдо бўлмоқда, турли жамоятчилик бирлашмалари ва ташкилотлари шаклланмоқда, булар мутахассисларга, улар тайёргарлигига, ишга жойлашишига ва самарали фойдаланишга алоҳида талаб қўяди, касб-ҳунар таълимининг молиявий ва моддий-техникавий шаклланишига таъсир кўрсатади.

Тузилмавий ўзгаришлар асосида мутахассисларга талабни башоратлаш мулк ва хўжалик юритишнинг айрим шакллари ривожланишидаги устуворликларни ҳисобга олиб, тармоқ ва минтақалар иқтисодини тузилмавий қайта қуриш асосий йўналишларини аниқлаш негизида амалга оширилади.

10-15 йиллик даврга башоратлашнинг жиддий йўналишлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

— иқтисоднинг энг муҳим йўналишларида, айниқса, саноатда ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши динамикасининг кучайиши;

— бандлик тузилишидаги юз бераётган ва кутилаётган йирик ўзгаришлар (моддий ишлаб чиқариш анъанавий тармоғидан ходимларни бозор инфратузилмаси ва хизмат соҳасига ўтказиш — қайта тақсимлаш);

— хусусийлаштириш ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳисобига хўжалик юритувчи субъектлар сонининг ошиши (бу мутахассисларга бизнес, маркетинг, молия ва ҳисоб-китоб соҳасида талабнинг ошишига олиб келади);

— мудофаа саноатини ўзгартириш ва улар асосида фуқаровий ишлаб чиқаришнинг юзага келиши (бу мудофаа соҳасида мутахассисларга талаб камайишига олиб келади, лекин шу билан бир вақтда янги техника ҳамда замонавий технологиялар соҳасида мутахассисларга талабнинг ошишига олиб келади);

— ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлаш (янги технологиялар бўйича мутахассисларга талаб ошади).

Иқтисоднинг барча соҳаларида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, автоматлаштириш, алоқанинг замонавий воситалардан, микропроцессорлар, компьютерлар, роботтехника замонавий воситаларидан фойдаланиб бошқариш жараёни билан боғлиқ бозор ривожланиши шароитида тегишли соҳа мутахассисларига талаб ошади.

Техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ўзгариши (кўп омилли меделлаштириш) асосида башоратлаш кутилаётган тизилмавий силжишлар, демографик омиллар, ижтимоий ривожланиш асосида иқтисоднинг аҳволини ва истиқболини ўрганиш ва таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилади.

Бундай ҳолда башоратлаш модели бир неча қисмларни ўз ичига олади:

1. Иқтисоднинг аҳволини баҳолаш (бунда бошланғич макроиқтисодий кўрсаткичдан фойдаланилади). Бу қисмда ҳал этиладиган асосий масала бўлиб, минтақаларда ва умуман республикада иқтисоднинг ривожини тавсифловчи техникавий-иқтисодий кўрсаткичларнинг шаклланиши ҳисобланади.

2. Тузилмавий қайта қуриш асосий йўналишларининг таҳлили асосида иқтисод ривожининг кутилаётган дастурларини танлашдан иборат бўлади.

3. Инвестицияларнинг кутилаётган хажми. Бу қисмда давлат ва маҳаллий бюджетлар молиялашнинг бошқа манбаларидан эҳтимоли бор инвестициялар белгиланади.

4. Ходимлар турли тоифаси бандлигининг динамикаси (ишсизлик ва ишчи кучни қайта тақсимлаш воситаларини ҳисобга олиб бандлиги ҳақидаги маълумотлар асосида шаклланади).

5. Кутилаётган миқдор ва ходимларни бўшатишнинг тузилиши (масала миқдор мониторинги ва бўшатиладиган ходимлар таркиби асосида ечилади).

6. Демографик таркибда меҳнат ресурслари ва иқтисодни қайта қуришда юз бериши кутилаётган демографик ўзгаришлар.

Умуман моделлаштириш техникавий-иқтисодий, ижтимоий, демографик ва меъёрий маълумотнома кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади.

Мутахассисларга талабнинг баҳоланиши аналогия-қиёслаш усули билан, яъни бошқа давлатларнинг шундай фаолияти соҳасида юзага келган талаб кўрсаткичларини олиш йўли билан ўтказилиши мумкин. Хусусан, чет мамлакатлардаги аналог билан иқтисоддаги тузилмавий ўзгаришларнинг йўналишини, кўп омилли моделлаштиришда айрим техникавий-иқтисодий

кўрсаткичларни, шунингдек, айрим корхоналар бўйича баъзи ходимларга талабни баҳолаш мумкин. Асосийси — мамлакат тўғри танланган бўлиши лозим. Мутахассисларга бўлган талабни башоратлаш учун бўлган ва юқорида баён этилган барча ёндашишлардан турли шаклда фойдаланиш лозим. Бунда асосийси шундаки, анча самарали талқинлар ва тармоқ (вилоят, минтақа ёки корхона) иқтисодининг аниқ ҳолати юқори даражада ҳисобга олиниши керак.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўзда тутилган таълим хизмати бўйича талаб ва таклифнинг мунтазам ошиб бориши лозим бўлган маркетинги, мониторинги ва башоратланиши, моддий ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳаларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш — мужассама вазифа бўлиб, мутахассисларга эҳтиёжни ўрганишни қуйидагича талаб этади:

— иқтисоднинг республика, вилоят, тармоқ миқёсида, ижтимоий инфратузилма ва олий таълим йўналишлар (ихтисосликлар)ида;

— қуйидаги усуллардан фойдаланиб малака (бакалавр, магистр) ва таълим (олий, ОТМдан сўнг) даражаси бўйича;

а) социологик талқиқотлар;

б) Ўзбекистон Республикаси ва чет мамлакатлардаги таълим хизматининг қиёсий, таққосий таҳлили, кадрлар тайёрдлаш бўйича олий таълим муассасаси имкониятларини (мавжуд меъёрлар билан боғланган миқдорий ва йўналишлар соҳаси ҳамда таълим ихтисосликлари);

в) бозор техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари ва коньюктураси билан боғлаб кадрлар талабни моделлаштириш;

г) меъёр ва мезонлар асосида кадрларга талабни башоратлаш;

д) олий таълим ҳолати ва ривожи мониторинги тизимини ишлаб чиқиш;

е) аҳоли бандлигини башоратлаш асосида кадрларга бўлган талабни ўрганиш;

ж) аҳолининг тегишли маълумот олишга бўлган талабини қондириш имкониятларини аниқлаш;

з) кадрларга талабнинг қонуниятларини ўрганиш, бу олий малакали мутахассислар билан республика иқтисоди барча соҳаларини таъминлашга имкон беради.

5.2. Олий маълумотли мутахассисларга талабни башоратлашга ёндашиш

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурилан келиб чиқадиган таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий жиҳатларидан бири — мамлакат хўжалигини юқори малакали кадрларга бўлган талабини таъминлаш.

Бу муаммони ҳал этиш учун иқтисодни етук давлат томонидан бошқариш тизими билан уйғунлашган мутахассисларга талаб (эҳтиёж)ни башоратлаш тизимини яратиш зарурдир, шунингдек, турли тармоқ, йўналиш ва ихтисосликлар бўйича олий ҳамда ўрта махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлашдаги асосий нисбатни ишлаб чиқиш.

Башоратлаш тизими миллий иқтисод ва унинг тармоқларининг мавжуд аҳволи ҳамда истиқболдаги ривожини ҳисобга олиш асосида мутахассисларга бўлган талабни аниқлаш ва шакллантириши лозим. У мунтазам суратда катта хажмдаги ахборотни қабул қилиши ва қайта ишлаши, тузилмавий ўзгаришларга тезда мослашиши ва шу асосда таълим фаолияти ҳамда унинг кейинги ривожини башоратлаш бўйича бошқарув қарорларини асослаши лозим; таълимни ислоҳ қилиш жараёни ривожини кузатиши керак; миллий ва хорижий таълим тизимларини қиёсий таҳлил қилиши зарур; бозор иқтисодиёти шароитларида рақобатбардош мутахассислар ишга лаёқатлиги ва самарали тайёрланишини таъминлаши шарт. Асосий вазифа шунда-ки, республикани ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий стратегик мақсадаларига эришиш даражасини белгилаш ва мунтазам кузатиш зарур. Бунда ривожланишнинг қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли башоратлари кўзда тутилмоқда.

Мутахассисларга талабнинг шаклланиши моддий ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Моддий ишлаб чиқаришда мутахассисларга талаб вектори товар ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини мунтазам, шу жумладан энг янги, юқори технологиялар ҳисобига доимо сақлаб туриш сабаби ва оқибати ҳисобланувчи меҳнатни ақлийлаштириш умумий жараёни билан белигиланади. Янги технологиялар мутахассисларнинг бевосита ишлаб чиқариш соҳасидан уни ташкил этиш, тайёрлаш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасига ўтишга олиб келади.

Хизмат соҳасида мутахассисларнинг миқдори давлат ижтимоий сиёсати тўлақонлигига, аҳолининг тўловга қобил талаби ошишишига мувофиқ фаолият кўлами ошишига мутаносиб тарзда ошиб боради.

Юқори малакали кадрларга талабни ўрганишда қуйидаги босқичлар зарур:

— иқтисод бўйича, умуман, унинг айрим соҳа ва тармоқлари бўйича хусусан, жорий даврга йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича талаб умумий ҳажмини белгилаш;

— талабни тўла қондириш учун мавжуд кадрларга қўшимча тарзда жорий давр учун иқтисод тармоқлари бўйича аниқ йўналиш ва ихтисосликларга мансуб мутахассислар билан алмаштирилиши керак бўлган лавозимдорлар миқдорини аниқлаш;

— иқтисод бўйича, умуман, унинг соҳа ва тармоқлари бўйича, хусусан, истиқболда, йўналиш ва ихтисосликлар бўйича олий маълумотли мутахассислар (бакалавр, магистр)га талаб умумий хажмини ҳисоблаш;

— олий маълумотли мутахассислар (бакалавр ва магистрлар)га қўшимча талабни ҳисоблаш (йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича истиқбол учун), булар башорат этилаётган тўлиқ талабга мувофиқ миқдор жиҳатдан кадрларни истиқболда ошириш учун зарурдир.

Бакалавр ва магистр даражасига эга олий маълумотли мутахассисларга миллий иқтисоднинг эҳтиёжини ҳисоблаш учун қуйидаги бошлашғич ахборот материаллари лозим:

1. Иқтисод тармоқларида, унинг динамикасида банд таълим йўналиши бўйича мутахассисларнинг миқдори ва тузилиши:

2. Иқтисоддаги, айрим соҳалар ва минтақалар ривожланиши ва тузилмавий ўзгариши, ходимлар бандлиги, шу жумладан, олий маълумотли мутахассислар бандлигини башоратлаш:

3. Иқтисод тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришлар бўйича бакалавр ҳамда магистр даражасига эга мутахассислар билан лавозимларни эгаллашга меъёрий талаблар.

Мутахассисларга бўлган миллий иқтисод талабини бевосита баҳолаш учун қуйидаги ёндашишлардан фойдаланиш лозим:

— меъёр ва лавозимлар асосида;

— миллий иқтисод ва бандликлаги тузилмавий ўзгаришларни ҳисобга олиш;

— техникавий-иқтисодий ўзгаришлар тенденциясини экстраполяциялаш:

— аналогия усули.

Меъёр ва мезонлар асосида мутахассисларга талабни башоратлаш қийматлар, натурал кўрсаткичлар бўйича ёки вақт сарфи бўйича ҳисобланадиган ишлаб чиқариш ёки самаралилик меъёр турли хилларидан фойдаланишга асосланади. Хажмий кўрсаткичлар тузилиши кескин ўзгаришда ишлаб чиқариш қиймат меъёрларини қўллаш қийин. Бундай ҳолда натурал ёки вақтда ўлчанадиган меъёрларни қўллаш маъқулроқ, лекин уларни қўллаш бир хилдаги меҳнат сиғимига эга касб оддий тури меҳнатини баҳолашда чеклананади.

Муайян иш ўринлари ва уларни турли соҳа ва таълим даражасидаги ходимларни алмаштириш учун, талаб этиладиган, шунингдек, меҳнат ҳужжатлари лойиҳалари (масалан, технологик линияларни фойдаланиш бўйича «буйруқ» ва ҳ.к.) бўйича жорий этиладиган янги техника ва технологияларни кадрлар билан таъминланиши ҳақидаги маълумотлардан келиб чиқиб мутахассисларга талаб хажмини белгилаш меъёрий усулга тааллуқли дейиш мумкин.

Шу билан бирга назарда тутиш лозимки, бозор муносабатларига ўтиш мутахассислардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, талабни ҳам оширувчи, ҳам камайтирувчи омилларни ҳисобга олиб, улар иш ўрни тузилишини шакллантиришга тубдан янгича ёндашишни талаб қилади.

Мутахассислар меҳнати сарфларини қисқартиришга ёрдам берувчи хизмат кўрсатишнинг илғор технология ва усулларини жорий этиш; касблардаги ўриндошлик; хизмат кўрсатиш ҳудудини кенгайтириш; иш вақти фондидан анча самарали фойдаланиш; меҳнатни ташкил этишнинг илғор шакли, моддий рағбатлантириш тизими; ортиқча бўғин ва лавозимларни тугатиш йўли билан ходимлар касбий тайёргарлиги ва бошқариш тузилмасини такомиллаштириш; бандликнинг мослашувчан шаклларини қўллаш каби омиллар талабининг пасайишига олиб келади.

Бу омиллар барчасини ишлаб чиқаришнинг ривожи ва кенгайишини, капитал қўйилмалар ошишини, жадал технологияларга ўтиш ва ҳ.к.ларнинг таҳлили асосида ҳисобга олиш мумкин. Бу ҳолатни башоратлашга ёндашувларнинг бошқа барча турларида ҳам эътиборга олиш лозим.

Меъёрий усулдан умуман хизмат соҳаси учун мутахассисларга талабни башоратлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Таълим ва соғлиқни сақлаш учун мутахассисларга умумий та-

лабни башоратлаш юкламалар меъёрини (таълим учун) ва хизмат кўрсатишни (соғлиқни сақлаш учун) қўллаш асосида стандарт аниқликда ўтказилиши мумкин.

Умумтаълим мактаблари учун (шу жумладан, лицей ва колледжлар учун ҳам) ўқитувчилар сони меъёри юклама меъёри, синфлар сони, уларнинг тўлдирилиши ва ўқитишнинг юқори сифатини таъминлаш заруриятидан келиб чиқиб, ишланади; ОТМлар учун лавозим коэффициенти (битта ўқитувчига тўғри келадиган талаба сони) ва талабалар контингентидан келиб чиқиб белгиланади. Соғлиқни сақлаш учун хизмат кўрсатиш меъёрлари тиббий ёрдамнинг белгиланган (кутилаётган) ҳажми — *йилига амбулатория-поликлиникаларга мурожаат сони*, битта тиббий ходимга мос меъёрий юкламани ҳисобга олган ҳолда санатория ва санатория-курортлардаги ўринлар миқдори сонидан келиб чиққан ҳолда ишланади.

Кўрсатиб ўтилган меъёрларнинг ҳажмийлиги кўп жиҳатдан молиялашга (давлат шўъбасида) ёки тўлов асосидаги хизматга аҳолининг талабига боғлиқ, бунда соғлиқни сақлаш ходимлари меъёрий миқдори камайиш ёки кўпайиш томон ўзгариши мумкин.

Мутахассисларга талаб ва уларни тайёрлаш миқдорини ҳисоблаш (башоратлаш) учун бошланғич материал бўлиб қуйидагилар хизмат қилиши мумкин:

— аҳолининг турли хил ижтимоий хизматлар билан таъминланганлиги муассасавий ва минтақавий меъёр ва мезонлар тизими;

— статистика идоралари ва бошқа ташкилотларнинг демографик ҳисоб-китоблари (*тахминлари*);

— тегишли тармоқ ва минтақавий идоралар ишлаб чиққан таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият муассасалари фаолиятини ривожлантириш дастурлари ва башоратлари.

Давлатники бўлмаган таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият муассасалари тармоғини ривожлантиришни ҳам эътиборга олиш зарур.

Шуни ёдда тутиш лозимки, ижтимоий соҳалардаги мутахассисларга талабни белгилашга меъёрий ёндашиш тўла равишда фақат бюджет шўъбасиларини тааллуқли, чунки унда қатъий белгиланган меъёрлар қўлланади. Тижорат шўъбасида мутахассисларга талаб тегишли хизматга аҳолининг тўловга қобиллиги билан белгиланади.

Миллий иқтисоддаги *тузилмавий* ўзгаришлар ва аҳоли бандлиги асосида мутахассисларга талабни башоратлаш мумкин ва хўжалик юритишнинг айрим шаклларини ривожлантиришдаги устуворликни ҳисобга олиб тармоқ ва минтақа иқтисодини тузилмавий қайта қуриш асосий йўналишларини *аниқлашни* талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодининг ўзига хос томони қуйидагича: хусусийлаштириш, тадбиркорлик фаолияти, чет эл инвестицияси, акциядорлик жамиятлари, ассоциациялар, корпорацияларни шакллантириш ривожланмоқда. шунингдек мулк шаклларида, хўжалик юритишнинг ташкилий-иқтисодий шаклларида бошқа тузилмавий ўзгаришлар юз бермоқда.

Келгуси 10-15 йил ичида аҳамиятли жиҳатлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— иқтисоднинг энг муҳим йўналишларида, *айниқса*, саноатда ишлаб чиқариш хажмининг ўсиш суръати ошди. Агар бу эски техника негизида амалга ошадиган бўлса, мутахассисликларга талаб сезиларли даражада ошади.

Техникавий янгиланиш шароитида талаб анча секинлик билан ошиб боради:

— бандлик таркибидаги юз бераётган ва кутилаётган ўзгаришлар: ходимларнинг моддий ишлаб чиқаришнинг анъанавий соҳаларидан хизмат соҳасига қайта тақсимланиши. Бу мутахассисларга талабни сезиларли даражада оширади, шу жумладан *янги* ихтисосликлар (информатика, ишҳизматлари ва ҳ.к.) бўйича;

— хусусийлаштириш ва кичик бизнесни ривожлантириш натижасида хўжалик юритувчи субъектлар миқдорининг сезиларли ошиши. Бу бизнес, маркетинг, молия ва хизмат соҳасида мутахассисларга талабнинг ошишига олиб келади;

— мудофаа ишлаб чиқариши конверсиясини чуқурлаштириш, улар негизида фақаровий ишлаб чиқаришни кенгайтириш. Бу анъанавий мудофаа соҳасида мутахассисларга талаб пасайишига ва шу билан бир вақтда фуқаро ишлаб *чиқаришидаги янги* техника ва технология соҳасида мутахассисларга талаб ошишига олиб келади;

— ишлаб чиқаришнинг техникавий қайта жиҳозлаш жараёнини кучайтириш. Бу ишлаб чиқариш соҳасидаги анъанавий ихтисосликлар бўйича *талаб пасайиши ва янги*, юқори технология бўйича ихтисосликларга талаб ошишига олиб келади.

Агросаноат мажмуаси мутахассисларига талабни белгилашда ер ислоҳоти ва мулкка муносабатни ислоҳ қилишда аграр иқтисоднинг бир неча шўъбаси шаклланади: давлатга қарашли, кооператив, акциядорлик ва майда товар ишлаб чиқарувчи шўъбалар. Бу қишлоқда хўжалик юритувчи субъектлар сонининг ошишига ва шу билан бир вақтда бошқа соҳадаги фаолият турида иш ўринлари ошишига олиб келади: яъни, маҳсулотни қайта ишлаш ва сақлаш билан боғлиқ ишлаб чиқаришда, қишлоқ жойлардаги қурилишда, айниқса, қишлоқларда ижтимоий инфратузилма тармоғини барпо этишда. Бу тузилмавий ўзгаришлар мутахассисларга талабни ҳам қишлоқ хўжалигида, ҳам қишлоқ хўжалигини таъминловчи ихтисосликлар бўйича ошишига олиб келади.

Бошқа томондан, ихтисослашиш, механизациялашиш ва автоматлаштирилиш даражаси юқори бўлган сервис хизматини яратиш хўжаликларда, айниқса, тор соҳа ихтисосликдари бўйича мутахассислар сони қисқаришига сабаб бўлади, чунки бевосита хўжаликларда агрономлар, агрохимиклар ва бошқа мутахассислар кам талаб қилинади.

Ишлаб чиқаришни интенсификациялаш жараёни билан боғлиқ бозор шароитларида миллий иқтисоднинг барча соҳаларида — ишлаб чиқаришда, бошқаришда, микропроцессорлар, шахсий компьютерлар, робот техникаси ва алоқанинг янги воситаси, экология тизими асосида сотишда автоматлаштириш воситалари жадал ривожланиши лозим, бу тегишли соҳа бўйича мутахассисларга талабнинг анча ошишига олиб келади. Ҳуқуқий давлатни қуриш бошқарув идоралари, хўжалик юритиш субъектлари фаолиятини, аҳоли турли манфаатларини ҳуқуқий таъминлаш инфратузилмасини шакллантиришни талаб этади.

Меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг янги имкониятлари психология, социология ва б. соҳа мутахассисларининг анча миқдорини талаб қилади.

Мутахассисларга талабни башоратлаш учун (айниқса, моддий ишлаб чиқаришда) иқтисоддаги тузилмавий ўзгаришларнинг сўнгги натижалари — соҳалар бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қийматлардаги хажми ва унинг тайёрланган маҳсулот умумий қийматидаги улуши айрим тармоқлар, айниқса, саноат ичидаги тузилмавий ўзгаришларга бўлган муносабатлар муҳимдир.

Биринчи яқинлашувдаги бу миқдорларнинг ўзгариш хусусияти (меҳнат унумдорлиги ва битта ишловчи ходим иш ҳақи даражаси етарлича бир маромда ошиши ҳақидаги фараздан келиб чиқиб) тармоқлар бўйича мутахассислар бандлиги тузилишидаги ўзгаришдаги, демак, касбий тузилишдаги ўзгариш тенденциясини кўрсатади.

Башорат қилинаётган меҳнат унумдорлиги ошиши бўйича бошланғич кўрсаткичлар (ишлаб чиқариш ҳажми ва иш ҳақи ҳажми)дан иқтисодиётдаги ҳамда унинг айрим тармоқларидаги бандликнинг мутлақ қийматини олиш мумкин.

Ҳисоб-китобларни янада аниқлаштириш олинган умумий тармоқ, муайян касбий гуруҳ контингенти ва уларни тайёрлаш йўналишлари бўйича мутахассисларга эҳтиёжнинг олинган тахминий касбий контингентининг табақалаштирилиши билан боғлиқ. Бунинг учун мутлақ ва нисбий нисбатдаги мутахассисларнинг банд контингенти табақалашувига олиб келувчи техникавий-технологиявий, ташкилий ва бошқа тармоқ ички тенденцияларидан фойдаланиш лозим бўлади.

Техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ўз тенденциялари асосида талабни башоратлаш (кўп омилли башоратлаш)дан минтақа, тармоқ ва умуман, мамлакат миқёсидаги модлий ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ўрта муддатли ва узоқ муддатли белгилаш учун фойдаланилади.

Бу ҳолда талабни башоратлаш миллий иқтисодни ривожлантиришнинг аҳволи ва истиқболини, кутилаётган тузилмавий ўзгаришларни, демографик омилларни ва ижтимоий ривожланиш устворликларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Мутахассисларга талабни башоратлаш модели қуйидаги қисмлардан иборат бўлиши лозим:

1. Миллий иқтисод ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш. Бу қисмда ҳал этилаётган асосий вазифа бўлиб, минтақалардаги ва бутун республикадаги иқтисодиётнинг аҳволи ва ривожини тавсифловчи техникавий-иқтисодий кўрсаткичларни шакллантириш ҳисобланади.

Бу қисмни чиқит материалларидан иккинчи қисмдаги иқтисод ривожининг кўрсаткичларини шакллантириш учун бошланғич ахборот сифатида фойдаланилади.

2. Миллий иқтисодни ривожлантиришнинг кутилаётган ҳолатини (аниқлаш). Ривожланиш кўрсаткичларини шакллантириш учун ишлаб чиқариш ва уларни амалга

оширишнинг эҳтимолий муқобилини таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, минтақаларни ва бошқа республика миқёсидаги ва тармоқ дастурларидан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш программасидан фойдаланилади. Асосий вазифа иқтисодни ривожлантиришнинг энг оқилона кўринишини белгилашдан иборат.

3. Турли тармоқларга қилинишадиган инвестицияларнинг эҳтимолий хажми. Бу қисмда республика бюджетидан, минтақалар бюджетидан, асосий мақсадли фондлардан инвестицияларнинг эҳтимолий ҳажми белгиланади. Бу вазифаларни ҳал этишда чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қулай шароитлар яратиш зарурати ҳисобига олинади.

4. Банд ходимлар динамикаси ва касбий-малакавий тузилма. Бандлик динамикаси иқтисодий фаол аҳоли бандлиги, ишсизлик ва ҳуфя ишсизлик мавжудлиги, ишчи кучи тармоқлараро ва минтақалараро қайта тақсимланиши ҳақидаги маълумотлар асосида шаклланади. Анъанавий модний шилаб чиқариш соҳасидан ходимларни хизмат соҳасига ўтказиш ҳисобга олинади.

5. Минтақа (тармоқ)да ходимларни бўшатишда кутилаётган миқдор ва таркиб. Бу вазифа бўшатилаётган ходимлар сони ва таркиби мониторингини тузиш асосида ҳал этилади. Мониторинг банд бўлмаган аҳоли миқдори ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиб шаклланади.

6. Минтақанинг кутилаётган демографик шароити. Бу демографик таркиб, иқтисодий фаол аҳоли таркиби ва иқтисодни тузилмавий қайта қуриш динамикасини ўрганиш асосида белгиланади.

Моделлаштириш усули мутахассисга бўлган талабга таъсир этувчи барча асосий омиллар ва кўрсаткичларни ҳисобга олиб, атрофлича баҳолашни амалга ошириш имконини беради.

Кўп омилли иқтисодий-математик модел асосида мутахассисларга талабни баҳолашнинг моҳияти мазкур талабни шакллантирувчи умумиқтисодий, техникавий-иқтисодий ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда мутахассислар бандлигини ўзгартириш тенденциясини очишга имкон беради. Ўз навбатида, кўрсатилган тенденцияларни ўрганиш корреляцион-регрессив таҳлил асосида ўтказилади.

Моделлаштириш техникавий-иқтисодий, демографик, ижтимоий-иқтисодий ва меъёрий-маълумотнома кўрсаткичлар асосида ўтказилади. Жами техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ичидан

сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил асосида ўрганилаётган ҳодисанинг аҳамиятли томонларини тавсифлашга имкон берувчиларини танлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган усулларда бошланғич ахборотларни ишлаб чиқиш натижасида регрессив тенгламалар тизими, яъни мутахассисларга бўлган талабни аниқловчи башоратловчи тизим олинади. Моделлаштириш асосига қўйилган бошланғич мўлжаллар бўлиб, натижалар белгилар (мутахассисларга эҳтиёж) билан умумиқтисодий ва техникавий-иқтисодий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўртасида ўзаро алоқанинг мавжудлиги ҳисобланади. Масалан, мутахассисларга ҳар йили қўшимча талаб миқдори билан ялпи ишчи маҳсулот хажми ўртасида, шубҳасиз, ўзаро алоқа мавжуд.

Олий ва ўрта касбий маълумотли мутахассислар меҳнати самаралилиги билан жипс боғлиқ бир қатор иқтисодий кўрсаткичлар ҳам бор бўлиб, аввало, меҳнатнинг самаралилиги, фойда, фонд таъминланганлиги, фонднинг ўзини оқлаши, капитал қўйилма ва бошқалар шулар қаторига киради.

Масалан, тармоқ ва минтақавий миқёсда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг муайян ёки тўлиқ даврига нисбатан, шунингдек, чет мамлакатдаги айни шу тарздаги ишлаб чиқаришга қиёсан меҳнат унумдорлиги даражаси ва тенденцияси, кўп жиҳатдан. юқори малакали ходимлар ишининг маҳсулдорлик даражасидан далолат беради. Бундан ташқари, меҳнат унумдорлиги ўзўзидан ишлаб чиқариш самарадорлигининг умумлашгани ҳисобланади.

Банд бўлганлар меҳнат самарадорлигини баҳолашга янада тўлиқроқ маълумотни бир ходимга нисбатан ишлаб чиқариш фойдасининг кўрсаткичи беради. Айни мана шу фойда бозор шароитида ишлаб чиқаришнинг сўнгги натижаси ва умуман хўжалик фаолияти тўғридан-тўғри иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланади. Бу турли ташкилий-ҳуқуқий, турли соҳадаги ва иқтисод соҳаси турли тармоқларидаги корхоналар таҳлили учун тўлиқ ёндашиш мақсадларида унинг асосий афзаллиги ҳисобланади. Лекин шуни ҳисобга олиш керакки, бу кўрсаткич ҳамиша ҳам етарлича ишончли эмас, чунки, кўпгина хизматлар, масалан, савдода товарлар чакана нархига тааллуқлидир.

Ишлаб чиқаришнинг фойда кўрсаткичи меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи билан бирга ходимлар таркиби бандлиги самарадорлигини бевосита баҳолаш имконини беради, чунки фойда миқдор ва сифатнинг мослиги, ишлаб чиқарилган товарлар

фойдалилиги, унга талаб ишлаб чиқариш сарфлари оқилоналиги ҳақида гувоҳлик берали.

Фойда ва меҳнат унумдорлиги даражасининг пастлиги ёки уларнинг пасайиш ҳолати бошқа товар ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқаришни техникавий, технологиявий ва ташкилий жиҳатдан қайта қуриш, демак, тегишли тарзда кадрлар билан таъминлашнинг зарурлигидан далолат беради.

Ишлаб чиқариш моддий-техникавий негизини, яъни фонд қайтиши, фонд таъминланганлиги каби кўрсаткичлар билан тавсифланувчи тирик меҳнатни техникавий таъминлаш даражасини таҳлили ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фонд қайтиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматига нисбати сифатида ишлаб чиқаришни интенсификациялаш мезонларидан бири бўлиб ҳисобланади ва муайян даражада ашёланган ҳамда тирик меҳнат ўртасидаги нисбатни тасвирлайди.

Бошқа барча тенг шароитларда анча юқори даражадаги фонд қайтиши маҳсулот бирлигида тирик меҳнат улуши анча паст эканлигини кўрсатади, демак, асосий фондлар янгиланишини ҳам бу инвестиция сиёсати фаолланганидан далолат беради.

Фонд таъминланганлик кўрсаткичи, асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматининг ишлаб чиқариш-саноат ходимлари сонига нисбати ишлаб чиқаришнинг техникавий қуролланганлигининг даражасини тасвирлайди. Бу кўрсаткич ҳам инвестиция сиёсатига боғлиқдир.

Инвестиция сиёсатининг фаоллиги, биринчидан, ишчи ўрни оптанлиги, иккинчидан, асосан ишлаб чиқаришнинг техникавий ва технологиявий қайта жиҳозланиши, техникавий жиҳатдан илгор бўлган иш ўринларини яратишда намоён бўлади, *бу янги устувор йўналишлар юқори малакали ходимлардан* фойдаланиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш мажмуи тармоқлари бўйича мутахассисларга талабни башоратлаш учун асосий техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар билан белгиланадиган асосий даврдаги талабнинг миқдори ва тузилишининг ўзгаришидаги илгор йўналишлар аниқланади ва ишлаб чиқариш сўнгги натижаларини, техниканинг, технологиялар, *меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришнинг* ривожланиш даражаси тавсифловчи йўналиш ва дастурларга мувофиқ иқтисоднинг ривожланиш истиқболини ҳисобга олиб шу тенденцияларни моделлаштириш амалга оширилади. Иш кучли

ахборот меъёрий негизи — маълумотлар жамғармасини яратиш асосида олиб борилади ва бу қуйидаги кўрсаткичлар бўйича бўлади: *ялпи ички* маҳсулот; ялпи миллий маҳсулот; меҳнат унумдорлиги, фонд таъминланганлиги; капитал қўйилмалар ва бошқа ишлаб чиқариш, меъёрий-маълумотнома кўрсаткичлар. Мазкур барча кўрсаткичлар бўйича *ҳам ўтмишга, ҳам истиқболга* доир маълумотлар жамғармаси шакллантирилади.

Иқтисодий-математик моделлаштиришнинг кўриб чиқилаётган усули аввалги асосий техникавий-иқтисодий *кўрсаткичлар ва* бу тузилмаларнинг истиқболдаги аҳволини башоратлаш билан кадрлар *тузилмасини* тўғрилашга асосланган учун қайтма вазифани — техникавий-иқтисодий кўрсаткичлардан кадрлар тузилмасига ўтишни бажариш *юз беради. Бунда, айрим* ҳолларда, жамғармани кадрлар таркибидаги *деформация* (ошиқча иш ўрни — ҳуфя ишсизлик) билан боғлиқ кўрсаткичлардан тозалашга йўл қўйилади. Бу башоратлаш негизи объективлигини бирмунча *оширади* (*ва шунга* мувофиқ кадрлар таркиби билан техникавий-иқтисодий омиллар ўртасидаги тўғриланишни зарурийсига, оқилона нисбатига яқинлаштиради).

Бундай ёндашишда самарали бўлиб техникавий-*иқтисодий* кўрсаткичлар ўлчамлилиги истиқболли дастурлар ривожи бўйича қабул қилинади, жумладан, республика, минтақавий ва бошқа илмий-техника тараққиёти дастурлари маълумотлари асосида қабул *қилинади, яъни* улар изланаётган кўрсаткичлар ривожи — мутахассисларга талаблан қатъи назар у ёки бу даражада иқтисодий асосланган ҳисобланади. Бу ҳам башоратнинг асосланганлик даражасини оширади.

Мутахассислар меҳнати талаб этилиши тизимининг у ёки бу унсури ҳолати беқарор бўлган вазиятда (ҳам тармоқ, ҳам минтақавий миқёсда), шунингдек фаолият тури негизи ажралмаслигида мутахассисларга *бўлган эҳтимолий* талабни баҳолаш аналогия усули асосида — қўйилган мақсадга яқин ривожланиш кўрсаткичига эга чет мамлакатнинг бошқа ижтимоий-иқтисодий тизимининг шунга ўхшаш фаолияти соҳасида юзага *келган* талаб кўрсаткичларини қабул қилиш йўли билан ўтказилиши мумкин.

Бунда бошланғич маълумотларни гуруҳлаш турлича бўлиши мумкин, аммо Ўзбекистон *бўйича гуруҳлаш* репрезентатив бўлиши мумкин.

4-жадвал

Турли мамлакатлардаги ихтисосликларнинг йириклаштирилган гуруҳлари бўйича олий маълумотли мутахассисларга талаб

(1995 йилдаги умумий битирувга нисбатан %)[1]

Мамлакатлар	Йириклаштирилган билимлар соҳаси					
	Тиббиёт	Табиий фанлар	Мат.и комп. фанлар	Гуманит. ва ижтимоий фанлар	Ҳуқуқ ва бизнес	Муҳан.-техн. фанлар
Австралия	15	10	4	38	25,7	7,3
Австрия	10	12	5,4	30	29	13,4
Бельгия	12	9,3	2,1	12	42,5	20,5
Канада	7	8,3	3,7	56	17,5	7,7
Чехия	10	10	1,8	30	24,0	21,8
Дания	14	6,6	1,3	39	24,2	15,5
Финляндия	11	8,6	6,6	36	12,2	25,5
Франция	5,9	-	21	31	30,9	11,7
Германия	11	13	5,5	36	10,8	23,2
Греция	12	11	3,7	43	20,0	11,0
Ирландия	5,2	17	5,2	39	22,6	10,6
Италия	22	8,6	3,4	25	28,5	12,3
Япония	5,2	9,6	-	26	37,0	21,5
Корея	4,6	17	-	54	-	18,0
Янги Зеландия	9,3	16	0,4	38	30,0	5,4
Норвегия	20	6,7	1,0	36	15,0	17,7

[1] Чет мамлакатлар бўйича маълумотлар: Edition of Education at a Glance, 1977 Indicators OECD-Paris, 1977. дан олинди. Бу маълумотлар 1999 йилгача барқарор ҳисобланади.

Мамлакатлар	Йириклаштирилган билимлар соҳаси					
	Тиббиёт	**Табиий фанлар**	**Мат.и комп. фанлар**	**Гуманит. ва ижтимоий фанлар**	**Ҳуқуқ ва бизнес**	**Муҳан.-техн. фанлар**
Польша	25	8,9	1,8	36	14,8	13,0
Португалия	5,6	5,0	3,1	47	27,0	12,5
Испания	12	6,4	4,3	28	28,6	10,3
Швеция	10	6,9	5,7	36	24,2	16,9
Туркия	9,2	10	2,4	50	13,0	15,2
Б/Британия	6,5	12	5,8	39	22,0	14,3
АҚШ	8,0	7,3	3,3	47	26,8	7,6
Ўртача қиймат	10,9	9,6	4,4	37	24,4	14,5
Ўзбекистон, 1999 й. Битирган талабалар	9,9	9,4	5,7	29,3	26,3	19,4
ОТМлардан битиртириш ва талаб тузилишини башоратланган баҳоланиши	10,5	11,0	5,0	32,0	25,0	16,5

Қуйида билимларнинг йириклаштирилган соҳаси ва Ўзбекистон миқёсидаги талабнинг тегишли тузилмасини башоратлаш бўйича *мутахассисларга талабни гуруҳлаш келтирилди.* Бунда биринчи ёндашувда бозор ривожланган мамлакатларда мутахассислар етиштириш тузилмаси мутахассисларга талаб тузилмасига яқинлаштирилганлиги ҳақидаги қоида қабул қилинади.

Келтирилган маълумотлардан келиб чиқадики, билимларнинг йириклаштирилган соҳаларида Ўзбекистон ОТМларидаги битирирув тузилмаси келтирилган мамлакатлар доирасидаги талаб (битиргирув) ўртача кўрсаткичларига яқин. Шу билан бирга, ривожланаётган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олганда Ўзбекистон *бўйича башоратланаётган давр*да талаб ва битиргирув тузилмасига баъзи ўзгаришларни киритишга тўғри келади.

Республикадаги фаолият турли соҳасининг ривожланиш устуворликлари ва суръатларини ҳисобга олиб ўтказилган бундай башорат натижалари мутахассисларга талабнинг тузилмавий ўзгаришларини йўналишларини турли даражада чуқур ва батафсил белгилаш имконини беради, бунинг оқибати бўлиб, кадрлар тайёрлаш ривожини танланган мўлжалга эришиш ҳисобланади.

Мутахассисларга бўлган талабни башоратлашга аналогия асосида ёндашишда ундан бошқача ёндашишлар билан бирга фойдаланиш мумкин.

Масалан, ривожланган мамлакатлар аналогияси бўйича иқтисоддаги *тузилмавий ўзгаришлар жиҳатини кўп омилли моделлаштиришда* айрим техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар мақсадли (зарурий) миқдори (мутлақ ва нисбий) асосида баҳолаш мумкин.

Аналогия асосида ёндашиш айрим корхона учун мутахассис кадрларга бўлган талабини баҳолашда қўлланади. Шу мақсадларда муайян корхона учун ёки уларнинг фаолият тури бўйича бир хил гуруҳлари учун ҳам қўллаш мумкин, бунда энг юқори натижага эга фаолиятли корхона (мамлакатдаги ёки чет элдаги) танланади. Бундай корхонанинг мутахассис кадрлар билан таъминланиш кўрсаткичлари (миқдор, ихтисослик бўйича тузилмалар) аналог сифатида корхонанинг барча киритилган гуруҳлари (ёки муайян биттаси) учун қабул қилинади. Бунда аналог тарзида олинаётган кадрлар бўйича кўрсаткич истиқболда ҳатто эталон корхона учун ҳам ўзгариш динамикасига эга эканлигини ҳисобга олиш зарур. Бу вазифа ҳам амалга оширилиши мумкин, чунки фирмалар ва корхоналар (асосан,

Ғарбдаги мамлакатларда) ривожланиш стратегиясининг асосланган (айниқса, ходимлар хусусида) дастурларига эга.

Мутахассисларга талаб башоратининг натижалари улар умумий миқдори ва касбий тузилишини кўрсатади, бу иқтисод ҳамда унинг айрим тармоғи меъёрида фаолият кўрсатиши учун, шунингдек, муайян башоратланаётган йилдаги республика регионлари бўйича зарурдир. Шундай қилиб, талабнинг бу кўрсаткичи мутахассисларнинг башоратланаётган йилдаги тайёргарлиги ҳажмини эмас, балки барча фаолият кўрсатаётган таркибининг миқдори ва тузилишини кўрсатади.

Биринчи ёндашувда бу қиймат башорат учун негиз, бошланғич йилда банд мутахассислар миқдорий кўрсаткичидан иборат бўлади ва улар миқдорининг ўсиши эса башоратланаётган йилдаги негизига нисбатан миқдорий кўрсаткич ҳисобланади.

Бу қуйидаги тенгламада ифодаланиши мумкин:

$$Т_и = Т_н + Т_к$$

бунда — $Т_и$ — кўриб чиқилаётган давр (йил)даги мутахассисларга бўлган умумий истиқболдаги талаб;

$Т_н$ — негиз йилдаги умумий талаб (мутахассисларнинг бошланғич даврдаги мавжудлиги);

$Т_к$ — кўриб чиқилаётган давр (йил)да мутахассисларга истиқболдаги қўшимча талаб.

Истиқболдаги қўшимча талаб мутахассисларнинг шундай миқдоридан иборат бўладики, у миқдор кўриб чиқилаётган даврда корхоналар, тармоқлар ва минтақалар учун тармоқ фаолияти ривожи билан боғлиқ мутахассислар лавозими ўсишини таъминлаш, кетган ходимларнинг ўрини тўлдириш ва амалиётчи мутахассисларни бакалавр ёки магистрлар билан алмаштириш учун зарурдир.

Олий маълумотли мутахассисларга истиқболдаги қўшимча талаб қуйидагича аниқланади:

$$Т_к = Л + Т + А,$$

бунда Л — ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ лавозим миқдори ошиши билан боғлиқ мутахассисларга қўшимча талаб;

Т — кетганлар ўрнини тўлдириш учун мутахассисларга қўшимча талаб;

А — **амалиётчиларни** алмаштириш учун мутахассисларга қўшимча талаб.

Кетганлар ўрини тўлатиш учун мутахассисларга талаб кетганлар ўрнини турли сабабларга кўра тугатади: табиий кетиш (пенсияга чиқиш), миграция, ўз ихтиёрига кўра ёки фарзанд туғилгани билан боғлиқ, армиядаги хизмат туфайли кетиш.

Бунда касблар бўйича иқтисодий ҳудудлардаги миграция коэффициентини белгилаш мақсадга мувофиқдир, буни қуйидаги тенгламага кўра аниқлаш мумкин:

$$К_м \frac{Т_п - К \cdot 100}{S} \qquad (3)$$

бунда $К_м$ — миграция коэффициенти;

S — олий маълумотли мутахассислар ўртача йиллик миқдори, бу йил боши ва охирига мутахассислар ўртача миқдори ҳисобланади;

К — йил мобайнида иқтисолий ҳудуддан кетувчи олий маълумотли мутахассислар миқдори.

Олий маълумотли мутахассислар таркибининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида миграция сальдоси қуйида кўринишга эга бўлади.

$$С = Т_п - К, \qquad (4)$$

бунда С — миграция сальдоси (киши).

Амалиётчиларни алмаштириш талаби бу жараённинг бир маромда амалга ошишини эътиборга олиб, ҳисобланиши лозим. Бунда амалиётчиларнинг ишдан ажралмаган ҳолда ОТМларда ўқиш йўли билан бакалавр ва магистрларга ўтиши ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқариш ривожи, лавозим миқдори ўсиши билан боғлиқ мутахассисларга талаб (Қ) қуйидагича аниқланади:

$$Қ = Т_п - (Т + А) \qquad (5)$$

Қ ни аниқ белгилаш, бу ҳолда, утказилган ҳисоб-китоблар тадрижийлигига — башоратланаётган умумий талабга, мутахассисларнинг табиий кетиши билан боғлиқ талабга ва амалиётчиларни алмаштириш билан боғлиқ талабга боғлиқ.

Лавозим кўпайиши билан боғлиқ қўшимча талаб миқдорини умуман мутахассисларга талабни башоратлашга

умумий ёндашиш асосидаги тартибда ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқ.

Башоратлашнинг сўнгги йилига қўшимча талабнинг олинган умумий миқдори бутун башорат даври учун йиғинди ҳисобланади, чунки мутахассислар миқдорининг улар негиз контингентига нисбатан жами ўсувини белгилайди.

Бу кўрсаткичларни ОТМга талабаларнинг ҳар йилги қабулини ўтказишда башоратланаётган давр йиллари бўйича қўшимча талаб (К) умумий миқдорини тегишли тақсимлаш керак.

Умумий талаб ошган ҳолларда бу тақсимлаш юқорилаб борувчи чизиқ бўйлаб кетади.

Башоратнинг тузилмавий-ахборот модели: ОТМга талабалар қабули башоратнинг тақсимлаш асосида башораланаётган ўлчовлар ва мутахассисларга қўшимча талабнинг ўлчами ва тузилиши ётиши мумкин (тармоқ ва минтақа миқёсида). Айниқса, бу бюджет маблағи ҳисобидан амалга ошириладиган қабулга тааллуқлидир.

Мутахассисларга талабни қондириш нуқтаи назаридан талабалар қабули умумий ўлчамларини баҳолашда қуйидаги омиллар эътиборга олинади:

— олий мактабда зарур молиявий (бюджет ҳисобидан), моддий негиз, талаб этиладиган миқдоргача, мутахассислар тайёрлаш, айниқса истиқболдаги даврда, тузилмаси ва жойлашишига мос келадиган ўқитувчи-профессор ходимлар мавжуд бўлиши;

— ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг бюджетдан ташқари маблағини жалб этиш имкони мавжудлиги (таълим хизматига фирмалар, корхоналар *ва аҳолининг тўловга қобиллигини* баҳолаш);

— хоҳловчи абитуриентларда олий маълумот ва талабдан келиб чиқиб, ОТМга қабул тузилишига ва башоратланаётган миқдорга мувофиқ ихтисосликка эга бўлиш истагининг мавжудлиги;

— республика минтақаларида тегишли ёш гуруҳи бўйича *аҳоли сони жиҳатдан абитуриентлар аниқ негизининг* мавжудлиги (5-жадвал).

Ҳисоб-китоб АҚШ ва Ўзбекистонда ҳуқуқ соҳасидаги мавжуд мутахассислар кўрсаткичини баҳолаш асосида амалга оширилди.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида олий маълумотли мутахассисларга талабни ва уларни тайёрлашни башоратлашнинг таркибий-ахборот модули

<table>
<tr><td>Тузилмавий ўзгаришлар ва ислоҳотларни ривожланиш йўналишлари бўйича давлат дастурлари</td><td colspan="2">Олий таълимга давлат бюджетидан ажратмалар</td><td>Иқтисод тармоқларининг тўловга қодир талаби</td></tr>
<tr><td>Мамлакат иқтисодининг кутилаётган ривожланиш манзараси (хуфя иқтисод кўрсаткичларини башоратлаш)</td><td colspan="2">ОТМлар бюджетини баҳолаш</td><td>Бюджетдан ташқари молиялаш</td></tr>
<tr><td>Турли тармоқларга инвестициялар хажми</td><td>Олий маълумотли мутахассисларга бўлган талабни башоратлаш</td><td>ОТМларга қабул умумий миқдорини башоратлаш</td><td>Аҳолининг тўловга қодир талаби</td></tr>
<tr><td>Мутахассисларнинг тармоқлар ва ихтисосликлар бўйича сонининг сўнгги йиллардаги динамикаси</td><td colspan="3">ОТМларга йўналишлар, ихтисосликлар бўйича қабул миқдори ва тузилишини башоратлаш</td></tr>
<tr><td colspan="4">Хорижий мамлакатлардаги мутахассисларга бўлган талаб миқдори ва тузилиши</td></tr>
<tr><td colspan="2">Хорижий мамлакатлардаги мутахассислар тайёрлашнинг тузилиши</td><td colspan="2">Мутахассислар миқдорига талаб ва тайёрлаш ҳақидаги ҳокимият минтақавий идораларининг таклифи (ОТМларга қабул)</td></tr>
</table>

Ҳисоб-китоб босқичлари:

1. Юқорида баён этилган методикага мувофиқ ҳисобот йили (2015 й.)даги талаб миқдори (ҳуқуқ соҳасида банд бўлган мутахассислар умумий таркиби)ни белгилаш амалга оширилади, бу Ўзбекистонда шу соҳа мутахассислари билан иқтисод ва аҳоли таъминланганлиги кўрсаткичига АҚШдаги шу кўрсаткич аналоги билан солиштириб эга бўлиш учун амалга оширилади. бунда асосий (башорат учун бошланғич) кўрсаткичлар башорати қиймати зарур: аҳоли сони (демографик башорат); ишлаётганлар умумий сони (бандлик башорати); иқтисодда банд бўлган мутахассислар умумий сони (тавсия этилган усуллардан бири ёрдамида ёҳуд талаб ошиши таъсир этувчи жами омилларни ҳисобга олиб, экстраполяция) асосида, 6-жадвал.

6-жадвал

Олий таълим мутахассислари ва кадрларни талаб қилувчи (иш берувчи)лар ўртасидаги алоқани ташкил этиш

Олий таълим муассасалари: - талабалар амалиётини ўтказиш шароитлари ва имкониятолари ҳақидаги ахборот; - тармоқ вазирликлари, корхоналар ва ташкилотларнинг ўқишга контракт бўйича талабаларни юбориш тўғрисидаги мўлжаллари ҳақидаги ахборотлар.	ЎзР ОТВ: - талабалар амалиёт ўтказиш шароитларини ишлаб чиқариш; - тармоқ вазирликлари ва асосий йирик корхоналар билан контракт асосида мутахассислар тайёрлаш узоқ муддатли шартномаларни тузишда ОТМларга ташкилий ва методик ёрдам бериш; - кадрларни талаб этувчилар билан битирувчиларни ишга жойлаш масаласи бўйича ОТМлар ўртасидаги мунтазам алоқани ўрнатишда ОТМларга ташкилий ва методик ёрдам бериш.	Кадрларни талаб этувчилар ассоциациялари, концернлари ва корхоналари: - контракт бўйича мутахассислар тайёрлаш мазмунига бўлган талаблар ҳақидаги ахборотлар; - кадрлар тайёрлаш контракт тизимини ривожлантириш бўйича мўлжални башоратлаш ва у ҳақдаги жорий ахборотлар.

Энг яхши усуллардан бири бўлиб, олий ва ўрта махсус малакали бўлган кадрларга талабни таҳлил қилиш ва башоратлашнинг иқтисодий-математик ҳамда статистик усули ҳисобланади. Шу усуллар қаторига энг кичик квадратлар, дисперсион анализ, образни идроклаш асосий компонентлари, экстримумни тасодифий излаш ва коррекциявий ҳамда ретрес-

сив тенгламалар статистик кўрсаткичларини олдиндан баҳолашга асосланган иммитациявий моделлаштириш назарияларини киритиш мумкин.

Иқтисодий-математик усуллардан фойдаланишнинг моҳияти шундан иборатки, кадрларга эҳтиёжни башоратлаш ганланган белгилар, омиллар, далилларни кейинчалик иммитациялаб тегишли коэффициентлар ва кўплаб статистика кўрсаткичлари ёрдамида тадқиқ этилаётган кўрсаткичга у ёки бу омилларнинг таъсирини миқдорий баҳолаш асосида амалга оширилади. Моделли эксперимент ёрдамида кўплаб бир турдаги корхоналар мисолида моддий ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида банд бўлган мутахассислар миқдори, асосий ишлаб чиқариш фондлари, ишчилар, хизматчилар миқдори, хомашё, материаллар қиймати ва б. ҳисобланади.

Мутахассисларга эҳтиёжни ўрта муддатли ва узоқ муддатли математик-статистик моделлари минтақа, тармоқ ва умуман, мактаб миқёсида изланиши мумкин. Бунда дастлабки босқичда эҳтиёжга таъсир этувчи дисперсион таҳлил ўтказиш мақсадга мувофиқ ва фақат шундан кейингина эҳтиёж кўрсаткичини моделлаштиришга киритиш мумкин.

Шу билан бирга ахборотни таҳлил этишни образларни идроклаш усулида амалга оширишни баравар олиб бориш мумкин. Моделли башоратлашни иммитацион моделлар асосида ва экстремумни тасодифий излаш усули билан амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Моделлаштириш асосида мутахассисларга талабни башоратлаш иқтисоднинг аҳволини ва унинг истиқболдаги ривожини, кутилаётган ўзгаришлар, демографик омиллар ва устуворликлар ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, унинг ўзгариш йўналишини белгилаш негизида амалга оширилади.

Тўйинганлик (таъминланганлик) ҳисоб-китоби истиқбол учун *илғор корхоналар мисолида* бажарилиши мумкин. Бу кўрсаткичлар турли соҳаларда, яратилаётган маҳсулот мураккаблиги, технологик жараёнларнинг автоматлаштирилганлик даражаси илмий-тадқиқот ва тажриба инструкторлик ишларини ҳажми, мутахассислар меҳнати техникавий жиҳозланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Коррелияцион таҳлилда тўйинганлик меъёри билан объектлар ишини баҳолаш сифат кўрсаткичлари бўлиши ишлаб чиқариш унумлилиги, фонд таъминланганлиги, фонд сиғими, маҳсулотнинг сермеҳнатлилиги, олий сифатли маҳсулот улуши, илмий асослан-

ган меъёрлар улуши, тармоқни ташкиллаштириш, бошқариш даражаси ҳамда уларнинг истиқболдаги ривожи каби сифат кўрсаткичлар ва бошқа техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик аниқланади.

Биринчи босқичда омиллар дисперсион ва корреляцион таҳлил этилади, бу асосда тўйинганлик меъёри билан бевосита боғлиқ бўлмаган омиллар кейинчалик кўриб чиқишликдан чиқарилади.

Иккинчи босқичда, кўп омилли статистик таҳлилда регрессия коэффициенти қийматини ҳисоблаш; Фишер ва Стьюдент мезони бўйича тенгламалар адекватликка текширилади; танланган регрессия сифат кўрсаткичи ҳисобланади; хатолар квадрат йиғиндиси, Дарбин-Уотсон мезони ўртача қийматидан, кўплаб детерминация коэффициентидан ва ҳ.к.дан четлашиш квадратлари йиғиндиси ҳисобланади. Олинган боғлилик, таъсир этувчи омиллар ва кўрсаткичлар режавий қийматлардан истиқболдаги мутахассислар билан тўйинганлик қиймати белгиланади.

Учинчи босқичда мутахассисларга тармоқ эҳтиёжи белгиланади.

Тўртинчи босқичда ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш меъёрлари тасдиқланади.

Вазирликлар, тасарруфдаги муассасалар учун мутахассислар билан тўйинганлик меъёрларини ҳисоблашда соҳанинг мутахассисларга эҳтиёжига сезиларли таъсир этувчи омил сифатидаги бир қатор, яъни йил бўйича вазирликнинг қуйидаги техникавий-иқтисодий кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин:

x_1 — сўнгги маҳсулот бўйича меҳнат унумдорлиги, сўм;

x_2 — ишчилар меҳнатини механизацияланганлик даражаси, %;

x_3 — тайёрланаётган маҳсулот мураккаблиги (уйғунлашган қисмлар солиштирма салмоғи), %;

x_4 — ялпи маҳсулот бўйича фонд қопланиши, сўм;

x_5 — маҳсулот фонд сиғими, сўм;

x_6 — маҳсулот фонд сиғими, сўм;

x_7 — меҳнатнинг фонд билан таъминланганлиги, сўм;

x_8 —маҳсулотнинг сермеҳнатлиги (иш ҳақи юқорилиги), сўм;

x_9 — муҳандислик соҳаси мутахассислари билан тармоқнинг тўйинганлиги;

x_{10} — олий сифат маҳсулот улуши, %;

x_{11} — илмий асосланган меъёр солиштирма улуши, %;

x_{12} — тадбиқ этилаётган ИТЛ ва қайта тиклаш ишларининг ҳажми;

x_{13} — меҳнатнинг автоматлаштирилганлик даражаси, %;

x_{14} — ишлаб чиқаришнинг жамланганлик даражаси, %;

x_{15} — ихтисослашиш даражаси, %;

x_{16} — банд бўлганлар умумий миқдоридаги ишчилар солиштирма миқдори, %;

x_{17} — ҳар йили жорий этилаётган янги технологик ва техникавий тадбирлар сони, дона;

x_{18} — жонли меҳнат умумий хажмида қўл меҳнати улушининг пасайиш фоизи, %;

x_{19} — сўнгги маҳсулотнинг энергия талаб этиши, кВт /сўм;

x_{20} — мутахассислар умумий миқдоридаги мухандислар улуши, %;

x_{21} —ишлаб чиқариш асосий фондлари фаол қисмининг солиштирма улуши, %;

x_{22} — ишлаб чиқариш асосий фондларининг ўсиши, сўм;

x_{23} — ишлаб чиқаришнинг такомиллашиш даражаси;

x_{24} — банд ходимлар ўртача маълумот даражаси, киши/йил таълим;

x_{25} — банд ходимлар ўртача малакавий даражаси (битта ишчига олганда ўртача тариф тоифаларида);

x_{26} — ақлий меҳнат солиштирма улуши, %;

x_{27} — банд ходимлар ўртача иш ҳақи, сўм;

x_{28} — ишларнинг навбатлилиги;

x_{29} — фойда, минг сўм;

x_{30} — самаралилик, % да;

x_{31} — банд ходимлар сони.

Ишлаб чиқаришнинг санаб ўтилган кўрсаткичлари мутахассисларга талабни башоратлашда ҳар бир тармоқни белгиловчи омиллар ҳисобланади ва барча тармоқлар бўйича тўйинганлик даражасига таъсир этади. Қисқа муддатли даврга бўлган мутахассисларга талабни белгилашни қуйидан юқори томон олиб бориш мақсадга мувофиқдир, яъни ишни корхона ва ташкилот миқёсида бошлаш ҳамда вазирлик тасарруфидаги муассаса миқёсида якунлаш лозим. Ишни бундай ташкил этишда корхона ва ташкилотда амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар *тўғрилигини текшириш, меҳнат бўйича режалар билан ҳисоб*-китобларни балансга мослаб ривожланишни ҳамда мутахассисларга талаб бўйича ҳисоб-китоблар мувофиқлигини белгилаш

зарур. Узоқ муддатга мутахассисларга бўлган талабни белгилашда тўла тарзда эътиборни вазирлик (тасарруфдаги муассаса)га қаратиш керак. Бу ишга минтақавий бошқарма, бирлашма, шунингдек, тармоқ илмий-тадқиқот ташкилотлари (Макроиқтисодиёт ва Статистика вазирлиги, Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазирлиги)ни жалб этиш зарур.

Мутахассисларга талабни белгилаш бўйича ишларни ташкил этишнинг аниқ тартиби ҳар бир вазирлик (тасарруфдаги муассаса) томонидан, аввало, тармоқни бошқаришдаги ўзига хослигидан келиб чиқиб белгиланади.

Айрим мутахассисликлар бўйича вазифаларни бажариш натижасида қуйидаги математик модул олинади, унинг асосида 2000, 2001, 2006 йилларда башоратнинг қуйидаги назарий модели бўйича мутахассисларга бўлган тармоқ талабининг тузилиши башоратланди:

$$У\ 2000 = 16{,}9275 + 0{,}6657 * X1 + 0{,}2141 * X4 + 0{,}0038 * X29 \quad (1)$$

$$У\ 2001 = 10{,}4189 + 0{,}6023 * X1 + 0{,}3148 * X4 + 0{,}0033 * X29 \quad (2)$$

$$У\ 2006 = 8{,}3464 + 0{,}5684 * X1 + 0{,}4148 * X4 + 0{,}0087 * X29 \quad (3)$$

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳалар учун 2000-2006 йиллар учун бошқа белгиловчи омиллар билан назарий модел олинди:

$$У2001 = 23{,}8948 + 0{,}0387\ 8\ X24 + 0{,}4845\ 8\ X31 \quad (4)$$

$$У\ 2010 = 22{,}1346 + 0{,}0311 * X\ 24 + 0{,}5846 * X31 \quad (5)$$

$$У2015 = 18{,}3464 + 0{,}0248 * X224 + 0{,}6358 * X31 \quad (6)$$

Кўрсаткич У га қуйидаги омиллар анча сезиларли таъсир ўтказади: ишлаб чиқариш соҳасида — меҳнат унумдорлиги (X_1), фонднинг қопланиши (X_4), сотишдан олинадиган фойда (X_{24}) ва банд ходимлар сони (X_{31}).

Башоратловчи моделлар натижалари бўйича банд иқтисодчилар сони динамикасига таъсир этувчи жиддий омиллар асосида 31 омилдан иқтисодий-статистика мезонлари (Фишер) бўйича 5 тасигина энг муҳим бўлиб чиқди. Шу муносабат билан кўп омилли таҳлилга қўшимча тарзда истиқбол учун башоратлашга Брауннинг экспоненциал усулини ва Бокс ҳамда Женкинсларнинг ҳар хиллик тенгламаси усулини тадбиқ этиш таклиф этилади. Бу усуллар модификацияланган тарзда тармоқнинг ҳам ўтмишдаги, ҳам истиқболдаги ривожланиш

томонини ҳисобга олиш имконини беради. Шунинг учун уларни «соф вақт»ли экстрополяция билан айни бирдек деб бўлмайди. «соф вақт»ли экстрополяция, тўйинганлик малакавий ва касбий тузилма фақат вақтга боғлиқ ҳолда кўриб чиқилса, истисно тарзда қўллаш учун тавсия этилади — фақат тадқиқ этилаётган даврда сакраб-сакраб ривожланиш жараёни бўлмаганда қўллаш мумкин. Бу усул анча содда бўлиб, юқори даражада аниқликка даъво қилмайди, чунки бунда асосланган ҳисоб-китоблар ишлаб чиқариш тузилиши ўзгаришини ва ўтган даврдаги ишчилар жами сонини акс эттиради ҳамда кўриб чиқилаётган даврда бу кўрсаткичлар ривожини ҳисобга олиб бўлмайди.

Таълим муассасаси миқёсида мутахассис-иқтисодчиларга талабни белгилашда ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Республикадаги иқтисодчиларнинг солиштирма салмоғи мутахассислар тайёрлаш умумий миқдори ривожланган чет мамлакатлардагидан паст. 2002 йилда мутахассислар тайёрлаш умумий миқдори бўйича Ўзбекистондаги иқтисодчилар солиштирма салмоғи 6,1% га тенг бўлди. МДҲда — 7,2% бўлса, АҚШда — 4,3%, Германияда — 21,9%. Муҳандислик ихтисосликлари бўйича аксинча, бунда ОТМларда муҳандислик бўйича мутахассислар тайёрлашда юқори унумли МДҲ мамлакатларига тўғри келади: 1990 йилда бу мамлакатлардаги кўрсаткич 44,0% ни ташкил этади, АҚШда — 9,0%, Буюк Британияда — 15%, Японияда — 19%, Францияда — 13%, ГФРда — 18%. Бу шундай далолат беради, иқтисодчи мутахассисларга тааллуқли лавозимлар миқдори корхоналар техникавий таъминоти ўсиши билан ошиб боради, мухандислик ихтисосликлари камаяди. Истиқболда шахсий компьютерлар барча туридан ва иқтисодий-математик моделлаштириш усулларидан моҳирона фойдаланадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг аҳамияти ошади

Мутахассис-иқтисодчиларга бўлган тармоқлар талабини баҳоратлаш иқтисод тармоқлари ривожини ҳисобга олиб ўтказилган. Бунда қуйидаги маълумотлардан фойдаланилади:

— иқтисодни интенсификациялашни ҳисобга олиб, унинг тармоқлари ривожланиш истиқболи;

— иқтисод тармоқлари бўйича банд ходимларнинг истиқболдаги миқдори;

— фан ва техниканинг устувор йўналишлари бўйича республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожи;

— тармоқларнинг мутахассислар билан таъминланганлиги ва олий маълумот талаб этмайдиган лавозимларда ишлаётган, шунингдек, иш жойларида ишлаётган мутахассисларнинг борлиги;

— ҳар бир тармоқнинг ривожланишини ҳисобга олиб, техника ОТМларидаги факультетлар ва ОТМлар моддий-техника негизини ривожлантириш;

— қувватларнинг кенгайишига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга тармоқларнинг мутахассисларга қўшимча талабнинг ва иқтисод тармоқларида ишловчи мутахассисларга тақсимлаш;

— мутахассислар тайёрлашнинг тўлов-контракт шаклини жорий этиш.

Иқтисод бўйича мутахассисларга тармоқнинг кафедра миқёсидаги талаби ҳар бир муайян ихтисослик ёки йўналиш тармоқ ва ижтимоий-иқтисодий ўзига хосликларини ҳисобга олиб белгиланади. Кафедра миқёсида республика вилоятлари ва минтақалари бўйича муайян ихтисосликларнинг камчилиги анча аниқ баҳоланади. Муайян йўналишдаги ихтисослик бўйича талабни кафедра томонидан белгилашда хўжалик юритувчи ва раҳбар ходимлар сўрови социологик анкетасини ишлаб чиқиш лозим. Тайёргарлик босқичида режалаштирилаётган ва башоратланаётган даврдаги мутахассис-кадрларга талабни белгилаш учун *барча зарур статистик ахборотларни* йиғиш масаласи ҳал этилади.

Кўрсатилган усул бўйича мутахассис кадрларга умумий талаб ҳар бир тармоқ ва тармоқча бўйича сўнгги режалаштирилаётган ва ҳар бир кейинги даврга кадрлар билан таъминланганликнинг тасдиқланган меъёрига мос тарзда ходимлар сонини камайтириш йўли билан белгиланади.

Мутахассислар билан таъминланганлик меъёри фақат кафедра тайёрлайдиган ихтисосликлар бўйича кўпайиш ёки камайишга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиб бандлар сонига мувофиқ белгиланади.

Мутахассисларга қўшимча талаб тенглама (9) бўйича ҳисобланади. Лавозимлар ўсиши туфайли (Ў) мутахассисларга талаб мазкур йил охири ва ўтган йил охирида мутахассислар билан тўлдириладиган лавозимлар миқдори ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади, яъни:

$$Л = М_1 - М_t - I \qquad (7)$$

бунда M_1 — мутахассислар эгаллайдиган лавозимлар миқдори.

Табиий кетиш ўрнини тўлдириш учун мутахассисларга қўшимча талаб ўтган йил охиридаги мутахассисларга бўлган умумий талабни мутахассислар табиий кетиши ўртача коэффициентига кўпайтириш йўли билан белгиланади. Мутахассислар табиий кетиши деганда нафақага кетиш ва вафот этиш тушунилади. Олий маълумотни талаб этмайдиган иш ўринлари ва лавозимларда фойдаланиладиган мутахассислар кўрсаткичлар ҳисоб-китобидан чиқарилади. Жорий режалаштиришда мутахассисларга бўлган умумий ва қўшимча талабни лавозим-номенклатура усули қўлланади. Ҳисоб-китоб усули лавозим жадвали, олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар билан алмаштирилиши керак бўлган мутахассислар миқдори нормативи, мутахассислар меҳнат нормативлари ва тегишли вазирлик томонидан тасдиқланган ходимлар миқдори бўйича лимитларни қўллашга асосланади.

5.3. Таянч атамалар ва иборалар

1. ИҚТИСОД

АКТИВЛАР — баланс активида бўлган, қийматга эга ва хўжалик юритувчи субъект мулкини ташкил этувчи барча нарсалар.

АКЦЕПТ — тўловга розилик ёки тўловнинг кафолати.

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ — хўжалик фаолиятини уни самаралилигини ошириш мақсадида ўрганиш.

ИЖАРА — бир томоннинг иккинчи томон — ижарага олувчига мулкни вақтинча эгалик қилиши, фақтинча фойдаланиши ёки вақтинча ишлатиши учун ижара шартномаси бўйича бериши.

АУКЦИОН — товарларнинг айрим турларини сотиш усули.

КИРИМ ВА ЧИҚИМЛАР МУТАНОСИБЛИГИ — молиявий режа қисмларидан бири, молиявий-хўжалик фаолияти натижаларининг пул шаклидан иборатлилиги.

БАНК — кредит ташкилоти, Марказий банк лицензиясига кўра банк операцияларини амалга ошириш бўйича мутлақ ҳуқуқга эга.

МУВОЗА (бартер) — мол айирбошлаш.

БЮДЖЕТ — давлат ҳокимияти идоралари фаолиятини таъминлаш учун, давлат томонидан белгиланган мақсадларга

эришиш учун пул маблағларининг юзага келиши ва сарфланиши.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ — пул ресурслари умумдавлат фондининг ташкил топиши ва фойдаланилишининг асосий молиявий режаси.

ЯЛПИ ДАРОМАД — ҳисоб рақамига келиб тушадиган пул маблағидан иборат, маҳсулотларни сотишдан келадиган тушумдан келиб чиқиб белгиланадиган хўжалик фаолиятининг сўнгги натижаси.

ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ — макроиқтисодий кўрсаткичларни умумлаштирувчилардан бири, мамлакат ичида йил мобайнида тайёрланган сўнгги маҳсулот қиймати жамини ифода этади.

ВАЛЮТА — сотилган товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳисоб-китоби учун товар (иш, хизмат) бирлиги қиймати миқдорини белгилашда фойдаланиладиган пул бирлиги.

БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАҚСАДЛИ ФОНДЛАР — давлат ва минтақавий фондлар мақсадли пул маблағининг алоҳида бир тури.

ГОНОРАР — пул тарзидаги ҳақ.

ДАВЛАТ БУЮРТМАЛАРИ — давлат эҳтиёжини таъминлаш учун муайян товар-моддий қимматдорликларга буюртмалар.

ГРАНТЛАР — грант берувчилар кўзда тутган шартлар асосида муайян мақсадларга беғараз ва қайтармаслик асосида қайта сотиладиган пул ва бошқа воситалар.

ДЕБИТОР — қарздор.

ПУЛ АКТИВЛАР — пул маблағи жами миқдори.

ТАҚЧИЛЛИК (дефицит) — маблағ етишмовчилиги.

БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИ — бюджет чиқимларини киримлардан ошиб кетиши.

ШАРТНОМА — бир ёки бир неча шахс келишуви.

САРФЛАР — моддий, меҳнат, молия, табиий ва бошқа ресурслар сарфи.

МОЛИЯВИЙ РИСК ЗОНАСИ — эҳтимоли бор йўқотишлар даражаси бўйича молиявий рисклар гуруҳи (тўрт зонаси маълум: рисксиз, йўл қўйилган риск зонаси; танг риск зонаси; ҳалокатли риск зонаси).

СОЛИҚЛАР ИНДЕКСАЦИЯСИ — даромад солиғи айрим унсурларининг баъзи мамлакатларда истеъмол товарлари ва

хизматлар нархи ошиши расмий индексациясига, иш ҳақи ва бошқа шахсий даромадлар индексига боғлиқ ҳолда қўлланадиган ўзгартишлар (солиққа тортилмайдиган минимум, имтиёзлар, чегирмалар).

НАРХ ИНДЕКСАЦИЯСИ — меҳнатчилар ижтимоий муҳофазасини кўпайтириш мақсадида иш ҳақи, пенсия, стипендияларга дотация бериш йўли билан аҳоли (айниқса камхарж фуқаролар) йўқотадиган пулларини муайян даражада қоплаш мақсадида истеъмол товарлари ошган нархларига ҳар йилги ажратмалар.

МОДДИЙ-ТЕХНИКА НЕГИЗИ — иқтисодда, ишлаб чиқариш — ишлаб чиқариш воситалари моддий, ашёвий унсурларининг мажмуи. Булар иқтисодий жараёнда қўлланиши мумкин. Иқтисоднинг моддий техника негизи инфратузилмалар асосий ва ёрдамчи тармоқларини ажратиб, тармоқ тузилмасини ўз ичига олади. Корхона учун моддий-техника негизи таркибий қисмларни, яъни ишлаб чиқариш майдонлари ва уларнинг мослаштирилганлигини, ускуналар парки мулдати (ёши)ни, мавжуд моддий ресурсларнинг ишлаб чиқариш дастурига мослашганини англатади.

КРЕДИТ — пул ёки товар шаклидаги ссуда.

КРЕДИТОР — кредит берувчи жисмоний ёки юридик шахс.

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ — муниципал тузилма бюджети, унинг шаклланиши, тасдиқланиши ва фойдаланиши маҳаллий ўз-ўзини бошқарув идораси томонидан амалга оширилади.

МОНЕТАРИЗМ — давлатнинг пул-кредит сиёсати.

МОНИТОРИНГ — айрим жараёнлар, шунингдек умуман табиий ва ижтимоий муҳит аҳволини кузатиш, башоратлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш.

МОДДИЙ ЁРДАМ — корхона, муассасанинг эҳтиёжманд ходимлари, бошқа шахсларга ашёвий ёки пул тарзида кўрсатиладиган ёрдам.

МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ — кишилар руҳини кўтариш иқтисодий шакл ва усуллари кенг мажмуининг шартли номи, инсоннинг меҳнатига тўланадиган пул миқдори ошиши, қўшимча пул мукофоти, ашёвий тақдим (совға)лар олиш, бошқа кўмак (хизмат кўрсатиш, масалан, транспортда текинга юриш, дам олиш учун ва б.га текинга ёки бир қисми тўланадиган йўлланма) беришдан, моддий манфаатдорликдан фойдаланишга асосланган бўлади.

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ МОДДИЙ ТЕХНИКА НЕГИЗИ — таълим муассасасига биркитиб қўйилган, мулкка эгалик ҳуқуқи асосида унга тегишли бўлган бино, иншоот, мулкий мажмуа, жиҳозлар ва ускуналар, ижтимоий, маданий ва бошқа хил мулк.

УСУЛ — муайян мақсадга эришиш йўли, борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш йўсин ва жараёнларининг мажмуи. Фан соҳасида усул билишнинг йўли, бу йўлни тадқиқотчи ўз объекти томон очади; универсал усул йўқ, бундан ташқари, ҳар бир фан, ҳар бир муаммо ўз усулини талаб қилади.

УСУЛИЁТ — 1) бирор ишни мақсадга мувофиқ олиб бориш йўсинларининг мажмуи: 2) педагогика фани соҳаси, муайян ўқув фанини ўқитиш қонуниятлари, қоидалари, усул ва йўсинларини тадқиқ этади.

МОДЕЛЛАШТИРИШ УСУЛИ — илмий маълумотлар нуқтаи назаридан ташкилот идеал моделини ва педагогик жараён ёки унинг бирон бир қисми фаолияти шароитларини яратиш. Айрим хусусий педагогик шаклларни, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш ва эксперимент қилиш жараёнида моделлаштириш мумкин бўлади. Моделлаштириш усули ўқув режасини ишлаб чиқишда, таълим ёки ишлаб чиқаришни ташкил этишда, тарбия дастури ва тартибни тузишда тадбиқ этилади.

ЖАМҒАРИШ — маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқариш омиллари (ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучлар)ни ошириш учун фойдадан фойдаланиш.

СОЛИҚЛАР — давлат марказий ва ҳокимият маҳаллий идоралари томонидан ундириладиган мажбурий тўловлар.

МИЛЛИЙ ДАРОМАД — йил мобайнида янгидан юзага келтирилган нархга эга ижтимоий маҳсулот мажмуининг бир қисми.

БОҚИМАНДА — солиқ тўловчи томонидан тўланмаган солиқ ёки йиғим миқдори.

НОРЕЗИДЕНТЛАР — республикадан ташқарида доимий яшаш жойига эга бўлган жисмоний шахслар.

ТУЗИЛМА — иқтисоднинг тармоғи, мамлакат хўжалиги. Таълим тарбия, билим бериш, ўқув адабиётлари чиқариш, ўқитувчи кадрлар тайёрлашда банд бўлган ташкилотлар, муассасалар, корхоналарни ўз ичига олади.

ТАЪЛИМ ВАУЧЕРЛАРИ — давлат томонидан ўқувчиларнинг ота-оналарига ундан таълим учун тўлов сифатида фойдаланиш учун бериладиган пулли сертификатлар.

ОФФШОР ЗОНА — солиққа тортиш даражаси паст бўлган зона.

ПАССИВ — бухгалтерия балансининг ўнг қисми, юридик *шахс (ташкилот, фирма, корхона)*нинг маблағи шаклланувчи манбани акс эттиради.

МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИК ЧЕГАРАСИ — бозорнинг ноқулай коньюктурасида товарлар сотиш хажмининг йўл қўйиш мумкин бўлган пасайиш даражси.

ФОЙДА — тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади амалга ошириладиган ташкилот ишларининг якуний кўрсаткичи.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — ишлаб чиқариш воситасини давлат тасарруфидан чиқариш жараёнининг бир қисми, мулкни хусусий ва акциядор компанияларга ёки айрим жисмоний шахсларга мулк қилиб бериш.

РЕЗИДЕНТЛАР — республикада доимий яшаш жойига эга бўлган жисмоний шахслар.

БОЗОР — 1) товарлар ва хизматлар олди-сотдиси бўладиган, савдо битимлари тузиладиган жой; 2) товарлар ва хизматлар айирбошлаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар, бунинг натижасида талаб, таклиф ва нарх шаклланади. Бозор тузилиши ҳаддан ташқари хилма-хил (ишлаб чиқариш воситалари, *кўчмас мулк, истеъмол моллари ва хизмат, ахборот ва* ақлий меҳнат маҳсулотлари, инновация, қимматдор қоғозлар, меҳнат ва ҳ.к.лар бозори).

МЕҲНАТ БОЗОРИ — ишчи кучга талаб ва таклифларнинг *шаклланиш соҳаси*. Меҳнат бозори ишчи меҳнатда бўлган ўз лаёқатининг эгаси бўлган тақдирдагина мумкин бўлади: муайян муддатга ишчи кучни сотиш меҳнат бозори орқали амалга ошади. Меҳнат бозорида муайян ихтисосликка ва малака даражасига эга ходимларга жорий ва истиқболдаги талаб тузилиши касбий йўналишдаги таълим хизмати тузилишини режалаштириш учун асос ҳисобланади.

БОЗОР ИҚТИСОДИ — эркин тадбиркорлик, мулк турли шакллари, нархнинг бозорда шаклланишига, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатлар, давлатнинг хўжалик фаолиятига аралашуви чекланганлиги тамойилларига асосланган иқтисод.

БОЗОР ИҚТИСОДИ ВА ТАЪЛИМ — ривожланган меҳнат тақсимоти, айрим ишлаб чиқарувчилар ва улар ўртасидаги товар-пул муносабатлари иқтисодий ўзига хосланганлигига асос-

ланган хўжалик уклади шароитларида таълимнинг амал қилиши ва унинг ривожи билан боғлиқ муаммолар мажмуи. Бозор иқтисодиёти таълим учун қуйидаги муҳим хусусиятларга кўра тавсифланади: шахслар ўртасидаги муносабатнинг прогматиклиги; маланиятнинг тижоратлашуви. Таълим тизими олдида икки ёқлама муаммо туради: бир томондан, ишбилармонлик, ваколатлилик, ташаббускорлик, ижтимоий сафарбарлик сингари шахсий сифатларни биринчи ўринга қўювчи бозор иқтисодиёти талаблари ўзанида ҳаракат қилиш лозим, иккинчи томондан, унга хос салбий йўналишларга қарши ҳаракат қилиш, уларни бартараф этиш, инсоннинг маънавияти, аҳлоқи ва хулқ атворини бойитиш, эмоционал ва маданий ривожлантириш учун кенг имкониятлар бериш.

ХУСУСИЙ МУЛК — ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш жараёнида одамлар ўртасидаги тарихан ўзгарувчи объектив муносабатлар тизими, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол ашёларини ўзлаштиришни тавсифлайди.

СТАГНАЦИЯ — иқтисоддаги турғунлик.

СУҒУРТА — муайян ҳодисалар юз берганда (суғуртавий ҳолларда) жисмоний ва ҳуқуқий шахслар мулкий манфаатларининг ҳимояси.

СУБСИДИЯ — ҳуқуқий шахслар ёки жисмоний шахсларга, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларига ва бошқаларга пул ёки натура тарзида давлат бюджети, маҳаллий бюджет ёки махсус фонд маблағидан бериладиган нафақа.

ТАРИФ — 1) турли хизматлар учун тўлов миқдорини белгиловчи ставка тизими; 2) бюджет ташкилотлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ставкаси тизими.

ЖОРИЙ ҲИСОБ — 1) банкдаги ҳисоб тури, пул маблағини сақлаш ва Ўзбекистонда ҳисоб-китобларни юритишда фойдаланилади, бюджет ташкилотлари ва муассасалари ҳисоб-китоб ва бюджетдан ташқари ҳисоблар бўйича операцияларни амалга ошириш учун, шунингдек, тижорат ташкилотлари бўлими турли жамоатчилик ташкилотлари ва фондлар томонидан шундай ҳисоблар очилади; 2) жисмоний шахслар учун банкларда очиладиган ҳисоблар.

УСТАВ ФОНДИ — унитар (бирлашган) корхоналар устави капитали шакли.

МОЛИЯЛАШ — мамлакат, минтақалар, корхоналар бутун хўжалигини, тадбиркорлар, фуқаролар, шунингдек, турли иқтисодий ластурлар ва иқтисодий фаолият турларини зарур

молиявий ресурслар билан таъминлаш. Молиялаш ўзини, ички манбалар ва ташқи манбалардан амалга оширилади, бюджетдан ажратиш кредит маблағ, чет эл ёрдами, бошқа шахслар бадали тирзида бўлади.

ВЕНЧУР МОЛИЯЛАШ — юқори даражали риск билан боғлиқ молиялаш. Венчур молиявий капитал одатда янги техника, технология, ишлаб чиқариш янги турини ўзлаштиришга қўйилади.

ИККИНЧИ БОСҚИЧНИ МОЛИЯЛАШ — ташкил этиб бўлинган янги компанияни қўшимча молиялаш, устав капитали иккинчи қисмидаги таъсисчилар бадали.

МОЛИЯВИЙ ҚАМАЛ — қамал қилинган мамлакат билан молиявий муносабатларни тўхтатиш ёки чеклаш, бу унга иқтисодий тазйиқ ўтказиш мақсадида амалга оширилади.

МОЛИЯВИЙ ГУРУҲ — умумий мақсад ва манфаат асосида ўз молиявий ресурсларини бирлаштирган бир неча корхона, ташкилот, шахсдан иборат гуруҳ. Молиявий ресурсларни бирлаштириш катта хажмда инвестициялаш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, монопол мавқега эришиш, уни мустаҳкамлаш мақсадларида амалга оширилиши мумкин.

МОЛИЯВИЙ ИНТИЗОМ — молиявий муносабатларда қатнашувчиларнинг барчаси учун молиявий фаолиятни тўловлар, ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг мажбурий таркиби.

МОЛИЯВИЙ УЙҒУНЛАШИШ — солиқ тизими, бюджет таснифи, бюджет жараёни, давлат харажатлари, минтақавий гуруҳларга кирувчи давлатлар сиёсатини янада уйғунлаштириш мақсадларида амалга ошириладиган тижорат банклари фаолиятини марказий банклар томонидан қилинадиган назорат тизимини мувофиқлаш ва мослаштириш жараёни.

МОЛИЯВИЙ САРОСИМАЛИК — кишилар бир вақтда ва зудлик билан кредит тизими (банклар)да депонентланган пулларини уларда нақд пул бўлмаган вақтда олишга интиладилар. Кишиларнинг бундай ҳаракати банклар ва бошқа молиявий институтларни банкротга олиб келади. Молиявий саросималик омонатлар, маблағи депонентланган муассасалар молиявий аҳволи ҳақидаги аниқ ёки сохта бўлган ахборотлар туфайли юзага келиши мумкин.

МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ — давлат, ҳукумат иқтисодий сиёсатининг бир қисми: давлат молиявий ресурсларидан фойдала-

нишда, кирим ва чиқимларни тартибга солишда, давлат бюджетини шакллантириш ва ундан фойдаланишда, солиқ билан тартибга солишда, пул муомаласини бошқаришда, миллий валюта курсига таъсир этишда намоён бўладиган йўналиш.

МОЛИЯВИЙ ТИЗИМ — давлат молиявий фаолияти ва молиявий муносабатларини тартибга солувчи қонунлар, қоидалар, меъёрлар мажмуи (пул тизими, молиявий муассасалар тизими).

МОЛИЯВИЙ МЕНЮ — ривожланаётган мамлакатларнинг қарздорлик муаммоларига нисбатан ёндашув. Бунда қарздор ва кредиторлар қарздорлик билан боғлиқ молиявий муаммоларни ҳал қилишда фойдаланадиган турли хил талқинлардан фойдаланадилар.

МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТ — биржа мижозининг ҳисоб рақамидаги пул миқдори, бунда фойда ва зарар ҳисобга олинади, аммо очиқ контракт ва шу контрақат бўйича комиссия томонидан улар тугатилганда олинади.

МОЛИЯВИЙ АҲВОЛ — давлат, минтақа, корхона, фирмалар, тадбиркорлар, оилалар — иқтисодий субъектларнинг молиявий ҳолати. Булардаги мавжуд молиявий ресурслар, пул маблағи билан таъминланганлик, ишлаш ва яшаш учун меъёрий шароит, бошқа субъектар билан пул ҳисоб-китобларини олиб боришлик билан тавсифланади.

МОЛИЯВИЙ МУАССАСАЛАР — мамлакат молиявий тизимига кирувчи ташкилотлар, муассасалар. Булар молиявий ресурслар билан операцияларни амалга оширади, молиявий алоқа ва муносабатларни тартибга солади (молия фондлари, банклар, суғурта компаниялари, давлат молия муассасалари).

МОЛИЯ-КРЕДИТ ИНСТИТУТЛАРИ — кредитлаш, қўйилмаларни депонентлаш, ҳисоб рақамларини юритиш, валюта ҳамда қимматдор қоғозлар, молия хизмати кўрсатиш ва б. бўйича молиявий операцияларни амалга ошириш учун ваколатли бўлган давлатга қарашли, хусусий, тижорат ташкилотлар. Банклар асосий молия-кредит институтлари ҳисобланади, лекин молиявий компаниялар, инвестиция фондлари, омонат кассалар, нафақа фондлари, биргаликдаги фондлар, суғурта компаниялари ҳам шулар қаторига киради.

МОЛИЯВИЙ ИННОВАЦИЯ — фирмалар молиявий активларнинг янги турлари ёки компания молия ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини берувчи амалдаги активлар

янги операциялари билан битимларни амалга ошириш мақсадида қўйиладиган усулар.

МОЛИЯВИЙ ВОСИТАЛАР — молиявий ҳосиланинг ранг-баранг (бозор) тури: қимматдор қоғозлар, пул мажбуриятлари, валюта, фьючерслар, операциялар ва б.

МОЛИЯВИЙ КОМПАНИЯЛАР — кредитлаш, турли хил кредитлар бериш, аввало, истеъмолчи инвестициявий кредит бериш тарзида молия операцияларини амалга оширувчи юридик шахслар, фирмалар. Молиявий компаниялар бу мақсадда жисмоний ва ҳуқуқий шахслар молиявий маблағларини жалб этадилар.

Молиявий компаниялар, банкларнинг бир қатор вазифаларини амалга оширганлари билан банкларга, молиявий ташкилотларга нисбатан бирмунча ишончсиз ҳисобланадилар, лекин, омонатлар бўйича юқори фоизлар беришга қобил.

МОЛИЯВИЙ МАЖБУРИЯТ — корхоналар, компаниялар ва фирмаларнинг молиявий-шартномавий муносабатлар асосидаги мажбурий тўловлари, ҳисоб-китоблари.

МОЛИЯВИЙ МУНАСОБАТ — иқтисодий алоқалар, бирга-ликдаги ҳаракат, пул шаклдидаги муносабатлар.

МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР — фирмаларнинг молиявий фаолияти кўрсаткичлари: пул жамғармларидан ва фондларидан фойдаланиш, таълим билан боғлиқ фаолият турли томонларини тавсифловчи маълумотлар.

МОЛИЯВИЙ ТАНГЛИК — давлат молия пул тизимидаги чуқур издан чиқиш. Бунда бюджет даромади билан чиқим ўртасида кескин фарқ вужудга келади, миллий пул бирлиги барқарорлашади, қадри кескин пасаяди, иқтисодий субъектлар ўртасидаги ўзаро тўловларга қобиллик йўқолади, пул масаласи муомалада давлат пул муомаласи қонуни талабларига жавоб бермай қолади.

МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМ — хўжалик механизмининг таркибий қисми, иқтосодий жараёнлар ва муносабатларни бошқаришнинг молиявий рағбатлантирувлар, воситалар, усуллар, шакл ва йўсинлари мажмуи. Молиявий механизм ўз ичига, аввало, нархларни, солиқларни, тўловларни, имтиёзларни, жарималарни, жазо чораларини, дотация, субсидия, банк кредит ва депозит жараёнини, ҳисоб-китоб ставкасини, тарифларни олади.

КОМПАНИЯ (ФИРМА)НИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИ — жаҳондаги кўпгина мамлакатлар қонунчилигида кўзда тутил-

ган молиявий ҳисоботнинг мажбурий шакли. Молиявий ҳисоботда, одатда, ҳисобот давридаги компаниянинг баланси, компаниянинг фойдаси ва зарари ҳақидаги маълумот. компания раҳбарининг маърузаси-ҳисоботи бўлади. Молиявий ҳисобот акциядорлар йиғилишида кўриб чиқиш учун ва давлат молия идоралари талаби бўйича тақдим этилади.

МОЛИЯВИЙ «РИЧАГ» — ўз капитали ва қарз эвазига молиялаш ҳисобига фойда даражасига атрофлича таъсир этиш.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБГА ОЛИШ — пул маблағи ҳаракати, нақд пул ва молиявий ресурсларни ҳисобга олиш, бухгалтерия ҳисоб-китоби бунинг асосий қисми ҳисобланади.

МОЛИЯ — (фр. finance, лот. financia — нақд, даромад) — умумий маънода қўлланувчи термин бўлиб, пул маблағи молиявий ресурсларни англатади. Буларнинг юзага келиши, ҳаракатланиши, тақсимланиши ва қайта тақсимланиши, фойдаланиши ва иқтисодий муносабатларни билдиради. Мазкур жараёнлар эса хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, пул маблағининг ҳаракати, пул муомаласи ва пулдан фойдаланиш билан боғлиқдир.

МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ — муайян мақсадларга эришиш учун қаратилган молиявий соҳадаги тадбирлар мажмуи.

МОЛИЯВИЙ МЕЪЁР ВА МЕЗОНЛАР — макро- ва микроиқтисодий манфаатлар уйғунлиги ёки улар ҳар бирининг алоҳида манфаатлари асосида муайян шароитлардан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган у ёки бу кўрсаткичларнинг аҳамияти.

МЕҲНАТ ҲАҚИ ФОНДИ — ходимларга тўлаш учун мўлжалланган пул маблағининг хажми.

ФЬЮЧЕРС ОПЕРАЦИЯЛАР (қоғоздаги битимлар) — товарни (мавжуд товарни эмас) олди-сотдиси бўйича ҳуқуқни кўзда тутади

МАҚСАДЛИ БЮДЖЕТ ФОНДИ — бюжет тизимининг унсурларидан бири. Энг устувор йўналишларни молиялаш учун тузилади.

НАРХ — товар (хизматнинг ҳам) пулда ифодаланган қиймати.

СОФ ФОЙДА — муайян вақт оралиғида тижорат ташкилоти олган фойда, бунда солиқлар чегирилган бўлади.

ЛАВОЗИМ ЖАДВАЛИ — корхона мулкининг эгаси, раҳбари ёки юқори идора томонидан тасдиқланадиган доимий

ходимлар лавозим рўйхати, бунда бир турдаги лавозимлар миқдори ва лавозим маошининг хажми кўрсатилади.

ИҚТИСОД — 1) жамият ишлаб чиқариш кучларининг муайян ривожланиш даражасига мос келувчи ишлаб чиқариш муносабатларининг мажмуи; 2) тегишли тармоқ ва ишлаб чиқариш тури кўринишидаги муайян мамлакатнинг умуман халқ хўжалиги ёки унинг бир қисми; 3) илмий фан, соҳа (саноат, қишлоқ хўжалиги) ва тармоқ (машинасозлик, таълим ва ҳ.к.) хўжалигини, уни юритиш усулларини ўрганиш билан шуғулланади.

ТАЪЛИМ ИҚТИСОДИЁТИ — иқтисоднинг таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолият юритиши ва ривожланиши моддий омилларини ўрганувчи соҳаси. Қуйидагилар гадқиқот манбаи бўлади: таълимга қаратилган чиқимлар табиаги, уларнинг тузилиши, миллий даромаднинг таълимга кетаётган оқилона улуши: миллий даромалнинг ўсувидаги таълим тизимининг улуши: таълим муассасаларининг молиявий-хўжалик фаолияти — уларнинг бюджети ва манбалари, сарфлар таркиби, моддий-техника негизи, битта таълим олувчига бўлган чиқим ва ҳ.к.

ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ КЎЛАМ — муайян бирон-бир ҳудуддаги ягона иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирлар мажмуи.

«ЭКОНОМИКС» — инглиз олими А. Маршалл биринчи бўлиб қўллаган термин, аввалги — собиқ иттифоқ давридаги сиёсат «сиёсий иқтисод» — терминининг алмаштирилгани. Талаб ва таклифлар назарияси, бозор мувозанатини ўрганиш, бозор рақобати, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг бозордаги хулқ-атвори унинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Ўзбек тилида бунинг ўрнида оддийгина «иқтисодиёт». «иқтисод назарияси» терминлари қўлланилади.

«ИҚТИСОДЧИ» — инглиз тилидаги ҳафталик журнал. Асосий мавзунни менежмент, бизнес янгиликлари, бизнес мактаби тажрибаси, иқтисодии алоқаларни ривожлантириш ташкил этади.

ИҚТИСОДИЙ МОДЕЛ — борликни соддалаштирилган тасвири, мавҳум умумлашмаси, буларнинг иқтисодий-*математик моделга айлантирилган шакли.*

ИҚТИСОДИЁТ ФАНИ — хўжалик, хўжаликни бошқариш, кишилар ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, кишилар ва атроф-муҳит ўртасидаги ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, маҳсулотни, неъматларни истеъмол қилиш, хизматдан

фойдаланиш тўғрисидаги фан. Иқтисодиёт фани аниқ ва тасвирий фанлар белгиларини ўзида мужассам этади, кўп жиҳатдан эмпирикдир; фан тажрибасига асосланади, ижтимоий, гуманитар фанлар қаторига киради.

ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ — давлат, ҳукумат томонидан юритиладиган фаолият бош йўналиши, иқтисодни бошқариш соҳасидаги тадбирлар тизими, мамлакат манфаати, мақсади ва вазифасига мувофиқ иқтисод жараёнига муайян йўналиш бериш. Инвестиция, молия-кредит, ижтимоий, ташқи иқтисодий, илмий-техникавий, солиқ, бюджет сиёсатини ўз ичига олади.

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ — иқтисодий жараёнлар ва ҳодисалар, хўжалик фаолияти, бир томондан мантиққа, тарихий тажрибага, иккинчи томондан, назарий фикр ва қараш, иқтисодчи-олимлар нуқтаи назарларига асосланган назарий тасаввурлар.

КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ИҚТИСОДИЙ САМАРАСИ — иқтисодий кўрсаткич. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни шуни ишлаб чиқаришга сабаб бўлган капитал қўйилма ҳажмига нисбатан пул тарзида ифодаланадиган ҳисоб-китобда ўлчанадиган иқтисодий кўрсаткич. Капитал қўйилманинг самарасини баҳолашдаги мураккаблик шундаки, пул капитал қўйилган вақтдан маҳсулот ишлаб чиқаргунгача катта муддат (лаг) ўтади, шунинг учун, кўпинча, мазкур капитал қўйилма ишлаб чиқариш ҳажми қанчагача ошганини миқдорий аниқлаш қийиндир.

ИҚТИСОДИЙ ФАОЛ АҲОЛИ — аҳолининг ижтимоий фойда, даромад келтирувчи бир қисми.

ИҚТИСОДИЙ ҚОЧОҚЛАР — иқтисодий тавсифдаги сабаблар билан мамлакатни ташлаб кетувчи кишилар.

Турмушнинг ларажаси пастлиги, ишсизлик, очлик, қашшоқлик ва ҳ.к.лар бунга сабаб бўлади.

ИҚТИСОДИЙ НЕЪМАТ — ишлаб чиқариш йўли билан, иқтисодий фаолият туфайли олинган, иқтисод кишиларга етказган неъматлар.

ИҚТИСОДИЁТ ҚОНУНЛАРИ — тажриба, амалий фаолият асосида ўрнатилган, иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар, муносабатлар ўртасидаги барқарор, аҳамиятли алоқа, боғлиқлиги, миқдори ва кўрсаткичлари билан тавсифланадиган илмий-тадқиқот йўли билан аниқланган қонуниятлар. Гап шундаки, ақлли мавжудот сифатида инсон табиати фақат объектив

қонуниятлар билангина эмас, балки, кишилар субъектив ироласи билан ҳам боғлиқ бўлган унинг иқтисодий хатти-ҳаракатида намоён бўлади. Иқтисодиёт қонунлари жисмоний-лардан фарқли ўлароқ умумийликка эга эмас ва табиат қонунлари ҳисобланмайди. Шунинг учун, иқтисодиёт қонунлари ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш жараён-ларининг умумий, ўзига хос, хоссаси ва белгиларини аниқловчи иқтисодиёт қонунларини қонунлар эмас, қонуниятлар дейиш маъқулдир. Улар мутлақ хусусиятга эга эмас. Айрим кишилар ёки кишилар гуруҳи ўз иқтисодий хатти-ҳаракатида иқтисодиёт қонунлари тақозо этадиган қонунлардан четлашиши мумкин. Шу билан бирга иқтисод қонунларининг мажмуи иқтисод фани томонидан бирдек тарзда белгиланган эмас. Талаб қонуни, таклиф қонуни, пасайиб борувчи даромад қонуни, чегаравий сарфлар ошиб бориши қонуни, истеъмол-нинг ошиши қонуни ва бошқа бир қатор қонунлар борки, бу-лар иқтисодиёт қонунлари ҳисобланади.

ИҚТИСОД КАТЕГОРИЯЛАРИ — иқтисодий фанлардаги муҳим тушунчалар, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар, масалан, қиймат, меҳнат, нарх ва ҳ.к.ларнинг аҳамиятли жиҳатларини акс эттиради.

ИҚТИСОДИЙ МЕЗОНЛАР — молиявий, савдо, ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият унсурлари ўртасидаги боғлиқликни, сарф ҳамда фаолият натижалари нисбатига талабни иқтисодий муносабатларни тартибга солиш мақсадларида ресурсларни тақсимлашнинг унсурлари ўртасидаги боғлиқликни акс эттирувчи кўрсаткичлар.

ИҚТИСОДИЙ РЕСУРСЛАР — хўжалик фаолиятида фой-даланиладиган ишлаб чиқариш ресурсларининг мажмуи, табиий, меҳнат, капитал ресурслар (капитал)ни ўз ичига олади. Молия ресурслари, пул капитали ҳам иқтисодий ресурслар тар-зида қаралади.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР — хўжалик юритиш, иқтисодни бошқариш, иқтисодий сиёсатни амалга ошириш йўллари ва усуллари тизимидаги йирик тузилмалар ва ўзгаришлар. Иқтисодий ислоҳотлар иқтисодий тизим самараси пастлиги аён бўлганда, иқтисодий танглик юз берганда, кишила-рининг эҳтиёжи ёмон таъминланганда, мамлакат ривожла-нишида бошқа мамлакатлардан орқада қолганда ўтказилади. Ўзбекистонда шундай ислоҳотлар мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ (1991 й.) бошланган.

ИҚТИСОДИЙ ДАСТАКЛАР — иқтисодни бошқариш воситалари: ўз ичига нарх ва таърифларни, молиявий-кредит дастаклари, солиқлар, ва ҳ.к.ларни олади. «Дастак» атамасидан объект иқтисодий аҳволини ўзгартирувчи восита, иқтисодда бурилиш ясовчи омилни аташда фойдаланилади. Иқтисодий ричагларнинг турли ёки бир хил кўринишидан умуман иқтисодни тартибга солиш воситаси сифатида ва корхона, фирма миқёсида иқтисодга таъсир ўтказувчи тарзида фойдаланилади. Иқтисодий дастаклар хўжалик механизмининг таркибий қисми ҳисобланади.

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ — иқтисодий аҳволнинг тегишли омилларидан иқтисодий қонуниятларни ажратиб чиқариш, юзага чиқарувчи сабаблар ва таъсир этувчи омилларга боғлиқ тарзда иқтисодий жараёнларнинг содир бўлишини тадқиқ этиш.

ИҚТИСОДИЙ ДУАЛИЗМ — битта иқтисодий тизим доирасидаги ишлаб чиқариш, истеъмол, меҳнат бозорининг бир-бирига халақит берувчи турли усулларнинг мавжуд бўлиши; иқтисоднинг ўтиш даврига хос хусусият.

ИҚТИСОДИЙ ОПТИМУМ — иқтисодий тизимнинг ривожланиши (динамик) траекторияси ёки ҳолати (статик); муайян шароитлар ва аниқ вақтдаги маълум мақсадлардаги энг яхши ҳолати.

ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТ — мамлакат иқтисоди, унинг турмуш тармоғи, корхоналар ва хўжаликларнинг ишлаб чиқариш- иқтисодий фаолият олиб бориш, маҳсулотлар чиқариш, хизмат кўрсатиш, аҳоли эҳтиёжини қондириш, жамият талабини бажариш, ишлаб чиқариш ва истеъмоли ривожини таъминлаш усулларининг мажмуи. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти унинг табиий ресурслари, ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат ва илмий-техникавий салоҳияти, миллий бойлик жамғармаси билан белгиланади.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ — 1) мамлакатдаги ишлаб чиқариш ва истеъмол мажмуи кўламининг ошиши. Бу, аввало, ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад каби Макроиқтисодий кўрсаткичлар билан тавсифланади. Иқтисодий ўсиш шу кўрсаткичларнинг муайян вақт оралигидаги даврдан ўсганлиги ёки ўсиш суръатлари билан ўлчанади (кўрсаткичларнинг давр боши ёки охиридаги нисбати ёхуд кўрсаткичлар ўсишини унинг бошланғич қийматига нисбати); 2) фойдаланилалиган омиллар миқдори ошиши ёки тех-

ника ҳамда технология такомиллашуви натижасида ишлаб чиқариш имконининг ошишини чизма (эгри чизиқ)да кўрсатилиши.

ИҚТИСОДИЙ ТРЕНИНГ — компьютерлашган иш ўйинлари; бошқарув ҳаракатлари самарасини баҳолаш ҳисоб-китобини ўтказиш имконини беради. Айрим ҳолларда трейнинг ҳам ёзилади.

ИҚТИСОДИЙ ДАВР — иқтисоддаги бир қатор йиллар давомида юксалиш ва пасайишнинг мунтазам вақти-вақти билан такрорланиши. Бир неча босқичдан иборат бўлади: кўтарилиш, танглик, инқироз, жонланиш. Вақтга кўра узоқ — 20-25 йилда такрорланувчи, қисқа — 5-10 йилда такрорланувчи даврлар фарқланади.

ТЕЖАМЛИ ИНСОН — шартли умумий тушунча, инсон ҳақида, у оқилона (самарали) фикрловчи, ўз хатти-ҳаракатини максимал фойда олиш тамойиллари асосида режалаштирувчи субъектдир.

ИҚТИСОДИЙ САМАРА — фаолиятдан олинадиган пул даромади билан уни амалга ошириш учун пул чиқими ўртасидаги фарққа кўра ўлчанадиган иқтисодий фаолият.

ТАШҚИ САВДО ИҚТИСОДИЙ САМАРАСИ — импорт бўйича олишга мўлжалланганни ўрнига зарур маҳсулотни мамлакатда ишлаб чиқариш сарфлари ва экспорт товар ўртасидаги сарфлар фарқи. Ташқи савдо кўрсатилган таркиблар фарқи ижобий бўлса, мақбулдир.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТ — келишилган, биргаликда иқтисодий сиёсат юритиш, умумий мақсадларга эришиш, биргаликдаги фаолиятни уйғунлаштириш учун уюшган мамлакатлар гуруҳи.

ИҚТИСОДИЙ САВОДЛИЛИК — хўжалик фаолияти назарий билимлари, иқтисодий алоқалар ва муносабатлар табиатини тушуниш, муайян иқтисодий вазиятни таҳлил қила олиш уқувидан иборат иқтисодий фаолиятда иштирок этишга тайёргарлик.

ИҚТИСОДИЙ АХБОРОТ — ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнлари, тақсимот, моддий неъматларни айирбошлаш ва истеъмоли ҳақидаги ахборот.

ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТ — хўжалик фаолияти қадриятлари ва рағбатлари тизими, мулкнинг ҳар қандай шаклига ва тижоратдаги муваффақиятига катта ижтимоий муваффақият сингари ҳурмат билан муносабатда бўлиш, «баравар-

лаштириш» кайфиятини истисно қилиш, тадбиркорлик учун ижтимоий муҳит яратиш ва ривожлантириш.

ИҚТИСОДИЙ ПСИХОЛОГИЯ — психология бўлими, иқтисодий фаолият субъектининг руҳий ўзига хослигини, индивидлар, гуруҳлар, синфлар, халқлар онгида иқтисодий ҳодисалар акс этишини, шунингдек, шуларга асосланган иқтисодий хулқ-атворни ўрганади. Иқтисодий психология хўжалик фаолияти жараёнида шаклланувчи инсон ва инсоний муносабатлар ҳақидаги фанлараро билимдан иборатдир ва социология, биология, антропология, фалсафа усулларидан фойдаланилади, иқтисодий хулқ-атвор жиҳатларини ўрганади. Иқтисодий психология иқтисодиёт фанидан тадқиқот объекти иқтисодий жараёнлар эмас, балки, аввало, унда қатнашувчи инсонлар эканлиги билан фарқ қилади.

ИҚТИСОДИЙ МАҚСАДГА МУВОФИҚЛИК — меҳнат бозоридаги талабни ҳисобга олган ҳолда ишчилар ва мутахассисларни касбга ўқитувчи таълим муассасаларида тайёрлаш режасининг зарурлиги.

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАҚСАДГА МУВОФИҚЛИГИ — амалга оширилаётган меҳнат жараёнининг иқтисодий таҳлил этилиши мумкинлиги, ишни бажариш жараёнида иқтисодий жиҳатдан энг самарали қарор қабул қилиниши.

ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК — иқтисодий фаолият иқтисодий дастур ва тадбирлар натижавийлиги, бу олинган самара, натижага, мазкур натижани олиш учун сабаб бўлган омиллар, ресурсларга муносабат, муайян қийматлаги ресурсларни кўплаб ишлаб чиқариш энг юқори хажмига эришиш.

БОШҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ УСУЛЛАРИ — мухандис-педагоглар ва ўқувчиларни улар фаолиятини баҳолашга асосланган моддий рағбатлантириш усуллари.

ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ — ташкиллаштирилган педагогик фаолият, ўқувчиларда иқтисодий билимларни шакллантиришга йўналтирилган бўлади. Буни амалга ошириш жараёнида улар билимлар мажмуини ўзлаштиради ва ташкиллаштирилган ҳамда самарали иқтисод ҳақида тасаввурга эга бўлади, ишлаб чиқариш кучларининг ривожи, ишлаб чиқариш муносабатлари, амалдаги хўжалик механизми ҳақида маълумот олади. Иқтисодий тарбия иқтисодий фикрлашнинг ривожланишини, ахлоқий ва ишбилармонлик сифатларини шакллантиради, яъни ижтимоий фаоллик, тадбиркорлик, хўжалик жиҳатдан ижтимо-

ий неъматларни асраб-авайлаш, унга нисбатан виждонан муносабатда бўлиш, масъулиятлилик, юқори самаралиликка интилиш, технологик жараёнлар ва ускуналарни янгилаш, юқори сифат, шахсий муваффақият ва фаровонликни таъминлайди. Иқтисодий тарбия амалий фаолият жараёнида, иқтисоднинг муайян муаммоларига бағишланган суҳбатларда барча асосий фанлардан ўтиладиган дарсларда амалга оширилади. Иқтисодий тарбия тизимида корхоналар ва хўжаликларнинг раҳбарлари, бригада вакиллари билан учрашувлар катта аҳамият касб этади. Булар барчаси йигит ва қизларнинг касб танлашига кўмаклашади.

ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ — фаолият натижаларидан қатъий назар даромад (фойда) олишга қаратилган ҳар қандай фаолият, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш бўйича барча фаолият.

ЭКСПЕРИМЕНТ (лат. experimentum — синов, тажриба) — илмий асосдаги тажриба, аниқ ҳисобга олинган шароитларда тадқиқ этилаётган ҳодисаларни кузатиш, ҳодисанинг боришини кузатиш имконини беради, шу шароитларда такрорлаб қайта кўп марта тиклашга имкон беради, масалан, педагогик эксперимент. Ўрганилаётган объект табиатидаги ўзгаришни қайд этувчи тадқиқотчининг вазиятга фаол аралашуви мумкинлигига кўра кузатишдан фарқ қилади. Агар ўрганиладиган соҳа нисбатан номаълум бўлса, пилотаж эксперимент ҳақида сўз боради (қ. Пилотаж тадқиқот), унинг натижалари кейинги таҳлил йўналишини аниқлашга ёрдам беради. Шакллантирувчи (таълим берувчи) экспериментлар алоҳида тоифани ташкил этади (қ. Шакллантирувчи эксперимент). Булар тасаввур этиш, диққат, хотира, тафаккур каби руҳий жараёнларни, айниқса, йўналтирилган ҳолда шакллантиришга имкон беради.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ПСИХОЛОГИЯ — кузатувнинг экспериментал усуллари — тест ва анкеталар ёрдамида руҳий ҳодисаларни талқин этиш. Экспериментал психология муваффақиятлари инсон фаолияти тури соҳаларда кенг қўллана бошлади. Руҳий жараён (хотира, тафаккур, уйғунлаштириш, ирода ва ҳ.к.)да мактабгача педагогикадан тортиб, то космонавтикагача тадбиқ этилмоқда. Экспериментал психология назарий билиш умумий тараққиёти билан жипс боғлиқ.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ — экспериментал ўқув режаси ёки ўқув дастури бўйича иш олиб борадиган таълим муассасаси.

ЭКСПЕРТ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ (ЭТТ) — таълим дастурий тизими; билим бериш воситаси сифатида фойдаланувчи билан диалог доирасида таълим олувчига тушунарли тарзда масалани ечиш вақтида муҳокаманинг боришини тушунтиришга қобилдир. ЭТТ қуйидагиларни таъминлайди. Бир қарорга келишдаги диалог жараёнида масалани ечиш стратегияси ва тактикасига тушунтиришни таълим натижаларини ва назорат ишончлилигини баҳолаш бўйича хатолар диагностикаси билан билимлар, уқувлар ва малакалар даражаси назоратини; тизимнинг ўзини бошқариш жараёнини бутунлай автоматлаштиришни ЭТТ таълим олувчини мустақил ишлашга йўналтиради, билиш фаолиятини ривожлантиришга кўмак беради, мустақил фаолият ҳисобига таълим мотивини, ўз-ўзини назорат этиш ва тузатиш имконини оширади.

2. ИНВЕСТИЦИЯЛАР

ИНВЕСТИЦИЯЛАР — ўз мамлакатидагина эмас, балки чет элда ҳам турли тармоқ корхоналари, тадбиркорлик лойиҳалари, ижтимоий-иқтисодий дастурлар, инновация лойиҳаларига капитални қўйиш. Қўйилгандан сўнг муайян вақт ўтиб, самара бера бошлайди. Инвестицияларнинг қуйидаги турлари мавжуд: давлат инвестицияси, бу давлат бюджети, давлат молиявий манбаларидан ажратиладиган маблағ ҳисобига ҳосил бўлади; чет эл инвестициялари — чет эл инвесторлари, бошқа давлатлар, чет эл банклари, компаниялари, тадбиркорлари амалга оширадиган; хусусий инвестициялар — хусусий, корпоратив корхона ва ташкилотлар, фуқаролар, шу жумлалан, жалб этилган маблағлар ҳисобидан ҳосил бўлади. Янги қурилиш, қайта тиклаш, кенгайтиришга ва амалдаги корхонани техникавий қайта қуроллантиришга интеллектуал, яъни интеллектуал-маънавий маҳсулот яратишга қўйиладиган инвестициялар алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, назорат этиладиган — бошқа компанияларнинг овозга эга акциялари 50% дан ортигига эгалик қилишни ва назорат этилмайдиган — бошқа компаниянинг овозга эга 50% дан камига эгалик қилишни таъминловчи тўғридан-тўғри инвестиция турлари ҳам мавжуд.

ЗАҲИРАДАГИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР — корхона омборидаги заҳиралар миқдорини ошириш, асосий ва ёрдамчи материаллар, тўла тайёр бўлмаган ва тайёр маҳсулотларни ўз ичига олади.

ИНДУЦИЯЛАНГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР — жамиятнинг тегишли товарлар ва хизматларга эҳтиёжи талаб этадиган инвестициялар. Шундай товарлар ва хизматларга эга бўлишда ана шундай инвестициялардан фойдаланилади.

МОЛИЯВИЙ БЎЛМАГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР — ҳуқуқ, лицензия, ноу-хау, мулкни лойиҳага, корхонага ишга қуйиш шаклидаги ишончсиз инвестициялар.

ПОРТФЕЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР — 1) қимматдор қоғозлар портфели тарзида шаклланадиган қимматдор қоғозларга инвестициялар; 2) хажман катта бўлмаган инвестициялар, булар ўз эгаларига корхона устидан назорат қилишларини таъмин этмайди.

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР — 1) тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришга ва муайян тур маҳсулотни сотишга қўйиладиган инвестициялар; 2) акциялар назорат пакетига эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган қўйилмалар.

РЕАЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР — моддий ишлаб чиқаришга, фаолиятнинг моддий-ашёвий турларига маблағни узоқ муддатли қўйиш.

АМАЛДАГИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР — ҳам режадаги, ҳам режадан ташқари инвестицияларни ўз ичига олган давлат капитал қўйилмаси муайян муддатида амалда юзага чиқарилган хажм.

ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ — маблағни қўйиш, инвестициялаш; лойиҳаларга пул маблағи ва бошқа қимматдорликларни қўйиш бўйича фаолият мажмуи.

ИНВЕСТИЦИЯ КОМПАНИЯСИ — кредит-молия институти тарзидаги ташкилот (муассаса), ўз қимматдор қоғозларини сотиш йўли билан жалб этиладиган хусусий инвесторлар пул маблағини жамғаради. Жалб этилган пул маблағларини инвестиция компанияси ўз мамлакатида ва хорижда акциялар ва корхоналар облигацияларини сотиб жойлаштиради. Ёпиқ турдаги инвестиция компаниси мавжуд бўлиб, қайд этилган капитал тузилмасига эга бўлади ва очиқ турдалиги бўлиб, акцияларни вақти вақти билан чиқариб, капитал тузилишини ўзгартиради.

ИНВЕСТОР (инг. investor — улушчи) — инвестицияни амалга оширувчи, инвестициявий лойиҳаларга ўз заёмлари ва бошқа жалб этилган маблағини қўючи ҳуқуқий ёки жисмоний шахс. Инвесторлар қўядиган инвестиция капитали, молиявий ресурслар, мулк, интеллектуал маҳсулот тарзида берилиши

мумкин. Инвесторлар капиталини ишга бизнесменлар сингари шунчаки кўймайди, балки, сезиларли даражадаги ишлаб чиқариш, техник, технологик ўзгаришлар, янгиликлар билан боғлиқ йирик лойиҳаларга узоқ муддатли қўйишларни амалга оширади.

ТАВАККАЛЧИ ИНВЕСТОРЛАР — юқори дивидентлар олиш мақсадида риск қилишга тайёр инвесторлар.

ИНДИВИДУАЛ ИНВЕСТОРЛАР — жисмоний шахс ҳисобланувчи инвесторлар.

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРИ — чет эллик жисмоний ва ҳуқуқий шахс, хорижий давлат, халқаро ташкилот, булар ўзи яшаб турган мамлакат қонунчилигига мувофиқ инвестицияни амалга оширишга ваколатли бўлади.

ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТОРЛАР — акцияларни сақловчи вазифасини ўтовчи молия-кредит институти.

ИМПОРТ — товарлар, ишлар, хизматлар, технологиялар, капиталлар, интелектуал мулк натижаларини келтириш.

МУЛК — жисмоний ёки ҳуқуқий шахслар эгалик қилувчи ашёлар ва моддий, қимматдорликлар мажмуи.

ИНЖИНИРИНГ — (инг. enginering — муҳандислик санъати) — тижорат асосида муҳандислик-маслаҳат кўрсатиш, тадқиқотчилик, лойиҳалаш-конструкторлик, ҳисоб-китоб-аналитик тавсифдаги ишларни бажариш, лойиҳларнинг техникавий-иқтисодий асослаш, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этиш соҳасидаги тавсияларни ишлаб чиқиш, маҳсулотларни сотиш.

ТАШАББУС — биринчи натижа, фаолият янги шаклига ички интилиш, қандайдир ҳаракатдаги раҳбарликни бажариш, битта шахс ёки гуруҳ амалга ошираётган ижтимоий фаоллик, ижтимоий ижоднинг бир тури ҳисобланади. Ташаббус жамият фаровонлиги ёки шахсий манфаат йўлидаги ихтиёрий фаолиятда, меҳнатга ижодий ёндашишда намоён бўлади; инсон ўз зиммасига умумқабул қилинган меъёрларга оддий амал қилишдагидан кўра кўпроқ даражадаги масъулиятни олади. Умум манфаатига кўмаклашиш нуқтаи назаридан фойдали ташаббусни четлашган ва одатда, шахсий манфаатни амалга оширишга йўналтирилган ташаббусдан фарқлаш лозим.

ТАШАББУСКОРЛИК — тадбирчилик, мустақил ва фаол ҳаракатга мойил қобилият билан тавсифланадиган шахсий хислат; таълим жараёнида дидактик усуллар, йўсинлар ва воситалар тизими ёрдамида ривожланади. Ташаббускорликнинг

шаклланишига инсонни эзувчи таъқиқлар, тарбиянинг авторитар усули тўсқинлик қилиши мумкин.

ИННОВАЦИЯ-МОДЕРНИЗАЦИЯ — таълимга инновацион ёндашиш асосий турларидан бири — таълим жараёни унинг анъанавий репродуктив жиҳатлари доирасида кафолатланган натижага эришишга йўналтирилган модернизациялаш. Шулар асосида ётувчи таълимга технологик ёндашув. Аввало, ўқитувчиларга билимлар бериш ва образ бўйича ҳаракат қилиш усулларини шакллантришга мўлжалланган бўлади ҳамда юқори самарали репродуктив таълимга қаратилади.

ИННОВАЦИЯ-ТРАНСФОРМАЦИЯ — анъанавий ўқув жараёнини ўзгартирувчи инновациялар, булар унинг тадқиқий тавсифини, ўқиш-билимдаги изланиш фаолиятини ташкил этишга таъминлашга йўналтиради. Таълимга тегишлича тадқиқий ёндашиш, аввало, ўқувчиларда янги билимларни мустақил излаш тажрибасини ва уни янги шароитларда қўллаш маъносини шакллантиради, буни қадриятлар билан боғлашликдаги ижодий фаолият билан йўналтиради.

ЎҚИТУВЧИНИНГ ИННОВАЦИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ — таълим амалиётида ва ўқувчиларни тарбиялашда педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланиш бўйича фаолиятга ўқитувчининг жалб бўлиши, таълим муассасасида муайян инновациявий муҳитни яратиш. Замонавий касбий мактабда бой педагогик тажриба тўпланган, у муайян педагогик фаолиятга тадбиқ этилиши лозим.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИННОВАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ — педагогик жамоат томонида яхлит бирликда қараладиган педагогик янгиликларни яратиш, қайта тиклаш, баҳолаш, ўзлаштириш ва тадбиқ этишнинг бошқариладиган жараёни.

КАСБИЙ ТАЪЛИМДАГИ ИННОВАЦИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ўқувчилар тизимли ижодий техникавий фикрлаши ва улар қобилиятини шакллантиришга, ижодий ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишда стандарт бўлмаган техникавий ғояларни жамлашга йўналтирилган технологиялар.

ИННОВАЦИЯВИЙ ДАРС — стандарт ва анъанавий бўлмаган, мослашувчан, кўп талқинли тузилмага эга ва ўқувчиларни таълимга бўлган қизиқишларини улар ўқув фаолиятини янгича ташкиллаштириш шакли воситасида қизиқишларини оширишга йўналтиради. Дарсларни шаклига кўра қуйидагиларга бўлиш мумкин: мусобақа ва ўйинлар (танловлар. мусобақалар, иш ўйинлари ва б.); дарслар — му-

лоқотнинг оммавий шакли (матбуот конференцияси, аукцион, бенефис ва б.); дарслар — муассасалар фаолиятини саҳналаштириш (суд, илмий кенгаш, таҳририят кенгаши ва б.).

ИННОВАЦИЯ, ЯНГИЛИКНИ ЖОРИЙ ЭТИШ (инг. innovatio — янгини киритиш) — 1) фан, илғор тажриба ютуқларидан фойдаланишга асосланган техника, технология, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш соҳасида янгиликни тадбиқ этиш, шунингдек, бу янгиликлардан фаолиятнинг хилмахил соҳа ва тармоқларида фойдаланиш; 2) таълимдаги инновация — таълим ва тарбия мақсади, мазмуни, усуллари, ўқувчилар фаолиятига янгиликни тадбиқ этиш.

МАХСУС НАЗОРАТ — аввал амалга оширилган текширувнинг ҳақиқийлиги аниқлаш учун махсус ваколатли идора ёки шахс томонидан амалга ошириладиган назорат.

ИНСТИТУТ — (лот. institutum — ўрнатмоқ, таъсис этмоқ) — 1) мустақил таълим муассасаси ёки фан, техника ва маданиятнинг бир қатор йўналишлари бўйича таълим дастурларини, шунингдек ОТМдан кейинги таълим дастурини амалга оширувчи университет, академиянинг бир қисми (таркибий бўлинмаси); 2) муайян тур фаолиятни амалга оширувчи илмий-тадқиқот муассасаси; 3) ижтимоий муносабатлар соҳасидаги бирор ҳуқуқ меъёрлари мажмуи, жамият қурилишининг у ёки бу шакли.

3. МАРКЕТИНГ

БИЗНЕС — тадбирчилик фаолияти.

БРОКЕР — воситачи, даллол, товарлар, қимматдор қоғозлар ва хизматлар бозорида турли битимларни амалга оширувчи.

ЛИЗИНГ — мулкни сотиб олиш ва уни муайян ҳақ тўлаш эвазига жисмоний ёки юридик шахсларга лизинг шартномаси асосида бериш бўйича инвестициявий фаолият тури.

ЛИЦЕНЗИЯ — расмий ҳужжат; белгиланган муддат мобайнида ўзида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш рухсатномаси.

МАРКЕТИНГ — (инг. market — бозор, сотув) — 1) товарлар, хизматлар, қимматдор қоғозлар бозори соҳасида товарларни сотиш, айирбошлашни ривожлантириш ва жадаллаштириш мақсадларида амалга ошириладиган фаолият, максимал фойда олиш мақсадида харидорнинг товар ва хизматга бўлган мавжуд

ҳамда эҳтимоли бор талабини ўрганишга йўналтирилади; 2) ҳисоб-китоб ва бозор шароитига фаол таъсир кўрсатиш орқали фойдани максималлаштиришга йўналтирилган ишлаб чиқариш-сотиш фаолиятини бошқаришнинг стратегик тизими.

МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ, маркетинг таҳлил — товарлар ва хизматлар бозорини, талаб ва таклифни, истеъмолчилар хатти-ҳаракатини, бозор коньюктурасини, нарх ўзгаришини бозорда ўз товарини яхши ўтказиш мақсадида ўрганиш.

МАРКЕТ-МЕЙКЕР (инг. market-maker) — фонд биржасининг юқори малакали ходими, қимматдор қоғозлар бозорининг менежери, фонд бозоридаги жараённинг боришини кузатади, йўналишларни, кутилаётган даромадлиликни,қимматдор қоғозлар ишончлилигини, нархлар, пул қадри, дивидентлар ҳақида бозор иштирокчилари учун ахборотларни кузатади.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ МАРКЕТИНГ — таълим муассасаларининг таълим, таълимий-ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини бошқариш тизими. Маҳсулотлар ва иш турлари таълим дастурлари ва б. таълим хизматларига эҳтиёжни ҳамда максимал фойда олиш мақсадида уларни амалга оширишни таъминловчи тизим.

ОММАВИЙ АЛОҚА, оммавий мулоқот — ахборотни жамият маънавий қадриятлари қарор топиши ва кишиларнинг баҳо бериши, фикри ва хулқ-атворига таъсир кўрсатиш мақсадида (матбуот, радио, телевидение, кино, овоз ёзиш, тасвир ёзиш орқали) тарқатиш. Оммавий алоқанинг юзага келиши босиш станогининг кашф этилиши (И. Гутенберг), шунингдек кўп нусхадаги китоблар (15-а) билан боғлиқ. Мамлакат педагогикасида қуйидагилар кўриб чиқилади: аҳоли кенг қатламини саводли қилиш билан боғлиқ оммавий алоқанинг таълим жиҳатлари ва таълим тузилмасида оммавий алоқа воситаларидан фойдаланиш; махсус ахборот оқимларини ташкил этишда амалга ошириладиган тарбиявий жиҳат.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ УСТАСИ — касбий-техникавий таълим тизимидаги педагог ходим. Унинг асосий вазифаси чуқур касбий билимлар ва малакаларга эга, буларни ижодий қўллай оладиган, техника ва технологияларни ўзлаштира оладиган рақобатдардош ишчиларни тайёрлашни таъминлаш.

УСТАЛИК, МОҲИРЛИК — ихтисослашган фаолият муайян турини эгаллаганликнинг юқори даражаси; ишни чуқур билишга

асосланади, самарали ва оқилона ҳаракатни амалга ошириш уқувини ривожлантириш билан қўшиб олиб борилади.

МЕНЕЖЕР (инг. manage — бошқариш) — ишлаб чиқаришни бошқариш ва товарлар айланиши бўйича мутахассис, ёлланма бошқарувчи. Менежерлар фирмадаги ишларни ташкил этади, фирма бир гуруҳ ходимларининг ишлаб чиқариш фаолиятига раҳбарлик қилади. Менежер ўзи ишлаётган фирма, компаниянинг лавозимлор шахси ҳисобланади ва фирманинг ўрта ҳамда олий раҳбарлик бўғини таркибига киради.

МЕНЕЖЕРИЗМ — 1) бошқарув амалиёти, бошқарувчи, менежер амалга оширадиган фирмага, ишлаб чиқаришга раҳбарлик; 2) бошқарувнинг аҳамиятини ўргатувчи, кўриб чиқувчи оқим, йўналиш, иқтисодий фикр, иқтисодлаги менежерлар.

МЕНЕЖМЕНТ — 1) ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш ходимларини бошқарув фани ютуқларидан фойдаланиб, бошқаришнинг тамойиллари, ишлари, усуллари, йўсинлар ва воситалари. Менежментнинг асосий мақсади — ишлаб чиқаришда юқори самарага, корхона, фирма, компания ресурсларидан энг яхши фойдаланишга эришиш; 2) корхона, фирма раҳбарияти, раҳбар идора.

МЕНЕЖЕР (инг. manager — бошқарувчи) — 1) корхонанинг мутахассис бошқарувчиси, маъмурий-хўжалик соҳасида чекланган мустақилликка эга бўлган ишлаб чиқариш ёлланма раҳбари, маъмур бошқарув соҳасидаги мутахассис; 2) компания, банк, молия муассасаси, улар таркибий бўлинмаларининг раҳбарияти аъзоси; 3) касбий спортдаги спортчилар машқи ва чиқишларини ташкил этувчи тадбиркор (айниқса, Англияда).

ТАЪЛИМ МЕНЕЖЕРИ — раҳбарликнинг замонавий илмий усуллари асосида таълимни бошқариш вазифасини амалга оширувчи мутахассис ходим. Таълимда менежерларнинг уч гуруҳи (даражаси) бор. Биринчи гуруҳга (юқори даража) таълим муассасаси ва таълимни бошқариш идорасининг маъмурият ходимлари киради; иккинчи гуруҳга (ўрта даража) методика бўйича раҳбарлик қилувчилар, ҳуқуқ, молия, иқтисодиёт ва бошқа хизматлар киради; учинчи гуруҳни — ўқувчилар ўқув-билиш фаолиятини бошқаришнинг таминотчиси бўлган ўқитувчилар ташкил этади.

ЎЛИК НУҚТА — ишлаб чиқариш даражаси, бунга эришган фирма барча чиқимларни қоплашга қобил бўлади ва фойда олишни бошлайди. Физик ифодасига кўра ўлик нуқта фирма

фаоллигининг йўл қўйилган максимал чегараси (остонаси)ни тавсифловчи маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси ҳисобланади. Қийматларда ифодаланган ўлик нуқта лоимий ва ўзгарувчан харажатлар миқдорига тенг сотувдан келган тушум миқдорига тенг келади.

МЕНТАЛИТЕТ, МЕНТАЛЛИК (лот. mentalis — ақлий, маънавий) — анъаналар, урф-одатлар ва маросимларда акс этувчи қарашлар, нуқтаи назарлар, миллий-этник ёки ҳудудий умумийлик учун хос бўлади, унинг аъзолари руҳияти ва фикрлаш тарзини ифодалайди. Термин айрим шахсга нисбатан ҳаётнинг идрок этиши, ақлий жиҳати, интеллектнинг ривожланганлик даражаси, маънавий эҳтиёжи, эстетик интиёқлари ўзига хосликларини тавсифлашда ҳам қўлланади.

МЕНТОР ПЕДАГОГИКА — ўқув-тарбия амалиёти, схоластика фикрлаш, резонер маънавий тарбия, ўгит, панд шаклида қўлланадиган сўзамол усул, таълим олувчи педагогнинг насиҳатларига амал қилишга мажбур бўлган таъсир объекти ҳисобланади.

ГУРУҲИЙ МУНОЗАРА УСУЛИ — 1) жамоага раҳбарлик қилиш амалиётида қўлланадиган биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш усули. Мақсади — гуруҳ бўлиб масалани жадал ва самарали ҳал этиш; 2) бевосита мулоқот жараёнида мунозара қатнашчиларининг фикрига, нуқтаи назарига ва қарорига мантиқий асосланган тизимлар ёрдамида таъсир этишга имкон берувчи усул. Гуруҳий мунозара усулини турли хил ташкилий шакли мавжуд: одий ишлаб чиқариш мажлисидан тортиб, то махсус ташкил этилган «ақлий ҳужум» (қ. «Дельфи» усули)гача учрайди. Усулнинг қўлланиш соҳаси — келишиб олинадиган гуруҳий қарорни талаб қилувчи биргаликдаги фаолиятнинг ҳар қандай тури.

«ДЕЛЬФИ» УСУЛИ, АҚЛИЙ ҲУЖУМ УСУЛИ, АҚЛИЙ ТАЖОВУЗ УСУЛИ — 1) *иқтисодда*, — мутахассислар гуруҳи томонидан амалга оширилаётган «ақлий тажовуз» жараёнида генерацияланга асосланган ечимни тезда излаш, эксперт баҳоларга асосланиб энг мақбул ечимни топиш усули; эксперт баҳоларни йиғиш ва математик ишлаб чиқиш тизимини ташкил этиш йўли билан эксперт башоратлаш учун фойдаланилади; 2) *педагогикада*, ташкил этилган мунозара жараёнида қўйилган муаммони биргаликда ҳал этиш мобайнидаги гуруҳий ўқитиш усули; иштирокчиларни гояларни эркин илгари суришларига, кейинчалик уларни танқидий таҳлил этиш билан йўл қўйилади.

ИЛМИЙ БИЛИШ УСУЛИ — мавжуд борлиқ ҳақидаги ишончли фактлар, ҳодисалар ўртасидаги мавжуд алоқа ва боғлиқлик ҳақидаги билимлар, улар ривожланиш қонуний йўналишларини, олинган маълумотлар ва улар аҳамиятини умумлаштириш усули ва уларни баҳолаш.

ТЕСТЛИ ВАЗИЯТ УСУЛИ — педагог ижтимоий шароит вужудга келтирадиган усул, бунда ўқув-касбий фаолият ҳар бир компоненти аниқ тарзда намоён бўлади; мониторинг усулларидан бири.

ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШ УСУЛИ — *педагогикада* мантиқий ва математик йўсинлар мажмуи. Мутахассислардан маълумотлар, унинг таҳлили ва умумлашмасини оқилона ечим тайёрлаш ҳамда танлаш мақсадида олишга қаратилади. Усулнинг моҳиятини экспертларнинг муаммоларни миқдор ёки сифат жиҳатдан муҳокама қилиши ташкил этади, шунингдек индивидуал фикрларнинг натижасини ишлаб чиқишдан иборат (яна қ. «Дельфи» усули). Усулнинг жиддий камчилиги бўлиб, ўқувчилар билимини баҳолашда субъективликка йўл қўйилиши ҳисобланади. Баҳолаш натижасини экспертнинг шахсий касбий ва маънавий жиҳатига боғлиқ қилиб қўяди (эксперт вазифасини кўпинча ўқитувчи ёки имтиҳон комиссияси бажаради). Оддийлиги, арзон тушишлиги ва тушунарлилиги унинг ижобий тамонлари ҳисобланади.

РЕКЛАМА — жисмоний ёки ҳуқуқий шахс, товарлар, ғоялар ва янгиликлар ҳақидаги исталган шаклда бўлган информацияни тарқатиш. У муайян доирадагиларга мўлжалланади ва муайян ҳуқуқий, жисмоний шахс, товарлар, ғоялар ва янгиликларга қизиқишни шакллантириш ёки қўллаб-қувватлаш учун қаратилади.

ТАЛАБ — истеъмолчиларнинг турли товарлар, ишлар, хизматлар, пул маблағи ва объектларга бўлган тўловга қобил эҳтиёжи.

6-БОБ
МУСТАҚИЛ МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТИ ОЛИБ БОРИШ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

6.1. Савол ва топшириқлар

1. Маркетинг нима? Маркетингга ўзингизга маълум тадқиқотчилар берган таърифни келтиринг. Сиз уларнинг фикрига қўшиласизми? Жавобингизни асосланг. Агар қўшилмасингиз маркетинг ҳақидаги ўз фикрингизни билдиринг. Уни асосланг.

2. 2001 йилда Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетини 409 талаба тугатган бўлса, 2010 йилдаги Ўзбекистон Республикаси иқтисодчилари зарур миқдорининг маркетингини ўтказиш мумкинми? Агар жавобингиз қониқарли бўлса, буни қандай белгилаганингизни тушунтиринг. Агар жавобингиз инкорий бўлса, нимага асосланганини айтинг.

3. Агар республика аҳолиси 24,2 млн. нафарни ташкил этган бўлса, 1997 йилда тиббий талабалар умумий талабаларнинг 5% иборат бўлган бўлса, қабул эса 3,5% дан озни ташкил этган ҳолда, бугун (2008 йилда) биз учун врачлар етарлими, деган саволга жавоб бериш мумкинми? Масаланинг мураккаблиги қандай? Уни ечса бўладими?

4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, олий таълим 2 босқичли, яъни, «бакалавриат» ва «магистратура» даражасига эришди. Агар қуйидагилар маълум бўлганда, яъни битирувчиларнинг 80% Тошкентда таълим олаётган, шу билан бирга уларнинг муайян қисми контракт асосида ўқиётган бўлса, 1/4 миқдордагилар ишга мустақил жойлашса, 55% гуманитар таълимга эга бўлса, 53,1% ни аёллар ташкил этса ишга жойлаштириш учун зарур миқдордаги мутахассисларни ҳисоблашда бу ҳолат қандай аҳамиятга эга бўлади? Бу масаланинг ечилиши мумкин бўлиши учун қандай маркетинг тадқиқоти ўтказиш лозим?

5. Агар мустақил ишга жойлашган талабалар 2002 йилда 35,7% ни ташкил этганлиги, 1996 йилда саноат тармоқларида 36%, қишлоқ хўжалигида — 9%, иқтисодда (ҳуқуқ билан бирга)

— 9,2%, санъатда 1% таълим олган бўлса, республика ОТМларини битирувчилар сонини ҳисоблаш мумкинми? Тўлиқ жавоб беринг.

6. Қуйидаги маълумотларда маркетинг ўтказиш учун ахборотлар борми: 1996-1997 йилларда ЎзР ОТМларига қабул қилинганлар орасида деярли тўртдан уч қисмини ўрта мактабни тугатганлар ташкил этади, бешдан бир қисмини — коллежларни тугатганлар, 5% га яқинни ўрта касбий-таълим муассасасини, ниҳоят, 1,8% ни иккинчи ихтисосликка ўқувчилар ташкил этади. Олий маълумотлилар умумий миқдори 101 минг нафарга тенг бўлди. Бундан нима келиб чиқади? Мавжуд шартлардан келиб чиқиб қандай маркетинг тадқиқотини ўтказиш мумкин7

7. N таълим муассасасида талабалар қабул қилиш (грант) 300 нафардан иборат. Курсдан курсга ўтувчилар миқдори 870 нафар, битирув режасидагилар — 200, кетиш — 40. Агар ОТМда ўқишнинг бошланиши 1 сентябрдан, профессор-ўқитувчилар сони 50 нафарлиги маълум бўлган ҳолда йил охиридаги талабалар миқдорини аниқлаш мумкинми?

8. Вазирлар Маҳкамасининг 48-рақамли (1998 й. 28 январдаги) «Таълим хизматлари бозорини шакллантиришни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори нимани англатади? У тўлиқ қандай аталади? Ўзига хос жиҳати нимада? У қандай муаммони ечади?

У нима учун қабул қилинди, сизнинг фикрингиз қандай? Ҳаётда унинг ёрдами тегадими? Агар тегса, бу нимада кўринади? Агар ёрдами тегмаса, нима учун? Бу қарор қабул қилингандан сўнг ўтган йиллар мобайнида олий таълим муассасаларида нима ўзгарди ёки ўзгаради? Келгусидачи? Бу қарор ўқувчилар, талабалар, ўқитувчилар, ёш мутахассисларга иш жойи берувчи — ишга олувчиларга қандай таъсири бор?

9. Маълумки, тегишли йўналтирилган умумий чиқимлар АҚШда ЯИМга нисбатан 8% ни, Францияда — 5,8% ни, Германияда — 5% ни, Японияда — 4,7% ни ташкил этади. Қайси мамлакат бўйича яна қандай рақамларни келтира оласиз? Бу кўрсаткичлар бизнинг давлатимизда қандай? Сўнгги йилларда республикамизда бу борада қандай ўзгаришлар бўлганини айтиб бера оласизми? Сизнинг фикрингизча, қайси бири — киримми ё чиқимнинг ўсиши устунми ёки пасайиши, бу нимада кўринади? Ўз фикрингизни қандай исботлайсиз?

10. Талабалар стипендияси, профессор-ўқитувчилар таркибининг маоши, капитал қурилиш учун сарфлар, лаборатория ускуналари сотиб олиш, спорт, маданий-оқартув ишларига кетадиган маблағлар, аудиториялар ва бошқа хоналарни иситиш, ёритиш чиқимлари каби кўрсаткичлар маркетинг тадқиқотлари ўтказишга таъсир этадими? Агар ҳа, деб жавоб берсангиз, уни асосланг ва мисоллар билан мустаҳкамланг. Агар жавоб «йўқ» бўлса, буни ҳам тушунтиринг, негалигини асосланг.

11. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳақида нималар биласиз? Унинг ўзига хос томони нимада? У таълим тизимини ислоҳ этишда, умуман, олий таълимни ислоҳ этишда, хусусан, қандай аҳамиятга эга? Таълим тўғрисидаги яна қанлай ҳужжатларни биласиз? Ёшлар тақдирида уларнинг ўрни қандай? Таълим бўйича дастурий ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ этиш натижасида қандай янги тур ўқув муассасаси юзага келди? Уларни қабул қилиш бизнинг шахсий ҳаётимизда ёки яқинларимиз ҳаётига таъсир этдими, бу нимада намоён бўлди? Бу ҳужжатлар, фикримизча, қандай баҳога сазовор? У ёшлар онгида нималарни ўзгартиради, кундалик ҳаётида, хатти-ҳаракатида қандай акс этади? Сизнинг фикрингизча, унда нималар етишмайди? Тўла ва асосли жавоб беринг.

12. Нима муносабат билан Тошкент Давлат университетига Миллий университет мақоми берилди (ЎзР Президентининг 2000 й. 28 январдаги Фармони). Шундан сўнг, сизнинг фикрингизча, нима ўзгарди, бу ҳодиса уни битирувчиларининг нуфузида қандай акс этди? Бу ҳолатнинг маркетингга нима алоқаси бор? Жавобингизни далиллар билан асосланг.

13. Маълумки, Ўзбекистонда у мустақилликка эришгач (10 йил ичида) 3600 дан ортиқ қўшма корхона юзага келди, хусусан, «Зарафшон-Ньюмонт», «Кока-кола», «Спектр», «Ўзтехсаноат», «Ўзкейстрактр», «Ўзсамсунгэлектроникс», «Самкочавто» ва бошқалар. Бу ҳолат ОТМларга талабалар қабул қилишда аҳамиятга эгами; уларни ишга жойлаштиришдачи? Бу саволга жавобни маркетинг тадқиқот дейиш мумкинми? Айтиб ўтилган рақамлар ва вазият билан боғлиқ ҳолда нима ўтказиш зарур? Маркетингнинг бу усулини қандай аташ мумкин?

14. Агар 1997 йилда «Ўзбек шапи» фабрикаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1244,0 тоннални ташкил этган бўлса, 2002 йилга келиб бу кўрсаткич икки марта ошса, 1997 йилда ишловчилар сони 9452 нафарни ташкил этиб, 2000 йилга 840 мин

сўмлик, 2001 йилда 1240 минг сўмлик янги техника жорий этилгани маълум бўлгани ҳолда, бу корхона зарар келтирувчи (25,2 млн. сўм) эди, 1999 да +38,4 минг сўм эди. 2000 йилда самарадорлик 13,1% ни ташкил этади. Ишчилар ўртача тоифаси III-IV. Сизнинг фикрингизча, фабриканинг мутахассисларга эҳтиёжи ошадими ёки пасаядими?

15. 1997 йилда республикамизда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Умид» жамғармаси тузилади. Бу жамғарманинг вазифаси қандай? Унинг тузилишини маркетингга алоқаси қандай? «Умид» жамғармаси грантини олишга даъвогарлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда, бу сизнинг фикрингизча мақбулми ёки йўқ? Бу муассаса билан Республика «Устоз» жамғармаси қандай уйғунлашади? Унинг асосий мақсади нима? Маркетингни ахборотсиз ўтказиб бўлмаслигини ҳисобга олганда «Устоз»ни маркетинг маркази дейиш мумкинми? Жамғарма Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга қандай кўмаклашади? Жамғарма маълумотларини маркетинг учун етарли дейиш мумкинми? Ўз жавобингизда аниқ усулларга асосланинг.

16. Республикамизда 63 та олий таълим муассасаси бор. Уларнинг баъзилари мутахассислар тайёрлашда айни бир соҳада фаолият кўрсатади. Жиззах педагогика институтининг ректори 2005 йилда талабалар қабул қилишни башоратлашда, у республикадаги бошқа ОТМлар ҳам педагог мутахассислар тайёрлашни олдиндан билгани ҳолда нима қилган бўлур эди? Тугал хулосага келишдан аввал қандай маркетинг тадқиқотини ўтказиш лозим? Бунинг учун зарур бўлган аниқ маълумотларни санаб ўтиш ва маркетинг усулини айтинг.

17. Маркетинг тадқиқотларига кўра республика ОТМларига қабул қилиниш талаби 1999-2000 ўқув йилида (аризалар бўйича) 21 минг нафарни ташкил этди; фоизларда вилоятлар бўйича бу қуйидагича бўлди: Қорақалпоғистонда —3, Бухорода — 5, Андижонда — 6, Навоийда — 8, Самарқандда — 9, Тошкентда — 39% ва ҳ.к. Билим соҳалари бўйича: гуманитар фанлар ва санъат — 17%, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот — 5%, бизнес ва ҳуқуқ — 26%, назарий фанлар — 9%, таълим — 23%, қишлоқ хўжалиги — 4%, муҳандислик-техникавий — 17%. Агар Навоий кон институти талабалари 1999 йилда 2366 нафарни ташкил этган бўлса, бу ОТМда 4 ихтисослик бўйича таълим берилса, ўқитувчилар 127 нафар бўлса, ундаги 2002 йилда қабул ва «Зарафшон-Ньюмонт» корхонасининг мутахас-

сисларга эҳтиёжини мутаносиблаш учун бу маълумотлар етарлими?

18. ОТМлар маркетинг хизмати фаолиятини қандай тасаввур этасиз? Сизнинг фикрингизча, мутахассисларга буюртмаларни шакллантиришда расмиятчиликка йўл қўймаслик учун нима қилиш керак, муайян минтақада, масалан, Тошкент шаҳри учун, янги корхоналар очилганини, янги технологиялар қўлланишини, хусусий бизнес чегараси кенгайишини ҳисобга олиб, эҳтиёжини тадқиқ этиш учун эса-чи? Айтайлик, сиз Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети ректори бўлсангиз, ўзингиз учун керакли бўлган маълумотларни айтинг. Агар сиз Тошкент Давлат Техника университетининг ректори бўлсангиз вазият қандай ўзгаради? Агар сиз Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Тошкент палатасига раҳбарлик қилсангиз — сиз қандай маркетинг олиб борган бўлур эдингиз?

19. Олий таълим маркетинги ахборот моделини тақдим этинг (график, жадвал, чизма тарзида). Маркетинг фаолияти турли босқичларида ҳал этиладиган масалалар ва ахборотлар асосий манбаини айтинг (вазирлик — ташкилот — корхона-ассоциация ва ҳ.к., ОТМлар — лицейлар — касбий коллежлар). Ахборот манбаига боғлиқ ҳолда қандай бўлиши керак? Касб-ҳунар таълимидаги маркетинг масаласини ҳал қилиш учун ахборотдан ташқари яна нима керак?

20. ОТМларда қандай шартлар асосида кадрлар тайёрлаш амалга оширилади? ОТМдан кейинги таълим-чи? Таълим гранти нима? Тўлов-контракт асосидаги таълимни қандай тасаввур этасиз? ОТМ ва абитуриент томонидан контракт асосий бандларини айтиб беринг. Контракт бекор қилиниши мумкинми — қандай ҳолатларда? ОТМларнинг қайси хизмати зиммасига таълим олувчилар контингенти ва тўлов-контракт асосидаги бошқа қабул кўрсаткичларини шакллантириш масъулияти юкланган? У нимадан иборат? Чет элликлар бизнинг республикамизда тўлов-контракт асосида ўқиши мумкинми? Таълим грантларини ажратишда қандай кўрсаткичлар ҳисобга олинади? Тўлов-контракт асосида ўқишни хоҳловчи абитуриентлар тақдирини ким ҳал қилади? Контракт асосида ОТМга қабул қилишни қандай ҳужжатлар белгилайди?

6.2. Тестлар

1-тест

Ўз-ўзингизни баҳолашингиз

Сизнинг ишга алоқадор шахсий услубингизни баҳолаш учун тест таклиф этамиз. Ушбу тест натижалари фақат сизгагина аён бўлади, шунинг учун барча саволларга самимий, чин дилдан жавоб беришга ҳаракат қилинг. Ҳар бир жуфт тасдиқдан биттасини танланг, уни сиз ўзингизнинг хулқ-атворингизга энг мувофиқ деб ҳисобланг. Бунда, марҳамат, ҳушёр бўлинг: жавобдан бирорта ҳам жуфтлик тушиб қолмасин, иккала тасдиқни ҳам танлаш мумкин эмас. Дабдурусдан жавоб беришга ҳаракат қилинг. Тест шундай тузилганки, қуйидаги ҳукмлардан ҳеч бири хато эмас.

1. Мен ҳаракат қилишни ёқтираман.
2. Мен муаммоларни ҳал қилиш устида мунтазам тарзда ишлайман.
3. Командада ишлаш якка тартибда ишлашдан анча самарали деб ҳисоблайман.
4. Турли янгиликларни жорий этиш менга жуда ёқади.
5. Мени ўтмишдан кўра келажак кўпроқ қизиқтиради.
6. Мен одамлар билан ишлашни хуш кўраман.
7. Мен яхши ташкил этилган учрашувларда қатнашишни яхши кўраман.
8. Мен учун сўнгги муддатлар жуда муҳим ҳисобланади.
9. Мен кейинга суриш ва чўзишга қаршиман.
10. Мен яхши ғоялар амалда қўлланганича текшириб кўрилиши лозим деб ҳисоблайман.
11. Мен бошқалар билан бирга ишлашни жуда яхши кўраман. Бу мени рағбатлантиради ва руҳлантиради.
12. Мен ҳамиша янги имконият излашга ҳаракат қиламан.
13. Мақсад, режа ва ҳукмларни ўзим белгилашни маъқул кўраман.
14. Мен ниманидир бошласам, албатта охирига етказаман.
15. Мен, одатда, бошқаларнинг эмоционаллигини тушунишга ҳаракат қиламан.
16. Мен бошқаларга муаммо юзага келтираман.
17. Мен ўз хатти-ҳаракатимга бошқалар муносабат кўрсатишига умид қиламан.

18. «Қадам-бақадам» тамойилига асосланган ҳаракат жуда самарали ҳисобланади деб ўйлайман.

19. Ман бошқаларнинг хулқ-атвори ва фикрларини яхши тушунишим мумкин деб ўйлайман.

20. Мен муаммони ижолай ҳал этишни яхши кўраман.

21. Мен ҳамиша келажак режасини тузаман.

22. Мен бошқалар эҳтиёжига фарқсиз эмасман.

23. Яхши режалаштириш — муваффақият калити.

24. Мени ҳаддан ташқари батафсил таҳлил асабийлаштиради.

25. Агар менга тазйиқ ўтказа бошласалар пинагимни бузмайман.

26. Мен тажрибани жуда юксак баҳолайман.

27. Мен бошқалар фикрига қулоқ тутаман.

28. Айтишларича, мен жуда тез тушуниб оламан.

29. Ҳамкорлик мен учун таянч термин.

30. Муқобилларни таҳлили учун мантиқий усуллардан фойдаланаман.

31. Ҳамиша турли-туман лойиҳалар бир вақтда мен орқали ўтишини ёқтираман.

32. Мен ҳамиша ўзимга ўзим савол бераман.

33. Бирор нарса қилар эканман мен ҳамиша нимадир ўрганам.

34. Ўйлайманки, мен мулоҳазага асосланаман, хиссиётларга эмас.

35. Бошқалар ўзини у ёки бу вазиятда қандай тутишини айтиб беришим мумкин.

36. Мен майда-чуйдаларга эътибор беришни ёқтирмайман.

37. Таҳлил ҳамиша ҳаракатдан аввал бўлиши керак.

38. Мен гуруҳдаги муҳитни баҳолашга қодирман.

39. Менда бошланган ишни тугатмасликка мойиллик бор.

40. Мен ўзимни қатъий инсон деб ҳисоблайман.

41. Мендан ечишни талаб қилувчи ишларни излайман.

42. Мен ўз ҳаракатимни кузатиш ва далиллар асосида амалга ошираман.

43. Мен ўз туйғуларимни очиқ баён эта оламан.

44. Мен янги лойиҳаларни ифодалаш ва чегарасини белгилашни ёқтираман.

45. Мен китоб ўқишни севаман.

46. Мен ўзимни бошқалар фаолиятини жадаллаштирувчи ва ташкил этувчи деб ўйлайман.

47. Мен бир пайтнинг ўзида бир неча масала билан шуғулланишни ёқтирмайман.

48. Мен олдимга қўйган мақсадга эришишни яхши кўраман.
49. Бошқалар ҳақида ниманидир билишни ёқтираман.
50. Мен хилма-хилликни яхши кўраман.
51. Далиллар қайсар бўлади.
52. Мен ўз тасаввуримдан иложи борича фойдаланаман.
53. Мени узоқ давом этадиган, машаққатли иш асабийлаштиради.
54. Менинг миям ҳеч қачон ишлашдан тўхтамайди.
55. Муҳим қарорга келишдан олдин тайёргарлик иши ётади.
56. Ишни якунлаш учун кишилар бир-бирига керак бўлишига чуқур ишонаман.
57. Мен, одатда, қарорларни кўп ўйлаб ўтирмай қабул қиламан.
58. Хиссиёт фақат муаммони келтириб чиқаради.
59. Мен ҳам бошқалар каби бўлишни истайман.
60. Мен иккини иккига тезда қўшишни билмайман.
61. Ўз янги ғоямни одамларда синайман.
62. Мен илмий ёндашишга ишонаман.
63. Мен иш якунланганини яхши кўраман.
64. Яхши муносабатлар зарур.
65. Мен қизиққонман.
66. Мен одамлардаги фарқни меъёрий ҳисоблайман.
67. Бошқа кишилар билан мулоқот ўз қимматига эга.
68. Мен интелектуал рағбатлантиришларни яхши кўраман.
69. Мен ниманидир ташкил этишни яхши кўраман.
70. Мен тез-тез бир ишдан бошқасига сакрайман.
71. Бошқалар билан мулоқот ва ишлаш ижодий жараён ҳисобланади.
72. Ўз-ўзимни фаоллаштиришим мен учун ниҳоятда муҳим ҳисобланади.
73. Менга ғоялар билан ўйин ўйнаш жуда ёқади.
74. Мен вақтни шунчаки ўтказишни ёқтирмайман.
75. Мен ўзим уддалай оладиганимни қилишни яхши кўраман.
76. Бошқалар билан бирга ҳаракат қилиб, мен ўрганаман.
77. Маҳкумлик мен учун қизиқарли.
78. Мен болаларни ёқтираман.
79. Қандайдир хулосага келишдан олдин, мен қисқача якун ясайман.
80. Мендаги ўзимга ишонч етарли даражада.

Энди қуйида келтирилган жадваллардаги ўзингиз ижобий жавоб берган рақамларни ўраб қўйинг ва тўрт услубдан ҳар бири бўйича тўплаган балингизнинг миқдорини ҳисобланг (битта ижобий жавоб бир балга тенг). Ҳар бир услуб бўйича максимал балл миқдори 20га тенг бўлиши мумкин. агар Сиз у ёки бу услаб бўйича 20 балл олган бўлсангиз, демак Сиз ҳисоблашда қаерладир адашгансиз. Сиз ҳаммаси бўлиб баллар миқдори тўрт услуб бўйича 40 га тенг бўлиши керак.

М.1:	1	8	9	13	17	24	26	31	33	40
	41	48	50	53	57	63	65	70	74	79
М.2:	2	7	10	14	18	23	25	30	34	37
	42	47	51	55	58	62	66	69	75	78
М.3:	3	6	11	15	19	22	27	29	35	38
	43	46	49	56	59	64	67	71	76	80
М.4:	4	5	12	16	20	21	28	32	36	39
	44	45	52	54	60	61	68	72	73	77

Энг оддий ва тушунарли усул — одамларга мурожаат қилиш, яъни сизни яхши биладиганларга: дўстлар, танишлар, ҳамкасблар. Улар сизнинг кучли томонингиз деб нимани ҳисоблашларини бир варақка ёзишни илтимос қилинг, улар фикрича сиз ўз қобилиятингизни айниқса самарали тадбиқ этишингиз мумкинми, бунинг учун сиз нима қилишингиз лозим, сизга қандай хусусият халақит қилади, қандайлари етишмайди ва ҳ.к. Америка қўлланмаси асосида ишлаб чиқилган саволномадан фойдаланиш мумкин:

1. Сиз нимани менинг кучли томоним деб ҳисоблайсиз?
2. Меҳнат бозорида менинг қандай жиҳатимга талаб энг юқори?
3. Қандай иш шароити сизнинг фикрингизча, менга энг кўп мос келади?
4. Сизнинг фикрингизча мен учун ишда энг муҳими нима?
5. Мен ўзимдаги сиз билган қайси сифатдан хабарсизман?
6. Нималарни менинг камчилигим деб ҳисоблайсиз?
7. Мен учун энг муносиб бўлган соҳа ёки касбни тавсия эта оласизми?

Жавобларни ёзма тарзда олган маъқулдир, бу кўп жиҳатдан самарали ҳисобланади.

Ўз касбий мойиллигини қандай баҳолаш мумкин?

Қобилият ва шахсий сифатларни баҳолаш учун кўпгина психодиагностика усуллари мавжуд. Махсус усулларни фақат малакали мутахассисларгина қўллай олиши мумкин. Агар сизда мутахассисга маслаҳат сўраб мурожаат этиш имкони бўлмаса, таклиф этилаётган тестдан фойдаланинг.

Тавсия этилаётган тест хажми катта эмаслигига ва олдингисига қарамай самараси етарлича юқори.

Машҳур академик психолог Е. Климов касблар оламида мўлжаллай олиш усулини таклиф этади. У касбий фаолиятни меҳнатнинг мазмунига кўра бешта асосий турга ажратади.

1. «Инсон — Табиат» туридаги касб. Бу тирик ва тирик бўлмаган табиатда борадиган жараёнда инсоннинг иштирок *этиши билан боғлиқ*. Бунга Ерни ўрганиш билан боғлиқ касблар (геолог, геофизик, океанолог, метеоролог ва ҳ.к.)ни, ушбу ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан боғлиқ (ботаник, биолог, зоолог, генетик, орнитолог ва б.)ни, чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ (боғдорчилик, агроном, чорвадор, зоотехник, ветеринар ва ҳ.к.)ни киритиш мумкин.

2. «Инсон — Техника» туридаги касб. Турли туман машина, механизмлар, приборлар ва асбоблардан фойдаланиш билан боғлиқ. Бу гуруҳга кўплаб саноат ва қурилиш ихтисосликлари (сталевар, қуювчи, темирчи, электр пайвандчи, токарь, чилангар, электрик, сувоқчи, пичт терувчи, дурадгор, тикувчи, йиғирувчи, муҳандис ва б.), шунингдек транспорт воситаларини бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқлари киради.

3. «Инсон — Белгилар тизими» туридаги касб. Бу гуруҳга ахборотга ишлов беришнинг турлича шаклларини киритиш мумкин. Бу иш қуйидаги хизматлар билан боғлиқ: тил тизими (библиограф, нотариус, лингвист, тарихчи, файласуф, филолог, адабиётшунос ва ҳ.к.), мавҳум-математик тизим (статистик, математик, хизматчи бухгалтер, иқтисодчи, метролог ва б.), график тизим (чизмачи, конструктор, картограф, штурман ва ҳ.к.), белгилар тизими ва ишлов бериш воситалари тизими (дастурчи, ЭҲМ оператори ва ҳ.к.).

4. «Инсон — бадиий образ» туридаги касб. Бу санъат, бадиий маданият, тасвирий санъат (архитектор, рассом, дизайнер,

ҳайкалтарош ва ҳ.к.), материалларга бадиий ишлов бериш (ўймакор, модельер, заргар ва ҳ.к.), бадиий манзара яратиш (композитор, мусиқачи, дирижер, раққос(а), актер, режиссёр, конферансье ва ҳ.к.) соҳаси.

5. «Инсон — Инсон» туридаги касб. Асосий моҳияти — мулоқот. Бунда одамлар билан алоқа боғлаш ва уни сақлаш лозим. Педагогикавий касблар (ўқитувчи, тарбиячи, етакчи, тренер, мураббий ва ҳ.к.), адлия соҳаси (милиционер, ҳакам, юрист маслаҳатчи, терговчи, прокурор, адвокат), маданий-оқартув (кутубхоначи, экскурсовод, гид, мухбир ва ҳ.к.), хизмат соҳаси (сотувчи, официант, сартарош, борт кузатувчиси ва ҳ.к.), тиббиёт (санитар, фельдшер, ҳамшира, врач). Ҳар қандай раҳбарга коммуникатив лаёқат зарур.

Ўз мойиллигингизни баҳолаш учун қуйидаги йўриқни бажаринг: агар сиз айтилганларга қўшилсангиз колонкадаги рақам олдига «+» белгисини қўйинг. Агар маъқулламасангиз — «-» белгисини. Агар сиз билмасангиз ёки иккилансангиз, унда рақамни устидан чизиқ тортинг. Ҳар бир графа бўйича мусбатларни ҳисобланг. Энг кўп олинган миқдор касб танлашдаги сизда бўлган мойилликни кўрсатади.

Ўз-ўзини баҳолаш дастури	Касблар тури				
	1	2	3	4	5
1. Кишилар билан осон танишаман					1
2. Бирор нимани узоқ ва иштиёқ билан тайёрлайман		2			
3. Музейлар, театрлар ва б.га боришни ёқтираман				1	
4. Ўсимликлар ва жониворларни хуш кўриб ва мунтазам парваришлайман	1				
5. Ниманидир иштиёқ билан узоқ вақт ҳисоблайман, чизаман			1		
6. Ёрдам бериш зарур бўлганда, бирор нима билан банд этишда ва ҳ.к.да тенгдошларим ёки кичиклар билан мулоқотни ёқтираман					1
7. Катталар ўсимликлар, жониворларни парваришлашларига кўпинча ва чин дилдан ёрдамлашаман	1				
8. Ёзма ишларда хатога кам йўл қўяман					1
9. Мен тайёрлаган нарсалар ўртоқларимда, катталарда одатда қизиқиш уйғотади		2			
10. Катталар менда қандайдир бадиий қобилият бор деб ҳисоблайдилар					2

Ўз-ўзини баҳолаш дастури	Касблар тури				
	1	2	3	4	5
11.Ўсимликлар, ҳайвонлар ҳақида қизиқиб ўқийман	1				
12. *Бадиий тўгаракларда фаол* қатнашаман					1
13. Машиналар, ускуналар қурилиш ҳақида қизиқиб ўқийман		1			
14. Қийин топшириқлар, кроссвордлар, бошқотирмаларни қизиқиб ва узоқ ечишим мумкин				2	
15. Тенгдошларим ва кичиклар ўртасидаги келишмовчиликни осон ҳал этаман	1				
16. Катталар менда техника билан ишлаш қобилияти бор деб ҳисоблайдилар				2	
17. Менинг бадиий ижодимни рағбатлантирадилар		1			
18. Катталар менда ўсимликлар, жониворлар билан ишлаш қобилияти бор деб ҳисоблайдилар					1
19. Фикримни ёзма шаклда тўлиқ ва аниқ баён этишликка одатда эришади деб ҳисоблайдилар			2		
20. Деярли ҳеч қачон жанжаллашмайман		1			
21. Менинг ясаганларимни бегона кишилар маъқуллайди					2
22. Менга нотаниш бўлган чет тилдаги сўзларни осон ўзлаштираман	1				
23. Менга кўпинча нотаниш одамларга ёрдам беришга тўғри келади				1	
24. Бадиий ижод билан узоқ вақт шуғулланаоламан		1			
25. Ўсимликлар, жониворларни парваришлар эканман, уларнинг ривожланишига таъсир этишга ҳаракат қиламан	2				
26. Машина, приборлар ва ҳ.к. тузилишини билишга қизиқаман				2	
27. Мен кўпинча тенгдошларимни ундай эмас, бундай қилишга кўндириш учун муваффақ бўламан		1			
28. Ўсимликлар ва жониворларни кузатишни ёқтираман					1
29. Илмий-оммабоп, танқидий, публицистик адабиётларни мириқиб ўқийман	1				
30. Ўз кучимни бадиий ижодда синаб кўраман					1



Сизни сезгирлигингизга ҳавас қилиш мумкин. Сизни *ҳаёлингиз* амалда мумкин эмас. Менежмент — маркетинг сизнинг соҳангиз.	Ўзингизга яқин кишилар сиз учун ҳақиқатан ҳам очиқ китоб ҳисобланади. Бошқаларни яхши тушуна олмайсиз. Афсус. Сиз ҳаётда ўз ўрнингизни топишингиз мумкин	Сизнинг атроф олам ва инсоният, унинг аҳолиси хусусида *хабардор* эмаслигингиз ажабланарлидир. Маркетинг — менежмент сизга муносиб эмас	Агар истасангиз ҳар бир кишини ўз кафтингиздагидек *кўришингиз* мумкин. Дангасалик қилсангиз сизни алдашади. Буни ўйлаб кўринг.

6.3. АСОСИЙ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР
(Маълумотнома материаллар)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ
04.10.2001 й.
№ 400

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ УЧУН ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида кадрлар тайёрлаш даражаси ва сифатини янада ошириш ҳамда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини давлат таълим стандартлари ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига жавоб берадиган юқори малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар 2001-2010 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

— академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари педагог кадрлари, шунингдек уларни ўқитишда иштирок этувчи олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби касбий савиясининг узлуксиз равишда ўсиши ва малакаси ошиб боришини таъминлаш;

— ўқитиш жараёнига замонавий хорижий методикалардан фойдаланиш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими педагогларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркибининг ривожланган мамлакатларнинг етакчи ўқув марказларида тажриба орттириши амалиётини кенгайтириш орқали илғор халқаро педагогик тажрибаларни жорий этиш;

— замонавий технологияларга асосланган корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланган ҳолда уларнинг базавий олий таълим муассасалари билан кооперациялашувини ва ҳамкорлигини чуқурлаштириш йўли билан муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш;

— академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари ва ўқитувчиларининг мунтазам равишда, камида уч йилда бир марта аттестациядан ўтказилишини ташкил этиш. Раҳбар ва ўқитувчиларнинг бўш лавозимларини танлов асосида тўлдириш;

— замонавий ахборот технологиялари ва Интернет халқаро ахборот тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда педагог кадрларни масофадан туриб ўқитиш методини жорий этиш.

2. Қуйидагилар:

— 2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими педагог ва муҳандис-педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури;

— ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими педагог ва муҳандис-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларининг рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат тест маркази Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан биргаликда 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини олиб борсин ва давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ баҳоласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

— манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга давлат талабларини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

— 2001-2010 йилларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда улар малакасини оширишнинг ўқув режалари ва дастурларини икки ой муддатда қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин;

— ҳар йили ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида кадрлар тайёрлаш касбий даражаси мониторинги натижаларига кўра академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг миқдорий кўрсаткичларини ва тартибини аниқласин;

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари раҳбар, педагог ва муҳандис-педагог кадрларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

— "Устоз" жамғармаси билан биргаликда 2001-2010 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини рўёбга чиқаришнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг минтақалардаги ёшлар ва жамиятнинг маънавий ҳамда ақлий ривожланишига кўмаклашувчи маърифат, маданият, оммавий компьютер саводхонлиги марказлари сифатидаги ролини, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг ижтимоий мақоми ва жамиятдаги обрў-эътиборини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг номенклатурасига киритиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бош вазир ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси раҳбари (Ҳ.С.Кароматов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ташкилий-кадрлар ишлари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати билан биргаликда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг танловдан ўтган директорларини тайинлаш тартибини 15 кун муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Давлат тест маркази Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда:

— ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг раҳбарлар таркибини, педагог ва муҳандис-педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги Низомни;

— ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчиларнинг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги Низомни икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар, тасдиқласинлар ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

— ҳар йили давлат бюджетини шакллантиришда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига академик лицейлар вакасб-ҳунар коллежларининг раҳбар, педагог ва муҳандис-педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказиш учун зарур маблағлар ажратишни назарда тутсин;

— Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан биргаликда ўқув асбоб-анжомлари харид қилиш учун жалб этилаётган грантлар ва хорижий кредит маблағларидан шунингдек, ўқитувчиларнинг ривожланган мамлакатларнинг етакчи ўқув марказларида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ҳам фойдаланишни назарда тутсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси **И.Каримов**

Вазирлар Маҳкамасининг
2001 йил 4 октябрдаги
400-рақамли қарорига

Илова

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА МУҲАНДИС-ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

Т/р	Олий таълим муассасалари номи	Ихтисослашган бўлимлар	Таълим ихтисоси ва йўналиши
Базавий олий таълим муассасалари			
1.	Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат-технология институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази	Қурилиш, қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати, транспорт, савдо, машинасозлик, энергетика
2.	Наманган муҳандислик-педагогика институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Қурилиш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, транспорт, машинасозлик
3.	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Академик лицейлар раҳбарлари, умумтаълим фанлари, педагогика, психология, ижтимоий соҳа, компьютер ва ахборот технологиялари
Етакчи олий таълим муассасалари			
4.	Қорақалпоқ давлат университети	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази	Умумтаълим фанлари ва ижтимоий фанлар, педагогика, қишлоқ хўжалиги, қурилиш
5.	Андижон давлат университети	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Умумтаълим фанлари, педагогика

Т/р	Олий таълим муассасалари номи	Ихтисослашган бўлинмалар	Таълим ихтисоси ва йўналиши
6.	Андижон давлат тиллар педагогика институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Чет тиллар
7.	Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази	Иқтисодиёт, молия, менежмент
8.	Бухоро давлат университети	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази	Умумтаълим фанлари, педагогика
9.	Жиззах политехника институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази	Енгил ва озиқ-овқат саноати, транспорт, қишлоқ хўжалигини механизациялаш
10.	Қарши давлат университети	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази	Умумтаълим фанлари, педагогика
11.	Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт
12.	Наманган давлат университети	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази	Умумтаълим фанлари, педагогика
13.	Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Иқтисодиёт, молия, менежмент, маркетинг
14.	Самарқанд давлат университети	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Умумтаълим фанлари ва ижтимоий фанлар, педагогика
15.	Самарқанд давлат чет тиллар институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Чет тиллар
16.	Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Қурилиш
17.	Самарқанд кооператив институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Иқтисодиёт, молия, менежмент
18.	Термиз давлат университети	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Умумтаълим фанлари, педагогика
19.	Гулистон давлат университети	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Умумтаълим фанлари, педагогика
20.	Фарғона давлат университети	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Умумтаълим фанлари ва ижтимоий фанлар, педагогика

Т/р	Олий таълим муассасалари номи	Ихтисослашган бўлинмалар	Таълим ихтисоси ва йўналиши
21.	Фарғона политехника институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази	Қурилиш, энергетика, транспорт, саноат, хизмат кўрсатиш (техника) соҳаси
22.	Урганч давлат университети	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази	Умумтаълим фанлари, педагогика
23.	Ўзбекистон миллий университети	Олий педагогика институти	Умумтаълим фанлари ва ижтимоий фанлар, компьютер ва ахборот технологиялари
24.	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Чет тиллар
25.	Ўзбек давлат жисмоний тарбия институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Жисмоний тарбия ва спорт
26.	Тошкент молия институти	Малака ошириш институти	Молия, кредит, солиқлар, бухгалтерия ҳисоби
27.	Тошкент архитектура-қурилиш институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Қурилиш
28.	Тошкент автомобиль йўллари институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази	Транспорт (автомобиль)Z_
29.	Тошкент давлат авиация институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Транспорт (авиация)
30.	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази	Енгил саноат
31.	Тошкент кимё-технология институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази	Кимё, нефть ва озиқ-овқат саноати
32.	Тошкент давлат аграр университети	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Қишлоқ хўжалиги
33.	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш
34.	1-Тошкент тиббиёт институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Тиббиёт

Т/р	Олий таълим муассасалари номи	Ихтисослашган бўлинмалар	Таълим ихтисоси ва йўналиши
35.	Тошкент давлат маданият институти	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети	Маданият, санъат, кутубхоначилик ишлари
36.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Малака ошириш институти	Иқтисодиёт, иқтисодиёт йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари, хизмат кўрсатиш (иқтисодиёт) соҳаси, маркетинг, иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосарлари, компьютер ва ахборот технологиялари
37.	Тошкент давлат техника университети	Муҳандислик-педагогика институти	Саноат, хизмат кўрсатиш (техника) соҳаси, ахборот технологиялари, компьютер техникаси
38.	Тошкент электртехника ва алоқа институти	Ахборот технологиялари маркази	Компьютер техникаси, электрон коммуникациялар, ахборот технологиялари

* 1-8-жадваллар берилмайди.

«Тасдиқлайман»
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазири_____С.С. Ғуломов

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармаси ҳақида

НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1.1. Иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармаси ЎзР ОТВ ҳайъатининг 28.04.2000 й. даги 24/10 рақамли қарори ва ОТВнинг 28.04.2000 й.даги 125 рақамли буйруғи асосида Маркетинг хизмати бош бошқармаси ва Таълимни молиялаш, фан ва капитал қурилиш бош бошқармасининг қўшилувидан ташкил топган вазирлик аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

Бошқарма таркибида Маркетинг хизмати маркази фаолият юритади.

1.2. Иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармаси зиммасига ҳисобот ва таҳлилнинг бухгалтерия ҳисоб-китоби, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги маркетинг, хўжалик ҳисоби асосидаги ташкилотлар хўжалик фаолиятини молиялашни назорат қилиш, таълим ва фанни молиялаш масалалари, капитал қурилиш ва таъмирлаш, меҳнатни муҳофазалаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси фаолиятини уйғунлаштириш юклатилган.

1.3. Иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқарамаси таълим хизмати бозорини ташкил этишни ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги маркетингни шакллантириш, таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга инвестицияларни жалб этиш, тармоқдаги режа-иқтисод ишларини, капитал қурилишни олиб бориш, таълим муассасалари моддий-техника негизини ривожлантириш ва таъминлаш бўйича методик раҳбарликни амалга оширади. Таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолияти тамойилларини ривожлантиради, давлат ва тармоқ иқтисодий статистикаси маълумотла-

рини тўплаш, ишлаб чиқиш ҳамда таҳлил қилиш ишларини ташкил этади.

1.4. Иқтисодиёт инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармаси ўз ишида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати қарорлари, буйруқлари ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

2. Асосий мақсади

Иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармасининг асосий мақсад ва вазифалари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

2.1. Таълим соҳасида ягона давлат иқтисодий сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, истиқболли ва жорий бошқаратлашнинг сифати ҳамда илмий асосланганлигини таъминлаш.

2.2. Таълим муассасаларида хўжалик ҳисоби тамойилларидан фойдаланиб хўжалик юритишнинг иқтисодий шакл ва усулларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва такомиллаштириш.

2.3. Таълим хизмати бозорини ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги маркетингни шакллантириш.

2.4. Олий таълим муассасалари иқтисодиёт ва маркетинг ишларини уйғунлаштириш.

2.5. ОТМларга чет эл фондлари, дастурлари ва кадрлар тайёрлашидан фойдаланиш бўйича маркетинг хизмати кўрсатиш.

2.6. Таълим ва мутахассисларга бўлган талабнинг янги йўналишларини белгилаш бўйича ишларни уйғунлаштириш.

2.7. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги чет эл олий таълими тизимининг маркетинг хизмати билан алоқа ўрнатиш.

3. Иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармасининг асосий вазифалари

3.1. Таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида мутахассислар тайёрлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш ва улар ишини уйғунлаштириш.

3.2. Таълим хизмати бозорида фаолият кўрсатиш, таълим, касб ва ихтисосликлар янги йўналишларида кадрлар тайёрлашга бўлган талабни ҳисобга олиш учун маълумотлар жамланмасини яратиш бўйича ишларни уйғунлаштириш

3.3. ОТМлар маркетинг хизмати фаолиятига, республикада ҳамда чет элда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, «Умид» ва «Устоз» жамғармалари билан биргаликда стратегик маркетинг режасини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш ва уни уйғунлаштириш.

3.4. ОТВ таълим муассасалари таклиф этадиган таълим хизматининг имкониятлари ва шакллари ҳақида реклама фаолиятини амалга ошириш, таълимнинг турли йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш долзарб масалаларига бағишланган кўргазмалар, семинарлар, конференциялар, симпозиумлар ўтказиш, таълим хизмати бозори конъюнктурасини илмий тадқиқ этишга кўмаклашиш.

3.5. Тайёрланаётган мутахассисларга талабгор вазирлик ва муассасалар билан самарали алоқани таъминлаш.

3.6. Маркетинг, лавозимлар, молиялаш ва капитал қурилиш бўйича низомлар, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш.

3.7. Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш шакл ва усулларини кенгайтириш масаласи бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

3.8. Давлат бюджети, мутахассисларга «буюртмалар портфели» ва ОТМга абитуриентлар қабули миқдорий кўрсаткичлари, хўжалик ташкилотлари молиявий режалари, тўлов-контракт асосидаги таълим бўйича маблағлар ҳажми ва бошқа махсус (бюджетдан ташқари) маблағлар башоратини шакллантириш.

3.9. Тасарруфдаги таълим ва бошқа муассасалар бўйича чиқимлар сметасини белгиланган тартибда тасдиқлаш ва етказиш.

3.10. Тасарруфдаги таълим ва бошқа муассасаларнинг тасдиқланган сметаси бўйича молиявий режалашни ва жорий молиялашни амалга ошириш.

3.11. Молиялашни башоратлаш, давлат ҳисобот шаклларининг усули ва амалиётини мунтазам суратда такомиллаштириш.

3.12. Капитал қурилиш ҳисобига таълим муассасалари моддий-техника негизини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш.

3.13. Капитал қурилишининг истиқболли ва жорий инвестициялашни ишлаб чиқиш.

3.14. Капитал қурилиш асосий кўрсаткичларини ЎзР Макроиқтисодстат вазирлиги, пудратчи қурилиш вазирликлари, муассасалари билан пудрат ишларини асосий бажарувчилар сифатида келишиб олиш.

3.15. Пудратчи қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда қурилишни ва белгиланган топшириқларни бажаришни жадаллаштириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш, улар бажарилиши устидан назорат қилиш.

3.16. Таълим муассасаларининг капитал қурилишни амалга оширувчи ташкилотлар билан ўзаро ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишини назорат қилиш.

3.17. Ишга тушириладиган объектларни ускуналар, буюртмачи етказиб берадиган ускуналар билан бутлаш.

3.18. Қурилишнинг смета бўйича қийматига амал қилиш устидан мунтазам назоратни амалга ошириш.

3.19. Таълим муассасаларини кузги-қишки мавсумда ва янги ўқув йилида ишлашга тайёрлаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш.

3.20. Бозор иқтисодиёти шароитларида ОТМларнинг аҳволини ҳамда моддий-техника негизини истиқболда ривожлантиришни ўрганиш.

3.21. Мавжуд бинолар, иншоотларни таъмирлаш, капитал тузатиш масаласи билан шуғулланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини кўриб чиқиш.

3.22. Тасарруфдаги таълим муассасаси ва ташкилотларнинг тегишли бўлинмалари фаолиятини тезкор назоратини, уларга умумий услубий раҳбарликни амалга ошириш.

3.23. Давлат лавозимлар, бюджет ва ҳисоботи интизомига амал қилган ҳолда моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан тўғри ва самарали фойдаланишни назорат этишни ташкил қилиш.

3.24. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини таълим муассасаси лавозимларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича тадбирларни белгиланган тартибда амалга ошириш.

3.25. Иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича фуқаролар таълим муассасаларининг ва ташкилотлар хатлари билан мунтазам ишлаш.

Тасарруфдаги муассасаларда олиб борилаётган иқтисодий ишлар, маркетингнинг аҳволини ўрганиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, молиялаш, меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини башоратлашни такомиллаштириш масалалари бўйича тушаётган таклифларни кейинчалик амалга ошириш учун таҳлил қилиш ва умумлаштириш. Тасарруфдаги таълим муассасалари ва ташкилотлар фаолиятидаги камчиликларни тугатиш бўйича чора кўриш.

4. Функционал ҳуқуқлар

Иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.1. Макроиқтисодстат вазирлиги, ЎзР Молия вазирлиги ва бошқа органларда вакиллик қилиш, ва тармоқ иқтисодий масалаларини ҳал этишда қатнашиш.

4.2. Тасарруфдаги таълим муассасалари ва ташкилотларга ОТМлар маркетинг хизмати бўлинмаларига, қурилиш смета қийматига амал қилишга, таълим муассасалари, капитал қурилишини амалга ошираётган пудратчи ташкилотлар билан ўзаро ўз вақтида ҳисоб-китоб олиб боришга оператив раҳбарлик қилиш ҳамда назоратни амалга ошириш.

4.3. Давлат топшириқларини бажаришнинг бориши, шартномалар бажарилиши, бюджет, лавозим ва ҳисобот интизомига риоя қилиш устидан назоратни амалга ошириш.

4.4. Иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича вазирликлар, муассасалар, корпорациялар, ассоциациялар ва бошқа республика ташкилотлари, ҳокимиятлар, жойлардаги ижрочи органлар билан, шунингдек, чет эл ва халқаро ташкилотлар, фирмалар, жамғармалар билан белгиланган тартибда алоқа боғлаш.

4.5. Иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бгош бошқармаси вазифасини бажариш, учун зарур маълумотнома-ахборот материалларини ОТВ бўлинмалари, унга тобе ташкилотлар, вазирликлар ва муассасалар, Ўзбекистон элчихоналаридан сўраш.

4.6. Иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармаси фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича таълим муассасаларининг масъул ходимлари, шунингдек, ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари билан ишчи кенгаш, семинарлар ўтказиш.

4.7. Давлатга тааллуқли бўлган ва бўлмаган меҳнат бозорида амалга оширилаётган таълим хизматларини ривожлантиришни башоратлаш ва лойиҳасини биргаликда баҳолаш учун консультация беришга республика ва Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар экспертларини белгиланган тартибда жалб этиш.

4.8. Республика ОТМларида тайёрланаётган мутахассисларга буюртмачи ҳисобланган ёки улардан фойдаланувчи чет эл фирмалари, компаниялари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан музокараларда қатнашиш.

4.9. Ахборот технологиялари бўйича электрон нашрларни, СД-ROM дискларда тарқатиладиган даврий нашрлар ва материалларни, бошқа меҳнат бозори ва таълим хизмати конъюнктурасини ёритувчи расмий материалларни олиш, Internet ва электрон почта тизимидан фойдаланиш.

4.10. Тармоқдаги иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш, инвестицияларни жалб этиш, меҳнат бозорида таълим хизматини кенгайтириш бўйича вазирлик раҳбариятига таклифлар тайёрлаш ва тақдим этиш.

4.11. Молиявий қоида бузишлар, шунингдек, молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида нотўғри ҳисобот бериш содир бўлганда зарур ҳолларда бюджетдан молиялашни тўхтатиш.

4.12. Иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармаси ўз асосий мақсад ва вазифасидан келиб чиқиб, ОТВ бошқа бўлинмалари билан ҳамкорлик олиб боради.

4.13. Иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармасига Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири ишга тайинлайдиган ва вазифасидан озод этадиган бошлиқ томонидан бошқарилади.

Бошлиқ бошқарма иши бўйича шахсан жавобгардир.

4.13. Иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармасининг лавозим жадвали ЎзР ОТВ вазири томонидан тасдиқланади.

4.15. Иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармасининг бошлиғи Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирига бўйсунади.


Иқтисоднёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармасининг бошлиғи, ОТВ ҳайъати аъзоси
Бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот ва таҳлил бошқармаси
Иқтисод ва тадбиркорлик бўйича проректорлар уйғунлаштирувчи кенгаши
Иқтисодиёт бўйича бошлиқ ўринбосари
Инвестициялар бўйича бошлиқ ўринбосари
Бошлиқ ўринбосари — МТО бўлимининг бошлиғи
ОТВ ишлар бошқармаси бошлиғи
Бошлиқ ўринбосари — маркетинг марказининг бошлиғи
Бухгалтерия
Иқтисод ва тадбиркорлик бўйича проректор
ОТВ хўжалик органлари
АЛПК ва МС бўйича проректор
АЛ ва ПК корхоналаридаги кафедралар шахобчалари
Режалаштириш ва молиялаш бўлими
Капитал қурилиш бўлими
Таъминот бўлими
Хўжалик бўлими
Маркетинг хизмати бўлими
Бизнес, таълим ва бозор хизмати бўлими
Отмлардаги кичик ва ўрта бизнес субъектларининг раҳбарлари

Иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармаси ҳақидаги Низомга

Илова

Эгаллаган лавозими бўйича бажаришга шахсий жавобгар ҳисобланувчилар амалга оширадиган Иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармаси ходимларининг лавозим мажбуриятлари

Таркиб:	
Бошқарма бошлиғи	-1
Бошқарма бошлиғининг муовини	-1
Бош мутахассис – бошқарма бошлиғининг муовини	-1
Бош мутахассис	-2
Маркетинг хизмати маркази	-4

Лавозим мажбурияти

Бошқарма бошлиғи:

- бошқарма ишига раҳбарлик;
- бошқарма фаолияти назорати, уни ташкиллаштириш бўйича;
- иқтисодиёт ишлари, тармоқ капитал қурилиши, олий таълимни ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш, таълим хизмати бозори ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни *шакллантиришга ташкилий ва услубий раҳбарлик*;
- таълим ва кадрлар тайёрлаш янги йўналишларини белгилаш бўйича ишларни уйғунлаштириш;
- ОТВ таълим муассасалари таклиф этадиган таълим хизматининг *имкониятлари ва шакллари ҳақида рекламани амалга* ошириш;
- Иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича республика *вазирликлари, муассасалари, корпорациялари, ассоциациялар* ва ташкилотлари, шунингдек, жойлардаги ҳокимиятлар, маҳаллий ижроия органлари ҳамда чет эл халқаро ташкилотлар, фирмалар, жамғармалар билан алоқалар ўрнатиш;
- *тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва таълим* муассасаларига бюджетдан ташқари маблағни жалб этиш;
- инвестиция дастурларини башоратлаш;

– қурилишлар ҳолатини таҳлил қилиш ва объектлар қурилишининг борищи устидан назорат олиб бориш;

– капитал қурилиш объектларини молиялашни амалга ошириш;

– капитал қурилиш ва капитал таъмирлашга ажратиладиган бюджет маблағидан самарали фойдаланишни назорат қилиш;

– ўқув юртлари капитал қурилиши бўлимлари ишини уйғунлаштириш;

– пудратчи ташкилотлар ўтказадиган йиғилишларда қатнашиш;

– қуйидаги саволлар бўйича жойларга чиқиб таълим муассасаларига амалий ёрдам кўрсатиш: молиялашни очиш, шартномалар тузиш, объектларни фойдаланишга топшириш учун қурилишни, капитал таъмирлашнинг боришини тезлатиш;

– қурилиш объектлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини кўриб чиқишда иштирок этиш;

– моддий-техника негизини истиқболли ривожлантириш масалалари билан шуғулланиш;

– таълим муассасаларини кузги-қишки мавсумга ва янги ўқув йилига тайёрлаш устидан назорат қилиш;

– капитал созлаш масалалари бўйича ЛКБ ишига раҳбарлик қилиш;

– капитал қурилиш ва капитал таъмирлаш, таълим муассасасини кузги-қишки мавсумга ва янги ўқув йилига тайёрлаш масалалари бўйича ҳайъатга материал тайёрлаш.

Етакчи мутахассис:

– асосий кўрсаткичлар бўйича капитал қурилиш йиллик башоратини ишлаб чиқиш;

– ётоқхоналар ва ўқув биносининг техникавий аҳволини таҳлил этиш;

– жойларга чиқиб капитал қурилиши ва капитал таъмирлаш масаласи бўйича йиғилишларда қатнашиш;

– қурилиш ва капитал таъмирлаш вақтида юзага келадиган ишлаб чиқариш ва техникавий масалаларни ҳал қилиш;

– шартномавий нархларни (капитал қурилиш ва капитал таъмирларда) таълим муассасаларига келишиб олишда кўмаклашиш;

– жойларга чиқиб ётоқхона бинолари, ўқув бинолари, муҳандислик коммуникацияларини капитал таъмирлаш бўйича

ишларнинг боришини назорат қилиш ва масалаларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш;

–таълим муассасаси миқёсида капитал таъмирлаш зарур бўлган объектлар рўйхатини тузиш учун тақдим этиш.

Бош мутахассис:

–«Услубий ишлар» 27-§ бўйича, «Бизнес мактаб» 44-§и, «ОТМлар» 47-§и ва «Малака ошириш институтлари ва МОФ» 48-§и бўйича сметалар рўйхатини ишлаб чиқади;

–параграфлар бўйича ва таълим муассасалари ҳамда муассасалар чиқимлари сметасида кредитлар ҳисобини юритади;

–37 та ОТМ ва техника коллежи, ОЎМТВ МИ ва Маркетинг хизмати бош бошқармаси бўйича, 22 та бизнес-мактаб, 3 та малака ошириш институти ва 30 та малака ошириш факультети, ЎзДУ қошидаги ИТИ, «Фан ва тараққиёт» йиллик сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун тақдим этади;

–қурилиши тугатилган объектларни фойдаланишга қабул қилувчи Давлат комиссияси ишида қатнашади;

–тасарруфдаги таълим муассасалари ва ташкилотлари моддий-техника негизини ривожлантиради ва мустаҳкамлайди;

–Давлат бюджети, мутахассисларга ва ОТМларга абитуриентлар қабули, «буюртмалар портфели», инвестициялар дастурининг истиқболдаги ва жорий режасини Макроиқтисодстат вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва бошқа идоралар билан келишиб олиш»;

–бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот ва таҳлил бошқармаси фаолиятини уйғунлаштириш;

–меҳнат муҳофазаси ва ходимлар, талабаларнинг ижтимоий ҳимояси;

–тасарруфдаги таълим муассасалари ва ташкилотлар молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича баланс комиссиясини ўтказиш (ҳар уч ойликда, йил якуни бўйича);

–вазирлик ҳайъатига материаллар тайёрлаш.

Бошқарма бошлиғининг муовини

–тасарруфдаги таълим муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини, шунингдек, ОТВ ўтказадиган марказлаштирилган тадбирларни таъминлашга кетадиган истиқболдаги ва жорий молиявий чиқимларни ишлаб чиқиш;

–ОТВ давлат бюджети лойиҳасини Молия вазирлиги билан келишиш;

– ПЎТ меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этишни ва шартларини такомиллаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларни, намунавий лавозимлар, тўлов-контракт асосида ўқитилаётган талабалар (ўқувчилар)ни ўқитиш бўйича шартномавий муносабатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

– «лицейлар» 3-§, «лицей интернатлар» 9-§, «Банк коллежлари» 45-§ бўйича сметани ишлаб чиқиш;

– 26 лицей ва гимназия, 23 лицей-интернат, 6 та банк коллежи ва Тошкент аёллар ихтисослашган коллежи бўйича йиллик чиқимлар рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этиш ва уларни таълим муассасаларига белгиланган тартибда етказиш;

– ҳар йили Молия вазирлигига тасарруфдаги таълим муассасалари бўйича чиқимлар рўйхати ва лавозим жадвалини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиш;

– ҳар ойда ЎзР Молия вазирлигида молиялашни очиш ва таълим ҳамда бошқа муассасаларга етказиш;

– ОТВ марказлаштирилган тадбирларини молиялашни амалга ошириш;

– ҳар чоракда ва ҳар йил якуни бўйича чиқимлар сметасининг бажарилишини ва бухгалтерия ҳисоби бўйича тасарруфдаги таълим ва бошқа муассасалар лавозим интизомига риоя этишини таҳлил қилиш.

Бош мутахассис – бошқарма бошлиғининг муовини

– инвестиция лойиҳалари ва капитал таъмирлаш башоратини ишлаб чиқиш;

– 25 ОТМ бюджет маблағи ҳисобидан илмий-тадқиқот ишланмаларини амалга ошириш;

– ЎзР Молия вазирлигида таълим ва бошқа муассаса чиқимлари ва лавозим жадвалини ҳар йилги рўйхатдан ўтказиш;

– ЎзР Молия вазирлигида ҳар ойда кредит очиш;

– таълим ва бошқа муассасалар бухгалтерия ҳисоботи бўйича чиқимлар сметаси ва лавозим интизомига амал қилинишини ҳар чоракда ва йил якуни бўйича таҳлил қилиш;

– ҳайъат йиғилиши ва баланс комиссиясига материаллар тайёрлаш.

Етакчи мутахассис:

– 34 ОТМ бўйича тўлов-контракт шаклидаги таълим бўйича кирим ва чиқимлар йиллик сметасини режалаштириш;

– тўлов-контракт шаклидаги таълим бўйича маблағлардан фойдаланиш ва чиқимларни назорат қилиш;

– тўлов-контракт шаклидаги таълим бўйича тушган маблағлар ҳақида тезкор ҳисобот йиғиш ва умумлаштириш;

– ҳар чоракда ва йил якуни бўйича тўлов-контракт асосидаги таълим бўйича кирим ва чиқимлар сметаси бажарилиши ҳақидаги ҳисоботларни таҳлил этиш ва умумлаштириш;

– таълим муассасалари бўйича махсус бюджетдан ташқари маблағни режалаштириш, кирим ва чиқимлар сметасини тасдиқлаш учун тақдим этиш ва уни таълим муассасаларига етказиш;

– хўжалик ташкилотлари йиллик молия режасини Макроиқтисодстат вазирлиги ва Молия вазирлигига тақдим этиш учун умумлаштириш;

– ҳар чоракда, йил якуни бўйича улар молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш.

«Тасдиқлайман»
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазири_____С.С. Ғуломов

ЎзР ОТВ иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармасининг маркетинг хизмати маркази ҳақида

НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1.1. Маркетинг хизмати маркази, кейинги ўринларда «Марказ», иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармаси таркибида ЎзР ОТВ ҳайъатининг 28.04.2000 й.даги 24/10 рақамли қарори, ЎзР ОТВнинг 28.04.2000 й. даги 125-рақамли буйруғига асосан ташкил этилган.

1.2. «Марказ» ўз фаолиятида ЎзР қонунлари, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ОТВ буйруқ ва йўриқномалари, Иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармасининг низоми ва мазкур низомга амал қилади.

1.3. «Марказ» ўз фаолиятини бюджет ва бюджетдан ташқари маблағ, шунингдек, хўжалик ҳисоби асосида юритади.

1.5. «Марказ» Ўзбекистон Республикасининг герби ва ўз номи акс эттирилган думалоқ муҳрга ва уч бурчак босқига эга бўлади.

1.4. «Марказ» ҳуқуқий шахс саналади. Мустақил балансга ва банк муассасаларида ўз ҳисоб рақамига, валюта ҳисоб рақамига эга.

1.6. «Марказ»га марказ ходимларини ишга тайинловчи ва вазифасидан озод этувчи бошлиқ раҳбарлик қилади. Бошлиқнинг ўзи иқтисодиёт, Инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармасининг бошлиғи билан келишиб тайинланади.

2. «Марказ»нинг асосий мақсад ва вазифалари

2.1. Таълим хизмати бозорини ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни шакллантириш.

2.2. Олий таълим муассасалари маркетинг хизмати бўлинмалари ишини уйғунлаштириш.

2.3. ОТМларга чет эл жамғармалари, дастурлари ва кадрлар тайёрловидан фойдаланиш бўйича маркетинг хизмати кўрсатиш.

2.4. Таълим ва мутахассисларга талабнинг янги йўналишларини белгилаш бўйича ишларни уйғунлаштириш.

2.5. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги чет эллар олий таълим тизими маркетинг хизмати билан алоқа боғлаш.

2.6. Таълим хизмати бозорига мослашиш ва таълим, касб ва мутахассислик янги йўналишларидаги талабни ҳисобга олиш учун маълумотлар жамланмасини яратиш бўйича ишларни уйғунлаштириш.

2.7. ОТМлар маркетинг хизмати фаолиятига раҳбарлик қилиш ва уни уйғунлаштириш, республикада, шунингдек, чет элда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича стратегик маркетинг режасини ишлаб чиқиш.

2.8. ОТВ таълим муассасалари таклиф этадиган таълим хизматининг имкониятлари ва шаклларини реклама қилиш фаолиятини амалга ошириш, таълимнинг турли йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг долзарб масалаларига бағишланган кўргазмалар, семинарлар, конференциялар ва симпозиумларни ташкил этиш ва ўтказишда қатнашиш, таълим хизмати бозори конъюнктурасини илмий тадқиқ этишга кўмаклашиш.

2.9. Тайёрланаётган кадрларни талаб этувчи вазирлик ва муассасалар билан самарали алоқани таъминлаш. Қуйидагиларни қўллаб-қувватлаш бўйича меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш:

– мутахассислар учун иш ўрни ажратувчи иш берувчиларни;

– ўз негизида, шу жумладан таълим олувчиларни ишлаб чиқариш амалиёти ва иш ўрганишга қабул қилиш йўли билан кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун ишлаб чиқариш ва илмий салоҳиятидан самарали фойдаланаётган корхона ва илмий муассасаларни;

– ОТМда ўқиш билан ишлаб чиқаришда ишлашни қўшиб олиб бораётган шахсларни.

3. «Марказ»нинг функционал ҳуқуқлари

3.1. Ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, муассасалари, корпорациялари, ассоциациялари ва ташкилотлар, жойлардаги ҳокимиятлар ва бошқа ижроия

идоралари, шунингдек, чет эл ва халқаро ташкилотлар, фирмалар, жамғармалар билан белгиланган тартибда алоқа ўрнатиш.

3.2. «Марказ» вазифасини бажариш учун зарур мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга тааллуқли ахборот-маълумотнома материалларни ОТВ бўлинмалари, тасарруфдаги муассасалар, вазирликлар, Ўзбекистон Республикаси элчихоналаридан сўраш.

3.3. ОТМ маркетинг хизмати ходимлари, шунингдек, «Марказ» фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича ташкилотлар ва муассасаларнинг вакиллари билан ишчи йиғилишлар ўтказиш.

3.4. Давлатга тааллуқли ва тааллуқли бўлмаган хизматлар меҳнат бозорида амалга ошираётган таълим хизматини истиқболдаги ривожининг лойиҳасини биргаликда баҳолаш ва тузишда консултация учун республика, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар экспертларини белгиланган тартибда жалб этиш.

3.5. Ёшлар ва аҳолини компьютер саводхонлиги, чет тилларга ўқитиш, абитуриентларни тестга, референтлар, менежер ёрдамчилари, маркетологлар ва б.ларни тайёрлаш курси бўйича ўқитишга ОТМлар модий-техника воситалари ва кадрларини жалб этиб, хўжалик ҳисоби асосида фаолият юритадиган бўлинмалар тузиш.

3.6. Республика ОТМларида тайёрланадиган мутахассисларнинг буюртмачиси ва улардан фойдаланувчи бўлган чет эл фирмалари, компаниялар, халқаро ташкилотлар вакиллари билан музокараларда иштирок этиш.

3.7. Меҳнат бозори ва таълим хизмати конъюнктурасини ёритувчи расмий материалларни, ахборот технологиялари бўйича нашрларни, CD-ROM да тарқатиладиган даврий нашр ва материалларни олиш, Internet ва электрон почта тизимидан фойдаланиш.

3.8. Давлат идоралари, кадрлар тайёрлаш илмий-техникавий ҳамкорлик ва айирбошлаш бўйича ҳукуматлараро комиссия материалларидан фойдаланиш.

3.9. «Марказ» ўз фаолияти натижаларини тезкор ва бухгалтерия ҳисоб-китобини олиб боради, белгиланган шаклда статистика ва бухгалтерия ҳисоботини юритади.

3.10. «Марказ» Ўзбекистон республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда тугатилади ва қайта ташкил этилади.

«Тасдиқлайман»
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазири_____С.С. Ғуломов

Олий таълим муассасасининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик бўйича проректори ҳақида

НИЗОМ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Олий таълим муассасасининг (ОТМ)нинг ташкилий-иқтисодий ва тадбиркорлик фаолиятини бошқариш тизими ҳақидаги намунавий низом Ўзбекистон республикасини ривожлантириш янги иқтисодий шароитларида таълим муассасаларининг ижобий амалий иш тажрибасини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган.

2. Олий таълим муассасасининг Иқтисодиёт ва тадбиркорлик фаолияти бошқариш тизими (ИТФБТ) тадбиркорлик, ОТМ бюджетдан ташқари маблағини шакллантириш ва ундан фойдаланишни ривожлантириш учун, бозор иқтисодиёти шароитларида ОТМ иқтисодий ва тадбиркорлик фаолиятини ҳамда режа-иқтисод, бухгалтерия, хўжалик ва бошқа хизматлар тегишли ишларини самарали ташкил этиш мақсадида ташкил этилган.

3. ОТМ ИТФБТ иқтисод ва тадбиркорлик фаолияти бўйича проректор томонидан бошқарилади, у ректорга бўйсунади ва ЎзР ОТВ олдида ҳисоб беради.

4. ОТМ иқтисод, тадбиркорлик фаолияти бўйича проректор қуйидаги бўлинмалар фаолиятини уйғунлаштиради:

- тадбиркорлик фаолияти бошқармаси;
- минтақавий бизнес-марказ бошқармаси (бизнес-мактаб);
- режа-иқтисод бўлими (РИБ);
- бухгалтерия (бух);
- хўжалик бошқармаси;

5. ОТМ ташкилий-иқтисодий ва тадбиркорлик фаолияти ЎзР қонунчилиги, ЎзР ҳукуматининг қарор ва фармойишлари, ДФТҚ ва ЎзР ОЎМТВ ҳайъат қарорлари ва бошқа йўриқномалари, шунингдек, таълим муассасаси илмий кенгаш...

ректорати қарорлари асосида раҳбарлик қилинади ва бошқарилади.

6. Иқтисод ва тадбиркорлик фаолияти бўйича проректор иш ҳақига устама бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан белгиланади. Устаманинг миқдори ЎзР ОТВ билан келишиб ОТМ бюджетдан ташқари маблағи ҳажмига кўра тартибга солинади.

1. ОТМ ИҚТИСОД ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БОШҚАРМАСИНИНГ ВАЗИФАСИ ВА ФУНКЦИЯСИ

ОТМ «Иқтисод ва тадбиркорлик фаолияти бошқармаси ОТМ фаолият кўрсатишининг иқтисодий механизмини, бозорга самарали ўтиш усулларини такомиллаштириш асосида қуйидаги ташкилий-иқтисодий вазифа ва функцияларни бажаришни таъминлайди.

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ СОҲАСИДА

1.1. Контракт асосида ҳамкорликда илмий-тадқиқотлар олиб бориш ва турли тадбиркорлик тузилмалари учун шартнома асосида илмий-тадқиқот ишларини бажариш, йўналиш ва мақсадли дастурларни ўзаро манфаатли танлаш йўли билан ишлаб чиқишни ташкил этиш.

1.2. Турли матнларни ва ўқув-методик адабиётларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш бўйича аҳолига ва ҳуқуқий шахсларга пулли хизмат кўрсатиш учун муваққат ижодий жамоалар ёки фирмалар ташкил этиш.

1.3. ОТМнинг манфаатдор ташкилотлар ва корхоналар билан мунтазам ҳамкорлигини беғараз молиявий, техникавий ёки бошқа молиявий хайрия, ускуналарни белул бериш ва ҳ.к. тарзда олиш мақсадида ташкил этиш.

1.4. Фирма, корхоналар учун кадрларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, талабалар амалиёт ўтказишини ташкил этиш хўжалик ташкилий-иқтисодий вазифаларини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш, чуқур илмий-амалий консультациялар ва турли техникавий, ташкилий-технологик ва иқтисодий ечимларни эксперт баҳолаш.

1.5. Жорий этувчи фирмаларни, тадбиркор тузилмалар учун янги компаниялар ва хизмат турларини шакллантириш

мақсадида турли «инкубаторий»лар яратиш ва улар самарали фаолиятини таъминлаш

1.6. Илмий-таълимий марказ теварагида саноат фирма ва корхоналарини бирлаштириш йўли билан технологик парклар ва ҳ.к.ларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш.

ОТМ НЕГИЗИДА ТУРЛИ ЁРДАМЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ СОҲАСИДА

1.7. Босмахона ишлаб чиқариши ва ноширлик фаолиятини ташкил этиш.

1.8. Автомобил транспорти, совутгичлар, ҳисоблаш ва турли рўзғор техникаси ва б.ни созлаш, уларга хизмат кўрсатиш бўйича пунктлар ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарини ташкил этиш, улардан фойдаланиш.

1.9. Ўқув-тажриба, томорқа хўжалиги ва ҳ.к.лар ташкил этиш ва самарали фойдаланиш.

ТЎЛОВ АСОСИДАГИ ТАЪЛИМ ХИЗМАТИ СОҲАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДА

1.10. Малака ошириш, бизнес мактаблар хўжалик ҳисоб-китобидаги тармоқларни жорий этиш ва кенгайтириш, банк ва биржалар ходимларини қайта тайёрлаш, бозор иқтисоди шароитида ишлаш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш.

1.11. Таълим хизматига аҳоли турли гуруҳининг талабини, репититорлар хўжалик ҳисоби асосидаги мактабини, чет тилларни жадал ўргатиш курсларини, бухгалтерия ҳисоб-китоби ва аудиторлик фаолиятини ЭҲМ операторлари ва ҳ.к.ларни ўрганиш бўйича маркетинг фаолиятини ташкил этиш.

1.12. Шартнома (контракт) асосида мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни кенгайтириш, чет эл ОТМлари билан ҳамкорликда тўлов асосида кадрлар тайёрлаш.

1.13. Таълим, илмий-тадқиқот, консалтинг, аудиторлик ахборот-ҳисоблаш ва бошқа тур хизматлар режасини ташкил этиш.

1.14. Вақтинча бўш хоналар, биноларни ва иншоотлар, ўқув-илмий ускуналардан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш

ёки уларни ижарага бериш йўли билан самарали фойдаланиш амалиётини кенгайтириш.

1.15. Банкларга мақсадли қўйиб, самарали корхоналар акцияларини сотиб олиб, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватловчи турли жамғармаларни тузишда иштирок этиб, ОТМ молиявий аҳволини яхшилаш учун ОТМ бюджетдан ташқари маблағини жалб этишнинг илғор шакл ва усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

1.16. ОТМ профессор-ўқитувчилар таркиби ва бошқа ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш.

1.17. ОТМ профессор-ўқитувчилар таркиби ва бошқа тоифа ходимлари, шунингдек, талабаларини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш.

2. ОЛИЙ МАКТАБ БИЗНЕС-ТАЪЛИМ (БИЗНЕС-МАРКАЗ) БОШҚАРМАСИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

2.1. Белгиланган тартибда кенг соҳадаги мутахассислар тайёрлаш мақсадида умумий ўрта маълумотга эга бўлган қишлоқ ёшларини танлаш, қабул қилиш (тестдан ўтказиш йўли билан) ва ўқитишни ташкил этиш.

2.2. *Шартнома асосида менежмент, маркетинг, молиявий* ва банк иши соҳасида, шунингдек, бозор иқтисодиётининг бошқа соҳаларидаги ишлар учун ўрта махсус маълумотли турли касб мутахассисларини қисқа муддатли курсларда малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш.

2.3. Кенг соҳа мутахассисларини, айниқса, қишлоқ ёшлари орасидан, фермер хўжаликлари, хусусий ва кичик корхоналар, банк, молия, солиқ, божхона тизими ва ҳ.к. учун, шу жумладан, мақсадли буюртма асосида, таълим харажатларини тўлиқ қоплаган ҳолда тайёрлашни ташкил этиш.

2.4. Муайян иқтисодий, тадбиркорлик-бошқарув ихтисосликлари бўйича иқтисодий ва бошқа маълумотга эга шахсларни тайёрлашни ташкил этиш.

2.5. Минтақалар турли таркибий бўлинмаларининг ташкилий-бошқарув ходимлари малакасини ошириш, қишлоқ ёшларига кичик ва ўрта бизнесни ташкил этиш ва юритишда методик-консультация ёрдами кўрсатиш.

3. ОТМ РЕЖА-МОЛИЯ БЎЛИМИНИНГ ВАЗИФАСИ ВА ФУНКЦИЯСИ

ОТМ режа-молия бўлими қуйидагиларни таъминлайди:

3.1. Мутахассисларни тайёрлаш истиқболли ва жорий режасини ишлаб чиқиш, ОТМ молиявий фаолиятини ташкил этиш ва режа-молия фаолияти масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

3.2. ОТМ фаолият кўрсатишини таъминлаш учун ходимларнинг лавозим жадвалидаги миқдори ва пул маблағидан тўғри ҳамда самарали фойдаланиш, ўқув йили учун ПЎТ ва ЎЁХ миқдорини белгилаш бўйича ҳисоб-китоблар лойиҳасини ишлаб чиқиш.

3.3. Олий таълим муассасасининг режалаштириши ва молиялашини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчилар таркиби ва бошқа тоифа ходимларни мукофотлаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш.

3.4. Таълим муассасасининг ва бошқа бўлинмаларининг молия-хўжалик фаолияти таҳлилини ўтказиш ва улар фаолиятини яхшилаш учун таклифлар ишлаб чиқиш.

3.5. Лавозим-молия интизомига риоя этилиши юзасидан ректор ва проректор олдида жавобгар ҳисобланади.

3.6. ЎзР ОЎМТВ ОТМ ректорига ҳисобот беради.

4. ОТМ БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТИНИНГ ВАЗИФАСИ ВА ФУНКЦИЯСИ

ОТМ бухгалтерия хизмати қуйидагиларни таъминлайди:

4.1. *Компьютер техникасидан кенг фойдаланиш асосида* бухгалтерия ҳисоб-китоби илғор шакл ва усулларини жорий *этиб хўжаликка самарали раҳбарлик қилиш манфаатларига* жавоб берадиган бухгалтерия ҳисоб-китоби ва ишончли ҳисоботи *тўғри олиб бориши устидан назорат қилиш.*

4.2. ОТМ молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ўз вақтида ва аниқ ҳисобга олиш ва барча молиявий, кредит ҳамда ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш, ҳисоб-китоб тўғрилигини назорат қилиш.

4.3. Касса ва ҳисоб-китоб интизоми, банк муассасаларидан олинган маблағларнинг сарфланиши тўғрилиги, товар-материаллар ва асосий фондлар бошқа қимматдорликларини ўз вақтида, сифатли рўйхатдан ўтказилиши, ҳисоб-китоблар ва

мажбуриятлар бажарилиши, шунингдек, белгиланган тартибда товар-моддий бойликлар баҳоланиши ўтказилишини назорат қилиш.

4.4. Давлат бюджетига тўловлар, давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар ўз вақтида ажратилиши ва ўтказилишини, иқтисодий рағбатлантириш жамғармалари ва бошқа жамғарма заҳираларга маблағ ажратилишини таъминлаш.

4.5. Бошланғич ҳужжатлар ва бухгалтерия ёзувлари асосида бухгалтерия ҳисоботини ишончли тарзда тузиш, уни белгиланган муддатда тегишли идорага тақдим этиш, хўжалик ички заҳираларини аниқлаш, йўқотишлар ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган чиқимларнинг олдини олиш мақсадида бухгалтерия ҳисоб-китоби ва ҳисоботи бўйича ОТМ молия хўжалик фаолиятининг иқтисодий таҳлилини амалга ошириш.

4.6. Дебитор ва кредиторлик қарзларини ўз вақтида қоплаш, тўлов интизомига риоя қилиш, бухгалтерия балансидан етишмовчилик, дебитор қарзлар ва бошқа йўқотишларни ҳисобдан ўчириш қонунийлигини назорат қилиш.

4.7. Пул маблағи ва товар-моддий қимматдорликларни қонунга хилоф тарзда сарфлаш молиявий ва хўжалик қонунчилиги бузилишининг олдини олувчи чораларни кўриш.

5. ОТМ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРУВНИНГ ВАЗИФА ВА ФУНКЦИЯСИ

Хўжалик бошқаруви қуйидагиларни таъминлайди:

5.1. ОТМ моддий-техника негизини ташкил этиш ва ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш.

5.2. ОТМ барча бўлинмаларига хўжалик хизмати кўрсатиш, ўз вақтида сифатли таъмирлаб ва техника хизмати кўрсатиб ишлаб турган барча ускуналарни яроқли ҳолда сақлаш.

5.3. Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Ёнилғи-сурков материалларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини жорий этиш.

5.4. Бинолар, хоналар ва ҳудудларни санитария меъёрларига ва ёнғин хавфсизлигига мувофиқ ҳолда сақлаш, шунингдек, ОТМга бириктирилган ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳамда тегишли тарзда сақлаш.

5.5. Капитал қурилишни уйғунлаштириш, ўқув бинолари, ётоқхоналар, ўқув-ишлаб чиқариш хоналари ва бошқа объект-

ларни тасдиқланган режа ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатига мувофиқ капитал ва жорий таъмирлашни ташкил этиш.

5.6. Ишлаб чиқариш маромини ва моддий ресурслар етказиб беришни, таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни таъминлаш учун ОТМ бўлинмаларига транспорт хизматини таъминлаш, транспорт воситаларидан фойдаланишни яхшилаш, улар самарасини ошириш.

5.7. Ўқув ускуналари, аппаратларга онгли эҳтиёжини ўрганиш, тегишли ташкилотларга буюртмалар тақдим этиш, шунингдек, ускуналар ҳаракатини назорат қилиш, ўқув бинолари, ётоқхоналарни *зарур материаллар, ускуналар, жиҳозлар* билан таъминлаш.

5.8. Бинолар, энергетика, тиббиёт техникаси, шамоллатиш ускунасини техникадан фойдаланишнинг амалдаги қоидаси, ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ тўғри фойдаланиш ва сақлаш устидан техникавий назоратни ташкил этиш, барча бино ва иншоотларни кузги-қишки мавсумда ишлашга тайёрлаш.

5.9. ОТМда умумовқатланишни ва ёритишни таъминлашни, иситиш, шамоллатиш ва канализация тизими ишлашни, ўқув бинолари, ётоқхоналар ва умумфойдаланиш жойларида маиший техника ишлашини ташкил этиш.

5.10. ОТМ объектларига хўжалик хизмати кўрсатиш бўйича тегишли идоралар билан шартномалар тузиш.

6. ИҚТИСОД ВА ТАДБИРКОРЛИК БЎЙИЧА ПРОРЕКТОРНИНГ УМУМИЙ ВАЗИФАЛАРИ

6.1. ОТМ иқтисодий, хўжалик бўлинмаларининг фаолиятига умумий раҳбарликни ва уни уйғунлаштиришни амалга ошириш, тадбиркорлик фаолияти, бизнес-мактаб, режа-молия бўлими, бухгалтерия ва хўжалик бошқармасига бошчилик қилиш, ОТМ номидан турли иш ва хизматларни бажариш учун шартномалар тузиш, тегишли ташкилий-техникавий, иқтисодий, молиявий режалар ва ҳужжатлар тузиш.

6.2. Бюджетдан ташқари молиявий маблағ (БТММ) ни ошириш мақсадида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасида ОТМ бўлинмаларининг фаолиятига раҳбарлик қилиш.

6.3. ОТМ техника ва технологияси негизида ёрдамчи ишлаб чиқариш (босмахона, рўзғорнинг ва бошқа технологияларни тузатиш бўйича устахоналар)ни, БТММ ишлаб топиш учун ўқув-

тажриба ва томорқа хўжалигини ва профессор-ўқитувчилар таркиби, бошқа ходимлар меҳнатини рағбатлантиришни, шунингдек, ОТМ моддий аҳволини яхшилашни ташкил этиш.

6.4. Тўлов асосидаги ўқув-таълим хизмати соҳасини кенгайтириш борасида мужассама тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишига раҳбарлик қилиш.

6.5. ОТМ режа-молия ва хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилиш, молия, кредит ва ҳисоб-китоб операцияларни ўз вақтида амалга оширишни назорат этиш ва таъминлаш, моддий-техника ва бошқа қимматдорликлардан фойдаланишни ҳисобга олиш, давлат бюджетига тўловлар, ижтимоий суғуртага бадаллар ажратиш ва ҳ.к.

6.6. ОТМ моддий-техника негизини ривожлантириш дастури бажарилишини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш, капитал қурилиши бўйича ОТМ бўлинмалари фаолиятига раҳбарлик қилиш, ўқув бинолари, ётоқхоналар ва бошқа объектларни капитал ва жорий таъмирлашни, шунингдек барча бино ва иншоотлар фаолият кўрсатишини таъминлаш (электр, сув, иссиқлик таъминоти ва б.)ни ташкил этиш.

«Тасдиқлайман»
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазири
_____ С. С. Ғуломов

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича проректорлари тўғрисида

НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур намунавий Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги 77-сонли «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги ҳамда 1998 йил 28 январдаги 48-сонли «Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг ижросини амалга ошириш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёнини замон талаблари даражасида ташкил этилишига амалий ёрдам кўрсатиш, таълим тизимида узвийликни таъминлаш мақсадида олий таълим муассасаларида жорий этилилган **академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича проректори лавозимининг** вазифа ва ҳуқуқларини белгилашга қаратилган.

1.2. Мазкур намунавий Низом Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг барча олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида амал қилади.

1.3. Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича проректор **(кейинги матнда — Проректор)** ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги қарорлари, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ҳайъат қарорлари, буйруқлари ва кўрсатмаларига асосланиб олиб боради.

1.4. Проректор лавозимига номзодларни тайинлаш ёки эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш ўрнатилган тартибда

ректорининг тавсиясига биноан Вазирлик Ҳайъатининг қарори асосида амалга оширилади.

1.6. Проректор бевосита олий таълим муассасасининг ректорига, шунингдек Вазирликка бўйсунади.

2. Проректорнинг ҳуқуқлари

2.1. Проректор олий таълим муассасаларининг Илмий ва Илмий-услубий кенгашларига ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаларининг бошқарув кенгашларига аъзо ҳисобланади.

2.2. Проректор академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари педагогик кенгашларида белгиланган режага мувофиқ иштирок этади, ваколати доирасидаги масалалар бўйича таклиф ва тавсияларни олий таълим муассасаси ректорига, ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси ва Вазирликка тақдим этади.

2.3. Проректор академик лицей, касб-ҳунар коллежларида ташкил этилган кафедралар филиалларини ва олий таълим муассасалари маркетинг хизматлари бўлимларини кадрлар билан таъминлаш масалаларида таклиф киритади.

2.4. Проректор ходимларни модул рағбатлантириш, хизмат вазифасини бажара олмаган ходимларга нисбатан маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги буйруқ лойиҳалари ишлаб чиқишда иштирок этади.

2.5. Проректор Вазирлик томонидан рўйхати тасдиқланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ушбу Низом доирасида ҳамкорлик қилади.

3. Проректорнинг мажбуриятлари

3.1. Ўқув ишлари бўйича проректор билан биргаликда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қошида олий ўқув юртлари ташкил этган кафедра филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш, бозор иқтисодиёти талаблари асосида таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқишда таълим узлуксизлигини таъминлашни амалга оширади.

3.2. Ихтисослашган кафедралар ва олий таълим муассасалари маркетинг хизмати бўлимлари фаолиятини ташкил этади, олий таълим муассасаси, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига бўлган бозор

эҳтиёжининг минтақа ва соҳалар бўйича маркетинг изланишларига асосланган мунтазам таҳлилини олиб боради.

3.3. Минтақалардаги ёшларнинг бандлилик даражаси, билим ва ҳунар олишга бўлган эҳтиёжлари, уларнинг касбга йўналтирилиши ва истиқболда олий таълим муассасаларида ўқишга жалб этилиши, таълим муассасалари ўзгарувчан бозор талабларига тез мослашувини ташкил этади.

3.4. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ўқув-услубий таъминланганлик даражасини таҳлил этиш, бу борадаги камчилик, муаммо ва вазифаларни аниқлаш, уларни бартараф этишда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари билан ҳамкорлик қилади.

3.5. Таълим хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш, таълим тизимининг демократик ва бозор ислоҳотлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида маркетинг изланишларини янада такомиллаштириш борасида фаолият юритади.

3.6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий салоҳияти, магистрант, аспирант ва докторантларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўриндошлик асосида жалб қилинишини ташкил этишда тегишли ёрдам беради.

3.7. Вазирлик, олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари профессор-ўқитувчилари салоҳиятларидан фойдаланиб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун маъруза матнлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари, диплом, курс ва лаборатория ишларини бажариш бўйича услубий қўлланмалар тайёрлашни ўқув ишлари проректори билан ҳамкорликда ташкил этади ҳамда уларни кутубхоналарга етказилишида амалий ёрдам беради.

3.8. Кутубхоналар ишини янги талаблар ва информацион технология воситалари асосида ташкил қилиш, ўқув адабиёт фондларини уларнинг электрон версиялари билан бойитиш, улардан фойдаланиш шарт-шароитини яратиш борасида ўқув ишлари проректори билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

3.9. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида маркетинг хизмати фаолиятини йўлга қўйиш ва такомиллаштирилишини ташкил этади.

3.10. Проректор академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги кафедра филиаллари, шунингдек олий таълим муассасасининг маркетинг хизмати бўлимлари фаолияти тўғрисида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Иқтисодиёт, инве-

стиция ва маркетинг хизмати бош бошқармасига йилнинг ҳар чорагида ёзма ҳисобот топширади.

3.11. Проректор академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига юқори малакали, чет тиллари, замонавий компьютер ва ахборот технологияларини мукаммал билган олий маълумотли иқтидорли ёшларни педагогик фаолиятга жалб этилишида амалий ёрдам беради.

3.12. Проректор академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини аъло баҳоларга битирган иқтидорли ёшларни олий таълим муассасаларига танловда иштирокларини таъминлашда қатнашади.

3.13. Проректор академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг хорижий жамгармалар ва дастурлардан самарали фойдаланишида амалий ёрдам кўрсатади.

3.14. Проректор академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида илғор технологиялар, замонавий ахборот воситалари жорий этилишида ҳамкорлик қилади.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси олий
ва ўрта махсус таълим вазири
«__»_____200_ й.

Вазирлик маркетинг хизмати марказидаги Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимининг таълим муассасалари ахборот технологиялари ва масофадан ўқитишни ривожлантириш бошқармаси ҳақидаги

НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом Вазирлик маркетинг хизмати марказидаги Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимининг таълим муассасалари ахборот технологиялари ва масофадан ўқитишни ривожлантириш бошқармасининг ҳуқуқий мақоми ташкил этилиши ва тугатилиши таркиби, фаолияти асосий йўналиши, ишнинг ташкил этилишини белгилаб беради.

1.2. Бошқарма ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 23 майдаги қарори ва ОТВнинг 2001 йил 1 июндан 230-рақамли «Вазирлик маркетинг хизмати марказида ахборот технологиялари ва масофадан ўқитишни ривожлантириш бошқармаси ҳақида»ги буйруғига асосан ташкил этилган.

1.3. *Бошқарма ўз фаолиятида* ЎзР *«Таълим тўғрисида»ги* қонунига, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига, Республика Президентининг Фармонларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги низомига ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизимида мософадан ўқитиш ва ахборот технологияларини қўллашни ривожлантириш бўйича Вазирлик ҳайъати қарорларига, Вазирликларнинг хизмати ҳақидаги низом ва ушбу Низомга амал қилади.

1.4. Бошқарма фаолияти бюджет ва бюджетдан ташқари маблағ ҳисобига амалга оширилади.

1.5. Бошқармага Вазир буйруғи билан тайинланадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

2. Бошқарма фаолиятининг асосий йўналишлари

2.1. Ахборот технологиялари, дастур таъминоти ва масофадан ўқитиш соҳасида кодларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштиришга кўмаклашиш.

2.2. Янги ташкил этилган академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларига компьютерларга хизмат кўрсатиш, минтақавий, алоқавий ускуналарга хизмат кўрсатиш бўйича ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашга услубий ёрдам кўрсатиш.

2.3. Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари ўқув жараёнида янги ахборот технологиялар ва масофадан ўқитишни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

2.4. Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларининг корпоратив тармоғини тузиш.

2.5. Ахборот технологиялар ва масофадан ўқитиш тизимини ривожлантириш бўйича академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаси ишларини уйғунлаштириш.

2.6. Хизмат кўрсатиш ва услубий материаллар ишлаб чиқиш бўйича илмий-амалий семинарлар ўтказиш.

2.7. Республика таълим муассасаларига янги ахборот технологиялар ишлаб чиқиш ва уларни МЎ тизимида қўллашда ёрдам кўрсатиш.

2.8. Масофадан ўқитиш ахборот технологияларни техникавий ва дастурий таъминлаш бўйича академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларига услубий ёрдам кўрсатиш ва консультация бериш.

2.9. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг сифатини ошириш билан боғлиқ бошқа тур ташкилий ва илмий-услубий фаолиятларни амалга ошириш.

2.10. Касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари, ўқув жараёнига замонавий компьютер информацион технологиялар ва масофадан ўқитишларни кенг татбиқ этишга кўмаклашиш.

2.11. Замонавий компьютер ва ахборот технологиялари, масофадан ўқитиш бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш даражасини оширишда республика олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига кўмаклашиш.

2.12. Халқаро ахборот тармоғига, шу жумладан «Интернет»га, бошқа (меҳнат бозори ва таълим хизмати конъюнктурасини ёри-

ўқувчи расмий материалларга кириб боришнинг таълим тизими халқаро маркетингни кенгайтириш мақсадида кўмаклашиш.

2.13. Академик лицей, касб-ҳунар коллежи ва отмларда ахборот технологияларни ривожлантириш учун инвестициялар ва грантларни жалб этиш.

2.14. Илғор ахборот технологиялардан фойдаланувчи ва республика ОТМларида тайёрланувчи мутахассислар буюртмачиси ёки фойдаланувчиси бўлган хорижий фирма, компания, халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан лойиҳаларни тайёрлаш ва уларда қатнашиш, шунингдек, таълим халқаро маркетинги соҳасида улар билан ҳамкорлик қилиш.

3. Бошқарма фаолиятини бошқариш ва ташкил этиш

3.1. Бошқарма бошлиғи ОТВ буйруғига кўра, ходимлар Бошқарма бошлигининг буйруғи билан тайинланади. Бошлиқ бутун фаолиятга Бошқарма ва Маркетинг хизмати марказининг низомлари асосида раҳбарлик қилади.

4. Бошқарманинг асосий ҳуқуқ ва мажбурийти

Бошқарма ҳуқуқлари:

4.1. Вазирликлар, муассасалар, корпорациялар, ассоциациялар ва ташкилотлар, жойлардаги ҳокимликлар ва бошқа ижроия органлари, шунингдек, хорижий ва халқаро ташкилотлар, фирмаларнинг вакиллари билан ахборот технологиялар ва масофадан ўқитиш маркази ваколати доирасида белгиланган тартибда боғланиш.

4.2. Вазирлик бўлинмалари ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар, вазирликлар ва муассасалар, Ўзбекистон Республикаси элчихоналаридан мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, бошқарма вазифасини ҳал этиш учун зарур ахборот-маълумот материалларни сўраш.

4.3. ОТМлар ходимлари ташкилот ва муассасалар ва киллари билан Бошқарма фалиятига тааллуқли масалалар бўйича ишчи кенгашлари ўтказиш.

4.4. Консультацияларга, лойиҳаларни биргаликда баҳолаш, ахборот технологиялари ва масофадан ўқитишнинг келгусидаги ривожини белгилашга республика экспертлари ва Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларни белгиланган тартибда жалб этиш.

4.5. Ахборот технологиялар ва масофадан бошқариш ривожига кўмаклашувчи чет эл фирмаларининг вакиллари билан музокараларда қатнашиш.

4.6. Ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш ҳамда тегишли масалалар бўйича электрон материалларни, матбуот ва манбаа материаллари, бошқа расмий материалларни, олиш, Интернет ва электрон почта тизимидан фойдаланиш.

4.7. Кадрлар тайёрлаш, илмий-техникавий ҳамкорлик ва айирбошлаш бўйича ҳукуматлараро комиссия, давлат идоралари материалларидан фойдаланиш.

4.8. Масофадан ўқитиш, янги ахборот технологиялари бўйича электрон ва нашр маҳсулотларини белгиланган тартибда тайёрлаш ва чиқариш.

4.9. Электрон интеллектуал дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш бўйича танлов ташкил этиш.

4.10. Масофадан ўқитиш, янги ахборот ва бошқа технологиялар бўйича академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларининг илмий-услубий ишланмалари экспертизасини амалга ошириш.

4.11. ОЎМТВ таянч таълим муассасалари; ЎзР ФА, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти, Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти, Ўзбекистондаги ва чет элдаги бошқа манфаатдор ташкилотлар билан янги ахборот технологиялари асосида масофадан ўқитишни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш бўйича биргаликда фаолият олиб бориш.

4.12. Таълим муассасалари, марказлар ва чет эл тузилмалари билан масофадан ўқитиш, янги ахборот технологиялари бўйича ижодий алоқани ўрнатиш ва ривожлантириш.

4.13. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш, олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти билан биргаликда масофадан ўқитишни меъёрий-ҳуқуқий таъминлашни амалга ошириш.

4.14. Белгиланган шаклда фаолият мониторинги олиб бориш.

5. Ходимларнинг ҳуқуқ ва лавозим мажбуриятлари

1. Бошлиқ - раҳбарият, юқори ташкилотларда вакиллик, бошқарув ишини режалаштириш, бошқарув фаолиятини ва молияни назорат қилиш – 1 лавозим бирлиги.

2. Бошлиқ ўринбосари – раҳбарият, ахборот технологиялари ва масофадан бошқариш бўйича методикалар ишини режа-

лаштириш, уйгунлаштириш, ахборот технологиялари ва масофадан ўқитишни ривожлантириш истиқболли йўналишини белгилаш. Кредитлар ва грантлар олиш лойиҳасини тайёрлаш ва назорат қилиш — 1 лавозим бирлиги.

3. Олий тоифа методист, ахборот технологиялар сектори мудири — Ахборот технологиялари (АТ) бўйича методистларнинг ишларини режалаштириш. Ахборот технологиялари бўйича ўқув методикаси билан таъминлашни, Техникавий таъминот, корпоратив маҳаллий ва умумвазирлик алоқа тармоғини, таълим муассасалари тармоғини, компьютерлар ва тармоқлардаги телеалоқа ускуналари ишини назорат қилишни, АТ ни методик қўллашни, уларни ўқув-методик таъминлашни ишлаб чиқиш. АТ соҳасида танловлар ташкил этиш ва ўтказиш — 1 лавозим бирлиги.

4. Олий тоифа методист, Масофадан ўқитиш (МЎ сектори мудири — масофадан ўқитиш бўйича методистлар ишини режалаштириш. Масофадан ўқитиш бўйича ўқув-методикаси билан таъминлаш. МЎни қўллаш усулини ишлаб чиқиш, уларни ўқув-методикасини таъминлаш — 1 лавозим бирлиги.

5. Олий тоифа методист, лойиҳалар сектори раҳбари лойиҳалар асослаб чиқиш ва жорий этиш, кредит ва грантларга талабнома ёзиш. Касб-ҳунар мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасида лойиҳалар ишлаб чиқиш — 1 лавозим бирлиги.

6. Олий тоифа методист, менежмент ва маркетинг сектори раҳбари — маркетинг ва менежмент тадқиқотлари ўтказиш — 1 лавозим бирлиги.

7. Биринчи тоифа методист — таянч таълим муассасалари билан ишлаш: ОТМлар, академик лицейлар ва ахборот технологиялари (маълумотлар тайёрлаш муаммосини аниқлаш, методик ёрдам, биринчи ўриндаги фанларни аниқлаш Атдан фойдаланиш мониторинги)ни ривожлантириш бўйича касб-ҳунар коллежлари билан.

8. Биринчи тоифа методист — магистрлар ва бакалаврлар тайёрлаш ўқув жараёнида АТ дан фойдаланиш, Тошкент ш. Да ОЎМТВ тизими ўқитувчиларини қайта тайёрлашни ташкил этиш — 1 лавозим бирлиги.

9. Биринчи тоифа методист — ишончли донорларга кредит ва грантлар учун талабнома ёзиш, ҳужжат юритиш, лойиҳалар тайёрлаш ва бажариш мониторинги, чет тилларга таржима қилиш — 1 лвозим бирлиги.

10. Биринчи тоифа методист – масофадан ўқитишни ривожлантириш бўйича ОТМлар таълим муассасалари билан ишлаш: академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари.

11. Биринчи тоифа методист - ҳужжат юритиш, лойиҳалар тайёрлаш ва бажариш мониторинги, чет тилга таржима қилиш – 1 лавозим бирлиги.

12. Биринчи тоифа методист – кредитлар ва грантларга талабнома тайёрлаш ва тузиш, магистрлар тайёрлаш республика ва Тошкент шаҳаги Отмларда ўқув жараёнида АТ ва МЎ ни қўллашни ташкил этиш.

Вазирлик маркетинг хизмати марказидаги Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимининг таълим муассасалари ахборот технологиялари ва масофадан ўқитишни ривожлантириш бошқармаси лавозим жадвали

Лавозим	Миқдор	Тоифа	Ойлик маош
Бошқарма бошлиғи	1		
Бошқарма бошлиғи ўринбосари	1		
Бош мутахассис	4		
Етакчи мутахассис	6		

БОШҚАРМАНИНГ ТУЗИЛИШИ

Бошқарма бошлиғи

Бошқарма бошлиғи ўринбосари

Масофадан ўқитиш бўлими	Ахборот технологиялари бўлими	Лойиҳалар бўлими	Менежмент маркетинг бўлими

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш маркази тўғрисида

НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Намунавий Низомда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ЎзР ОЎМТВ) таълим муассасалари ахборот технологиялари ва масофадан ўқитишни маркази (АТМЎМ)нинг ҳуқуқий мавқеи, ташкил этиш ва тугатиш тартиби, фаолиятининг асосий йўналишлари, ишини ташкил этилиши белгилаб берилган.

1.2. Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.05.2001 й.даги 230-рақамли қарорини, ЎзР ОЎМТВ 25.01.2001. й.даги 23-рақамли «ОЎМТВ тизими таълим муассасаларида ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғини бажариш мақсадида ва университет ректорининг буйруғи асосида ташкил этилган. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ОТМ уставига амал қилади.

1.3. Марказга олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи асосида Ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш бошқармаси билан келишган ҳолда тайёрланадиган директор бошчилик қилади.

1.4. Марказга илмий-методик раҳбарлик ЎзР ОЎМТВ маркетинг хизмати маркази қошидаги ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

1.5. Марказни молиялаш бюджет ва бюджетдан ташқари маблағ, шунингдек, марказ фаолиятидан келадиган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

1.6. Марказ университетнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагича:

2.1. Университет компьютер ва ахборот инфратузилмасини тузиш ва қўллаб-қувватлаш.

2.2. Ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш тизимини таълим жараёнига тадбиқ этиш, электрон кутубхона, ахборот тизими ва ўқув жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини барпо этиш.

2.3. Замонавий ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш соҳасида университет профессор-ўқитувчилар таркиби учун семинар-машқлар ўтказиш.

2.4. Университет ўқитувчилари, аспирантлари ва талабаларининг Интернет тармоғи ва миллий илмий-таълим тармоғидан эркин фойдаланишларини таъминлаш.

2.5. Ахборот-алоқа технологиялари соҳасида масофадан ўқитиш ва ўқув-методика негизи тизимини яратиш бўйича ОТМ факультет ва кафедраларининг фаолиятини уйғунлаштириш (ўқув-методика материаллари, электрон дарсликлар, масофадан ўқитиш курсларини ишлаб чиқиш).

2.6. Республикада ахборот-алоқа технологиялари, масофадан ўқитишнинг турли муаммоларига бағишланган конференция, семинар, симпозиум ва кўргазмалар ташкил этиш.

2.7. Республика таълим муассасалари, марказлари ва бўлинмалари, шунингдек, чет эл мамлакатлари билан тажриба алмашиш, турли тадбирлар ўтказиш, янги ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш ўқув курсларини биргаликда барпо этиш мақсадларида ижодий алоқалар ўрнатиш ва уларни мустаҳкамлаш.

2.8. Ахборот технологиялари, масофадан ўқитиш, дастурий воситалар, автоматлаштирилган ахборот тизимлари бўйича яратилаётган ўқув методика қўлланмалари сифатини бошланғич экспертизадан ўтказиш.

2.9. Университетда олиб борилаётган илмий ишлар ва ҳ.к.ларни олиб бораётган марказнинг фаолияти ҳақидаги ахборот (ахборотнома ва б.)ларни тарқатишни ташкил этиш.

2.10. ОТМ фаолияти, масофадан ўқитиш марказлари, масофадан ўқитиш курслари ва б. ҳақидаги тўлиқ ахборотга эга университет *Интернет сайтини яратиш ва қўллаб-қувватлаш.*

2.11. Ахборот технологиялари ва университетдаги масофадан ўқитиш тизимини ривожлантиришга маҳаллий ва чет эл ташкилотларининг инвестиция ва грантларини жалб қилиш.

3. Марказнинг мажбуриятлари:

3.1. ОТМни замонавий компьютер ва тармоқ ускуналари билан таъминлашга бўлган эҳтиёжи ҳақида таклифларни тайёрлаш.

3.2. Университет кампус тармоғи (Интранет ва Интернет тармоғи)ни яратиш ва қўллаб-қувватлаш.

3.3. Университет компьютерларини ўрнатиш ва дастурий таъминлашни қўллаб-қувватлаш.

3.4. ОТМ ахборот тизимини барпо этиш ва қўллаб-қувватлаш:

— ўқитувчилар, аспирантлар ва талабаларни ахборот, таълим, алоқа ресурслари билан таъминлаш;

— ОТМ ахборот ва таълим ресурсларини миллий ахборот илмий-таълим тармоғи UzRENга уйғунлашувига кўмаклашиш.

3.5. Компьютер синфлар яратишга кўмаклашиш.

3.6. Масофадан ўқитиш ва компьютер технологияларидан фойдаланишни жорий этиш бўйича ўқув-методика негизини яратиш.

3.7. Электрон дарсликлар яратиш ва уларни ўқув жараёнига тадбиқ этишга кўмаклашиш.

3.8. Электрон дарсликлар ва маърузалар матнини электрон форматда ички рўйхатини юритиш.

3.9. ОТМ негизида электрон кутубхона, электрон каталоглар жорий этиш, хорижий электрон кутубхоналарга кириб боришни таъминлашни ташкил этишда қатнашиш.

4. Марказ тўлов асосида қуйидаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга:

4.1. Замонавий ахборот технологияларини ўқитиш.

4.2. Дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш, ўқитиш, фойдаланиш ва техникавий кўмаклашиш.

4.3. Интернет ва электрон почта хизмати кўрсатиш.

4.4. Компьютерлар ва ахборот технологиялари соҳасида созлаш хизмати кўрсатиш.

4.5. Юқори сифатли компьютер, тармоқ ва телеалоқа ускуналари ҳамда замонавий дастурий таъминотни танлаш бўйича хизмат кўрсатиш.

4.6. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ОТМ низомига зид бўлмаган бошқа хизматларни кўрсатиш.

5. Фаолиятни бошқариш ва ташкил этиш

5.1. Марказга раҳбарликни ОТМ ректорининг ахборот технологиялари ва масофадан бошқаришни ривожлантириш бошқармаси билан келишган ҳолда буйруқ асосида тайинланадиган марказ бошлиғи амалга оширади.

5.2. Марказ ходимлари марказ директорининг тавсияси бўйича ректор томонидан ишга қабул қилинади.

5.3. Директор марказ низоми ва университет уставига мувофиқ бутун фаолиятга раҳбарликни амалга оширади.

6.4. Маркетинг тадқиқотлари учун ҳисобот шакллари (*мустақил ишлаш учун*)

Бу қисмда зарур малакаларни олиш учун билимларни эгаллаш мобайнида тўлдириш зарур бўлган шакллар келтирилди.

Бошланғич (статистик) маълумотларни декапатдан олиш мумкин ёки эркин рақамлар билан тўлдирилиши мумкин. Ваҳоланки, асосий вазифа — бу материаллар билан қандай муомала қилишни билишдир.

"Рўйхатга олинди"
"____"_____2003 й.
Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги

1. Вазир ўринбосари

2. Бошқарма бошлиғи

_____ имзоси

_____ 2003 й.

2003 йилга харажатлар сметаси

Ташкилот_____
Тўлиқ манзил_____
Индивидуал (умумий) _____
Бюджет_____
Қисм_____
Боб_____
Параграф _____
Ўлчов бирлиги, минг сўм.

Моддалар	Харажат тури	Объект	Кичик объект	2003 йил		2003 йил					
				Кирит. ул. ҳисобга олиб тасд.	Бажа-рилиши кутилаётган харажат	Ёпиқ-лик ажра-тилиши	Жами	Шу жумладан кварталлар бўйича			
								I	II	III	IV
I-гуруҳ харажатлар иш ҳақи ва шуларга тенглаштирилган тўловлар											
Иш ҳақи	1	1	0								
Ишлаб турган оналарга болалари 2 ёшга тўлгунича уни тарбиялаш бўйича ҳар ойлик нафақа.	3	4	2								

Модлар	Харажат тури	Объект	Кичик объект	2003 йил		2003 йил					
				Кирит. ўзг. ҳисобга олиб тасд.	Бажарилди (амалдаги харажат)	Ташкилот ажратгани	Тасдиқланди				
							Жами	Шу жумладан кварталлар бўйича			
								I	II	III	IV
I-гуруҳ харажатларининг жами				0	0	0	0	0	0	0	0
II-гуруҳ харажатлар: иш ҳақига ажратмалар											
Ижт.бер.вақтларининг ажратмалари	1	2	0,0				0				
IV-гуруҳ харажатлари — бошқа харажатлар											
Бошқа харажатлар — жами											
Жами:				0	0	0	0	0	0	0	0
Бюджетдан қопланадиган харажатлар											
Бошқа манбалар ҳисобига											

Ташкилот раҳбари

Бош бухгалтер

ТЎРТИНЧИ ГУРУҲ ХАРАЖАТЛАР «БОШҚА ХАРАЖАТЛАР» БЎЙИЧА ТАВСИФЛОВ

минг.сўм

Моддалар	Харажатлар тури	Объект	Кичик объект	2003 йил учун тасдиқланди				
				Жами	Шу жумладан кварталлар бўйича			
					I	II	III	IV
Бошқа харажатлар — жами				0	0	0	0	0
Шу жумладан								
Хизмат сафари харажатлари	**1**	**3**	**0,0**	0				
Коммунал хизматлар харажатлари — жами	**1**	**4**	**0,0**	0	0	0	0	0
Электроэнергия учун			10	0				
Табиий газ учун тўлов			20	0				
Қувур учун тўлов			30	0				
Иссиқлик ва иссиқлик энергияси учун тўлов			40	0				
Сув ва канализация учун тўлов			50	0				
Суғуртиларни тушаш ва ташиш хизмати тўлови, шунингдек, бошқа энергия ва ресурслар олиш харажатлари (бензин ва бошқа ЁСМ бундан истисно)			90	0				
Телефон, телекоммуникация ва ахборот хизмати бўйича харажатлар	**1**	**5**	**0,0**	0				
Жорий таъмирлаш учун харажатлар	**1**	**6**	**0,0**	0				
Фаолият юритиш, ижара чиқимлари, эксплуатация харажатлари ва бошқа хизматларга тўлаш учун харажатлар —жами	**1**	**7**	**0,0**	0	0	0	0	0
Автомобил транспорти ва техникани сақлаш , хизмат кўрсатиш ва ижараси учун харажатлар			40	0				
Бензин ва бошқа ЁСМ харажатлари			50	0				
Таълим учун харажатлар			65	0				
Фаолият кўрсатиш, ижара учун бошқа харажатлар ва эксплуатация харажатлари, бошқа хизматлар учун харажатлар			90	0				
Техника, жорий мақсадлар учун ускуна ва ашёлар, озиқ-овқат **маҳсулоти олиш учун харажатлар**	**1**	**8**	**0,0**	0	0	0	0	0

Модлар	Харажатлар тури	Объект	Кичик объект	2003 йил учун таклифлари				
				Жами	Шу жумладан кварталлар бўйича			
					I	II	III	IV
Техника, оргтехника, ускуналар, ашёлар ва материаллар учун гаражлар			10	0				
Озиқ-овқат маҳсулотлари олиш учун гаражлар			30	0				
Дори-дармонлар ва бошқа материаллари олиш гаражлари			40	0				
Кийим, пойабзал, иш кийимлари, чойшаб ва бошқа буюмлар учун гаражлар			50	0				
Техника, ускуналар ва анжомлар олиш учун бошқа гаражлар			90					
Бошқа жорий гаражлар	1	9	**0,0**	0				
Жорий ўз-ўзидан анжомлари	3	4	**0,0**	0	0	0	0	0
Уй хўжалик бошқа анжомлари			90	0				
Асосий активларни сотиб олиш	4	1	0,0	0				
Ишлаб чиқариш соҳасидаги кап.таъмирлаш гаражлари	4	5	**0,0**	0				

Ташкилот раҳбари

Бош бухгалтер

2-илова

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йўриқномасига _____ №849

Харажатларнинг асосий сметаси _____ йил

Ташкилот _____

Тузилма бўлим _____

Иқтисодиёт (умумий) _____

Бюджет _____

Кием _____

Боб _____

Параграф _____

Ўлчов бирлиги – минг сўм

Модуллар	Харажатлар тури	Объект	Кичик объект	Тасдиқланган				
				Жами	Шу жумладан			
					I	II	III	IV
I гуруҳ харажатлари — иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар								
Иш ҳақи	01	1	00					
Стипендия	03	4	10					
Ишлайдиган оилаларга боласи 2 ёшга тўлгунича уни парваришлаш учун ҳар ойлик нафақа	03	4	20					
Барчаси (I гуруҳ харажатлари бўйича жами)								
II гуруҳ харажатлари — иш ҳақига ажратмалар								
Иш берувчиларнинг ажратмалари — жами	01	2	00					
IV гуруҳ харажатлари — бошқа харажатлар								
Бошқа харажатлар — жами								
Хизмат сафари харажатлари	01	3	00					
Коммунал хизмат харажатлари — жами	***01***	***4***	***00***					
Электр энергия учун ҳақ тўлаш			10					

Модда лар	Хара-жатлар турн	Объект	Кичик объект	Тасдиқланган				
				Жами	Шу жумладан			
					I	II	III	IV
Табиий газ учун тўлов			20					
Кўмир учун тулов			30					
Иссик сув ва иссикдик энергияси учун тўлов			40					
Сув ва канализация учун тўлов			50					
